



اذربکستان سس ر فطرئہ کہ دیمیه سی  
اور یحان بیرونی نامیده گی شرق شناسک ایستیتی

سیدی علی رئیس

# مرآت الممالک

اذربکستان سس ر فطرئہ کہ دیمیه سی شریاتی  
تاشکند . ۱۹۶۳

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАҢЛАРАКАДЕМИЯСИ  
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК  
ИНСТИТУТИ

х 9(м)1

С 28

СЕЙДИ АЛИ РАИС

# МИРЪОТУЛ МАМОЛИК

(МАМЛАКАТЛАР КЎЗГУСИ)

Таржима ва изоҳлар  
Ш. ЗУННУНОВНИКИ

Таҳрир ва сўз боши  
тарих фанлари кандидати  
С. АЗИМЖОНОВАНИКИ



ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАҢЛАРАКАДЕМИЯСИ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ, 1963

*XVI асрда яшаган турк олими Сейди Али Раис ўзининг бу тарихий асарида тасодифан Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва Ироқ бўйлаб қилган саёҳати вақтида бошидан кечирган воқеаларни батафсил баён этади.*

*Китоб шарқшунослар, тарихчилар, олий ўқув юрталарининг студентлари шунингдек, Ўрта Осиё тарихи билан қизиқувчи кишиларга мўлжалланади.*

**Сейди Али Раис.**

**Миръотул мамолик.** (Мамлакатлар кўзгуси).

Т., Ўзфанакаднашр, 1963.

160 бет. (ЎзССР ФА. Абу Райҳон Беруний

номидаги Шарқшунослик ин-ти).

Тит. в. паралл. турк шрифтида.

Сейди Али Раис. Зеркало стран.

9(И) 1

*На узбекском языке*

СЕЙДИ АЛИ РАИС

МИРЪАТАЛ-МАМАЛЫК

(Зеркало стран)

Картани тузувчи Ҳ. Ҳасанов

Муҳаррир Д. Мўминова

Техмуҳаррир Ҳ. Қорабоева

Корректор Ҳ. Саъдуллаева.

---

Теришга берилди 20/XII-62 й. Босишга рухсат этилди 8/II-63-й.  
Формат 84×108<sup>1/32</sup>-2,5 қоғоз л.—8,2 бос ма л. Нашриёт л. 8,68 (1вкл.)  
Нашриёт № 557 Тиражи 3000. Баҳоси 52 т. Муқоваси 20 т.

---

ЎзССР Фанлар академияси нашриётининг босмаҳонаси, Ҳоразм кўчаси, 9. Заказ 1403. Нашриёт адреси: Куйбишев кўчаси, 15.

Ўрта асрда ўтган турк адмиралли Сейди Али Раиснинг «Миръотул мамолик» («Мамлакатлар кўзгуси») номли, ҳажм жиҳатдан кичик, лекин сермазмун асари Туркия, Ҳиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиё ва Эрон мамлакатларида XVI асрнинг ўрталарида юз берган сиёсий вазият, ўзаро дипломатик, савдо ва иқтисодий муносабатлар масаласига оид қимматли тарихий материалларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, воқеаларнинг баён этилиши билан Абдураззоқ Самарқандийнинг «Ҳиндистон сафарномаси»га ўхшаб кетади. Лекин Сейди Али Раис ўз асарини Абдураззоқ Самарқандийдан рота 100 йил кейин, яъни 1553—1556 йиллар орасида ёзган. Китоб муаллифи Сейди Али маршрути, шунингдек, ёзувчининг ўз давлатида тутган ўрни жиҳатидан ҳам Абдураззоқ Самарқандийга нисбатан тамоман бошқачадир.

«Ҳиндистон сафарномаси» номи билан шуҳрат қозонган асар муаллифи Абдураззоқ Самарқандий, бутун вужуди билан ўз даврининг юқори маданиятли, ҳар томонлама билимли ва нозик табиатли бир кишиси бўлиб, Шоҳрух саройида ўз илми ва зеҳни туфайли шуҳрат топган ва бу билан Шоҳрухнинг олий назарига сазовор бўлиб, Ҳиндистонга юборилаётган элчиларнинг сардори қилиб тайинланган бўлса-да, у биринчи навбатда олим, нозик фикрли тарихчи сифатида ўз даврининг аслзода, юқори табақа давлат арбобларидан ажралиб турарди. «Миръотул мамолик» автори Сейди Али Раис бўлса, кўп жанглarda қатнашиб шуҳрат қозонган машҳур денгизчи, забардаст турк адмиралларидан бири эди. Шу туфайли ҳам унинг бу асарида авторнинг руҳи, дунёқараши сезилиб туради. «Миръотул мамолик» ўша замон Ўрта Шарқ феодал давлатлари:

Туркия, Ҳиндистон, Афғонистон, Урта Осиё ва Эрондаги сиёсий вазиятни яхши билган, ўзаро феодал курашлари, ўрта аср денгиз флоти, сув жангларининг ўзига хос томонлари, қуруқликдаги ҳарбий феодал кучларнинг мувоzanати, давлатлар ўртасидаги дипломатик ва ҳарбий муносабатлардан хабардор бўлган киши томонидан ёзилганлиги сабабли ниҳоятда муҳим асарлардан бири ҳисобланади. Ундан ташқари, Сейди Али Раиснинг ўз даврининг машҳур географи бўлганлиги асарнинг қимматини яна ҳам оширади.

«Миръотул мамолик» ўрта аср тарихи, этнографияси ва географиясини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам қимматли асардир. Мана шунинг учун ҳам Сейди Али Раис ва унинг «Миръотул мамолик» асари совет ва Ғарбий Европа шарқшунос олимларининг диққатини бир неча бор ўзига жалб қилган. Бу асар дастлаб Генрих Фридрих фон Диз томонидан немис тилига таржима қилиниб, 1815 йили унинг «Осиё мемуарлари»<sup>1</sup>да босилиб чиқди. Сўнгра «Азиатик» журналида Морезнинг француз тилига қилган таржимаси ҳам босилди<sup>2</sup>. Ниҳоят, 1899 йили Вамбери уни инглиз тилига таржима қилди<sup>3</sup>.

Совет арабшуносларининг отаси марҳум И. Ю. Крачковский ўзининг «Араб адабиёти тарихи»<sup>4</sup> номли асарида Сейди Али Раиснинг географияга оид бошқа машҳур китоби «Муҳит»<sup>5</sup>нинг аҳамиятига тўхтаб, Сейди Али Раис ҳаёти ва илмий фаолиятига доир чуқур илмий мулоҳазалар юритган И. Ю. Крачковский Ғарб олимларининг Сейди Али Раис илмий фаолияти ҳақидаги кўпгина чалкаш мулоҳазаларига чек қўйди, кўпдан-кўп илмий далиллар асосида Сейди Али Раиснинг Шарқ адабиётида тутган катта ўрнини қайта тиклади. Сейди Али

---

<sup>1</sup> Heinrich Friedrich von Diez, *Dehkwürdigkeiten von Asien*, II, S. 733—967.

<sup>2</sup> „*Journal Asiatique*“, IX, 27—299, et X, 46—112.

<sup>3</sup> „*The Travels and Adventures of the Turkish Admiral Sidi Ali Reis in India, Afghanistan, Central Asia and Persia, during the Years 1553-1556*“. Translated from the Turkish, with Notes, by A. Vambéry. London, 1899.

<sup>4</sup> И. Ю. Крачковский, *История арабской литературы*, Избранные сочинения, том IV, М. — Л., 1957, стр., 557, 565—566, 569—576, 581, 583—584, 587, 590, 621, 677.

<sup>5</sup> Сейди Али Раиснинг бу асари 961 ҳижрий йилда (1554 милодий) ёзилган.

سیاحت

И.Д.Б.С. ОТД. Б. ПР  
№ 2322  
1918

کتابخانه اقدام

عدد ۳

(3) 9

آثار اسلاطین

# فرائد المماليك

مؤلف

سیدی رئیس

طابع و ناشری

tashtkent „okton“  
kytybxanası  
№ 1256

اقدام غزنوی صاحب امتیاز و بنش محرر

احمد جودت

معارف نظارت جلیله سک رخصتیه طبع اولمشدر

درسمادت — اقدام مطبعه سی

۱۳۱۳

۱۸۹۵

Миръотул мамоликнинг 1895 йилда Истанбулда босилган  
нашрининг титул листи.

Раис ўз даврида фаннинг кўп соҳаларига, хусусан, география, денгизчилик илми, адабиёт, тарих, ҳатто, астрономия илмларига ўз ҳиссасини қўшган бўлишига шарамай, кўпчиллик Шарқ ва Ғарб олимлари уни фақат қўмондон денгизига бағишланган машҳур «Муҳит» асари билан файли таниганлар, холос.

Маълумки, Сейди Али Раиснинг бу асари ўз вақти-денгизчилик илми бўйича муҳим амалий қўлланма бўлиб хизмат қилди, Сейди Али Раис эса шу асари туғилиш юз йиллар давомида дунё олимларининг энг қимматли баҳоларига сазовор бўлди.

XIX аср бошларида Сейди Али Раиснинг бу асари ҳақида ётган манбанинг Париж миллий кутубхонаси-фавқулодда топилиши билан аҳвол тубдан ўзгарди. Улар машҳур Васько де Гаманинг боцмани (кема-ларга кичик командири) Аҳмад ибн Мажид томонидан ёзилган денгизига бағишланиб ёзилган «Китобул фавоид» асари «Муҳит» асосида ётганини аниқлагач, Сейди

Раисга дастлаб берилган юқори баҳоларидан воз-мандилар. Энди бу ажойиб мақтовларга Сейди Али Раис эмас, унинг китобига манба бўлган асар автори Аҳмад ибн Мажид сазовор бўлиб қолди, Сейди Али Раиснинг номига қаттиқ таъналар қилинди, унинг хиз-матлари тамоман йўққа чиқарилди, унинг география асарида тутган ўрни эса оддий компиляторлик даража-сига яқинлаштириб қўйилди.

Сейди Али Раисга бундай баҳо бериш,— деб ёзади И. Ю. Крачковский, — албатта, адолатдан эмас; Сейди Али Раис Туркия тарихида денгиз ишларининг буюк назариячиси ва амалиётчиси сифатида шуҳрат қозонган шайхидир. У ўзининг раис (флот бошлиги) ва капудан (адмирал) деган икки катта ҳарбий унвонидан ташқари, «Муҳитий», Румий тахаллуслари билан ҳам машҳур эди. Сейди Али Раис 961/1549 йили Халабда машҳур астро-ном Улуғбекнинг сафдошларидан бўлган Али Қўш-нинг астрономия фанига оид бир асарини турк-ча таржима қилди. Бу билан у ўзининг астро-ном ва география илми сингари аниқ фанларнинг му-носабатига муносабатини исбот қилди. Шу билан-ча, у ўз замонасининг ҳарбий илмини пухта эгал-лаштириб, йирик ҳарбий қўмондонларидан бири ҳам эди. Сейди Али Раис 1548 йили Туркия султонининг Кавказ ва Эрарбайжон орқали Эронга қилган ҳарбий юришла-



рида қатнашади. 1552 йили эса Кипр оролини штурм қилишда иштирок этиб, зўр маҳорат кўрсатади. Ундан ташқари, машҳур Хайруддин Барбарос пошо билан биргаликда Шимолий Африка қирғоқларида бўлган ҳарбий жангларда иштирок этади. Сейди Али Раис шу жангларда кўрсатган катта ҳарбий маҳорати туфайли Туркия султони Сулаймон Қонунийнинг чексиз ҳурматига сазовор бўлиб, кейинчалик, ҳатто, Халаб султони қилиб ҳам тайинланади.

\*       \*

\*

«Миръотул мамолик»нинг яна бир зўр аҳамияти шундаки, бу асарда икки мустамлакачи мамлакат — Португалия билан Туркиянинг XVI асрда Арабистон ва, айниқса, Ҳиндистонни ўз таъсир доирасига олиш йўлида олиб борган босқинчилик сиёсати ҳақида бирмунча муҳим маълумотлар бор. Шунинг учун ҳам шу масала ҳусусида қисқача тўхталиб ўтишни лозим кўрдик.

Сейди Али Раис Миср капудани қилиб тайинлангач, Португалиянинг Сувайш каналидаги кучли флотига қарши юборилади. Сейди Али турк флотининг мағлубияти билан тамом бўлган бу ҳарбий денгиз кампаниясидан сўнг, Туркия флотининг омон қолган кемалари билан Гужарот ва Шимолий Ҳиндистонга боради ва кейин у ердан Урта Осиё, Эрон, Озарбайжон бўйлаб саёҳат қилади. Бизнинг диққатимизни жалб қилган «Миръотул мамолик» китобининг заминиде ана шу сафар ётади. У ўз китобида бу мажбурий сафарда кўрган-кечирганларини муфассал баён қилиш билан бирга, ўзи босиб ўтган Урта Шарқ давлатларининг сиёсий вазияти, феодал муносабатлари ва айрим тарихий соҳнома муаллифлари диққатидан узоқда қолган ижтимоий ҳаёт масалаларини ёритиб, тарих фани хазинасини бирмунча бойитди.

Унинг бу сафари Заҳририддин Бобирнинг ўғли Ҳумоюн подшоҳнинг (1530—1556) Шимолий Ҳиндистондаги давлатлар устидан ҳукмронлик қилган даврига тўғри келади. Сейди Али Раис ўз асарида Ҳумоюн подшоҳ ҳукмронлик қилган даврдаги Ҳиндистон тарихини ёритиб, айрим ҳолларда эса ўзи шоҳид бўлган ҳодисалар муфассал тўхтайдди.

Ҳумоюн подшоҳ отаси Бобир вафотидан (1530) кейин 23 ёшида давлатни идора қила бошлаган бўлса-да, Бобир олиб борган беҳисоб жанглarda чиниққан, тадбирли, етук ҳарбий арбоблар қаторидан ўрин олган эди. Лекин Ҳумоюн подшоҳ ўз укаларидан шеърятга кўпроқ ихлоси, астрономия ва математика илмларига катта иштиёқи билан ажралар эди. У подшоҳ кўтарилмасдан аввал Бадахшон вилоятининг ҳокими лавозимида бўлиб, давлатни идора қилиш ишлари билан таниш эди. Унинг подшоҳлик даврида Шимолий Ҳиндистондаги ўзаро феодал курашлар анча кескинлашиб кетган эди. Шу даврда Ҳиндистоннинг Биҳор вилоятида Ҳумоюнга қарши феодаллар бош кўтариб, дастлаб Маҳмуд Лодии, сўнгра машҳур Шершоҳ<sup>6</sup> (1540—1545) уларга бошчилик қилди. Айни замонда Гужарот ва Бенгалияда ҳам худди шундай ҳаракатлар бошланган эди. Ҳумоюн подшоҳнинг сиёсий вазияти ҳам шу шаҳарларда феодал курашлар авж олиб кетиш билан мураккаблашади. Ҳиндистон вилоятларининг ҳокимлари шунчалик тарқоқ ҳолда бош кўтарган эдиларки, Ҳумоюн подшо уларга қарши муваффақиятли курашишда ишни Гужаротдан бошлади.

1533 йили Гужарот ҳокими Баҳодирхон Ҳумоюн подшоҳнинг унга қарши отланганини эшитиб, ўзини Туркия султонининг назоқига тортди. У Туркия султониغا махсус элчи билан мактуб юбориб, ундан Ҳумоюн подшоҳга қарши курашда ёрдам беришини сўради. Баҳодирхоннинг элчиси 1536 йили Адриаполь (Эдирне)га етиб келди.

Гужаротдаги бу оғир сиёсий вазият, яъни Баҳодирхон билан Ҳумоюн подшоҳ ўртасидаги феодал низолар ҳақидаги хабар ўша вақтдаёқ Португалиягача етиб борган эди. Португалия ҳукумати вақтнинг ганимат билиб, Гужарот ҳокими билан Ҳумоюн подшоҳнинг ўзаро низоларидан ўз мақсадлари учун фойдаланмоқчи бўлди. Португалия Диу бандарини қўлга киритиш ва шу билан Ҳинд денгизи қирғоқларида ўз ҳукмронлигини тиклаш каби агрессив планни амалга ошириш учун бу даврни энг қулай вақт деб ҳисоблайди. Айни вақтда Туркия

---

<sup>6</sup> Шершоҳнинг асли исми Фаридхондир. У Ҳиндистоннинг Биҳор вилоятидаги афгон феодалларини бирлаштириб, Бобир ўғли Ҳумоюн подшоҳни Ҳиндистондан сиқиб чиқарган ва, низоят, 5 йил ҳукмронлик қилиб, 1545 йили бир қалъа учун бўлган жангда ўз тўпининг тасодифий портлаши натижасида вафот этган.

султони Сулаймон Қонуний ҳам худди шу мақсадни — Ҳинд денгизи қирғоқларидаги бандарларни қўлга кири-тишни кўзлар эди.

Бир томондан Португалия билан Туркия, иккинчи томондан Буюк мўғул империясининг ўша вақтдаги ҳукмрони Ҳумоюн подшоҳ билан Гужарот ҳокими ўрта-сидаги низоларга сабабчи бўлган Диу, Даман, Сурат, Жаура бандарлари шулар жумласидан эди.

Шундай қилиб, Туркия билан Португалиянинг узоқ-ни кўзлаган ташқи сиёсатлари тўқнашиб қолди. Сулаймон Қонуний, Португалиянинг Диу портига кўз тикка-нини эшитган ҳамон Баҳодирхоннинг таклифини баҳона қилиб, 945 йилнинг 15-муҳаррамида (1538 йил 13 июн-да) яхши қурулланган 80 та ҳарбий кема билан Су-вайшдан Гужаротга қараб юрди<sup>7</sup>.

Сейди Али Раис китобини инглиз тилига таржима қилган Вамбери китоб нашрига ёзган сўз бошисида шу даврдаги Туркия султонининг Ҳиндистонга нисбатан тутган юқоридаги сиёсатига эътироз билдиради. «Туркия подшоҳи султон Сулаймон,— деб ёзади Вамбери,— ўз олдига ўша даврдаги ҳамма мусулмон Шарқ мамлакат-ларини тобе қилиш мақсадини қўйди; унинг Араб ва Форс денгизидаги ташқи сиёсати ҳам шу мақсадни кўзда тутар эди. У Ҳўрмузни португалияликлар қўлидан тор-тиб олиш, Гужаротда маҳкамроқ ўрнашиб олиш мақ-садида яширин ҳарбий план тузди. Агар унинг бу пла-ни амалга ошганда эди у, яъни султон Сулаймон, ку-чайиб келаётган Бобир авлодининг, яъни Ҳумоюннинг ҳарбий қувватини синдирган бўлур эди. Султон Сулай-мон Венгрия билан Австрияни ўз яничерлари билан тўлдириш ўрнига, Ҳиндистонни қўлга киритиш планини астойдил илгарига сурганда эди, унинг ғалабалари Ду-най вилоятларида қўлга киритган ютуқларидан кўра машҳурроқ ва мустаҳкамроқ бўлар эди». Вамбери бу фикрни олдинга сураар экан, Туркия султонининг ҳарбий қувватини Бобир авлодларининг интизомсиз армиясига таққослаб, албатта, ғалаба Туркия томонида бўлар эди, деб қайта-қайта афсусланади. Лекин Туркия султони-нинг бу планни амалга оширишига халақит берган асосий

---

<sup>7</sup> Сейди Али Раиснинг биографияси ҳақида қисқа сатрлар Т. А. Шумовскийнинг «Три неизвестные Лощи Ахмада ибн Мад-жида» китобида (М.—Л., 1957, стр. 63 след.) ҳам учрайди.

факторлардан бири Ҳинд денгизи қирғоғига жойлашган оролларда Португалиянинг таъсири зўр бўлиши эди. Туркия бу оролларни португалияликлардан тортиб олиш учун денгизда ўз устунлигини тиклаши лозим эди; бусиз Гужаротни қўлга киритиш ва бу ерда мустақамланиб олиш мумкин эмас эди. Чунки Португалия Ҳинд денгизи қирғоқларига яқин жойлашган бандарларга нисбатан ўз колониал сиёсатини Сейди Али воқеасидан тахминан ярим аср бурунроқ бошлаган эди. XVI аср ўрталарида эса бу ерларга нисбатан Португалия колониал сиёсати ўз илдинин анча кенгайтириб қўйган эди.

Васко де Гама томонидан Европадан Ҳиндистонга денгиз йўлининг очилиши эса, Португалия давлатига ўз территориясини Осиёдаги янги ерлар ҳисобига кенгайтириш ва сиёсий, иқтисодий мавқеини мустақамлаш учун кенг имкониятлар очиб берган эди.

1500—1504 йиллар Португалия короли Ҳиндистонга яхши қурулланган савдо кемалари юбориб, ташқи савдода устунликни қўлга олишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган эди. Кейинча Ҳиндистон бандарларида Португалиянинг бу мавқеи ўсиб келаётган маҳаллий буржуазияни ташвишга солмай қолмади — бу сиёсатга қарши норозиликлар бошланди. Бу аҳвол Коликут рожасининг Кошнда португалияликларга қарши бошлаган курашидан кейин жиддий тус олди.

Шунга қарамай, секин-аста Ҳинд денгизи қирғоқларидаги бандарларда Португалия ҳукмронлиги ўрнатилди ва алоҳида Ҳиндистон вице-короли деган административ лавозим ташкил қилиниб, бу лавозим эгаси 3 йил муддат ичида Португалия королининг Ҳиндистондаги раис ўринбосари сифатида колониал сиёсатни амалга ошириб келди. Триштан да Куня 1506 йилда Португалиянинг Ҳиндистондаги биринчи вице-короли бўлган<sup>8</sup>, сўнг Дон Франсишку д'Алмейда, ундан кейин эса Албукейри вице-короллик лавозимига ўтирадилар. У 1507 йили Ҳиндистонга кела ётиб, йўлда Ҳўрмуз бандарини қўлга киритади<sup>9</sup>. Америка шарқшуносларидан Харт ўзининг «Ҳиндистонга сув йўли» номли асарида Португалиянинг Ҳиндистондаги вице-королларининг ерли ҳинд халқига

<sup>8</sup> Харт, Морской путь в Индию (перевод с английского Н. В. Банникова), Москва, 1954, стр. 274.

<sup>9</sup> Унинг кемалари Суматра оролига биринчи бўлиб келган (Харт, ўша асар, 274-бет).

нисбатан ваҳшиёна мустамлакачилик сиёсатини мана шундай ифодалайди.

«Албукейри 1507 йили Ҳиндистонга қараб йўл олди. У Ҳўрмуз бандарини босиб олиш ҳақида буйруқ олган эди. Гарчи Мануэл билан Ҳўрмузнинг кичик ёшдаги шохи ўртасида ҳеч қандай низо бўлмаса ҳам, Албукейри Ҳўрмузни босиб олмаслик учун сабаб топмади, у ерни шафқатсизлик билан талаб, сўнг уч шаҳарга ўт қўйди, бечора ерли халқни ваҳшиёна қирди; асирлар билан шафқатсизларча муносабатда бўлди, хотинларнинг қулоқ ва бурунларини кесди, эркакларни эса бурунлари билан ўнг қўлларини кесиб ташлади, ниҳоят у, ерли халқ қаршилик кўрсатса, бандар деворларини мусулмонлар суягидан тиклаяжagini ва бу деворга уларни қулоқларидан осиб, бош суякларига Португалиянинг «ғалаба» байроғини тикиш ниятида эканлигини эълон қилди. Лекин у бу чоралар билан ҳам халқ иродасини кеса олмади. Португалия колониал сиёсатининг ҳомийси Албукейри бари бир чекинишга мажбур бўлди. Унинг бу мағлубияти Португалияни ўз колониал сиёсатини ўзгартиришга, бу сиёсатнинг янги этапига ўтишга мажбур қилди. Энди Ҳинд денгизида савдо йўли билан ҳукмронлик қилишдан кўра, Шарқда Португалия империясини тузиш идеяси олдинга сурилди. Шу ният билан у Ҳиндистон қўл остидаги Гоа бандарини 1510 йили босиб олди. Бу бандар стратегик жиҳатдан энг қулай шаҳар эди. Гарчи Албукейри бу бандарни осонгина қўлга кiritган бўлса ҳам, вақти-вақти билан Португалия ҳукмронлигига қарши халқ ҳаракатлари кўтарилиб турар эди. Бу кўзголонларни Ҳиндистондаги Португалиянинг ваҳший вице-короли жуда қаттиқ даҳшат билан бостирар эди». Ўша Америка олими Хартнинг яна ёзишича, ҳар сафар Албукейри бу бандардаги озодлик ҳаракатини бостирганда бутун ерли халқни қирар, қулоқ-бурунларини кесар, уч кунлаб қирғин ўтказар эди<sup>10</sup>.

Португалиялик чиновниклар Ҳинд денгизи қирғоқларидаги бандарларни таташ ҳисобига, ерли халқларни қаттиқ эксплуатация қилиш йўли билан кўп бойлик тўплаб олдилар. Тарихий манбаларда ёзилишича, вице-короллардан бири граф Видигайра 3 йил вице-короллик лавозимини ўтагач, Португалияга қайтар экан, ўз нар-

---

<sup>10</sup> Харт, Морской путь в Индию, стр. 277.

саларини бир катта кемага зўрға сиғдирган. Харт, кема: «Қимматбаҳо нарсалар ва лаънатлар билан тўлиб-тошган эди», — деб қайд қилади<sup>11</sup>. Узлуксиз равишда Ҳинд қирғоқларидан Португалияга ташиб олиб кетилаётган олтин ва қимматбаҳо буюмлар — Туркия феодалларини бир вақтда ҳам ғашини, ҳам ҳавасини келтирар ва Ҳинд денгизи савдо йўлини ўз қўлига олган бу давлатнинг куч ва қудратини синдириш чораларини қидиришга мажбур қилар эди. Бу планни амалга оширишда Туркия султони Гужарот ҳокими билан Ҳумоюн подшоҳ ўртасидаги низолардан фойдаланмоқчи бўлди. Туркия генерал-адмирали Сулаймон пошо Гужарот ҳокимини Ҳумоюн подшоҳ тажовузидан ҳимоя қилиш баҳонаси билан 945 йилнинг 15-муҳаррамида (1538 йил 13 июнда) яхши қуролланган 80 та ҳарбий кема билан Сувайш бўғозидан Гужаротга қараб йўл олди. Айни шу вақтда Адан ҳокими Омир бинни Довуд Туркия султонига ўз хайрихоҳлигини билдиради. Бу аҳвол эса Туркия бошлаган Гужарот ҳарбий денгиз кампаниясини тезлаштиради. Турк флоти йўлда Кюкела ва Кот қўрғонлари учун португалияликлар билан жанг қилиб, уларни тор-мор келтиради. Ҳар икки қўрғон қўлга киритилгач, турк флоти энди Португалиянинг Ҳинд денгизи қирғоқларидаги асосий базаси ҳисобланган Диубандарига қараб юради. Лекин турк флоти Диуга етмасданоқ, Гужаротда сиёсий вазият ўзгариб қолади, яъни Гужарот ҳокими Баҳодирхон вафот этиб, унинг ўрнига Малик Маҳмуд тахтга ўтиради. Бу ҳол Туркия султонининг Гужаротни осонгина қўлга киритиб олиш тўғрисидаги планини пучга чиқаради, чунки Малик Маҳмуд ўзини Туркия султонига эмас, балки Португалия ҳукумати паноҳига тартади ва Туркиянинг денгиз кучларини озиқ-овқат билан таъминлаш, унга, умуман, бирон моддий ва маънавий ёрдам беришдан бош тартади. Турклар Диуни ололмай, орқага чекинадилар. Шундай қилиб, Туркиянинг Хиндистонни Бобир авлодларидан тортиб олиш учун Гужарот вилоятини қўлга киритиб олиш плани амалга ошмай қолди. Бу ҳарбий жангларда турклар ўз ҳарбий кемаларининг Португалия флотидан анча кучсизлигини сезадилар. Ҳинд денгизи қирғоқларида жойлашган бандарлар орқали бўладиган ташқи савдонинг қўлга киритиш учун ниҳоят

---

<sup>11</sup> Уша асар, 280-бет.

кучли ҳарбий денгиз флоти тузиш лозимлигини англайдилар. Шунинг учун ҳам вақтинча чекинишга, Португалия ҳарбий денгиз флотига баробар кела оладиган куч йиғиб келиш учун орқага қайтишга мажбур бўладилар. Туркия султони Миср, Яман ва Арабистонни қўлга киритган бўлса ҳам, лекин у вилоятлардаги ҳокимларнинг тамоман мустақил сиёсат олиб боришлари уни анча ўйлатиб қўяди. У энди бу вилоятларни вассаллик даражасидаги ноиблар воситаси билан эмас, балки бутунлай Туркия империясига қўшиб олиш лозимлигини тушунади. Бунинг учун энг аввал Ҳўрмузнинг қўлга киритиш лозим эди, чунки Ҳўрмуз бандари бу вақтда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган порт ва муҳим савдо марказларидан бири эди. Ҳўрмуз қўлга киритилса, Туркиянинг Форс қўлтиғидаги ҳарбий мавқеи анча ошган бўлар эди. Иккинчи томондан эса бу — Португалияга нисбатан кучли зарба ҳам эди. Туркия султони бу планни амалга ошириш ишини Миср адмирали Пийрибекка топширди. Пийрибек бу оғир вазифани бажариш учун 1551 йили Сувайшдан чиқиб Ҳўрмузга қараб юрди. Абдураззоқ Самарқандий Ҳўрмузнинг ўша давр денгиз савдосидаги муҳим ўрни ҳақида бундай деб ёзган эди:

«Бу (Жарун деб ҳам аталувчи) Ҳўрмуз шаҳри денгиз ўртасида жойлашган бир бандардирки (мисраъ), ер юзида унинг тенги топилмайди — етти иқлимнинг савдогарлари Миср, Шом, Рум, Озарбайжон, Араб ва Ажам Ироқлари ҳамда Форс, Хуросон, Мовароуннаҳр ва Туркистон мамлакатлари, Дашти Қипчоқ мамлакати, Қалмоқ тарафлари бу шаҳарга (ҳамиша) юзланадилар. Денгиз соҳилларидаги мамлакатларнинг кишилари Чин, Жова, Бангола, Шаҳри нав ва Дива маҳал оролларидаги тортиб, ҳатто, Балибор диёридан Хабашга ва Зангибордан ҳамда Бижонагар бандарлари, Гулбаргга, Гужарот, Канбатдан Арабистон қитъаси соҳиллари, ҳатто, Адан, Жидда ва Янбулардан қуёш ва ой нурлари ва мўл ёмғир сувлари об-тоб бериб денгиз юзига чиқарилишига лойиқ қилиб етилтирган қимматбаҳо ва гўзал нарсаларни бу шаҳарга олиб келадилар»<sup>12</sup>. «Бутун дунё мусофирлари,— деб давом этади Абдураззоқ Самарқандий,— (бу бандарга) қай ердан келмасинлар ва ниманки кел-

<sup>12</sup> Абдураззоқ Самарқандийнинг «Ҳиндистон сафарномаси», А. Ўринбоев таржимаси, Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1960, 33-бет.

тирмасинлар ҳамда қандай нарсага алмаштиришни иста-масинлар, ҳеч қандай қидириш машаққатини тортмай, бу шаҳардан истаган нарсаларини топадилар; хоҳ нақд (пул)га оладилар, хоҳ (молларига) алмаштириб оладилар. Давлат кишилари олтин ва кумушдан бошқа ҳар бир нарсадан ушр йиғадилар. Самарқандийнинг бу сўзларидан, албатта, ўша замон денгиз соҳиллари бўйлаб халқаро савдода муҳим роль ўйнаган бу шаҳарни қўлга киритиш Туркиянинг мавқеини кўтариб юбориши очиқдан-очиқ кўриниб турибди. Ана шу муҳим бир планни амалга ошириш юқорида айтганимиздек. Сейди Али Раисдан аввал Миср адмирали бўлган Пийрибекка топширилди.

Пийрибек (961/1554 йили) Сувайшдан чиқиб, Хўрмуз шаҳрига қараб юрганда, унинг ихтиёрида яхши қуrollанган 30 та ҳарбий кема бор эди. У Хўрмузга етиб келиб, уни қамал қилиш учун маълум даражада тайёрлик кўради. Лекин душманнинг ўзидан бир неча бор устунлигини аниқлагач, португалияликлар билан юзма-юз тўқинишни лозим кўрмайди, қўл остида бўлган ҳамма уруш кемаларини Басрага жўнатиб, ўзи 3 та кема билан Сувайшга қайтиб кетади. Пийрибек бундай эҳтиёткорлик чораларини маълум ҳарбий мулоҳазалар билан қилиб, ўз қўмондонлигига топширилган Туркия ҳарбий денгиз флотининг беўрин ҳалок бўлиб кетишининг олдини олган эди, лекин унинг бу ҳаракати саройдаги маълум ифвогар доиралар томонидан бошқача изоҳланди ва «Пийрибек душман томонидан сотиб олинганлиги сабабли Хўрмуз жангини ташлаб қочган», деган тўхматда айбланиб, қатл қилинади. Ана шу воқеадан сўнг Пийрибек Раиснинг ўрнига 1553 йилнинг ноябрида, Сейди Али Раис тайинланади ва султоннинг буйруғига биноан унга Хўрмузни олиш учун дастлаб Пийрибек Раис Басрада қолдириб кетган Туркия ҳарбий денгиз кемаларини Португалия қамаллигидан озод қилиш вазифаси юклатилади.

Сейди Али Раис Басрагача қуруқлик йўлдан боради ва у ердан Туркия ҳарбий флотини олиб чиқиш вақтида, бир неча марта ўзидан кучли бўлган Португалия флотининг қаршилигига учрайди. Шу онда денгизда бошланган тўфон Сейди Али Раис ва унинг қўмондонлигидаги турк флотининг тақдирини огирлаштиради. Турк кемаларининг маълум қисми кучли ва даҳшатли



туфон туфайли парчаланиб ишдан чиқади, қолган кемалар ҳам шамол, ҳам душман зарбидан кўп зарар кўради. Натижада Сейди Али Раиснинг бутун планлари бузилиб кетади. Ҳарбий вазият ва денгиз стихияси туфайли Сейди Али Раис Сувайшга қайтиб келиш имкониятидан маҳрум бўлади. Жуда оз сонли бутун қолган кемалар билан Ҳўрмуздан чиқиб, Гужарот қирғоқларига аранг етиб келади. Сув йўли билан сафарни давом эттириш ҳар жиҳатдан ҳам мумкин эмас эди. Ишдан чиққан кемаларни тузатиш имконияти йўқ эди. Умуман бу аҳволда кучли Португалия ҳарбий кемаларига дуч келиш ҳақида ўйлаб ўринсиз эди. Шу сабабдан Сейди Али Раис бутун қолган кемаларни Гужарот ҳокимига омонат топшириб, ўзи эса қуруқлик орқали ватанига қайтмоқчи бўлади. У Синд, Панжоб, Афғонистон, Ўрта Осиё, Хуросон, Озарбайжон ва Эрон орқали йўл босиб, кўп азоб ва машаққатлар билан 4 йилдан сўнг ватанига қайтиб келади ва шу йиллар ичида бошдан кечирганларини «Миръотул мамолик» деб аталган асарида ёзади. Бу асар Сейди Али Раис ва унинг ҳамроҳларининг ўша йилларда бошдан кечирган саргузаштлари ва ана шу мамлакатларда кўрган-билганларини батафсил баён қилади.

Умуман, Туркия султони томонидан Сейди Али Раис қўмондонлигида Басрага алоҳида ҳарбий кемалар юборилиши билан,— деб ёзади И. Ю. Крачковский,— турклар Португалиянинг Эрон қўлтиғи ва Ҳинд океанидаги ғалабаларини узил-кесил йўққа чиқаришга уриниб кўрдилар, лекин бунинг асосий натижаларидан бири шу бўлдики, шу вақтдан бошлаб фақат Жиддагина<sup>13</sup> турклар қўлида қолди. И. Ю. Крачковскийнинг бу мулоҳазаси Вамберининг «турклар Дунай бўйларида эмас, Ҳинд океанида, балки астойдил ҳаракат қилганларида Гужаротни қўлга олиб, сўнггра бутун Ҳиндистон ҳақида ўйлаганларида, Бобир авлодларининг Ҳиндистондаги ғалабасининг олдини олган бўлар эдилар; Ҳиндистон ҳарбий кампанияси Дунай қирғоқларидаги ғалабалардан кўра бир неча марта натижалироқ бўлар эди», деган мулоҳазасининг маъзани очиб ташлайди. Турклар Вамбери таклиф қилган планни амалга ошириш учун Ҳинд океанида Португалия ҳукмронлигига чек қўйишлари лозим

<sup>13</sup> И. Ю. Крачковский, ўша асар, 570-бет.

эди. Турк адмиралли Пийрибек Раиснинг Хўрмузни қўлга киритишга уриниб ҳам кўрмай, турк ҳарбий денгиз флотини Басрага ташлаб, Сувайш каналига чекиниши, ундан кейин шу ҳарбий режани амалга ошириш учун Миср капитани деган юқори давлат лавозимига кўтарилган Сейди Али Раиснинг ҳам Басра атрофида фожияли мағлубиятга учраши, Форс кўрфазида ва Ҳинд океанида кучли илдиз отиб кетган Португалия таъсирини синдириш осон эмаслигини яна бир марта кўрсатди.

Шунга қарамай, Португалия билан Туркия ўртасида денгиз карвон йўлларини эгаллаш учун бўлган кураш ниҳоят кучли ва шафқатсиз тус олган эди. Бу жиҳатдан Гужарот пойтахти Аҳмадободга келган Португалия элчиси билан Гужарот ҳокимининг вазири Имодулмулк ўртасида бўлган мунозара диққатга сазовордир. Сейди Али Раиснинг Гужаротга эсон-омон етиб келган хабари Португалия маъмурлари қулоғига етгач, Португалия элчиси Гужарот ҳокимининг вазири Имодулмулк ҳузурига келиб, шу вақт унинг уйида тўхтаган турк адмиралли Сейди Али Раисни Португалия ҳукумати ихтиёрига топширишни талаб қилади. Гужарот вазири эса, Португалия элчисига бу талабни бажара олмаслигини ошкора айтади. Шу суҳбат шохиди бўлган Сейди Али Раис ўзини тутиб туролмайди ва ўрнидан сакраб туриб, Португалия элчисига қараб шундай дейди: «Лаънати тилингни торт! Сизлар мени бузуқ флот билан учратдингиз. Худо хоҳласа, яқинда подшоҳи олампаҳо (турк султони) қўлига Хўрмузгина эмас, балки Диу, Кувва (Гоа) ҳам ўтади!»\* — Сейди Али Раиснинг бу сўзлари, албатта, Португалия элчисини ғазабга келтиради, у унга жавобан:

«Шу соатдан бошлаб ва бундан кейин ҳам ҳеч қандай қуш Ҳиндистон бандаридан учиб чиқиб кета олмайди»,\*\* — дейди. Бу билан у Сейди Али Раисни қўрқитмоқчи, сен бари бир ўз юртингга денгиз орқали қайтиб кета олмайсан, Португалия маъмурлари қўлида асирсан, демоқчи эди. Лекин Сейди Али Раис ундан қўрқмади, даҳшатлар олдида бўйин эгмади, элчига қараб: «Фақат денгиз йўли орқали кетиш шарт эмас. Худо насиб этса, қуруқлик орқали қайтиш менга яна ҳам

\* «Миръотул мамолик», ўзбекча таржимаси, 64-бет; туркча тексти, Аҳмад Жавдад нашри, Истанбул, 33-бет.

\*\* Уша китоб, ўзбекча таржимаси, 65-бет; туркча тексти, 34-бет.

осондир»,— деб жавоб беради. Ҳар ҳолда, бу мунозара Сейди Али Раиснинг тақдирини ҳал қилади. У энди келган йўлидан қайтиш имкониятидан бутунлай маҳрум бўлади. Сейди Али Раис билан Португалия элчиси ўрта-сида бўлган бу мунозара икки катта мустамлакачи давлат — Туркия ва Португалия ўртасидаги зиддиятларнинг садолари эди. Ҳар икки давлатнинг денгиз савдо йўлини қўлга киритиш ва Ҳинд денгизи қирғоқларидаги шаҳарларни талон-торож қилиш каби разил мақсадларининг тўқнашиши эди.

Марксча-ленинча таълимот озод халқларни ўз мустамлакаларига айлантириш йўлида олиб борилган ҳар қандай уруш адолатсиз уруш эканлигини аллақачонлар исбот қилган. Албатта, ҳар икки мамлакат — Португалия ва Туркиянинг Ҳиндистон ва Арабистонни ўз мустамлакаларига айлантириш йўлида олиб борган урушлари адолатсиз, босқинчилик уруши эди. Шу сабабли бизнинг диққат марказимизда — денгизчи, дипломат, географ-олим, астроном, шоир ва сайёҳ Сейди Али Раиснинг Ҳинд денгизи қирғоқларида Португалия денгиз флотининг қақшатқич зарбалари ва кучли сув тўфонларидан устун тура олган тарихий асари, муҳим фан ёдгорлиги — «Миръотул мамолик»нинг Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари тарихига, бу халқлар орасидаги ўзаро маданий, иқтисодий, дипломатик муносабатлар ва сиёсий курашлар тарихига қўшган муҳим илмий ҳиссаси ётади.

\*       \*

\*

«Миръотул мамолик» муаллифи Сейди Али Раиснинг ҳаёти тўғрисида жуда оз маълумотга эгамиз. У ўзи ҳақида бундай деб ёзади: «Бу фожиаали воқеа<sup>14</sup> тўғрисида Истанбулга хабар берилиб, омон қолган кемаларни олиб пойтахтга (Истанбулга) қайтиш иложи йўқлиги султонга арз этилди. Мен фақир Котибий Румий Сейди Али Ҳусайн ўғли илгариданоқ денгизчилик илмини ўрганишга ҳавас қилиб, уни ўқиб охиригача етказишга жону дилим билан киришган эдим ва Рўдусни қўлга киритиш вақтида подшоҳи олампаҳо билан бирга жангда қатнашган эдим. У замондан то шу вақтгача Мағриб денги-

---

<sup>14</sup> Яъни Пийрибекнинг мағлубияти.

зи (Ўрта Ер денгизи) да бўлган ҳамма жангларда, шу билан бирга, ҳамма қуруқликдаги урушларда марҳум Хайруддин пошо, Синон пошо ва бошқа капутанлар билан биргаликда турли хизматларни адо этиб келдим. Мағриб денгизининг ҳамма томонини кезиб чиққанам сабабли, бу денгизнинг ҳар бир бурчагини яхши билардим. Денгизчилик ишларига тегишли илмни жуда яхши ўрганиб, астрономия, математика фанлари ҳақида, денгизчилик ва юлдузлар аҳволи хусусида китоблар ёздим. Истанбул олингандан бери боболарим Ғалатдаги доруссаноа омира (қурол арсенали)нинг бошлиқлари эдилар. Уларнинг ҳар бири денгизчилик илмида моҳир, маҳоратлари эса равшан ва зоҳир эди. Денгизчилик илм-санъати улардан менга мерос бўлиб қолди. Шунинг учун подшоҳи олампаноҳ ҳазратлари: «Сейди Али Раис денгизчилик ишларидан бошдан-оёқ хабардор, бу иш унинг қўлидан келади», — деб ўйлаб, унчалнк қурби, деярли иқтидори бўлмаган бу бандани 960 йил зулҳижжа ойининг охирида (1553 йил ноябрь ойида) Миср капутанлиги лавозимига тайинладилар ва Басра бандаридаги кемаларни яна Миср тарафига юбориш ҳақида фармон бердилар. Шу улуг фармонга биноан 961 йил муҳаррам ойининг биринчи куни (7 декабрь 1553 йил) Халаб (Алеппо)дан қуруқлик орқали Басрага жўнадик»\*.

Сейди Али Раис китобида келтирган бу жуда қисқа маълумотлар билан ўзининг ҳаёти, ҳарбий ва илмий фаолиятини қисман баён қилади.

Сейди Али Раис 1554 йилнинг февраль ойида Басрага етиб келади ва у ернинг ҳокими Мустафо пошога султоннинг унга берган нишонини кўрсатади ва Пийрибек Раис қолдириб кетган 15 та бузуқ ҳарбий кемани олиб, келгуси юришга ҳозирлик кўради. Ниҳоят, сузиш мавсуми яқинлашгач, Мустафо пошо бир кичик ҳарбий кемани Ҳўрмузга разведка учун юборади. У кема бир ой чамаси сувда юриб, атрофнинг ниҳоят тинч эканлиги хабарини етказгач, Сейди Али йўлга отланади.

Қизиғи шундаки, ҳамма вақт Сейди Али йўлга отланар экан, уни ўша замоннинг энг юқори техникаси билан қурулланган алоҳида авангард (қоровул) ҳарбий кема йўл кўрсатувчилик вазифасини адо этиб, бошқа кема-

---

\* «Миръотул мамолнк», ўзбекча таржимаси, 45—46-бет; туркча тексти, 14-бет.

ларни бошлаб борган. Бу кема маҳаллий ҳоким ихтиёрнида ҳисобланиб, денгизнинг маълум қисмини ўтгач, ўз ва-зифасини бажариб орқага қайтган. Бу сафар Сейди Али ва унинг денгиз отрядини Басра ҳокими Мустафо пошога қарашли бир ҳарбий кема етаклаб, Басрадан чиқарган. Отряд Басрадан то Ҳўрмузга етиб келгунча ўша даврда Ҳиндистон билан Эрон ўртасидаги савдо марказларидан ҳисобланган Эрон қўлтиғидаги Лахсо ва Кайиф (Қа-тиф) деб аталган ороллардан ўтади. Баҳрайн орқали Ҳўрмуз яқинидаги Кийс ва бошқа бир қатор кичик орол-ларга келгач, душман кемалари учрамагани сабабли Басра ҳокими Мустафо пошонинг авангард кемасига қайтишга рухсат этади. Сейди Али Раис бошлиқ турк флоти Жуллафор ва Жоди қирғоқлари билан сузиб Басрадан чиққанларидан 40 кун ўтгач, рамазоннинг 10-куни (9 август) эрталаб, душман ҳарбий флоти қў-шилмасига дуч келади. 25 нафар катта-кичик Португа-лия ҳарбий кемалари жанговар саф тортиб жангга таш-ланади. Томонлар учрашиши биланоқ орада жиддий жанг бошланиб кетади. Бу жангни Сейди Али Раис батафсил ҳикоя қиларкан: «Тарихда кўрилмаган қаттиқ жанг бўлди, тўплар ва милтиқлар овози шундай гумбурлар-дики, буни таърифлашдан қалам ожизлик қилади»\*,— деб ёзади. Кечгача давом этган бу жанг оқибатини,— Сейди Али Раиснинг ёзишича,— қуёш ботиб, кеч кириб қолиши ҳал қилган ва жанг душмanning мағлубияти билан тамом бўлган. Бундан тахминан 17 кун ўтгач, ўша йил 6-рамазон (17 июль) куни Уммон денгизининг қирғоғида, Масқат билан Қалхат шаҳри атрофида, душ-ман ҳарбий кемалари билан иккинчи марта тўқнашади-лар. Бу сафар душмanning катта-кичик кемалари 32 га яқин бўлиб, унга Гоа шаҳри ҳокимининг ўғли қўмондон-лик қилар эди. Икки орадаги жангда ўт отувчи қуро-ларни унча такомил топмаган навлари қўлланган. Сей-ди Али Раис ўз асарида таажжубланиб, бир нарсани ёзади: «Бизнинг бир қадриямиз тўп ўқи теккач, ёниб кетди. Лекин қизиғи шундаки, худди шу тўп отаётган душман кемаси ҳам бир ўқ узгандан кейин (ўзи ҳам) ёниб кетди». Бу ҳол XVI асрда дунёга даҳшат солаётган

---

\* Уша китоб, ўзбекча таржимаси, 50-бет; туркча тексти, 19-бет.

\*\* Уша китоб, ўзбекча таржимаси, 51-бет; туркча тексти 20-бет.

ўрта аср ўқ отиш қўроллариининг ҳали такомиллашмаганидан далолат беради. Сейди Али Раиснинг айтишича, жанг натижасида ҳар икки томондан ҳам баробар қурбонлар бўлди; ҳар икки томон кемалари ҳам сон-саноқсиз равишда сувга чўктирилган ёки ёндириб юборилган эди. Оқибатда турк ҳарбий кемаларини ҳаракатга келтириш учун эшкакчилар етишмай қолди, аҳвол жиддийлашди. Бир вақтнинг ўзида ҳам сув оқимиға қарши сузиш ҳамда душманға қараб тўплардан ўқ узиш лозим эди. Бу, албатта, жуда мушкул эди. Шу сабабдан, Сейди Али Раис лангар ташлаб, қўлларни эшкакдан бўшатиб, бор куч билан душман билан жанг қилишға қарор қилди. Рўй берган бу оғир аҳвол турк аскарлари орасида саросима туғдирди. Ниҳоят, тун қоронғисида Ҳўрмуз томонға чекинишға мажбур бўлдилар. Лекин худди шу орада тўсатдан қаттиқ шамол кўтарилиб, кемаларни очиқ денгизға суриб кетади ва шу тасодифий ҳолғина Сейди Али Раис қўмондонлигидаги турк кемаларини оғир мағлубиятдан қутқариб қолади. Улар сув оқими билан Форс кўрфазисидаги Кермон вилоятиға қарашли Жош (Жаск) бандарига келдилар, лекин бу ерда тўхташ учун ҳеч қандай қулай жой тополмай, Кичик Мекронға келгунча дайдиб юрганлар. Бу жой, яъни Мекрон вилояти, у вақтлар Ҳиндистонға тобе эди<sup>15</sup>. Тун кечаси бўлганлиги сабабли бу ерда ҳам тўхтаб бўлмади, тонг отгунча сузишда давом қилиб, ниҳоят, эрта билан Шаҳбо бандарида лангар ташланди<sup>16</sup>.

Мекронда Сейди Али Раис ва унинг матрослари қароқчилар кемаси капитанининг муруввати туфайли сув билан таъминландилар. Сўнг шу кема билан Белужистоннинг ғарбий қирғоғидаги Ҳиндистонға қарашли Гвадар бандарига келдилар. Гвадар ҳокими Сейди Али Раис ва унинг матросларини яхши қабул қилади ва Сейди Али Раисға ишончли боцман юборади. Сейди Али Раис бу воқеаларни «Ҳўрмуз оролидаги саргузаштлар» сарлавҳаси остида баён қилади.

Сейди Али Раис ва унинг ҳамроҳларига бузуқ, ярим ишдан чиққан кемалар билан Ҳинд океанида сузишға тўғри келади.

<sup>15</sup> Сейди Али Раис, Мирьотул мамолнк, инглизча наشري (Вамбери таржимаси), 15-бет.

<sup>16</sup> Вамберининг тахминича, бу жой Шабор бўлиши керак. Ўша асар, ўша бет.

Сейди Али Раис Ҳиндистон, Бадахшон, Мовароуннаҳр ва Дашти Қипчоқда кўрган-билганларини мана шундай ном ва тартиб билан баён қилади: «Ҳинд океанида нималарни бошдан кечирдик», «Гужарот вилоятида юз берган воқеалар», «Синд вилоятидаги саргузаштлар», «Ҳиндистонда юз берган саргузаштлар», «Забўлистондаги саргузаштлар», «Бадахшон ва Хатлонда юз берган аҳвол», «Турон ва Мовароуннаҳрда юз берган аҳвол», «Хоразм ва Дашти Қипчоқда юз берган аҳвол», «Хуросон вилоятида юз берган воқеалар», «Эрон Ироқида юз берган аҳвол» ва ҳоказо.

Сейди Али Раис кейинги марта душмандан эмас, балки табиат стихиясидан мағлубиятга учраган эди. У Гвадар бандаридан ўтиб, Яман қирғоқларига қараб сузди. Ниҳоят бир неча кундан кейин Зафор порти қирғоқларига яқинлашган ҳам эди, ғарб томондан кучли тўфон кўтарилди. Бу кучли денгиз стихияси тўхтовсиз 10 кун давом этди, тўфон аралаш қуяётган жала аҳволни яна ҳам оғирлаштирган эди. Сейди Али Раис руҳи тушиб, бетинчликдан мадорсизланган матрослар қалбида маҳорат, мардлик, сабру матонат ва жасорат уйғотиш учун қўлидан келган чораларни кўрса ҳам, оғир аҳволни енгиллаштира олмас эди. Аҳвол шу даражага етдики, мумкин қадар фақат зарур нарсаларнигина олиб қолиб, кемалардаги оғир юкларни сувга улоқтиришга мажбур бўлдилар. Ниҳоят, тўфон тингач, яна йўлда давом этадилар ва Сейди Али Раиснинг ёзишича, Кашьявар ярим оролидаги Диу портига яқинлашадилар. Лекин: «Жамҳара вилоятининг чегарасида бир бутхона кўрингач,— деб давом этади у,— елканларни жуда паст тушириб йўлга тушдик. Душманга сездирмасдан Формиён, Манграл ва Сўмнот ёнидан ўтиб, Див (Диу)га яқинлашдик. Див кофир (лар)\* қўлида бўлгани учун елканларни бутунлай туширдик ва сурдурма қилиб, у ердан ҳам ўтдик»\*\*.

Китоб авторининг бу сўзларига қараганда, юқорида номлари келтирилган шаҳар — бандарлар Португалия ихтиёрида бўлганлиги сабабли, лангар ташлаш, тўхтаб дам олиш у ёқда турсин, ҳатто, елканларни кўтариб

---

\* Португалиялик мустамлакачилар.

\*\* «Миръотул мамолик», ўзбекча таржимаси, 56-бет; туркча тексти, 25-бет.

йўлни расмана давом эттириш имкониятига эга бўлмай, сурдурма, яъни елкансиз, сув оқимига қараб кемаларни ўз ихтиёрига қўйиб сузиш билангина, душман назаридан яширина олганлар.

Ниҳоят, тўфон яна кўтарилади; кемани бир йўналишга солиб бўлмас эди. Шу сабабдан кема рулини арқон билан боғлаб, ҳар бир арқонни 4 киши тортибгина кемани бошқариб турилар эди. Ҳеч ким кема устида юра олмас эди. Бўрон шу даражада кучли эдики, ҳатто, бир-бирининг товушини эшитиб ҳам бўлмас эди. Шу аҳволда Гужарот қирғоқларига етиб келинди. Сейди Али Раис ҳикоя қилишича, бу қирғоқларда яна энг оғир ва даҳшатли денгиз стихияси рўй берган. Бирдан лоцман: «Эҳтиёт бўлинглар, олдимизда сув ости тошлари бор»\*, — деб қичқариб юборди, биз дарров лангар ташладик. Лекин сув оқими лангарни узиб, кемани сув остига торта бошлади. Бир кеманинг фарқ бўлишига сал қолди. Ҳаммани қўрқинч ва ҳаяжон босган, матрослар бўлса, уст кийимларини ечиб, нима кўринса, шунга ёпишиб олган эдилар. Ҳатто, Сейди Али Раиснинг ўзи ҳам кийимларини ечиб, ўлим билан курашишга тайёр эканини кўрсатди. У ўз замонининг зодагонлар табақасидан эди, албатта. Унинг ихтиёрида кўп сонли қуллар ҳам бўлган. У ўлим билан курашар экан, қасамёд қилиб, бу қулларни озод қилади ва, ҳатто, агар тирик қолса, 100 флури — олтин Макка камбагалларига ҳадя қилажagini ҳам айтади. Шу замон лангарлар узилиб, сув кемаларни олиб кетади, елканлар кўтарилади. Автор бундай деб ёзади: «Сув оқимини текшириб кўриб, қуруқликка яқин ерда эканимизни аниқладим. Кема трюмини (омборини) текшириб кўрдик. Бир жойда сув девол бўйи, иккинчи жойда ундан ҳам юқорироқ экани аниқланди. Биз бундан олдинроқ кемага ичиш учун кўп сув олган эдик; энди бўлса, бутун кучни кемадаги сувларни денгизга сепиб ташлашга сарфладик. Кемани сувдан тезроқ бўшатиш учун унинг пастки қисмининг бир неча жойидан тешиб сувни (тарновдан) оқизиб қўйдик. Куннинг иккинчи ярмида ҳаво бирмунча ёришди. Биз Гужаротнинг Даман бандари яқинида эканлигимизни аниқладик».

---

\* Уша китоб, ўзбекча таржимаси, 56-бет; туркча тексти, 25-бет.



Шундай қилиб, Сейди Али Раис фақат 3 кема билан Гужаротга етиб келди. Сув тўфони кемаларни шундай ишдан чиқарган эдики, Гужаротда бутунлай қолишга мажбур бўлдилар. Даман бандарига келгач, Сейди Али бутун кемалар ва тўпларни шу ер ҳокими Малик Асадга омонат топширди. Бу ерга келган Каликут сомрисига қарашли савдо кемаларининг капитанлари унинг ҳузурига келадилар ва Каликут сомриси қўп вақтдан бери португалиялик мустамлакачилар билан жанг қилаётганлигини маълум қиладилар. Сейди Али Раис эса Каликут сомрисини руҳлантириш учун унга махсус хат ёзиб, унга муваффақият ва ғалаба тилайди. Бундан кўринишича, Каликут бу вақтда Португалияга қарши ўз мустақиллиги учун курашаётган экан. Сейди Али Каликут ҳокимини сомри деб атайди. Худди шундай иборани биз Абдураззоқ Самарқандийда ҳам учратамиз; лекин Абдураззоқ Каликутдаги саргузаштлари баёнида бу шаҳар сомриси ҳақида ажойиб маълумотлар келтиради. У: «Каликутга келиб кемадан тушганимда ўхшаши ҳаргиз хаёлга ҳам келмайдиган бир жамоани кўрдим... (улар) қора танли кишилар (бўлиб), яланғоч, киндагидан (пастга қарата) то тиззасигача лангута боглаб олишган; бир қўлларида худди сув қатрасидек (ялтироқ ўткир) ҳинд ханжари, бошқа қўлларида эса худди булут парчасидек катта гурзи. Подшоҳи ҳам, гадоси ҳам шу суратда (бўлади)... (Улар) менга муносиб бир жой тайин қилдилар ва уч кундан кейин подшоҳнинг ҳузурига олиб бордилар. Мен (саройда ҳам) бошқа ҳиндиларга ўхшаш яланғоч баданлик бир шахсни кўрдим. У ернинг подшоҳини сомри деб атайдилар»<sup>17</sup>.

Каликут ҳокимлиги Абдураззоқ Самарқандий келган замонлар Жанубий Ҳиндистондаги Бижонагар князлигига тобе ҳисобланган<sup>18</sup>. Бундан 100 йил ўтгач, Каликутга келган Сейди Али Раис ҳам Каликут ҳокимини сомри деб атайди ва унинг Португалияга қарши кураш олиб бораётгани ҳақида гапирди. Даман бандарининг ҳокими Малик Асад Сейди Алини яхши қабул қилиб, Португалия флоти унга қарши келаётгани, шу сабабдан Суратга чекиниш лозимлигини маслаҳат беради. Ҳақи-

---

<sup>17</sup> Абдураззоқ Самарқандий, Ҳиндистон сафарнома-си, 43—44-бетлар.

<sup>18</sup> Уша асар, 44-бет.

қатан ҳам Сейди Али Раиснинг Португалия флотига қарши чиқишга ҳеч имконияти йўқ эди. Узоқ давом этган денгиз стихиясидан сўнг унинг ихтиёридаги кемалар маълум даражада ишдан чиққан, матрослар эса ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан мадорсизланган эдилар. Бу аҳволда Португалия флотига қарши чиқиш ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Бунини яхши тушунган Сейди Али мумкин қадар тезроқ орқага чекинишга ҳаракат қилади, чунки Португалия ҳарбий флотининг яқинлашаётганлиги тўғрисидаги хабар Сейди Али Раис ва унинг матросларини саросимага солиб қўяди. «Бу хабар тарқалиши билан, — деб ёзади Сейди Али, — аскарларнинг бир қисми Малик Асад хизматига ўтдилар, иккинчи қисми эса, қайиқчаларга ўтириб қирғоққа кетишди; у ердан қуруқлик билан Суратга бориш ниятида бўлдилар»\*.

Сейди Али Раиснинг ўзи ҳам Суратга келади. Уни Сурат ҳокими, ниҳоят хурсандчилик билан қабул қилади. Сурат Гужарот вилоятига қарашли порт ҳисобланиб, шу вақтда оғир сиёсий ички курашни бошдан кечирмоқда эди. Гужарот ҳокими Баҳодир султон вафот этгандан кейин, тахтга ўтирган 12 ёшли унинг қариндошига қарши тахт учун кураш бошланиб кетган эди. Кучли Гужарот феодал князларидан Носирулмулк ўзини мустақил деб эълон қилган ва Гужарот тахтини қўлга киритиш учун Гоадаги Португалия ҳокими билан иттифоқлашаётган эди. Сейди Али Раиснинг берган маълумотига қараганда, Носирулмулк бу ёрдам эвазига ташқи денгиз савдосида муҳим роль ўйновчи Сурат, Барваж (Брочь), Камбей ва бошқа портларни Португалия ҳокимига очиб беришга ваъда қилган эди<sup>19</sup>. Бу ҳол 286 йил бурун, тўғрироғи 1297 йили Алоуддин Хилжи томонидан Деҳли султонлигига қўшиб олинган ва кўп йиллар мобайнида мусулмон феодал тузуми традицияларига одатланиб қолган ерли халққа Португалия ҳукмронлигига бўйсуниншдек фожианинг олдини олиш учун Сейди Али Раиснинг ҳарбий кучи ва маънавий ёрдами керак эди.

Агра университетининг тарих ва сиёсий илмлар кафедрасининг профессори Аширбоди Лал Сривастава

\* «Миръотул мамолик», ўзбекча таржимаси, 59-бет; туркча тексти, 28-бет.

<sup>19</sup> Сейди Али Раис, Миръотул мамолик (инглизча наشري), 26—27-бетлар.

«Дехли султонлиги» номли муҳим асарида\* Гужарот вилоятининг 1297 йили Алоуддин Хилжи томонидан Дехли султонлигига қўшиб олинганидан, то 1572 йили Бобир набираси Акбар шоҳ ўз империясига қўшиб олгунгача бўлган даврдаги тарихий вазиятни баён қилиб, шу ўтган 300 йилга яқин тарихий давр ичида ўтган Гужарот вилоятининг 3 та тadbирли ҳокими номини келтиради. Улардан бири 1411 йил Гужарот тахтига ўтирган Зафархоннинг ўғли Аҳмад шоҳ бўлиб, 1442 йилгача, яъни 31 йил ҳокимлик қилади. У Гужарот вилоятини Мальва ва Ражистоннинг айрим вилоятлари ҳисобига кенгайтиради. Аҳмад шоҳ ҳозирги Аҳмадобод шаҳрини барпо қилиб, уни Гужаротнинг пойтахти даражасига кўтарган эди. Сўнгги талантли Гужарот ҳокимларидан бири Аҳмад шоҳнинг набираси Абдуллатифхондир. У Маҳмуд Бегора номи билан машҳур бўлган ва 51 йил ҳукмронлик қилиб (1511 йил ўлади), ички феодал курашларига қарши кескин курашибгина қолмай, ташқи курашларда ҳам шуҳрат қозонган; ўз давлати чегарасини Жунагор ва Чампана ҳисобига кенгайтира олган эди. Гужаротнинг охири кўзга кўринган, серғайрат ҳокимларидан бири Баҳодир султон бўлиб, Сейди Али Раис Гужаротга келган вақтида у эндиgina вафот этган эди. У Гужарот тахтига Бобир Дехлини қўлга олган йили, яъни 1526 йили ўлтирган ва 1537 йилгача ҳукмронлик қилган ва ўз бобосининг ташқи сиёсатини давом эттириб, Мальва билан бўлган курашда унинг ҳокими Маҳмуд II ни енгиб, Мальвани Гужаротга қўшиб олганди. Кейинчалик Меворни ҳам тобе қилиб, ўз даврининг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Бироқ у, Ҳумоюн подшоҳнинг ички феодал курашларига аралашади, унинг укаларини ўз ҳимоясига олиб, хатога йўл қўяди. Маълумки, Ҳумоюн ундан Мальвани ва сўнг Гужаротни тортиб олади. Сривастава бу воқеани яхши баён қилса ҳам, Баҳодир султондан кейин Гужаротнинг аҳволи ва унга қарашли бўлган денгиз бўйидаги муҳим портларнинг тақдири масаласини назардан қолдирган<sup>20</sup>. Бу жиҳатдан худди шу оғир кунларда Гужаротга келиб қолган Сейди Али Раиснинг ҳикояси, Гужарот хусусидаги маълумотлари аҳамиятга моликдир. Шундай қилиб, «Мирьотул мамо-

\*\* The Sultanate of Delhi by Ashirbadi Zul Srivastava, C Agra, 1956, стр. 179.

<sup>20</sup> А. Л. С р и в а с т а в а, Дехли султонлиги, Гужарот бобига қаранг.

лик»да келтирилган воқеалар кўпчилик тарихий манбаларда тушириб қолдирилган сатрларни тўлдиради, бой ва муфассал маълумотлар билан тарихга муҳим ҳисса қўшади.

Сейди Али Раис берган маълумотларга қараганда, Гужарот ҳокими султон Аҳмад Сейди Али келиши биланок, унинг аскардан 200 тасини олиб Барваж (Брочъ) крепостига ҳужум бошлайди. Бу вақтда Сейди Али ўз кучи ва Сурат ҳокимининг қолдирган кучлари билан бандарни ўз таъсирига олади. У Суратда, султон Аҳмад эса Барважда Барваж ҳокимига қарши жанг қиладилар. Барваж олингач, султон Аҳмад Суратга ўзининг икки сардори бошчилигида ҳарбий куч юбориб, ўзи эса Аҳмадободга қайтиб кетади. Шу даврда Носирулмулк Сейди Алига суиқасд уюштиради, лекин уддасидан чиқолмайди, Носирулмулк ўз планларини амалга оширолмай вафот этади. Султон Аҳмад Сейди Али ёрдами билан мамлакатдаги ички курашларни бартараф этиб, Гужарот тахтига ўлтиради. Лекин Португалия маъмурлари Сурат ҳокими Худовандхонга элчи юбориб, Сейди Алини уларнинг ихтиёрига топширилишини талаб қиладилар. Чунки улар Носирулмулк планининг амалга ошмай қолишига асосий сабаб, Сейди Алининг бу курашга аралашганлиги деб ҳисоблайдилар ва уни айблайдилар. Сурат ҳокими уларнинг бу талабини рад қилади.

Сейди Алининг Гужарот вилоятининг ички ва ташқи ишларига актив аралашганлигининг яна бир муҳим сабаби ҳам бордир. Маълумки, Ўрта Осиёда Темурийлар давлатида ҳарбий кучга эга бўлган ҳар бир феодалнинг, ҳатто, ўзи қарам бўлмаган бошқа феодал давлатнинг ҳарбий курашларида истаган вақтида ўз ихтиёри билан эркин равишда аралашш одати бўлган; бу ҳақда проф. А. Ю. Якубовский муҳим фикрлар айтган эди<sup>21</sup>. Шу одатнинг Фарғонада Бобир ҳукмронлик қилган вақтларда ҳам кучли эканлигини бир вақт биз ҳам қайд қилган эдик<sup>22</sup>. Сейди Али Раиснинг Гужарот ҳокимининг ички курашида бемалол қатнашганлиги факти айни замонда Ўрта Осиё феодал давлатларида мавжуд бўлган, бу

<sup>21</sup> А. Ю. Якубовский, Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои, сб. «Алишер Навои», М.—Л., 1946.

<sup>22</sup> См: С. А. Азимджанова, К истории Ферганы II половины XV век, Ташкент, 1957, стр. 75.

феодал муносабатларнинг айрим ҳолларда Ҳиндистонда Деҳли султонлигида ҳам мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Бу ҳақда Сейди Али шундай деб ёзади: «Суратда Худовандхон бизнинг ҳар бир аскаримизга 50—60 ақча ойлик тайин этди. Одилхон ҳам Барважда шундай қилар эди. Аскарларимиз орасида норозилик бошланди. Ниҳоят, улар ўз фикрларини ошкор айтдилар: «Икки йилга яқиндирки, ҳеч қандай ҳақ олмаймиз, ҳеч бир нарсамиз қолмади. Кемалар ишдан чиққан, асбоб-ускуналарни йўқ. Бундан кейин Мисрга қайта олмаслигимиз аниқ»,—деб аскарларнинг кўпчилик қисми Гужаротда хизматда қолишди»<sup>23</sup>.

Сейди Али Раис ярим ишдан чиққан кемаларни Гужарот ҳокими Худовандхонга пулини Истанбулга юбориш шарти билан ўз нархига ўтказиб, ўзи 1552 йил ноябрь ойида Аҳмадободга қараб йўл олди. Аҳмадободда эса Гужарот ҳокими султон Аҳмад Сейди Али Раисга жуда катта даромади бўлган Барваж (Брочъ) вилоятининг ҳокимлигини инъом қилади. «Бутун Гужарот вилоятини берсангиз ҳам қабул этмайман, — бу ерда туришим мумкин эмас»,—деб Сейди Али Раис унинг таклифини рад этади\*. Демак, меҳмон бўлиб келган ёки айрим ҳарбий муносабатлар билан ўз вилоятидан узоқлашган феодалларни урушга тортиш, уларни айрим феодал князликларини идора қилиш ишларига таклиф қилиш ҳоллари, фақат Ўрта Осиё феодал давлатларигагина хос бўлмай, бошқа Шарқ мамлакатларига, хусусан, Ҳиндистон Деҳли султонлигига ҳам хос бўлган феодал муносабатлардан бири бўлган. Шунга ўхшаш фактик материаллар Сейди Али Раиснинг «Миръотул мамолик» китобида бениҳоят кўп. Бу жиҳатдан Сейди Али Раиснинг бу асари «Бобирнома», Абдураззоқ Самарқандийнинг «Ҳиндистон сафарномаси» ва шунга ўхшаш асарлар тарзида ёзилгандир. Ундан ташқари, бу асар бошқа тарихий асарларни батафсил қўшимча фактик маълумотлар билан тўлдиради ва у давр ижтимоий ҳаётини яхши тушунишга ёрдам беради.

Сейди Али Раиснинг сўнгги йўли — Аҳмадободдан Патнага, ундан Раданпурга, сўнг Бомбей вилоятидаги Паркер ёки Нагар — Паркер шаҳрига ва ундан Жуна-

<sup>23</sup> Сейди Али Раис, Миръотул мамолик, 75-бет.

\* «Миръотул мамолик», ўзбекча таржимаси, 65-бет; туркча тексти, 34-бет.

хар шаҳри томон боради. Жунахарда ҳам Сейди Али Раис бир талай ички феодал курашларнинг шоҳиди бўлади. Синд вилоятининг ҳокими шоҳ Ҳусайн 9 йилдан бери шол бўлиб ётганлиги сабабли, мазмунан, давлат ишлари анча издан чиқиб қолган ва феодалларнинг сепаратик кураши кучайиб кетган эди. Шу вақт шоҳ Ҳусайн Синд пойтахти Патнада бош кўтарган Исо Тархоннинг феодал исёнига қарши кураш билан банд эди. Сейди Алининг ёзишича, Исо Тархон шоҳ Ҳусайннинг яқинларини қатл қилган ва Нусратобод хазинасини қўлга киритиб, Ҳумоюн подшоҳ номига хутба ўқиттирган эди. Худди шў вақтда Сейди Алининг Синд вилоятига келиши шоҳ Ҳусайнни ниҳоят қувонтирди. Мазмунан шоҳ Ҳусайн Исо Тархонга қарши курашда Сейди Алидан фойдаланишни кўзлаган бўлса керак. Шоҳ Ҳусайн унга «лашқари ғайб» номини бериб, Лоҳур бандарини инъом қилмоқчи эканлигини унга билдирган. Лекин Сейди Али энди Ҳиндистон феодал давлатларининг ички ишига аралашмасликка қарор қилиб, унинг таклифини рад қилади. Сейди Али ёзиб қолдирган Синд вилоятидаги бу ички курашлар нима билан тамом бўлганидан қатъий назар, бу маълумотларнинг аҳамияти шундаки, улар Ўрта Осиё Темурийлар давлатида кенг тарқалган тархонлик лавозимининг Ҳиндистоннинг Синд вилоятига ҳам ёйилганлиги, у ерда ҳам бу лавозим эгаси бўлган феодалларнинг ҳуқуқлари ниҳоят бепоён эканлиги ва XVI аср ўрталарида Ҳиндистоннинг шимолий қисмида тархонлар давлати катта кучга эга эканлигидан далолат беради. Ҳиндистонга, айниқса, унинг шимолий қисмига тархонлик унвонининг кириб келиш тарихи, бу феодал институтининг Ҳиндистондаги ўрни масаласи илмий тадқиқот ишларида алоҳида ўрин эгаллаши лозимлиги ҳақида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас. Сейди Али ўз китобида келтирган сатрлар бу феодал институтининг XVI аср ўрталаридаги ўрнини яққол кўрсатиб беради.

Исо Тархоннинг ҳарбий қудрати ниҳоят катта бўлганлиги сабабли шоҳ Ҳусайн унга бас келолмаган ва уни Патна ҳокими қилиб тайинлашга мажбур бўлган, Исо Тархон бўлса Ҳумоюн подшоҳ тобелигидан вақтинча воз кечган. Лекин кейинги воқеалар Исо Тархоннинг шоҳ Ҳусайнга нисбатан нозик ҳийла ишлатганини кўрсатади. Сулҳ туфайли, Исо Тархон ўз асирлигидаги шоҳ Ҳусайннинг хотинини озод қилиб, эри ҳузурига юборади.

Бу хотин қайтиб келганидан 10 кун ўтгач, шоҳ Ҳусайн тўсатдан вафот этади. «Айтишларича,— деб ёзади Сейди Али Раис,—мирзони ўз хотини заҳар бериб ўлдирган эмиш». Бу воқеа, яъни яхши муҳофаза қилинган Патна қўрғонида ўрнашиб олиб, ўз таъсир доирасининг Синд вилоятигача ёйишга уринган ва Синд ҳокими шоҳ Ҳусайнга қарши бош кўтарган Исо Тархон воқеаси, албатта, тасодифий эмас. Сейди Али Исо Тархон билан шоҳ Ҳусайн ўртасида сулҳ тузилгандан кейин, шоҳ Ҳусайн Исо Тархон яқинларидан бўлган 10 дан ортиқ аргун ва тархонларни қамоқдан озод қилиб, унинг ихтиёрига юборганлигини айтади<sup>24</sup>. Бу факт Ҳиндистондаги тархонларнинг давлатнинг ташқи ва ички сиёсатида тутган мавқеалари билан Ўрта Осиё тархонларидан фарқ қилмасликларини кўрсатади. Бу жиҳатдан ҳам Сейди Али Раис маълумотларининг қиммати чексиздир.

Тарихий воқеаларни баён этиш жиҳатидан Сейди Али Раиснинг бу китоби Гулбадан бегимнинг «Ҳумоюннома» асарини маълум даражада тўлатади. Сейди Али Раис келтирган тарихий воқеаларни ўша замонда Ҳиндистонда Бобир қизи Гулбадан бегим томонидан ёзилган «Ҳумоюннома»даги маълумотлар билан таққослаб кўрилса, Сейди Али маълумотларининг ниҳоят ишончли ва қимматли эканлиги яққол кўринади. Сейди Али ўзи кўрган ёки эшитган тарихий фактларни чуқур зеҳн билан тўғри ва объектив баён қилади. Масалан, у Синд вилоятининг ҳокими шоҳ Ҳусайн мирзонинг Ҳумоюнга қарши юритган ташқи сиёсати ва Ҳумоюн подшоҳ паноҳига ўзини тортган Исо Тархон муносабатига тўхтайди. Маълумки, Синд вилоятининг ҳокими билан Ҳумоюн подшоҳ ўртасида бўлган муносабат масаласига Гулбадан бегим ҳам тўхтаб ўтган эди. Лекин «Ҳумоюннома»да келтирилган воқеалар, хронологик жиҳатдан анча илгариги йилларни ўз ичига олади. Гулбадан бегимнинг ёзишича, Ҳумоюн подшоҳ ўзаро феодал курашлар натижасида енгилиб, Шимолий Ҳиндистондаги Деҳли ва Агра сингари машҳур шаҳарларни Шерхонга топшириб қўяди ва ўзи Синд вилоятининг ерларига кўз тутаяди. Лекин шоҳ Ҳусайннинг бу даврдаги сиёсий ва иқтисодий мавқеига ҳали пугур етмаган бўлиб, у Ҳумоюн под-

---

<sup>24</sup> Сейди Али Раис, ўша асар, 84-бет.

шоҳнинг «Синд вилояти чегараларидан жой бериш»<sup>25</sup> ҳақидаги талабини рад қила олиш даражасида кучли эди. Шоҳ Ҳусайн Ҳумоюн подшоҳга тезлик билан Синд вилоятининг чегараларидаги ерларни бўшатиб, Қандахорга йўл олишни таклиф этади. Бу даврда Ҳумоюн подшоҳ ҳарбий кучининг заифлиги, унинг армиясидаги иқтисодий танглик, йўл ҳозирлигига муносиб уловнинг камлиги ва бошқа кўп сабаблар Ҳумоюнни Синд вилоятини қўлга киритиш фикрини вақтинча кечиктиришга мажбур қилади. Гулбадан бегимнинг сўзларига қараганда, шу даврда Ҳумоюн Синд вилояти ҳокимининг моддий ёрдамига жуда муҳтож эди. Шу сабабдан у 100 та туя эвазига<sup>26</sup> Синдни ташлаб Қандахор томонга кетишга розилик беради. Лекин Сейди Али китобида келтирилган бу маълумотлар ва биз юқорида баён қилган воқеалар Ҳумоюн подшоҳнинг Ҳиндистонда тахт учун олиб борган курашининг иккинчи этапини, яъни Ҳумоюннинг Деҳлида ўз укаларининг тахт учун курашини бартараф қилиб, Шершоҳ оиласи қўлидан ҳокимиятни тортиб олиб, спёсий вазиятини тиклаб олган вақтга тўғри келади. Шундай қилиб, Сейди Али келтирган фактлар Ҳумоюн подшоҳ даври тарихини системага солиш, ўша даврдаги Ҳиндистоннинг ички аҳволини тўғри англашга кенг имконият беради. Сейди Али Раис китобининг яна бир муҳим тарихий аҳамияти шундаки, Сейди Али Раис Гужарот, Синд, Лоҳур ва Аграда бўлиб, ўша ўлкаларда юз берган муҳим тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлди. Сейди Али Раис қайси вилоятдан ўтмасин, ўша ер ҳокимининг махсус ижозатисиз бир қадам ҳам бошқа томонга жила олмаганлигини ҳикоя қилади. Бундан кўринишича, Шимолий Ҳиндистон гарчи Бобирнинг катта ўғли Ҳумоюн подшоҳ кўлида бўлса ҳам, унинг таъсир доирасидаги феодал князликлар ўз вилоятларини мустақил идора қилганлар.

Сейди Али ўз даврининг етук кишиси, истеъдодли саркарда бўлгани туфайли, қайси вилоятга бормасин, вилоят ҳокимлари ундан ўз мақсадларида фойдаланмоқчи бўладилар. Катта маош, зўр мартаба ва лавозимлар бериб, уни ўз вилоятларида бутунлай олиб қолишга

<sup>25</sup> «Ҳумоюннома», Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1959, С. Азимжонова таржимаси, 73-бет.

<sup>26</sup> Гулбадан бегимнинг «Ҳумоюннома» асари тўлиқ бўлмай, Ҳиндол мирзонинг вафоти билан тамомланган, холос.



ҳаракат қиладилар. Масалан, у Синд вилоятида эканида шоҳ Ҳусайн унга Лоҳур бандарини бериб, Исо Тархонга қарши қўмаклашишни сўрайди. У бу ҳарбий иттифоққа рози бўлмагач, то бу ҳарбий кампания тугамагунча шоҳ Ҳусайн унга кетишга ижозат сўраш бефойда эканлигини очикдан-очик изҳор қилди. Шунга қарамай, Сейди Али Раис Деҳлига Ҳумоюн олдига келишга муваффақ бўлади. Деҳлида уни катта иззат ва икром билан кутиб оладилар. Ҳумоюн подшоҳ хони хонон<sup>27</sup> ва бошқа саркардаларни 400 та фил ва бир неча минг аскар билан унинг йўлига пешвоз чиқаради. Сейди Али Раиснинг Ҳумоюн саройида жуда катта эҳтиромга эга бўлган хони хонон томонидан кутиб олиниши ва шу куннинг ўзида унинг шарафига хони хонон томонидан зиёфат берилиши ва, ниҳоят, худди Деҳлига келган куни кечқурун Ҳумоюн подшоҳ қабулига сазовор бўлиши, ўша замон феодал традицияси бўйича энг юқори иззат бўлиб, Сейди Али олий икром ва энг юқори олий давлат ҳурматига сазовор бўлди. Ўз саройига фан арбоблари, ўша даврнинг атоқли шоирлари, фозилларини тўплаган Ҳумоюн Сейди Алининг Шимолий Ҳиндистонга ҳарбий фожиалар туфайли бўлса ҳам, келиб қолишига юқори баҳо берган. Биздаги мавжуд маълумотларга қараганда, Ҳумоюн подшоҳ унга ўз даврининг йирик ҳарбий арбоби, географ олими, астроном, дипломат сифатида қараб «Миср капитани»ни муносиб, шоҳона қабул қилди. Ҳумоюн унга бир клор (10.000.000 рупий) мукофот ва Харч вилояти ҳокимлиги лавозимини таклиф қилади. Лекин ватанга қайтиш фикрида бўлган Сейди Али Раис подшоҳнинг бу таклифини қабул қила олмаслигини изҳор қилади. Шундан кейин Ҳумоюн унга саройдаги олимларни астрономия илмидан хабардор қилишини ва бу вазифани бажаргач, унга ўз юртига қайтишга рухсат беражagini айтади. Сейди Али Раис шу сабабдан Ҳумоюн саройида бир неча вақт ихтиёрсиз тўхтаб қолади.

Сейди Али Раис Ҳиндистонда Ҳумоюн подшоҳ саройида бўлган вақтида тез-тез подшоҳ билан учрашиб туради. У айрим лавозимдаги сарой кишилари ҳақида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирган. Сейди Али Раис Ҳумоюн ва унинг саройидаги кишиларнинг фан ва

---

<sup>27</sup> Хони хонон (хонлар хони) — бу ҳам мансабдорликнинг бир даража (рутба)си.

маданият арбобларига бўлган катта ҳурматлари масаласига тўхтаб, Ҳумоюн подшоҳнинг адабиётга муносабати ҳақида айрим фикрлар баён қилади. Унинг бу маълумоти, Деҳлида, Ҳумоюн саройида, буюк Алишер Навоий тили, ўша замон термини билан айтганда чигатой туркиси яъни ўзбек тилида шеър ёзиш, мушоара этишга кўп ўрин берилган. Ҳумоюн саройида унинг ҳар хил лавозимдаги яқинлари ўзбек тилида шеър ёзганлар ва саройдаги бўладиган мушоараларда ўз шеърлари билан иштирок этганлар. «Подшоҳнинг яқин мирзоларидан Хушхолбек номли бир йигит билан танишдим, — деб ёзади Сейди Али Раис, — у подшоҳнинг ўқ ёйини қўриқлар, саройдаги шоирлар баҳси — мушоараларда қатнашиб турар эди. Бир кун суҳбат вақтида бир муносабат билан у менга иккита ғазал ёзишимни таклиф этди»<sup>28</sup>. Яна бошқа ерда қуйидагиларни ўқиймиз: «Мен мирзолардан подшоҳнинг офтобачиси Абдурахмонбек номли бир йигит билан танишдим. У ҳам подшоҳнинг яқин дўстларидан бўлиб, унинг ишончига сазовор бўлган йигит эди. У, кўпинча, подшоҳнинг хос суҳбатларида ўтирар, адабий баҳсларга қатнашарди. У билан ҳам бир неча марта мушоара этиб, бир муносабат билан иккита ғазал ёздим. Шундай қилиб, улар билан кечакундуз баҳслашардим. Сира бўш вақтим йўқ эди; подшоҳнинг ёнидан бир нафас ҳам айрилмас эдим»<sup>29</sup>.

Сейди Али Раис шоир бўлиши билан ҳам Ҳумоюн подшоҳнинг кўп илтифотига сазовор бўлган. У бир куни Деҳлида Ҳумоюн подшоҳ билан бирга ҳиндистонлик буюк шоир Хусрав Деҳлавийнинг мазорини ҳам зиёрат қилган эди. У Хусрав Деҳлавий шеърларини яхши билгани учун Ҳумоюнга улардан баъзиларини ўқиб берган. Сўнг подшоҳга ўзи ёзган шу мазмундаги шеърини ҳам ўқиб берган. Бир парча нонга қаноат қилган киши энг улуғ, мард кишилардан саналади. Унинг бу иши бутун дунё подшоҳларининг ишларидан кўра ҳам яхшироқдир. Ҳумоюн подшоҳ бундан беҳад хурсанд бўлиб унга таҳсин айтади ва бу, ниҳоят, ажойиб мисра экан деб, унинг бу фикрига ўзининг ижобий муносабатини билдирган. Сейди Али Раис ўз китобида бу диалогни келтириб: «Бу гапларни ёзишимдан мақсад (шу эдики), мен

<sup>28</sup> Сейди Али Раис, Миръотул мамолик, 49—50-бет.

<sup>29</sup> Ўша асар, 102-бет.

ўзимнинг шеъриятдаги ўрнимни кўрсатмоқчи эмасман, балки Ҳумоюн подшоҳнинг шеъриятга бўлган яхши муносабатини, унинг зийраклигини англатмоқчиман, холос»\*, — деб уқтиради.

Сейди Али келтирган бу сатрлар, ажойиб лирик шеърлари мунгли созларга солинган машҳур шоир, адиб Заҳириддин Бобирнинг нозик тарбиясини олган ўғли Ҳумоюннинг ҳам отаси каби чуқур шеърӣ ҳислар эгаси эканидан ва ўз саройида шеърият ва адабиётга катта ўрин берганини яна бир бор кўрсатади. Ундан ташқари, бу факт Алишер Навоӣ ва Бобир шеърияти Ҳиндистон тупроғида ҳам зўр ўрин тутганлигидан дарак беради.

Сейди Али Раис Деҳлдан йўлга чиқиб, Лоҳурга, кейин машҳур Кобул йўли билан Пешовар, Ламғонга келади. Ундан кейин Андароб, Бадахшон, Толиқон ва Ҳисори Шодмон орқали Мовароуннаҳр вилоятига ўтади. Сейди Али Раис ўз асарида Мовароуннаҳрнинг ўша замондаги аҳволига ҳам тўхтаб, анчагина муфассал маълумотлар келтиради ва бу билан Ўрта Осиё тарихини кўп фактик материаллар билан бойитади. Шу туфайли «Мирьотул мамолик»нинг Самарқанд, Бухоро ва Хоразм феодал давлатларининг ички курашларига бағишланган қисмлари ҳам диққатга сазовордир. Сейди Али Раис Тошкент хони Наврўз Аҳмад Бароқхоннинг Шаҳрисабз, Самарқанд ва Бухоро учун олиб борган курашларига тўхтаб, Бароқхон ҳузурида Истанбулдан ёрдам сифатида юборилган 300 турк солдати борлигини айтади. Бу факт бир томондан Туркия султонининг Бароқхон билан ҳарбий иттифоқи мавжудлигини билдирса<sup>30</sup>, иккинчи томондан, Ўрта Шарқ феодал давлатлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар даражасини аниқлашга ёрдам беради.

«Мирьотул мамолик»нинг Вамбери томонидан инглиз тилига қилинган таржимасида Сейди Али Раиснинг ўз қўли билан ёзган шеърлари ва у келтирган бошқа шоирларнинг шеърлари бутунлай туширилиб қолдирилган. Вамбери бу шеърларнинг тарихий воқеалар билан алоқаси йўқ деган фикрга келган. Лекин шеърларнинг ана-

---

\* «Мирьотул мамолик», ўзбекча таржимаси, 84-бет; туркча тексти, 53-бет.

<sup>30</sup> А. А. Семёнов, К вопросу о происхождении и составе узбеков Шайбани хана, «Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии», выпуск I, стр. 73—74.

лизи Вамберининг бу фикри ўринсиз эканини кўрсатди. Бу шеърлар ўша замон ижтимоий ҳаётининг кўп томонларини аниқлашга ҳам ёрдам беради.

Сейди Али Раис, Ҳумоюн подшоҳ билан бўлган суҳбатда, подшоҳнинг таҳсинига жавобан ҳеч қачон Алишер Навоий билан тенг бўла олмаслигини, тенглашиш у ёқда турсин, ҳатто, ҳозиргача Алишер Навоий шеърларидан ушоқлар териб юришига иқрор бўлганлигини айтади. Лекин унинг шеърлари маълум даражада тарихий ҳодисаларни англашда, муҳим ижтимоий ҳодисаларни аниқлашда катта аҳамиятга эгадир. Бу жиҳатдан унинг Хоразмда бўлган вақтида ёзган шеърлари диққатга сазовордир. У бу ерда, аниқроғи Хазораспда манғит қабилаларига дуч келади. Бир шеърида уларнинг русларга нисбатан бўлган муносабатлари ҳақида гапиреди. Албатта, бу муносабатлар 1554 йили шаҳзода Иван Царевич томонидан Астрахань босиб олингандан кейин бошланган бўлиши керак. Сейди Али Раис ўз шеърида манғитлар ҳақида бундай дейди:

Оламинг манғитини, ўзбекпни,  
Ҳақ аларнинг йўқ айлағай покини,  
Оши толқон билан қурт борннинг,  
Қиши бир парча топмас этмакини.  
Қимиз ичиб олар ошар от этин,  
Доғи кўрмаймиз ўзга емакини,  
Қозоғию, қозоқчиси кўпдур,  
Тангри йўқ эта кунда бир лакини.  
Қарвонни талаб қилғай яланғоч,  
Улусин, тишисини, эркакини.  
Ҳақ будур ул ғозойи акбар этар,  
Чапғой онинг қилич билан бегини.  
Учрашиб тўхтаган тонир сўзи минг,  
Котибий ёлғонини гар чинини.

Сейди Али Раис манғитлардан кўнгли қолгани учун бўлса керак, шу шеърида уларга нисбатан ўзининг ёмон ҳиссиётини билдиради. Шу билан бирга манғит, ўзбекларнинг турмушини очиқ ва муфассал тасвирлайди. Бошқа жойда у Қипчоқ даштларини шундай тасвирлайди:

Йўқда анда вахш<sup>31</sup> ва тажро<sup>32</sup>, ғидо<sup>33</sup>,  
Сув бўлмасди қурбоқо бужо<sup>34</sup>.

<sup>31</sup> *Вахш* — ёввойи ҳайвон.

<sup>32</sup> *Тажр* — қуш.

<sup>33</sup> *Ғидо* — озۇқ.

<sup>34</sup> *Бужак* — ҳашарот.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, Сейди Али Раис асарининг тарихий аҳамияти бениҳоят муҳим. Бу асар фақат тарихий, иқтисодий, савдо ва дипломатик муносабатларнигина ўзида акс эттирмай, кўпдан-кўп географик, этнографик маълумотларга ҳам жуда бойдир. Шу билан баробар бу асар кemasозликка оид муҳим маълумотлардан ҳам холи эмас.

Қитоб автори Сейди Али Раис 964/1556 йили ўз ватани Истанбулга қайтиб келади.

Лекин Сейди Али вафот этган деган гап тарқалганлиги сабабли Миср адмираллиги лавозимига Курдзода Санжакбей тайинланган эди. Шу сабабли унга бошқа лавозим, яъни «тимор дафтордорлиги» (армияда молия ишлар бошлиғи унвони) таклиф қилинади. У билан бирга омон-эсон ўз ватанига қайтиб келган ҳамроҳлари ҳам ўзларига муносиб лавозимларни эгаллайдилар.

Сейди Али Раис бу китобини 964 йилнинг шаввол ойи, яъни 1556 йили Ғалат шаҳрида тамом қилган.

Сейди Али Раиснинг бу муҳим асари камчиликлардан ҳам холи эмас. Автор Туркия феодал давлатининг энг юқори зодагонлар табақасига мансуб шахс эди. Шу сабабли у бутун умрини давлат арбоблари орасида, подшоҳлар ҳузурида ўтказди. У ўз китобида Ўрта ва Яқин Шарқдаги феодал давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатлари, ўзаро муносабатлари, сарой ҳаёти, айрим йирик давлат арбобларининг дунёқарашлари каби масалаларга муфассал тўхтайдди, лекин китобнинг бирон жойида ҳам Ҳиндистон, Афғонистон, Мовароуннаҳр, Озарбайжон, Эрон ва бошқа ерлардаги меҳнаткаш халқ ҳаётини очиб берадиган материалларни учратмаймиз. Албатта, бу нарсалар унинг фикридан узоқ, унинг дунёқарашига зид бўлган ҳар қандай асар мана шундай руҳда бўлиб, ҳукмрон синфнинг мақсад ва манфаатларини ифода қилган. Сейди Алининг бу асари ҳам мана шу рамкадан чиқолмаган. Шунга қарамай, «Миръотул мамолик» ўрта асрнинг тарих, адабиёт, география ва этнография фани хазинасига зўр ҳисса қўшган асардир.

Сейди Али Раис ўз китобида баён қилган воқеалар тарихи 400—450 йиллар орасидаги катта бир даврни ўз ичига олади. Бу йиллар Шарқ халқлари тарихида энг оғир йиллар ҳисобланиб, Португалия, Голландия, Франция ва Англия мустамлакачиларининг Осиё ва Африка

халқларини ўз колонияларига айлантириш даври эди. Шу XV—XVI асрлардаги Португалия ва Туркия буюк давлатлари колониал сиёсати марказида бўлган Ҳинд денгизининг муҳим савдо бандарлари Гоа, Диу, Даман ўз бошидан оғир мустамлакачилик ҳукмронлигини 500 йил давомида кечириб, ниҳоят 1961 йил декабрь ойида Португалия қарамлигидан озод бўлди. У Ҳинд республикасининг составидан ўзига хос жой олди. Сейди Али Раиснинг бу асари Гоа, Диу, Даман бандарларидаги Португалия босқинчилик сиёсатига нисбатан ерли Ҳинд халқлари муносабатини акс эттиради. Португалия — Ҳиндистон муносабатларига доир масалаларни ҳам ёритадики, улар тарихий факт сифатида ниҳоят муҳимдир.

Сейди Али Раиснинг бу муҳим асарининг қўлёзмаси иттифоқимизнинг бирор бошқа кутубхонасида борлиги ҳақида маълумот йўқ. Китобнинг турк тилидаги нашрига Нажиб Осим томонидан ёзилган сўз бошига қараганда, уни ягона нусхаси Қозон шаҳрида, Қозон зиёлиларидан бири Абдуллобек томонидан топилиб, Истанбулда нашр қилинадиган машҳур «Иқдом» газетаси ходими Аҳмад Жавдадга тақдим қилинган.

Аҳмад Жавдад эса шу нусхани оригинал текстини Нажиб Осим кириш сўзи билан 1895 йил Истанбулда нашр этади.

Ўзбекистон ССР ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида Сейди Али Раис китобининг Аҳмад Жавдад нашридан фақат бир нусхасигина мавжуд. Мазкур асарнинг бошқа қўлёзма нусхалари ихтиёримизда бўлмагани сабабли, Сейди Али Раиснинг бу асарини ўзбек тилидаги нашрини тайёрлар эканмиз, Аҳмад Жавдад нашридан фойдаланишга тўғри келди. Шунини айтиш керакки, Аҳмад Жавдад нашри Нажиб Осимнинг қисқасига муқаддимаси билан бошланиб, зарур шарҳ ва илмий кўрсаткичлардан холидир. Шу билан баробар, айрим матбаа хатолари ҳам бор. Ноширнинг ўзбек тилидан кам ҳабардор бўлганлигидан Сейди Али Раиснинг ўзбек тилидаги шеърларида бирмунча хатолар учрайди. «Миръотул мамолик» асарининг тили ниҳоятда оғир бўлганлиги сабабли, Вамберининг инглиз тилига қилган таржимасида ҳам айрим ноаниқликлар мавжуд. Вамберининг ўзи сўз бошида бунга иқрор бўлади.

Асар ўзбек тилига таржима қилинар экан, мумкин қадар матнини тўғри тушуниб таржима этишга ҳаракат қилинди. Таржима мукамал изоҳлар билан бойитилди. Чунки Аҳмад Жавдад ҳам, Вамбери ҳам айрим сноска шаклидаги кичик изоҳлар билангина чегараланиб, шахсий номларни, географик-этнографик номларни ва айрим муҳим терминларни изоҳлаш устида тўхтамаганлар. Шу сабабли «Миръотул мамолик» асарига изоҳлар тузилар экан, қўлимиздаги бир қанча қўлёзма асарлар билан бир қаторда махсус адабиётлардан ҳам кенг фойдаланишга тўғри келди<sup>35</sup>.

Асар ҳали ҳам айрим камчиликлардан холи бўлмаса керак, агар республикамизнинг кенг жамоатчилиги бу китоб ҳақида ўз фикрини билдирса, кўп миннатдор бўлар эдик.

Сабоҳат Азимжонова  
тарих фанлари кандидати.

---

<sup>35</sup> Муҳаммад Қосим Ҳинду Шоҳ, Тарихи фаришта, 1906, Лакнау, Абдулфазл Алломи, Оини Акбарий, 1869, Лакнау.

Ҳофиз Тиниш Бухорий, Абдулломома, ЎзССР ФА Шарқшунослик институти, қўлёзмалар фонди, инв. № 2207.

Нуриддин Абдурахмон Жомий, Нафаҳотул унс, 1919, Тошкент.

Шайх Сулаймон Бухорий, Луғати чигатой ва туркий Усманий, 1880, Истанбул.

Шамсуддин Сомий, Қомусул аълум, 1306-1316 (ҳижрий) йил, Истанбул.

Муҳаммад ибн Абдулжалил Самарқандий, Қандия, 1909, Самарқанд.

Али Сейди, Қомуси Усманий, 1327 (ҳижрий) йил, Истанбул.

Котиби Чалабий (ҳожн Халфа), Жаҳоннома, 1145 (ҳижрий) йил, Истанбул.

«Большая советская энциклопедия» ва бошқа асарлардан фойдаланилди.

# МИРЪОТУЛ МАМОЛИК





Чексиз ҳамдлар ва саноқсиз санолар жумла махлуқ-ни йўқликдан вужудга келтириб, ўзининг турли неъматларига фарқ этган, карами дарёсига чўмдирган хайр ва эҳсон эгаси вожибул вужудга (худога) махсусдир. У қандай комил қудратли ва улуғвор подшоҳдирки, унинг улуғлиги—улуғ ва неъматлари умумийдир.

Му а л л и ф д а н:

Еродуб оламин ҳақ верди шараф,  
Жумладан одами қилди ашраф.  
Ҳаққи, э дил, ороюб сайёҳ ўл,  
Маърифат баҳрина вор, маллоҳ ўл.

Дуруд ва саломлар коинотнинг сарвари, мавжудотнинг ифтихори (Муҳаммад пайғамбар)га бўлсин. Холиқи мутлақ унинг муҳаббати шарафи учун ҳамма махлуқни яратди<sup>1</sup>, уни оламга раҳмат этиб юборди<sup>2</sup>. У зот қиёмат куни худодан гуноҳкорларни сўраб олувчидир.

Му а л л и ф д а н:

Айлади нафс бизи фарқи гуноҳ,  
Қил шафоат, эда раҳмат оллоҳ.

Ҳиммат эт рўзи ҳашрда ёрин,  
Юзимиз оқ ўла, ўлмая сиёҳ.

<sup>1</sup> Ҳадиси қудси لَمَّا خَلَقْتَ الْاَفْلَاقَ га ишорат.

<sup>2</sup> «Қуръон», «Анбиё» сурасининг 105-ояти

## ДИН ПАНОҲ (СУЛТОН СУЛАЙМОН ҚОНУНИЙ) ПОДШОҲНИНГ МАДҲИ

Саодатга тўла-тўкис эришган ислом подшоҳи ҳақиға дуо қилиш ҳар мўъминга лозим ва энг муҳим, балки вожиб ва жуда ҳам керакли вазифадир. Хусусан, жаҳон султонларининг султони, ер юзи ва замоннинг хоқони, Искандар каби шавкатли, Фарийдун сингари ҳашаматли, Нуширвон янглиғ адолатли, Ҳотамсимон ҳимматли, Қайсардек савлатли, Дорога ўхшаш давлатли, қуруқлик ва денгизлар султони, қудрат ва нусрат эгаси, замон соҳибқирони, яъни султон Сулаймонхон ибн султон Салимхон ҳақиға дуо қилиш яна ҳам лозимдир. Э худо, унинг умрини узун, салтанатини дунё тургунча, даврон охиригача давом эттиргин. Руҳулъамин<sup>3</sup> ҳурмати учун дуомизни қабул этгин!

Муаллифдан:

Дуом улдир шаҳи Румнинг илоҳи,  
Саодат бирла кечсин солу моҳи.  
Унинг фармонбари хоқони Чиннинг,  
Мутийй Ҳинду Синдинг подшоҳи.

### БУ КИТОБНИ ТАРТИБ ЭТИШ САБАБЛАРИ

Бу китоб қуйидаги сабабларга биноан тузилди: Саодатли подшоҳ олампаноҳ (султон Сулаймон) ҳазратлари Шарқ ўлкасига ҳаракат қилиб, қиш фаслини Халаб шаҳрида ҳузур-ҳаловат билан кечирдилар. Ўша жойда бу бандага Миср капитанлиги мансабини инъом қилиб, бундан илгари Миср вилоятидан Басра бандарига (гаванига) юборилган флотнинг ҳалокатга учрамаган кемаларини яна Мисрга қайтаришга фармон бердилар. Шу олий амрга мувофиқ Басрага бордик; у ердаги ўн бешта кемани олиб Ҳўрмуз денгизи (Форс қўлтиғи) орқали Мисрга жўнадик. Лекин «банда тадбир этади, худо эса тақдир этади»<sup>4</sup> деганларидек, тадбири-

---

<sup>3</sup> *Руҳулъамин* — Жабраил номли фариштаннинг лақаби.

<sup>4</sup> Араб мақолларидан.

миз тақдирга мос келмади; Мисрга қайтиш муяссар бўлмасдан, Ҳинд вилоятига келиб тушдик. Ҳиндистондан ватанимизга денгиз орқали кетиш имконияти ҳосил бўлмагач, ноилож подшоҳнинг мисрлик қулларидан<sup>5</sup>, яъни неъмат қадрини билувчи, ҳалолхўр чокарларидан иборат бир қанча жасур кишилар билан бирга Рум диёри (Туркия)га қуруқлик орқалигина кетишга мажбур бўлдик. Аввал Гужарот, Ҳинд, Синд вилоятлари; Бохтарзамин, яъни Зобўлистон, Бадахшон ва Хатлон; Турон ва Эрон, яъни Мовароуннаҳр; Хуросон, Хоразм вилояти ва Дашти Қипчоқни кезиб чиқсак ҳам, у мамлакатлар орқали кетиш чорасини топа олмадик. Ниҳоят Машҳади Хуросонга келиб Ироқайн<sup>6</sup> йўли билан, яъни Қазвин, Хамадон орқали Бағдодга соғ-саломат етиб келдик ва у ердаги ёр-дўстларимиз билан кўришдик. Шу ерда жуда соф кўнгилли ҳамсафар дўстларим, вафодор биродарларим менга мурожаат этиб: «Бизнинг бошимиздан кечган ишлар «Қайғудан кейин хурсандчилик»<sup>7</sup> ҳикоятларидан узун, биз сайр этган тоғ ва биёбонлар Макка ва Жидда сўфларидан фузун десак, ёлғон айтмаган бўламиз. Буларнинг ҳаммаси чиндан ҳам бўлиб ўтган воқеалардан иборатдир. Мана шу хавф-хатарлар билан тўлиқ сафаримизда кўрган қийинчиликларимизни муфассал ёзиш учун Ҳинд денгизи сиёҳдон ва Синд вилоятининг ўрмонлари қалам бўлсаю, минг котиб йиғилиб, денгизда тортиган аламларимизни ёза бошласалар, мингдан бирини ёзиб битира олишларига; юзта ҳисобчи қуруқликда чеккан меҳнатларимизни ҳисоблашга киришсалар, ўндан бир бўлагининг ўндан бирини ҳам ҳисоблаб тамом қила олишларига кўзимиз етмайди. Фақат биз сайр этган шаҳарларни, кўрган ажойиб-ғаройибларни, зиёрат қилинган мазори шарифларни ва шулар қаторида чеккан меҳнатларимиз, дард-аламларимизнинг озгинасини баён этиб бир асар вужудга келтиришингизни ўтинамиз. Ғам-ғуссалар билан тўлган қиссамизни ўқиган ва эшитганлар ҳолимизга ачинсалар керак»,— деб қатъий суратда илтимос қилдилар.

<sup>5</sup> Асир ва қуллардан иборат бўлган аскарлар.

<sup>6</sup> Араб Ироқи билан Эрон Ироқи Ироқайн деб айтилади. Араб Ироқи (ҳозирги Ироқ давлати)нинг марказий шаҳри Бағдод бўлиб, Қазвин, Хамадон, Исфаҳон, Язд, Кошон — Эрон Ироқининг машҳур шаҳарларидан саналади.

<sup>7</sup> Арабча бир китобнинг номи.

Шунинг учун «мақсад йўлида қаттиқ туриш, ўша мақсадни ҳосил этади»<sup>8</sup>, дейилган сўзга амал қилиб шу асарни ёзишга киришдим. Воқеаларни баён этишда кўз бўямачиликдан қочдим, насрда келтириладиган қофиядош сўзларга риоя қилмадим, ҳар ким ўқиганда бемалол тушупишини кўзда тутиб, халқ орасида юрган кундалик оддий сўзларни ишлатдим. Китобимни асл турар жойимиз, яъни пойтахтимиз Истанбулга етиб келганимизгача чеккан меҳнат, машаққат ва қайғу-аламларимизни баён этиш билан тугатдим. Чеккан қаттиқчилигимизга кўра бу китобни «Меҳнатнома» деб аташ керак бўлса ҳам, ҳар вилоятнинг аҳволи ундан кўриниб тургани учун унга «Миръотул мамолик» («Мамлакатлар кўзгуси») номини беришни мувофиқ топдим. Китобим назарлари файз етиштирувчи дўстларга манзур бўлса, улардан бу ҳижрон водийсида саргардон, ғурбат диёрида нолон ва гирён бўлган зору нотавонни хайр дуо билан ёд этиб, унинг ғамгин кўнглини шод этишларини ўтинаман.

#### Муаллифдан:

Хар киши истар қўя оламда од,  
Хайр ила токим қилолар они ёд.  
Саргузаштим бан дахи зикр этдуким,  
Бир дуо ила онгламоқдир мурод.

---

<sup>8</sup> Арабларнинг ҳикматли сўзларидан.

Муаллифдан:

Яна дарёи меҳнат айлади жўш,  
Мавжи ғам бошдан ошиб этди хуруш.  
Даҳр эдуб ошкоро кийнасини,  
Ғарқа қасд этди тан сафийнасини.

Иттифоқо саодатли подшоҳ олампаҳо ҳазратлари 960 (ҳижрий) йили рамазон ойининг ўрталарида (1553 йил август охирида) файзу баракат, иқбол, саодат ва шавкат билан Шарқ ўлкасига ҳаракат этиб, қишни ўтказиш учун Халабга боришни истадилар. Бу бандага ҳам шу муборак сафар хизмати вожиб ва лозим бўлди. Ғолиб аскарларимиз билан бирга ҳаммамиз йўлга чиқдик. Муборак рамазон ҳайитини Ени шаҳарда ўтказдик. У ердан Сейди Ғозига бориб остонани<sup>9</sup> зиёрат этдик.

Қўния шаҳрига келиб муллои Рум<sup>10</sup>, Султонул уламо<sup>11</sup>, Шамс Табризий, шайх Садруддин Қўниявийнинг қабрларини; Қайсарияга бориб шайх Авҳадуддин Кермоний, шайх Бурҳонуддин Муҳаққақ, шайх Баҳоуддинзода, шайх Иброҳим Оқсаройи ва Довуд Қайсарийнинг қабрларини зиёрат этдик. Кейин Халабга келиб, Довуд, Закариё, Балқиё пайғамбарларнинг қабрларини, саҳобалардан Саъд Ансорий, Сайид Ансор ва бошқа солиҳларнинг қабрларини ҳам зиёрат этиб, саодатли подшоҳ

---

<sup>9</sup> Сайид Баттол Ғозий қабри.

<sup>10</sup> Муллои Рум — машҳур турк мутасаввуфи Жалолуддин Румий.

<sup>11</sup> Султонул уламо Жалолуддин Румийнинг отаси Бурҳонуддин Валад.

билан биргаликда муборак қурбон ҳайитини у ерда ўтказдик.

Бундан илгари Миср капитани бўлган Пийрибек Сувайш бандаридан ўттузтача кема<sup>12</sup> билан чиқиб Қулзуми араб (Қизил денгиз) орқали Жиддага келгач, у ердан Яман вилоятига юборилган эди. У Бобулмандаб бўғозидан кечди. Адан ёнидан бориб эндигина Шиҳр ва Зафор йўли орқали Раъсулҳаддан ўтган эди, йўлда қаттиқ туман тушгани сабабли, кемалар ҳар томонга таралдилар. Шиҳрга яқин жойда бир қанча кемалар ҳалокатга учради. Сўнгра Пийрибек қолган кемалар билан Уммон вилоятидан Масқат қалъасига бориб, уни қўлга киргизди ва халқини асир этди. У Ҳўрмуз ва Бархут ороллариини ҳам талон-торож этиб, Басра бандарига келгач, кофирларнинг флоти (яъни Португалия флоти) унга қарши келаётганидан хабар топди. Масқат қалъасида асир олинган кофир капитан ҳам: «Флотнинг келиши аниқ, бу ерда кўп турма, кейин бундан чиқилиш мумкин бўлмай қолади»,— деди. Дарҳақиқат, у (Пийрибек) кеч қолиб флотнинг ҳаммасини тўплаб олиш имкониятини йўқотган эди. Шу туфайли ўзига тегишли учта қадирға билан тезгина отланиб кофир (португалияликлар) келмасдан сал бурунроқ йўлга чиқди. Унинг бир қадирғаси Баҳрайн ороли ёнида ҳалокатга учради; қолган икки кема билан Мисрга қайтиб кетди; бошқа кемалар эса Басрада қолган эди.

Қубод пошо ҳазратлари Миср санжоғи<sup>13</sup> бекларидан қўшин қўмондони Алибекка капитанлик лавозимини тақлиф этсалар ҳам, у қабул этмай, қуруқлик орқали Мисрга қайтди.

Бу оғир вазият хабари Остонаий саодат (Истанбул)-га етгач, подшоҳ олампаҳоҳ (султон) юқорида баён этилган капитанлик лавозимини шу вақт Басрада бўлган собиқ Қатиф санжоғи маъмури Муродбекка топширдилар. У, подшоҳ олампаҳоҳнинг буйруқларига мувофиқ, қўлидаги кемалардан икки барка (баржа), бешта қадирға, бир қалитани Басра бандарида қолдириб (бир қадирға Басрада ёниб ҳалок бўлган эди), қолган ўн

<sup>12</sup> Текстда китоб автори бу кемаларнинг ҳамма номларини келтиради. Яъни қадирға (галера), баштарда (қадирғанинг кичиги), калийун (галсон), калита (калийун)га ўхшаган юк кемаси ва ҳоказо.

<sup>13</sup> Бир неча даҳаларнинг қўшилмаси санжоқ деб аталади.

бешта қадирга, иккита барка (баржа) билан Басра бандаридан Мисрга қайтмоқчи бўлиб йўлга чиқди, лекин Ҳўрмуз рўпарасига етган ҳам йўқ эдики, кофир (Португалия) флотига дуч келди. Икки орада қаттиқ уруш бошланди. Капитан раисларидан Сулаймон раис, Ражаб раис ва бошқа матрослардан бир неча кишилар шаҳид бўлиб, кўплари яраланди. Кемалар ҳам тўп зарбидан анчагина зарарландилар. Ниҳоят қоронғулик тушиши масалани ҳал қилди. Уруш тугади. Бир барка (баржа) урушдан чиқа олмай, Эрон ери Лор ёқасига келиб урилиб, пачақланди. Кемадагиларнинг баъзиси қочиб қутулди; баъзилари эса кема билан бирга кофир қўлига асир тушдилар. Кофир қўлида қолган шу баржадан бошқа ҳамма кемалар яна Басрага қайтишга мажбур бўлди. Бу фожиали воқеа тўғрисида Истанбулга хабар берилиб, омон қолган кемаларни олиб пойтахтга (Истанбулга) қайтиш иложи йўқлиги султонга арз этилди.

Мен фақир Котибий Румий Сейди Али Ҳусайн ўғли илгариданоқ денгизчилик илмини ўрганишга ҳавас қилиб, уни ўқиб охиригача етказишга жону дилим билан киришган эдим ва Рўдусни қўлга киргизиш вақтида подшоҳи олампаноҳ (султон Сулаймон) билан бирга қатнашган эдим. У замондан то шу вақтгача Мағриб денгизи (Ўрта денгиз)да бўлган ҳамма жангларда, шу билан бирга ҳамма қуруқликдаги урушларда марҳум Ҳайруддин пошо, Синон пошо ва бошқа капитанлар билан биргаликда турли хизматларни адо этиб келдим. Мағриб денгизининг ҳамма томонини кезиб чиққаним сабабли, бу денгизнинг ҳар бир бурчагини яхши билардим. Денгизчилик ишларига тегишли илмни жуда яхши ўрганиб, астрономия, математика фанлари ҳақида, денгизчилик ва юлдузлар аҳволи хусусида китоблар ёздим.

Истанбул олингандан (856/1452 йилдан) бери боболарим Ғалатадаги доруссаноай омиранинг<sup>14</sup> бошлиқлари эдилар, буларнинг ҳар бири денгизчилик илмида моҳир, маҳоратлари эса равшан ва зоҳир эди. Денгизчилик илм-санъати улардан менга мерос бўлиб қолди.

---

<sup>14</sup> *Доруссаноа* — техника уйи деган маънода ишлатилиб, қурол-яроқ сақланадиган давлат арсеналига айтилган. Вамберининг айтишича, арсенал сўзининг ўзи шундан келиб чиққан.



Шунинг учун подшоҳ олампаҳо ҳазратлари: «Сейди Али Раис денгизчилик ишларидан бошдан-оёқ хабардор, бу пш унинг қўлидан келади»,— деб ўйлаб, унчалик қурби, деярли иқтидори бўлмаган бу бандани 960 йил зулҳижжа ойининг охирида (1553 йил ноябрь ойида) Миср капитанлиги лавозимига тайинладилар ва Басра бандаридаги кемаларни яна Миср тарафига юбориш ҳақида фармон бердилар. Шу улуғ фармонга биноан 961 йил муҳаррам ойининг биринчи кунин (7 декабрь 1553 йил) Халабдан қуруқлик орқали Басрага жўнадик. Бийражик олдидан юриб бориб Фурот (Евфрат) дарёсидан сол (паром) билан ўтдик. Руҳо (Урфа)га бориб Иброҳим алайҳиссаломнинг қадам жойини зиёрат қилдик. Ундан Нусайбидан Мўсулга бориб Юнус ва Жиржис пайғамбарларнинг, авлиёлардан шайх Муҳаммад Ғаробили, Фатҳ Мўсулий ва Қазийбулбон Мўсулий қабрларини ҳам зиёрат қилдик.

Сўнгра Бағдодга жўнаб Текрит қалъасидан Сомирияга келдик. У ерда имом Алиюлҳодий, имом Ҳасан Аскарӣ қабрларини зиёрат этдик. Ундан Ошиқ ва Маъшуқ шаҳарларига бориб, ҳарбий шаҳарчаси ва Самака қасри йўли билан Бағдодга етдик. Дижла (Тигр), яъни Бағдод дарёси кўпригидан ўтиб Юшаъ пайғамбар, имом Аъзам, имом Аҳмад Ханбал, имом Юсуф, имом Муҳаммад, имом Муҳаммад Ғаззолий, Ийс бинни Исҳоқ алайҳиссалом, имом Мусойи Козим, имом Муҳаммад Тақи, Қанбари Али, шайх Абдулқодир Қайлоний, Жунайд Бағдодий, Маъруф Кархий, шайх Шиблий, Сарӣ Сақати, Ҳаллож Мансур, Бишр Хофӣ, Жумард Қассоб, Баҳлул девона, Фузайл бинни Аёз, шайх Шаҳобуддин Суҳравардий, шайх Довуд Тоӣ қабрларини зиёрат этдик. Саёҳатни давом эттириб, Тайр қалъаси олдидан ўтиб, Бийра қалъасига келдик.

Сўнгра Мусаййиб шаҳарчаси ёнига боргач, қайиқ билан Фурот дарёсидан ўтиб, Азу, яъни Карбалого етдик. Ҳазрат имом Ҳусайн ва у билан бирга шаҳид бўлганларнинг қабрларини ва Хурри шаҳидни зиёрат қилдик. Кейин Шифота томонидан чўл орқали Машҳадга жўнадик. Иккинчи кун Ҳоирага, яъни Нажафга бориб, ҳазрат Одам, Нуҳ ва Шамъун пайғамбарларнинг қабрларини, ҳазрат Муртазо Али қабрини, ундан Қўфага бориб Қўфа масжидини, пайғамбарларнинг меҳробларини, ҳазрат Муртазо Алининг саодатли уйини, Қанбар

ва Дулдул мақомларини зиёрат этдик. Хусайния қалъасига келаётиб Зилкифл, Ҳорун пайғамбарларнинг қабрларини зиёрат қилдик. У ердан Ҳиллага келиб, замон Соҳиби, яъни имом Муҳаммад Маҳдийнинг қадам жойини, ҳазрат Алининг акаси имом Уқайлнинг қабрини ва Шамс масжидини зиёрат этдик. Фурот дарёси кўпригидан ўтиб, яна Бағдодга қайтдик; у ердан кемаларга ўтириб Басрага йўл олдик.

Йўлда Мадойинни сайр этдик; Кисро токи, Шоҳи замон қасрини томоша қилдик. Салмон Форс қабрини ҳам зиёрат этдик. Аммора бўғозидан ўтиб, Восит йўли билан Закияга бордик. Унинг қаршисидаги Узайр пайғамбар қабрини зиёрат этдик. Ижл қалъаси билан Мазраа қалъаси олдидан ўтиб Садрус Сувайба қалъасига бордик. Кейин Басра дарёси (Шаттулараб) орқали мазкур йил сафар ойининг охирида (яъни 1554 йил февраль ойининг бошида) шаҳарга (Басрага) кирдик.

### БАСРА ВИЛОЯТИДА ЮЗ БЕРГАН АҲВОЛ

Эртаси кун Мустафо пошо ҳазратлари ҳузурида бўлдик. У қўлимиздаги муборақ фармонни кўриб, мавжуд бўлган ўн бешта қадирғани бизнинг ихтиёримизга топширди. Кемалар бениҳоят ремонтга муҳтож эди. Уларни яхшилаб ремонт қилдирдик. Капитанларда Ҳўрмузда олинган ўлжалар орасида темирдан ясалган ичи бўш бир қанча жуда катта тўп ўқлари бор эди. Шулардан ўзимизга етарли даражада сув идишлари ҳозирладик.

Денгизда сузиш мавсуми ҳали узоқ бўлгани учун беш ойгача у ерда туриб қолдик. Шу бўш вақтдан фойдаланиб, ҳазрат Али масжидини, Ҳасан Басрий, Талха, Зубайр, Анас бинни Молик, Абдурраҳмон бинни Авф ва шахид бўлган бир талай саҳобаларнинг қабрларини зиёрат этдик. Бир кеча тушимда қиличимнинг дарз кетганини кўрдим. Шайх Муҳиддин Арабийнинг: «Ҳазрат рисолат паноҳ<sup>15</sup> тушларида ўз қиличларини дарз кетган ҳолда кўрган эдилар. Воқеан бу туш тўғри келиб, саҳобалар шикаст топдилар»,— деган сўзи тушимда эсга тушиб жуда қўрқдим ва ҳазрат Расул дуо қилганларидан кейин ислом аскарлари голиб бўлганини ҳам эслаб дуо ўқимоққа бошладим. Уйқудан уйғонганимдан кейин

<sup>15</sup> *Рисолат паноҳ* — Муҳаммад пайғамбарнинг сифати.

тушимни ҳеч кимга айтмаган бўлсам ҳам, бундан анчагина хавфсираб юрдим.

Шу орада Мустафо пошо ҳазратлари Ҳувайза қалъасини қўлга киргиши учун отландилар. Улён ўғли томонидан вилоятга зарар етмасин деб, каминани беш қадирга билан Мадинаий Жазойирга юбордилар. Миср аскарлари эса, пошо ҳазратлари билан бирга кетди. Худонинг иродаси билан қалъани қўлга киргиши муяссар бўлмади. Юздан ортиқ моҳир мерган йўлдошларим у ерда шаҳид бўлдилар. Бу воқеага жуда ачиниб қайғирсам ҳам, кўрган тушимнинг таъбири шу билан дафъ бўлди деб ўйладим. Лекин тақдир тадбир билан ўзгармаслиги кундан ҳам равшандир.

Улажак нарсга ўлур чору ночор,  
Керак сен кўнглинги кенг тут, керак тор.

Ш а й х и й<sup>16</sup>

Ниҳоят сузиш мавсуми яқинлашди. Пошо ҳазратлари бир парканда, яъни бир фирқата (уч мачтали ҳарбий кема) билан Шариф номли бир моҳир денгизчини Ҳўрмўз (Форс қўлтиғи) соҳилларида душман кемаларининг бор ёки йўқлигини билиб келиш учун юбордилар. У бир ойгача соҳилларни текшириб душмanning тўртта барка (баржа)дан бошқа кемалари йўқлигини, улар ҳам фақат мавсум кемалари эканликлари хабарини берди. Шундан кейин аскарларни кемаларга жойлаштириб, Мисрга қараб йўл олди.

#### **ҲЎРМУЗ ДЕНГИЗИ (ФОРС ҚЎЛТИҒИ)ДА ЮЗ БЕРГАН ХОДИСАЛАР БАЕНИ**

Уша йили шаъбон ойининг биринчи кунини Басра бандаридан жўнадик. То Ҳўрмуз бўғозига етиб олгунимизгача юқорида айтилган шариф уч мачтали ҳарбий кема билан бирга ҳамроҳ бўлди. Аввал Шаттуларабдан Маҳзари йўли билан Аббодонга бориб Хизр алайҳиссалом қадам жойини зиёрат этдик. Кейин Ҳўрмуз денгизига (Форс қўлтиғи)га чиқдик. Дўспул (Дизпул) ва Шустар

<sup>16</sup> Урта асрда яшаган атоқли турк шоирларидан. Чалабий султон Муҳаммад (816/1414—824/1421) ва султон Мурод II (824/1421—855/1452)ларнинг замондоши.

соҳиллари бўйлаб ҳурматга сазовор бўлган оролга, яъни Хоракка келдик. У ерда ҳазрат Алининг ўғли имом Муҳаммад Ҳанифий ва шаҳид бўлган саҳобаларнинг қабрларини зиёрат қилдик. Широқ бандарларидан Ришҳарга бориб, барри форс, яъни Широқ чеккаларини кездик. Чеклова<sup>17</sup> ёрдами билан душманнинг турган ерини аниқлашга уриниб кўрсак ҳам, лекин улар ҳақида ҳеч нима била олмадик. Ниҳоят Арабистоннинг Алхасо вилояти қирғоғидаги Қатиф шаҳрига бордик. У ердагиларнинг биридан душманнинг аҳволи ҳақида сўраган эдик, ундан ҳам тузукроқ жавоб ололмадик. Сўнгра Баҳрайн оролига келиб, унинг ҳокими раис Мурод билан учрашдик. У ҳам душман тўғрисида сўраган саволимизга «денгизда кофир йўқ» деб жавоб берди.

Баҳрайннинг ажойиб бир ҳикмати бор: денгизчилар қўлларига меш олиб, денгиз тубига шўнғиб, саккиз қулоч ёки ундан кўпроқ чуқурликда бўлган ширин сув билан мешларни тўлдириб чиқиб, раис Муродга ҳар вақт келтириб бериб турар эканлар. Бу сув ёз кунларида ҳам ҳамма сувдан ширин ва совуқ бўлгани учун раис Мурод ҳар вақт ундан ичар экан. Менга ҳам ҳурмат юзасидан у сувдан юборди. Ҳақиқатан жуда ҳам яхши сув эди. Ҳазрат ҳақнинг қудрат ва азаматига чек йўқ, «худо ҳар нарсага қодир»<sup>18</sup>.

У ердаги халқ: «Худо (ширин ва шўр сувли) икки дарёни бир-бирига қўшган; лекин уларнинг орасида тўсиқ бор; (шу сабабли ширин ва шўр сув) бир-бирига қўшилиб кетмайди»<sup>19</sup>, деган оят шу Баҳрайн ҳақида айтилган бўлиб, шаҳар шунинг учун ҳам Баҳрайн номи билан аталган»,— деб эътиқод қиладилар.

Сўзнинг қисқаси у ердан ҳам кўчиб Кийс ороли, яъни эски Ҳўрмуз оролига, Бархутга ва Яшил денгиз, яъни Ҳўрмуз денгизи (Форс қўлтиғи)даги бир қанча бошқа оролларга бордик. Лекин ҳеч қаерда душманни учратмадик. Ҳўрмуз бўғозидан ўтганимиздан кейин Басрадан бизни қўриқлаш учун ҳамроҳ бўлиб келган йўл кўрсатувчимиз Шарифга қайтиб кетишга рухсат бериб, у орқали Мустафо пошо ҳазратларига Ҳўрмуз бўғозидан сиҳат-саломат ўтганимизни билдириб хат юбордик.

<sup>17</sup> Чеклова — ҳам елкан, ҳам эшакли кичик кема.

<sup>18</sup> «Қуръон», «Бақара» сураси, 284-оятнинг охири.

<sup>19</sup> «Қуръон», «Арраҳмон» сураси, 19-оят.

Жуллафор ва Жоди қиргоқларидан бориб, Кимзор ва Лима шаҳарчаларидан ўтдик, муборак рамазоннинг ўнинчи куни, яъни Басра бандаридан чиққанимизнинг қирқинчи куни деганда Хурфакон шаҳрига яқинлашдик. Шу кун чоштгоҳ вақтида тўртта тоғдек оғир баржа, учта буюк қалийун (галеон), олтита португал қаравала (каравелла)си, ўн иккита гироб, яъни эшкакли қалита, ҳаммаси бўлиб 25 та кема билан кофирлар беҳосдан олдимиздан чиқиб қолдилар ва биз томонга яқинлашавердилар. Биз дарров кемаларимизнинг соябон (парда)ларини туширдик, лангарни кўтардик, яроғ-аслаҳаларимизни шайладик. Мачталарга филондра (кема мачтасига ўрнатилган узун камбар байроқ-вимпел)лар ўрнатиб, байроқларни ёздик ва ҳазрат ҳақнинг иноятига, азиз-авлиёларнинг ёрдамига таяниб, такбир садолари орасида, ўша замониёқ жангга мардонавор киришдик. Тарихда кўрилмаган қаттиқ жанг бўлди. Тўплар ва милтиқлар овози шундай гүмбурладики, буни таърифлашдан қалам ожизлик қилади. Ниҳоят худонинг инояти билан душманнинг бир қалийунини тўп билан уриб сувга тамом ботирдик:

Голибо, кўрмади чашми анжум,  
Бу қадар ҳодисаи узмони.  
Билмарамки нежа таъбир эдаини,  
Сенга бу воқеаи куброни<sup>20</sup>.

М а с и й ҳ и й<sup>21</sup>.

Сўзнинг қисқаси, уруш кун ботгунча давом этди. Оқибат, кофирларнинг капитани тамом ҳалок бўлишдан қўрқиб, кемаларига орқага қайтиш ҳақидаги буйруқни етказиш учун шартли тўпдан ўқ уздирди. Шундан кейин кофирлар кемаларини тирамўла<sup>22</sup> қилиб, Хўрмуз томонга чекиндилар. Саодатли подшоҳнинг давлати соясида худонинг лутф-марҳамати билан кофирлар устидан ғалаба қозондик; дин душманлари мағлуб бўлдилар.

<sup>20</sup> Юлдузларнинг кўзлари бу улуғ ҳодисани кўрмаган бўлса керак. Бу буюк воқеани сенга қандай таъбир этишни билмайман.

<sup>21</sup> М а с и й ҳ и й — ўрта аср турк шоирларидан; 918/1512 йили вафот этган.

<sup>22</sup> Тирамўла — елкан арқонларини бир қўнтра (устун)дан ечиб олиб бошқа устунга боғлаш.

Қоронғилик тушди. Денгиз сатҳи тинч экан, бирдан қаттиқ шамол қўзғалди. Елканларни очиб йўлга тушдик. Соҳил яқин бўлса ҳам, шамол, ёмғир ва кучли тўлқин туфайли соҳилга етиб келолмадик. Эртаси кун ҳаво яхшилангач, яна йўлимизда давом этиб, бириси кун Хурфакон шаҳрига етиб келдик. У ерда аскарларимиз дам олганларидан кейин йўлга чиқиб, Уммон вилоятидаги Уммон шаҳарчасига, аниқроғи Суҳор шаҳрига келдик.

Шундай қилиб, яна ўн етти кунча денгизда юрдик. Муборак рамазоннинг йигирма олтинчи куни, қадр кечаси Масқат ва Қалҳот қалъаларига яқинлашдик. Тонг отар вақтида губернаторнинг ўғли, Қувва (Гоа) капитани ўн иккита зўр баржа, йигирма иккита ғироб, ҳаммаси бўлиб ўттиз тўртта кемага жойлашган сонсиз аскар билан Масқат лиманидан чиқиб, бизга қарши келаверди. Баржалар, қалийунларнинг тикланган катта ва кичик елканлари ва караваларнинг очилган чамбар елканлари бутун атрофни босиб кетган эди. Душман кемалари байроқларини ҳилпиллатиб, устимизга босиб келаверди. Биз эса худонинг ёрдамига ишониб, уларнинг қарши ҳужумини кутиб турдик. Баржалар келиб қадирғалар билан тўқнашди. Таъриф тавсифга тўғри келмайдиган даражада тўп, милтиқ, найза қилич жанги бўлди. Бажолилар<sup>23</sup> баржаларидан ўқ каби отилиб чиқиб ҳужум этардилар. Устимизга тошлар ёмғирдек ёғар эди:

Тошлари, кулаклари ким йиғдирур,  
Ҳар бири дарёда дугинди ўлур.

Я т и м<sup>24</sup>.

Бизнинг бир қадирғамиз, тўп ўқи теккач, ёниб кетди. Лекин қизиғи шундаки, худди шу тўп отаётган душман кемаси ҳам бир ўқ узгандан кейин ўзи ҳам ёниб кетди. Бизнинг бешта баржамиз, бешта қадирғамиз билан бирга душманнинг ҳам шунча кемалари вайрон қилинди ва денгизга бутунлай чўкиб кетди. Шуниси қизиқки,

<sup>23</sup> Бажоли — Африкада, Нубанинг шарқ томонидаги Билодул бажо ёки Бажова деган ерда яшовчи халқ бўлиб, бир неча қабиаларга бўлинадилар (қаранг: «Қомусул аълом». II том, 1241-бет).

<sup>24</sup> Я т и м (А л и Ч а л а б и й) — машҳур турк шоири; 960/1553 йилда вафот этган.

шулар жумласидан душманнинг бир баржаси кўтарилган елканлари билан сувга чўкиб кетди.

Шундай қилиб ҳар икки томон ҳам баробар ҳолдан кетган, кўпгина қурбон берилган эди. Эшкакчиларнинг сони камайиб қолган эди. Булар эса бу вақтда тўп-лардан ўқ узишлари, кемаларни сув оқимиغا қарши юргизишлари лозим эди. Лекин бунга кучлари етмас эди. Шу сабабли, ноилож, кемаларнинг орқа томонидан лангар ташлаб, бутун куч билан жангни давом эттирдик. Ҳалок бўлган қадирғаларнинг раисларидан Аламшоҳ раис, қора Мустафо, Қалафот меми, Кевикли сардор, дерзи Мустафобек, яна бошқа талайгина Миср қуллари ва усталаридан иборат икки юзга яқин кишини қайиқлар билан қутқазиб олинди. Эшкакчиларнинг ҳаммаси араб эдилар. Уларни соҳилга чиқардик. Шу вақтда жуда кўп Нажд араблари келиб мусулмонларга ёрдам этдилар, соҳил томонига йўл кўрсатдилар. Кофирлар ҳам ҳалок бўлган баржаларидаги кофирларни қутқазиб, кемаларига олдилар. Улар орасида бўлган арабларни соҳилга чиқардилар. Бир вақтлар марҳум Хайруддин пошо билан Андрея Тория ўрталарида бўлган денгиз жанглирида ҳам қатнашган эдим, лекин у жанглар бундай даҳшатли бўлмаган эди.

Ниҳоят қоронғилик тушди, кеч бўлди. Яна бирдан шамол кўтарилди. Баржалар иккитадан ликувурта, яъни катта лангар ташладилар. Уларни ғироблар (кичик кемалар) билан судратиб соҳилга қараб ҳаракат қилдик. Қадирғаларнинг лангарлари судралиб келар эди. Ҳаммамиз жуда қийналдик. Охири соҳилга етиб боришдан воз кечиб, тилар-тиламас елканларни очиб яна йўлга тушдик. У кеча шамол кемаларни араб тупроғи соҳилидан Уммон (Арабистон) денгизига қараб оқизиб кетди. Ниҳоят, Кермон вилоятидаги Жош (Жаск)га етиб бордик. Унинг соҳиллари поёнсиз бўлиб, бандар йўқ эди. Қулайроқ бир соҳилни топиб, у ерда озроқ тўхтадик. Кемаларнинг шикастрехтларини тузатгандан кейин яна йўлга тушдик. Бир-икки кун зўрға йўл юриб, Макрон вилоятидан Кичик Макронга етдик. Лекин қуёш ботиб, қоронғилик тушгани учун соҳилга етиб бориш мумкин бўлмади. У кеча денгизда тунашга мажбур бўлдик. Қуруқликдан эсанг шамол кўпчилик кемаларимизни соҳилдан яна ҳам узоқлаштирди, аскарларимиз жуда ҳам қийналган эдилар. Ниҳоят эртаси кун тонг вақтида минг

турли меҳнат ва машаққатлар билан Шаҳбо бандари соҳилига яқинлашдик. Биз бу ерда талаб олинган нарсалар ортилган нўтоқла, яъни қароқчилар кемаси билан учрашиб қолдик. Кемадаги қароқчилар кузатувчилар орқали бизнинг келганимиздан хабардор бўлиб ҳужумга тайёрландилар. Биз уларнинг ёнига одам юбориб, ўзимизнинг мусулмон эканимизни билдирдик. Шундан кейин уларнинг капитани бизнинг кемамизга келди. Кемаларимизда бир қултум ҳам сув йўқ эди, ҳалиги капитан бизни сув билан таъмин этди. Шу билан сувсизликдан ўлиш даражасига етган аскарларимизга янгидан жон кирди. У кун биз учун бир ҳайит кун бўлди. Сувсираб қолганлар учун бу кун ҳақиқий зўр байрамга айланди. Мазкур капитан яна раҳбарлик қилиб, бизни Киводар (Гвадар) номли бандарга олиб борди. У ернинг халқи белуж бўлиб, подшоҳлари Малик Динорнинг ўғли Малик Жалолуддин экан. Киводар ҳокими кемамизга келиб, саодатли подшоҳимизга жуда ҳам ихлосманд эканини билдирди. Бундан илгари у турк кемалари Хўрмузга келган вақтда ўз кемаларида озиқ-овқат ва одам юборган бўлса ҳам, флотимиз кетиб қолгани сабабли, унинг кемалари бизларники билан учраша олмай қайтиб келган экан. Бундан сўнг қай вақт Хўрмузга флотимиз келадиган бўлса, эллик-олтмишта кемада озиқ-овқат юбориб, флотдагиларни озиқ билан таъминлашга ва бундан бошқа ҳар қандай хизмат бўлса тайёр эканлигини билдирди. Биз Малик Жалолуддинга мактуб юбориб, ундан ҳозирча бизга муаллим (лоцман), руббон (соҳиллар аҳволини яхши билувчи)лар юборишини илтимос қилдик. Малик Жалолуддин шу талабимизни қабул этиб, бизга энг тажрибали муаллим ва битта руббон юборди. Шу билан у саодатли подшоҳга (султонга) ўзининг муҳаббат ва иттифоқи, унинг мақсадларига ҳамдамлашишга тайёр эканлигини билдирди.

#### **ДАРЁИ БОРИ ҲИНД (ҲИНД ОКЕАНИ)ДАГИ САРҒУЗАШТЛАРИМИЗ**

Худонинг марҳаматига таяниб Киводар бандаридан дарёи Ҳиндга, яъни Баҳри муҳити ҳиндийга (Ҳинд океанига) чиқдик. Ҳаво бир оз ўнғайлик кўрсатгани сабабли яна Яман тарафига қараб йўл олдик.



Солдим анкина кўнгил заврақини шоҳ ўгура,  
Ба дея нўлса керак эдалим аллоҳ ўгура  
(На ж о т и й)<sup>25</sup>,—

деб бир неча кун денгизда бўлдик. Тахминан Раъсул-хадни кечиб Зафор ва Шихр рўпарасига яқин келган ҳам эдик, бирданига қаршимиздан кучли шамол билан тўфони фил деб аталган зўр денгиз тўлқини кўтарилди ва бизни орқага улоқтириб юборди. Елкан кўтариш ёки тринкета<sup>26</sup> очиш мумкин бўлмади.

Бир баҳра душди киштиий дил йўқ канора ҳеч,  
Бир бодибоний рост дагил рўзгора ҳеч  
(Я т и м),—

деб нола этардик. Шамол ҳеч бир кўз очдирмади. Мағриб денгизида юз берадиган тўлқинлар бунинг ёнида бир заррача, тоғларнинг тепаларидек баланд бўлган мавжлари бунинг қошида бир қатрача ҳам эмас эди. Кечадан кундузни ҳеч бир фарқ этолмадик. Кемалар жуда ҳам қувватсиз, заиф бўлгани учун оғир асбоб-ускуналарни денгизга улоқтириб ташладик. Хожа Ҳофизнинг:

Шаби торийку бийми мавжу гирдоби чинин ҳоил,  
Кужо донанд ҳоли мо сабукборони соҳилҳо?<sup>27</sup>—

деган сўзларини қайтарар эдик. Қисқаси, рўзигоримиз (кунимиз) тилар тиламас рўзигор (шамол)га бўйсуниб қолди. Худонинг қазосига рози бўлишдан бошқа қўлимиздан ҳеч нима келмас эди. Худонинг иноятига таваккал этиб, улуғ пайғамбарлар ва азиз авлиёларнинг ҳимматларига таяндик. Баъзан қайғули кўнглимга тасалли бериб:

Душма анкини ғама фўртаначиқдир совулир,  
Сокини фулки ризо ўл кўрининча қаролар  
(Я т и м),—

дердим ва баъзан:

---

<sup>25</sup> На ж о т и й (Нуҳ) — машҳур турк шоири, 914/1508 йилда вафот этган.

<sup>26</sup> Тринкета — учбурчакли елкан (штурмчи парус).

<sup>27</sup> «Кеча қоронғи, тўлқин — қўрқинчли, гирдоб — бир ғов, тўсиқ. Соҳилдаги юки енгиллар ҳолимизни қаёқдан билга оладилар».

Э кўнгил, гел, душма ғам гирдобина, дарёйи  
дил ўл,  
Берги кун эссун, совирсун, бўйла қолмаз  
рўзигор,—  
деб қайғули кўнглимга тасалли берар эдим.

Ҳинд океанида ўн кунча шу хилда зўр тўлқин бўлиб, узлуксиз ёмғир ёғди. Бир кун ҳам кўк осмон юзини кўрмадик. Кемада бўлган йўлдошларимга: «Ғофил бўлманг, ҳар ишга ҳозир ва тадбирли, басийратли бўлинг; сафаримизнинг оқибати, худо хоҳласа, хайрли бўлади»,—деб тасалли берар ва насиҳат қилардим.

Иттифоқо, денгизда икки қадирға, балки ундан ортиқроқ узунликдаги балиқлар кўринди. Лоцман: «Бу яхшилик нишонаси, кўрқманглар!»—деб бизни тинчитди. Ниҳоят, денгиз тўлқинининг қалқиб кўтарилиши ва пасайиши бошланди. Лекин тўлқиннинг қалқиб кўтарилиши зўрайиб, пасайиши ундан анча секин бўлгани учун Жакад кўрфазига яқинлашдик. Денгиз ҳайвонларидан денгиз айгири, катта илонлар, жуда катта тошбақалар ва денгиз ўсимликлари кўриниб турарди. Сувнинг ранги тўсатдан ўзгариб оқимтир бир тусга кирди. Лоцман бу ҳолни кўргач: «Ҳинд океанидаги гирдоб — гирдоб эмас; ҳақиқий гирдоблардан бири Хабаш вилоятида, соҳил каноридаги Кирдфўнда ва бири эса Синд яқинидаги Жакад кўрфазида бўлади; буларга тушган кемалар ҳалокатдан ҳеч бир қутула олмайди, дейилган сўзлар денгиз ҳақида ёзилган китобларда қайд қилинган; биз ана шу гирдобга тушиб қолдик»,—деб фарёд урди.

Уларнинг сўзларини эшитиб, исқандил<sup>28</sup> билан денгиз чуқурлигини ўлчадим. Ўрта елканларни дарров беш қулоч бўз билан боғладик, саранни<sup>29</sup> эса вақтинча икки қават қилиб маҳкам ўрадик, сўнгра мумкин қадар урсазир<sup>30</sup> этдик. Фўрсани<sup>31</sup> кўтариб бир кеча-кундуз тик турган ҳолда эҳтиёт бўлиб турдик. Охир худонинг инояти билан сувнинг пасайиб, қайтиш вақти етишди. Шамол

---

<sup>28</sup> *Исқандил* — денгизнинг чуқурлигини ўлчайдиган асбоб.

<sup>29</sup> *Саран* — мақтада елканни тикиб қўядиган ёғоч (рея).

<sup>30</sup> *Урса* — кеманинг чап томони. *Урсазир этиш* — кемани шамол эсаётган томонга буриш.

<sup>31</sup> *Фўрса* — махсус байроқ, брейд, вимпел.

ҳам қулайлик келтирди, яъни опозлама<sup>32</sup>, балки пўпа пурува<sup>33</sup> бўлди.

Вужудинг заврақин сол баҳри ишқа рўзигорингдир.  
Худонингдир ўгирмак, сонма, э дил, рўзигорингдир<sup>34</sup>.  
С и ҳ р и й<sup>35</sup>.

Эртаси кун эрталаб елканларни туширдик, ёш матрослардан бирини жўндага, яъни сараннинг учига чиқардик. Қуруқ саранни икки қаватдан ўратдик. Қозик<sup>36</sup> мачта тагига бостирдик; елкан арқони бир хода миқдори кўтарилди. Атрофга кўз ташлаган эдик, - Жамҳара вилоятининг чегарасидаги бир бутхона кўринди.

Кейин елканларни жуда паст тушириб йўлга тушдик. Душманга сездирмасдан Формиён, Мангрол, Сўмнот ёнидан ўтиб, Дивга яқинлашдик. Див кофир қўлида бўлгани учун елканларни бутунлай туширдик ва сурдирма қилиб у ердан ҳам ўтдик. Шамол яна авжига чиқди. Кемаларнинг думан (руль) ларини идора қилиб бўлмагач, буюк яка (ричаг)лар ўрнатилди ва уларга икки қават арқон ўраб, ҳар бир арқонни тўрт киши ушлабгина, кўп қийинчиликлар билан кемаларни идора қила олдик. Шамол шу даража кучли эдики, Қордия (палуба) устида ҳеч ким тура олмас ва, албатта, ҳеч ким юролмас ҳам эди. Кемаларнинг устидаги кўндаланг елкан ёғочларнинг бир-бирига урилган овозидан бурғу найлар овози асло эшитилмас эди. Капитанлар ва бошманлар бир лаҳза ҳам ўз ўринларини холи қўя олм эдилар.

Қисқаси, у кун қиёмат кунини эслатар эди. Ниҳоят Ҳиндистоннинг Гужарот вилоятига етдик. Аммо унинг қайси жойига келганимизни била олмадик.

Бирдан лоцман: «Эҳтиёт бўлинглар, олдимизда сув ости тошлари бор!»— деб қичқариб юборди. Биз дарров лангар ташладик; лекин сув оқими лангарларни узиб,

---

<sup>32</sup> *Опозлама* — кеманинг елкани шишиб, гоҳи ўнга; гоҳи чапга бурилиб секин-секин кетиши.

<sup>33</sup> *Пўпа пурува* — кеманинг эсиб турган шамолга мувофиқ ҳаракати.

<sup>34</sup> Бу байтнинг биринчи мисрасидаги «рўзигор» сўз — замон, вақт, иккинчи мисрасидаги эса ел, шамол маъносини билдиради.

<sup>35</sup> *С и ҳ р и й* — турк шоири. Сўлтон Сулаймон Қонуний (926/1520—974/1566) даврида яшаган.

<sup>36</sup> *Қозик* — бир арқоннинг икки учини бир ерга банд этиб, ўртасидан бошқа бир арқон билан боглашдан ҳосил бўлган поялар.

кемаларни сув остига торта бошлади. Бир кеманинг ғарқ бўлишига сал қолди. Эшкакчилар ўринларидан қўзғалдилар. Кемалардаги одамлар яланғоч бўлишиб баъзилари бочкаларга, баъзилари эса мешлар ва дуч келган нарсаларга ёпишиб бир-бирлари билан видолашавердилар. Мен ҳам яланғоч бўлдим ва ҳамма қулларимни озод этиб, Макканинг фақир-бечораларига юз флури<sup>37</sup> назр ҳам атадим.

Бир кеманинг иккита лангари узилиб кетгач, яна иккита маҳкам лангар ташладик. Қийинчиликдан бир оз қутулгач, лоцманлар: «Агар Див билан Даман ўртасида бу аҳвол рўй берганда, бир жоннинг ҳам саломат қутулиши мумкин эмас эди, дейишди ва дарров елканларни очиб кофирлар (португалияликлар) турган томонга яқин боришга интилиш керак», — деб сўзларида қаттиқ туриб олдилар. Мен денгиз тўлқинининг кўтарилиш ва пасайиш дамини ҳисобладим; сувнинг жараёнини эътиборга олдим ва компас воситаси билан мавқеини аниқлаб, соҳилга яқин эканимизни англадим. Қаломи қадим ва фурқони азимдан («Қуръон»дан) фол очдим. Фол ҳовлиқмай сабр қилиб туриш яхшироқ эканини билдирди. Кемалар трюми (омбори)ни текшириб кўрдик; бир жойда сув девол бўйи ва иккинчи жойда ундан ҳам юқорироқ чиққани аниқланди. Биз бундан олдинроқ кемага ичиш учун кўп сув олган эдик. Энди эса ҳамма кучни кемалардаги сувларни (денгизга) сепиб ташлаш учун сарфладик. Кемаларни босган сувдан тезроқ холи қилиш учун уларнинг пастки қисмларининг бир неча жойидан тешиб, сувни тарновдан оқизиб қўйдик.

Куннинг иккинчи ярмида ҳаво анча ёришди. Биз Гужаротнинг Даман бандари яқинида эканлигимизни аниқладик. Соҳил фақат икки мил узоқликда эди. Ҳамма кемалар ҳам у ерда эдилар. Аммо шикастланган, ярим сувга ботган баъзи қадирғалар зўр машаққатлар билан соҳилга яқинлашиб қолгандан кейин эшкак, қайиқча ва бочкаларни ташлаб, сувнинг қалқиб кўтарилиши орқасида соҳилга етиб олган эканлар.

Шундай қилиб, денгизда беш кеча-кундуз лангар ташлаб турдик. Сув тўлқини яна зўрайди. Ҳиндистоннинг бодисод (ёғингарчилик) мавсуми бўлгани учун тинмай ёмғир ёғиб турар эди. «Кўкдан ёққанни ернинг

---

<sup>37</sup> Флури — олтин ақча.

қабул қилмасдан иложи йўқ», деганларидек ҳар бир оғирлиққа чидашдан бошқа чорамиз йўқ эди.

Ўша кунларда кундузлари ҳеч вақт қуёшни, кечаси эса юлдузларни кўрмадик. Кеча-кундуз компас ва соатдан кўзимиз айрилмас эди. Қисқаси, ҳар ким ҳайрат дарёсига фарқ, меҳнат денгизига мустағрақ бўлиб, ҳаётдан қўл ювган эди.

Офтобий, дуға давлат гунаши бир кун ўла,  
Ҳақ таоло қулина қаҳр ила доим қарамаз  
(О ф т о б и й<sup>38</sup>),—

деб қайғули кўнглимизга тасалли берар эдик. Худонинг ҳикмати билан у ерда лангар ташлаб турган уч кема қийшайиб кета бошлади. Ичидагилар:

Кишти шикастгоним, э боди шарт, бархез.  
Бошадки боз бийним он ёри ошноро  
(Х о ж а Ҳ о ф и з<sup>39</sup>),—

деб худойи бениёзга минг турли арзу ниёз этардилар; худога ҳамду санолар бўлсин, ҳаммалари соғ-саломатлик билан соҳилга чиқиб, эсон-омон қутулдилар.

#### ГУЖАРОТ ВИЛОЯТИДА ЮЗ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Худонинг инояти билан беш кундан кейин шамоат бир оз секинлашиб, денгиз сатҳи тинчлангач, шикастланган кемаларнинг тўп ва бошқа асбобларини Гужарот подшоҳи султон Аҳмаднинг амирларидан Даман ҳокими Малик Асадга амонат тариқасида топширдик. У ерда Каликутдан келган бир нечта жўнг<sup>40</sup>, яъни мавсум кемаларини учратдик. Улар қайтиб кетмоқчи бўлиб турган экан. Уларнинг капитанлари бизнинг кемамизга келиб, Каликут подшоҳи сомирининг саодатли подшоҳ (султон Сулаймон) ҳазратларига чексиз муҳаббат ва итоатини аңлатиб, унинг кеча-кундуз кофир (португалияликлар) билан тўхтовсиз жанг этиб тургани ҳақида хабар бердилар. Мен сомирига: «Худо хоҳласа, тез кунлар ичида подшоҳимизнинг флоти Мисрдан келиб.

<sup>38</sup> О ф т о б и й — турк шоири; Султон Муҳаммад (Фотих) II (855/1452—886/1481)нинг замондоши.

<sup>39</sup> Синиқ кема ичида ўтириб қолганмиз. Э қутулиш ели, тезроқ тур, шояд у ошно-ёримизни яна бир марта кўрсак!

<sup>40</sup> Катта кеманинг бир тури.

у ерларни кофирлардан озод этиши аниқ; умидсиз бўлмай мардонавор жанг этинг», деган мазмунда хат ёзиб, қадиргаларимизда бўлган лоцманлардан, ўша вилоятлик Али номли лоцман орқали юқорида айтилган кемалар (мавсум кемалари) билан жўнатдим. Даман ҳокими Малик Асад бу ҳақирга: «Қофир флоти келиш арафасида турибди, ғофил бўлманг; Сурат қалъасига тезроқ етиб боришга ҳаракат қилинг»,— деб бизни огоҳлантирди. Бу хабар тарқалиши билан аскарлар саросимага тушиб қолдилар. Уларнинг бир қисми Малик Асад хизматига ўтдилар, иккинчи қисми эса:

Суйи бордоқда демишлар кемийи коғадда,  
Биздан аввал бу жаҳон сайрин эдан аҳли вуқуф,  
Олами барри қўйиб баҳр ҳавосинда ялон<sup>41</sup>,  
Бу Али эса, онинг ақлини идрокина юф<sup>42</sup>  
(Я т и м),—

деб қайиқчаларга ўтириб қирғоққа кетишди. У ердан қуруқлик билан Суратга бориш ниятида бўлдилар. Мен ҳақир ҳам ўзимга садоқатли бир қанча киши билан йўлга чиқишга ҳаракат этдим. Ҳар кемага биттадан йўл кўрсатувчи олиб Сурат бандарига жўнадик. Минг турли азоблар ичида денгизда тезлик билан кетар эканмиз, Сурат кутволи<sup>43</sup> ого Ҳамза бир ғироб (кичик кема) билан келиб, султон Аҳмаднинг буюк вазири Имодулмулкнинг бизга ёзган хатини топширди. Хатда: «Қофирлар анчагина йиғилган; Даман очиқ ер, хавфли, ғофил бўлманг; жадаллик билан Сурат қалъасига келинг»,—деб ёзилган эди. Бизнинг ҳам муддаомиз шу бўлгани учун, яна беш кун сув тўлқинида гоҳ лангар ташлаб тўхтаб, гоҳ тўлқинда сузиб юришга тўғри келди. Минг хил азоб-уқубатлар чекиб, ниҳоят ҳазрат ҳақнинг инояти билан, Басра бандаридан чиққанимизга роса уч ой тўлди деганда, лангар ташлаб Гужарот вилоятидаги Сурат қалъасига доҳил бўлдик. У ердаги мусулмонлар бизни жуда хурсандлик билан кутиб олишди. «Ҳозир Гужарот вилоятида тўполонлар бўлаётибди, бизга худди Хизрдек етиб келдингиз. Нуҳ замонидан бери денгизда бундай тўфон бўлган эмас ва Одам давридан то шу вақтгача

<sup>41</sup> Ялон — баҳодир, шижоатли.

<sup>42</sup> Юф — беҳуда, бўш, суф.

<sup>43</sup> Кутвол — қалъа бошлиғи.

Рум вилоятидан (Туркиядан) Ҳинд вилоятининг бу қир-  
ғоқларига сиздек денгизчилик илмига моҳир ҳеч бир  
капитан келган эмас эди. Худо хоҳласа, Ҳинд бандарла-  
ри нафратли кофирлар қўлидан халос бўлиб, Гужарот  
вилояти тезда усмонли (Туркия) мамлакатига қўшилади  
деб умид этамиз»,— дедилар.

Аҳвол бундай эди: «Гужарот подшоҳи султон Баҳо-  
дир ўлгач, унинг қариндошларидан султон Аҳмад ном-  
ли ўн икки ёшли бир бола подшоҳ бўлган экан. У тахтга  
чиққандан кейин аскарлар уни подшоҳ деб таниган-  
лар. Лекин унинг Носирулмулк номли бир улуг хони  
унинг номига қасамёд қилмаган; ўз олдига алоҳида бор-  
гоҳ (шоҳона чодир) қуриб, подшоҳлик даъвосини қилган.  
У атрофига анчагина одам тўплаб, Барваж (Брочъ),  
қалъасини қўлга олган; аскарини бу қалъа мудофааси  
учун қўйиб, ўзи бошқа ерга отланган эди. Шу орада у  
Кувва (Гоа)да бўлган кофирларнинг бош губернатори-  
га: «Ёрдам қилинг, ҳинд Гужаротининг бандарлари,  
яъни Даман, Сурат, Барваж, Катбоя, Сўмнот, Мангрол.  
Формиён сизга, қуруқликлари эса менга бўлсин», деган  
мазмунда хат ёзиб юборган. Султон Аҳмад ҳам  
аскар тортиб, Барваж устига келган. У душман билан  
жанг этаётган вақтида бизнинг бу ерларга етиб келга-  
нимизни эшитиб, дарров одам юборди ва бизнинг мил-  
тиқчимиз ва бошқа кишилардан иборат икки юзтача  
йўлдошимизни олиб, Барважга қарши отланди.

Чиндан ҳам учинчи кун кофирнинг Кувва, (Гоа),  
Див (Диу), Шиввал, Басойи капитанлари ва денгиз ка-  
питани ҳаммаси бўлиб беш капитан еттита буюк қа-  
лийун, саксонга ғироб билан бизнинг орқамиздан етиб  
келдилар ва шу замониёқ биз билан жанг қилишга ки-  
ришдилар. Биз ҳам соҳилга чиқиб чодирлар қурдик,  
ҳандақлар қазидик. Икки ойча улар билан кеча-кундуз  
тинмай урушдик.

Кофирлар томонига ўтиб олган золим Носирулмулк  
мени ўлдириш учун пулга одамлар ёллаган ва баъзи  
фидойиларга бир лак ақча ваъда этиб, уларни кечаси  
чодиримизга юборган эди. Соқчиларнинг ҳушёрлиги са-  
бабли қотиллар фош қилиниб, бизга зарар етказа олмай,  
қочишга мажбур бўлдилар. Яна у золим (Носирулмулк)  
мени заҳарлашга ҳам уринган эди. Унинг бу фикридан  
Сурат қалъасида ҳоким бўлган Ҳусайн ого мени хабар-  
дор қилди ва бундан сўнг доимо ўзимга эҳтиёт бўлиб

юра бошладим. У ҳалокатимга қандай чоралар кўрса ҳам, худонинг лутф-инояти сабабли, ҳеч бир зафар топа олмади.

Шу орада султон Аҳмад Барваж қалъасини қўлга киритди. Сўнг ўз сардорларидан Худовандхон билан Жаҳонгирхонни бир оз фил ва аскар билан Сурат қалъасига юборди, ўзи эса Аҳмадободга кетди. У ерда ҳам султон Баҳодирнинг қариндошларидан султон Аҳмад исмли яна бир йигит алоҳида чодир қуриб, ўзини шоҳ эълон қилган эди. Биринчи султон Аҳмад боргандан кейин икки орада қаттиқ уруш бошланди. Натижада иккинчи султон Аҳмад яраланди ва унинг хонларидан Хасанхон бу жангда ўлдирилди. У шикаст топиб қочишга мажбур бўлгандан кейин, яна биринчи султон Аҳмад тахтга чиқди. Бу воқеалардан қаттиқ таъсирланган Носирулмулк қайғу-аламлар чекиб вафот этди ва шундан кейин Гужарот вилояти тинчланди.

Кофир бу аҳволни эшитгач, Худовандхонга элчи юбориб: «Биз сиз билан урушишни истамаймиз; мақсадимиз фақат Миср капитанини қўлга олишдир»,— деб бу ҳақирни тутиб беришни улардан талаб этди. Улар эса: «Биз бу одамни сизларнинг қўлингизга топширишга кучимиз етмайди»,— деб жавоб бердилар. Менинг аскарларим келган элчини ўлдирмоқчи бўлдилар. Лекин мен уларга: «Биз бошқа бир подшоҳнинг вилоятида турибмиз; кунимизни тинчлик билан ўтказиб, ишнинг оқибатини кутайлик:

Ҳала дарду балоя сабр эдалим,

Қўралим оқибат худо найлар

(Н а ж о т и й),—

деб элчини ўлдиришга йўл қўймадим.

Бизнинг кемамиздан бир кофир уста қочиб, кофирлар (Португалия) элчисининг кемасига ўтди. Албатта, унга бизнинг режаларимиз маълум эди. Агар бу ҳақда кофирлар билса, бизнинг кетишимизга йўл қўймасликлари аниқ эди. Шу сабабли бизнинг аскарларимиз кофирларнинг кемасини босиб олдилар ва қочган (ана шу) кишини тутиб, қалъа ёнига келтириб ўлдирдилар. Кофирлар элчиси бундан, ниҳоят, васвасага тушди.

Ўша вилоятда хурмо оғочига ўхшаш тори оғочи деб аталган бир дарахт бор экан. Унинг ҳар бир бутоғига бир кўза осадилар; кейин бутоқнинг учини кесиб, кўза-



нинг ичига тиқиб қўядилар. Кўза ичига арақ рангли сув тинмай оқиб туради. Сув қуёшнинг кучли иссиғи таъсири билан оз вақт ичида жуда ҳам соз, ўткир майга айланади. Ҳар бир тори оғочнинг тагида майхона бўлиб, халқ доимо унда айшу нуш этар экан. Иттифоқо аскарларимиздан баъзи бузуқилар ҳалиги майдан ичиб маст бўлиб, ўз сардорларини ўлдиришга тил бириктирганлар, кечаси хуфтон вақтида йиғилиб келганлар ва Яғмур номли бир бадбахт қўлидаги ханжар билан чарокаса сардори бўлган Ҳусайн ого устига ҳужум этган. Баъзи йўлдошлар дарров бориб уни ушламоқчи бўлган эканлар, ҳалиги бадбахт икки йигитни ярадор ва ҳожин Мами номли ишга яроқли бир йигитни ўлдирган. Аскарлар ёнимга келиб: «Бу ҳаромзодага, албатта, жазо беринг!»—деб мени қийин-қистовга олдилар. «Бу вилоят бошқа подшоҳга қарайди; бунда бизнинг ҳукмимиз ўтмайди; худо хоҳласа, эрталаб шу ернинг ҳукумати бошлиқларига воқеани билдираман»,—десам ҳам қўнмай: «Подшоҳимизнинг ҳукми ҳар ерда биз учун вожиб, сиз бизга сардорсиз, шариатга мувофиқ ҳукм қилинг. биз шариат ҳукмини ижро этамиз»,—деб туриб олдилар. Шундан сўнг қуръони каримнинг: «Жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, қулоққа қулоқ, тишга тиш қисос олинади. Бошқа жароҳатларга ҳам шундай қисос бордир»<sup>44</sup>,—деган оятига амал қилиб, ҳожин Мамининг қотили бадбахт Яғмурни ҳам ўлдиришга буюрдим. Бошқа бузуқи ярамаслар буни кўргач, қўрқиб тинчландилар. Ҳақиқатан ҳам «қисосда сиз учун ҳаёт бордир»<sup>45</sup> мафҳуми зуҳур этиб, барча қувонди.

Кофир беклари бу воқеани эшитиб, анча ибрат олдилар. Элчи дарҳол аравалар кира қилиб, султон Аҳмад томонига кетди. Суратда Худовандхон бизнинг ҳар бир аскаримизга эллик-олтмиш ақча (рупия) ойлик тайин этди. Одилхон ҳам Барважда шундай қилар эди. Аскарларимиз орасида норозилик бошланди; ниҳоят улар ўз фикрларини ошкор айтдилар: «Икки йилга яқиндирки, ҳеч қандай ҳақ олмаймиз; ҳеч бир нарсамиз қолмади. Кемалар ишдан чиққан, асбоб-аслаҳалари, ускуналари йўқ. Бундан кейин Мисрға қайта олмаслигимиз аниқ»,—дедилар. Нечтаси:

---

<sup>44</sup> «Қуръон», «Моид» сураси, 49-оят.

<sup>45</sup> «Қуръон», «Бақара» сураси, 176-оят.

Ба дарё дар маномеъ бешимораст,  
Агар хоҳи саломат дар канора<sup>46</sup>

(Ш а й х С а ъ д и й),—

десалар, бир нечтаси:

Гар фулки фалак оқилмидир ул<sup>47</sup>,  
Ихтиёр айла дарё сафарин (Я т и м),—

деган гапларга амал қилдилар. Бу гапларнинг оқибати шу бўлдики, аскарларнинг кўпчилиги Гужарот вилояти-да хизматга кирдилар.

Кемалар бўшаб қолган эди, уларни Сурат қалъасида Худовандхонга яроқ-аслаҳалари ва мавжуд бўлган асбоблари билан бердик. У, кемалар баҳосини давлат эшигига (Истанбулга) етказишга сўз берди. Бу ҳақда Худовандхон билан Одилхондан тилхат олдик. Бу ҳақирга тобе бўлган ва саодатли подшоҳ ҳазратларининг берган туз-нонларини унутмаган ҳалолхўр қулларидан Миср яничерларининг<sup>48</sup> бошлиғи Мустафо ого, милтиқчилар сардори Али ого ва бўлук (рота) бошлиқларидан иборат элликтача йўлдош билан ҳақ таолога таваккал этиб:

Инна маалъусри чу юсраш қафост,  
Шоди баронамки каломи худост<sup>49</sup>.

(Ш а й х Н и з о м и й),—

мафҳумига амал қилиб, 962 йил муҳаррам ойининг биринчи куни (яъни 1552 йил ноябрь ойининг охирида) Аҳмадободга жўнадик.

Бир неча кунда Барважга, ундан бир неча кун ўтгач, Билўдрага бордик. Сўнгра Чомпонир йўли билан равона бўлиб, йўлларда ажойиб дарахтларни кўрдик. Бу дарахтларнинг учи худди осмон билан туташарди. Унинг устларида ажойиб шабпарра (кўршапалак)лар учиб юрарди. Буларнинг бир қаноти билан иккинчи қанотининг ораси ўн тўрт қарич эди. Ҳар бир дарахтда ҳисоб-

<sup>46</sup> Денгиздан кўп фойда кўриш мумкин, лекин саломатликни истасанг, уни қуруқликдан кут.

<sup>47</sup> Фалак кемасининг ақлли эканига ишонган тақдирингдагина денгиз сафарини ихтиёр қил.

<sup>48</sup> Яничери (янги аскар)— Туркиянинг бурунги аскар.

<sup>49</sup> Худонинг: «Ҳар қийинчиликдан кейин енгиллик келади»,— деган сўзи бор. Биз шунга хурсандмизки, бу сўз худонинг сўзи, ваъдасидир. («Қуръон», «Алам нашраҳ» сураси, 5-6-оятга ишора).

сиз даражада шундай шабпарралар яшарди. Бу дарахтларнинг шохлари юқоридан пастга эгилиб тушиб ерга тегеди ва кейин яна янгидан кўкариб ўсади. Шу йўсинда бир дарахтдан ўн-йигирма, балки ундан ҳам кўпроқ дарахтлар пайдо бўлади. Бу дарахтни у ерда тубо оғочи номи билан атайдилар. Буларнинг сояларида неча минг одамлар дам оладилар ва бу мамлакат йўлларида заққумдан<sup>50</sup> бошқа нарса йўқдир. Яна Гужарот вилоятида тўтилар жуда ҳам кўпдир. У ерларни маймунлар иқлими десак бўлади. Ҳар куни бирор жойга қўнсақ, неча минг маймун келиб атрофимизни ўраб оларди. Кўпчилиги болаларини қўлларига кўтариб олиб ажойиб ҳаракатлар қилар эди. Булар худди «Жаҳоншоҳ ҳикояти»да<sup>51</sup> ёзилганидек, уруғ-уруғ бўлиб яшайдилар ва бирор ҳоким ёки бошлиққа бўйсунмайдилар; кеч кириши билан эса ўз жойларига кетадилар.

Қисқаси, минг турли азоб-уқубатлар билан кунлардан бир куни Маҳмудободга кириб келдик. Ундан ўн беш кун ўтгач, Гужарот пойтахти Аҳмадободга етдик. Унинг подшоҳи ва подшоҳнинг буюк вазири Имодулмулк ва бошқа хонлари билан кўришдик. Султон Аҳмадга ўзимизнинг фақирона тортғимизни тақдим этдик. Подшоҳ бизни кўп ҳурмат билан қарши олди ва подшоҳ олампаноҳ ҳазратларига (султонга) ўзининг жуда ҳам ихлосманд эканини ва итоат этганини билдирди. Султон Аҳмад бу ҳақирга бир от, бир қатор туя ва харажати учун пул инъом-эҳсон этди. Кейин Аҳмадободга яқинроқ жойлашган Чиркаш деган жойдаги шайх Аҳмад Мағрибийнинг қабрини зиёрат этдик.

Иттифоқо бир куни султон Аҳмаднинг буюк вазири Имодулмулк ҳузурида мен ва кофирнинг элчиси ўтирган эдик. Имодулмулк элчига қараб: «Биз Рум подшоҳига муҳтожмиз, бизнинг кемаларимиз уларнинг бандаларига кира олмаса, ҳолимиз хароб бўлади. Бундан ташқарй, Рум подшоҳи мусулмон подшоҳдир; шу сабабли ҳам унинг капитанини биздан талаб қилмоқ муносиб эмас»,— деган эди, мен чидаб туролмай кофирлар элчисига қараб: «Лаънати, тилингни торт! Сизлар мени бузуқ флот билан учратдингиз. Худо хоҳласа, яқинда подшоҳи олампаноҳнинг қўлига Ҳўрмузгина эмас, балки

---

<sup>50</sup> Заққум — меваси аччиқ, заҳарли дарахт.

<sup>51</sup> «Минг бир кеча» ҳикояларидан.

Див Кувва (Гоа) ҳам ўтади. Бу жойлар сизларнинг қўлларингизда абадий қолмайди.

### Муаллифдан:

Денгиз юзинда юруриз,  
Душмани орор бўлуриз.  
Ўчимиз қўймаз олуриз,  
Биза Хайруддинли дерлар,—

дедим. Кофир ҳам: «Шу соатдан бошлаб ва бундан кейин ҳам ҳеч қандай қуш ҳинд бандарларидан учиб чиқиб кета олмайди»,— деган сўзларни айтди. Мен «Фақат денгиз йўли орқали кетиш шарт эмас. Худо на-сиб этса, қуруқлик орқали кетиш менга яна ҳам осон-дир»,— деган эдим, кофир бир сўз ҳам айтишга қодир бўла олмай, мажлисдан чиқиб кетди.

Бир неча кундан кейин султон Аҳмад Барваж музо-фоти ҳокимлиги лавозимини менга таклиф этди. «Бутун Гужарот вилоятини берсангиз ҳам қабул этмайман; бу ерда туришим мумкин эмас»,— деб унинг таклифини рад этдим. Бир кун кечаси ҳазрат Али Муртазони ту-шимда кўрдим. Олдимда хат ёзилган бир қоғоз парчаси турган эди. Ҳазрат Али қоғозни кўрсатиб: «Худонинг бу муҳри ҳар вақт сен билан бирга бўлгани учун ҳеч нар-садан кўрқма»,— дедилар. Мен: «Агар худонинг бу муҳ-ри, яъни марҳамати, инояти бўлмаса эди, чет ўлкалар-нинг сувлари биздан ҳам юз товлар эди»,— деб уйғон-дим. Эртаси кун эрталаб кўрган тушумни йўлдошларим-га айтдим, улар ҳаммаси севинишди. Дарҳол бориб подшоҳдан кетишга рухсат сўрадим. У саодатли подшоҳ (султон) ҳазратларини ҳурмат этиб бизга рухсат берди.

Ўша вилоятда ҳиндуларнинг бот номи билан машҳур бўлган ҳурматли ва обрўйли бир тоифаси бор экан. Булар савдогар ва бошқа йўлчиларни бир оз хизмат ҳақи эвазига, бир вилоятдан иккинчи бир вилоятга соғ-саломат етказишга кафил бўлар эканлар. Масалан, йўл-ларда рошпут (ражпут) кофирлари, яъни отлик ҳиндулар келиб, карвонни талон-торож қилишни иста-салар, ҳалиги ботлар ханжарларини кўксиларига таяб: «Бу карвонга биз кафилмиз, агар буларга зарар етказ-сангиз, ўзимизни ҳалок этамиз»,—дер эканлар. Рошпут-лар уларнинг обрў ва ҳурматларини сақлаб, ҳеч кимга зиён етказмас, карвон ва йўлчилар эса, у ердан, соғ-са-

ломат ўтиб кетар эканлар. Агар озгина зарар етказсалар, ботлар ҳақиқатан ўзларини ўлдираар эканлар. Шундай қилмасалар, у тоифа ўз ишончини йўқотиб, бу қойда ижро қилинмасди. Мабодо карвонга зарар етгудек бўлиб, ботлар ўзларини ўлдириб қўйсалар, ботил эътиқодлари бўйича, ҳалиги рошпутлар қаттиқ жавобгарликка тортилиб, рошпут беклари уларни ўғиллари, қизлари ва қариндош-уруғлари билан бирга қатл қилар эканлар.

Йўлда хатарли ҳодисаларга учрамаслигимизни кўзда тутиб, Аҳмадобод мусулмонлари бизга икки ботни қўшиб бердилар. Биз уларга бир оз хизмат ҳақи тайинлаб, ўша йил сафар ойининг ўрталарида қуруқлик орқали Рум вилоятига жўнадик. Араваларга ўтириб беш кунда Патан шаҳрига келиб шайх Низом пири Патан қабрини зиёрат қилдик. У ерда Шерхон ва унинг биродари Мусохон аскар тўплаб, Раданпур хони Белужхон билан жанг қилишга тайёргарлик қўриб турган экан. Бизга ишонмаган бўлса керак, сафаримизни давом эттиришни тўхтатмоқчи бўлиб: «Раданпурга боргандан кейин уларга (белужларга) ёрдам этасиз; бир неча кун шу ерда тўхтаб туринг, жанг бир ёқли бўлгач, яна соғ-саломатлик билан йўлга туша оласиз»,— деди. Биз: «Улуғ тангрига қасам ичиб айтамызки, ҳеч кимга ёрдам бериш учун келган эмасмиз; ўз ватанимизга тезроқ етиб бориш ниятидамыз, қўлимызда подшоҳнинг шариф фармони бор»,— деб жуда кўп ялиндик, ёлбордик. Охири илтимосимизни қабул этиб, кетишга рухсат берди.

### Муаллифдан:

Айлаган Ҳинд билан Патан сафарин,  
Ихтиёр айласин маҳан сафарин.  
Йиғламоқдин ақийқ бўлди кўзим.  
Дер кўрам айламиш Яман сафарин.  
Дурри ашкимла доманим пурдур,  
Гўйиё айладим Адан сафарин.  
Юрагим бўлди нофаваш пурхун,  
Не қилай мен этиб Хўтан сафарин?  
Ё илоҳий, яна муяссар қил,  
Котибий бандага ватан сафарин.

Қисқаси, ундан қутулиб, яна йўлимызда давом эгдик. Бешинчи кун Раданпурга келиб Маҳмудхон билан

кўришдик. У ҳам бизни турли жабр-жафога йўлиқтирди. Охири учта йўлдошимизни олиб қолиб, бошқаларига рухсат берди. Йўлда рошпут кофирлари кўп эди. Уларнинг (Маҳмудхонга ёрдам учун Раданпурга келган) беклари билан учрашдик, беклар биз билан дўстона муносабатда бўлдилар. Бундан фойдаланиб, рошпутларнинг бизга ҳеч қандай зарар етказмасликлари кераклигини ҳақида улардан махсус хат ёздириб олдик. Синдга етказиш учун туялар кира қилиб, Аҳмадободдан биз билан ҳамроҳ бўлиб келган ботларга бир оз пул бериб қайтиб кетишларига рухсат бердик. Кейин ўзимиз ҳам йўлга чиқдик.

### **СИНД ВИЛОЯТИДА ЮЗ БЕРГАН САРГУЗАШТЛАР БАЁНИ**

Муборак рабиул аввал ойининг биринчи куни Раданпурдан Синдга қараб йўлга чиқдик. Ўнинчи кун рошпут шаҳарларидан Паркар номли шаҳарга етдик. Бу ерда рошпут кофирлари устимизга қўққисдан ҳужум қилишди. Уларга рошпут бекларининг махсус хатини кўрсатиб, бир оз ҳадя ҳам берганимиздан кейин, кетишга рухсат бериб: «Йўлда мингтача рошпут кофирлари бор, гофил бўлманг»,—деб бизни огоҳлантирдилар. Эртаси кун саҳар вақтида йўлга чиқдик. Бир кун эрталаб бирдан «ана, рошпут келаётир!»—деган ғавғо-сурон кўтарилди.

#### **Муаллифдан:**

Кўрундики каби рошпут олоий,  
Давачилар гўтурди радлоий.

Шу чоқдаёқ туяларни бир қўрғон шаклида гир айлантириб чўктирдик. Ҳар томондан милтиқлар отилди. Кофирлар милтиқларни кўргач, ораларидан бирини бизнинг ёнимизга юбориб, жанг учун эмас, балки бож олиш учун келганларини билдирдилар. Уларга шундай жавоб қайтардик: «Биз савдогар эмасмиз; юкимиз ўқ-дорилардан иборат; унинг божини ҳозиргина бердик; керак бўлса яна берамиз». Рошпут кофирлари бу жавобимизни эшитгандан кейин ҳеч нарса дея олмай бошқа томонга қараб кетдилар.

Биз яна йўлимизда давом этдик. Ўн беш кунча қумничида ва дашт-биебонда юриб, ниҳоят Синд чегараси-

даги Вонка шахрига етдик. У ерда яна туялар кира қилиб беш кун деганда Жўн ва Боғи Фатҳ шахрига бордик. Қирқ йилдан бери Синд вилоятида подшоҳлик қилаётган шоҳ Ҳасан мирзо беш йилдан сал кўпроқ вақтдан бери нимжон бўлиб, отга минишга қодир бўлмагани учун доимо кемага тушиб Сайхун (Синд) дарёсида сайр этар, шу тарзда қайси ерни истаса, у ерга борар экан. Синд вилоятининг пойтахти Таттада ҳукм сурган Исо Тархон шоҳ Ҳасан мирзонинг қулларидан баъзи ишга яроқли кишиларни қатл этиб, унинг Нусратободдаги хазинасини аскарга бўлиб берган ва Ҳумоюн подшоҳ номига хутба ўқитиб, ногора чалдирган экан. Шоҳ Ҳасан мирзо ҳам Бақрадан султон Маҳмуд исмли кўкалдошини, яъни бир доядан сут эмишган биродарини аскарга бошлиқ этиб қуруқликдан юборган, ўзи эса тўрт юзта кема билан дарёдан мир Исонинг устига келган экан.

Ҳусайн мирзо ўша пайтда бизнинг келганимизни эшитиб, ҳузуримизга одам юборди. Рабиул аввал ойининг бошларида у билан кўришдик; бизни жуда ҳурмат билан қарши олди. Озгина фақирона тортиғимизни унга пешкаш қилдик. У бу бандага чексиз иззат ва ҳурмат қилиб, турли саруполар инъом этди; бизга «лашқари ғайб» номини ҳам берди. Бу ҳақирга Лоҳур бандари, яъни Девал Синд ҳокимлиги лавозимини таклиф этса ҳам, буни қабул этмай, кетишга рухсат сўрадим. «Иншооллоҳ, Таттани қўлга туширганимдан кейин рухсат бераман, сўнгра соғ-саломатлик билан йўлга тушасиз», — деди ва бизни ишонтириш учун саодатли подшоҳ ҳазратлари (султон) номига хат ёзиб, қўлимизга берди. Кейин бизни ҳам мир Исо билан жанг қилишга мажбур этди. Бунни кўрган мусулмонлар: «Милтиқларингизда ўқ бўлмасин! Милтиқ дорисинигина ишлатинг, чунки у томондагилар билан бизнинг орамызда ҳеч бир фарқ йўқ, ҳаммамиз бир халқмиз, ака-укалармиз, фарзандларимизнинг кўпи у ерда», — деб ялиндилар. Биз ҳам уларнинг тилаганларича ҳаракат қилдик.

Синд шайхларидан шайх Абдулваҳҳоб билан кўришиб, унинг дуосини олдик; шайх Мирак ва шайх Жамолнинг қабрларини зиёрат этдик. Мир Исо билан бир ойча жанг бўлди. Ясама тепаларга тўплар ўрнатилди. Қаттиқ уруш бўлиб, ҳар икки томондан анча одам ҳалок бўлди. Татта бир оролда жойлашганлиги учун тўп, милтиқлар билан ҳам уни қўлга киргишиш мумкин эмасди.

Шунинг учун Шоҳ Ҳасан мирзо билан мир Исо орасини келиштирдим. Мир Исо Ҳумоюн подшоҳ номига хутба ўқитишдан қайтди, ноғора чалмоқни ташлади. У яна шоҳ Ҳасан мирзога тобе бўлишни қабул қилиб, ўғли Мирсолиҳни кўп тортиқлар билан унинг ёнига юборди. Шоҳ Ҳасан ҳам мирзо мир Исонинг илгари аскарга бўлиб берган хазинасининг қолган қисмини унинг ўғлига бағишлади ва у вилоятни мир Исога топширди. Вазири мулла Ёрий орқали мир Исога фармон, аҳднома, қайтадан ноғора ва байроқдор юборди; мир Исога тобе бўлган ўнтача орғунли ва тархонли бекларни қамоқдан озод этиб, ҳар бирига саруполар инъом қилди. Унинг хотини Ҳожи бегим мир Исо қўлида асир эди. Мир Исо ҳам шу хотинни озод қилиб, эри шоҳ Ҳасан мирзога юборди. Жумодил аввал ойининг бошларида султон Маҳмуд ўз аскарни билан қуруқликдан, биз шоҳ Ҳасан мирзо билан бирга кемаларга тушиб дарёдан Бакрага қараб жўнадик. Хотини билан кўришганига тўққиз кун бўлиб, ўнинчи кунга ўтганда, мирзо вафот топди. Айтишларича, мирзони ўз хотини заҳар бериб ўлдирган эмиш.

Эр эсанг аврата инонма, ахий,  
Аврат ал отди анбиёя дахий.

Ҳ а м д и й<sup>52</sup>.

Султон Маҳмуд шу чоқдаёқ марҳум мирзонинг молини учга тақсим этди. Бир бўлагини унинг хотинига, иккинчи бўлагини бир хўжаси (мулласи) орқали мир Исога юборди; мирзонинг жасадини эса Таттага жўнатди. Ўз кемасини бўлса бизга топширди. Мирзонинг отини, туясини ва бошқа яроқли яхши асбобларини ўзига олиб, қуруқлик орқали Бакрага жўнади. Мирзонинг жасади билан хотини элликтача кема билан Татта томонига жўнатилгандан кейин, аскарлар қолган кемаларни талон-торож этдилар. Эшкакчиларимиз қочиб кетганлари учун улар ўрнига йўлдошларимиз эшкакчилик вазифасини адо этишга киришдилар. Талон-торож этиш мақсадида ҳар томондан чиғатойликлар ҳужум қиларди. Биз эса милтиқлардан ўқ узиб ўзимизни мудофаа қилдик. Ниҳоят минг хил азоблар билангина у жойдан қутула олдик. Сув оқимига қарши ўн кунча юриб Носирпўл<sup>53</sup>

<sup>52</sup> Ҳ а м д и й — турк шоири; 914/1508 йилги вафот этган.

<sup>53</sup> Носиробод.



шаҳарига етдик. Мазкур шаҳарни рожалар, яъни рош-  
пут беклари биз келмасдан бурунроқ талон-торож қил-  
ган эканлар. У ерда биз: «Мир Исо ўн мингтача ишга  
яроқли одам билан султон Маҳмуднинг орқасидан кет-  
ди; ўғли Мирсолиҳ бўлса, саксонта кема билан орқан-  
гиздан келаётир»,— деган хабарни эшитгач, шубҳала-  
ниб, орқага қайтишни мувофиқ кўрдик. Ҳаммамиз йиғи-  
либ, бало-қазонинг дафъи учун, «Ихлос»<sup>54</sup> сурасини минг  
марта ўқигандан кейин яна Татта томонига қайтиб  
кетдик.

Учинчи кун дарёда Мирсолиҳга йўлиқиб, озроқ тор-  
тиқ билан унинг кемасига бордик. У: «Қаерга кетяп-  
сиз?»— деб сўради, «отанг мир Исо ёнига кетаяпмиз»,—  
деб жавоб берган эдик: «Мир Исо олдинга кетган, сиз  
ҳам қайтинг»,— деб буюрди. Эшкакчиларимиз йўқлиги-  
ни баҳона қилган эдик, ўн бешта эшкакчи берди. Нон-  
лож қайтишга мажбур бўлдик. Яна ўн кунча йўл бос-  
гандан кейин Синд шаҳарчасига етиб бориб, мир Исо  
билан учрашдик. Марҳум шоҳ Ҳасан мирзонинг бекларч  
у ерда эканлар. Улар мир Исога бизнинг жанг қилма-  
ганимизни, балки сулҳга сабабчи бўлганимизни айтди-  
лар. Шундан кейин мир Исо гуноҳимизни кечиб, бизга  
кўп иззат-икромлар кўрсатди. «Бир неча кун бу ерда  
бизнинг ёнимизда туринг. Худо хоҳласа, ўғлим мир Со-  
лиҳни Ҳумоюн подшоҳга юбормоқчиман; у билан бирга  
кетасиз, чунки султон Маҳмуд сизни Бакрадан ўтказ-  
майди. У Фаррух мирзонинг ўғли, димоғида подшоҳлик  
савдоси бор»,—деб бизни ўз ёнида қолишга даъват  
қилса-да, мен рози бўлмадим: «Бизга рухсат бер, ундан  
(султон Маҳмуддан) олдин тартиб олинган кемаларни  
қайтар ва бир жиловдорингни бизга қўш, худо хоҳласа,  
султон Маҳмуд ҳам Ҳумоюн подшоҳ номига хутба ўқи-  
тади; шу билан орангиз очти бўлади»,— деб сўзимда  
қаттиқ туриб олдим. У султон Маҳмуднинг еттита кема-  
сини олган экан, ҳаммасини бизга топширди; бир жи-  
ловдорини бизга қўшиб, эшкакчилар тайин этди; саодат-  
ли подшоҳ ҳазратларига (султонга) бир дуойи-салом  
хати ёзиб берди. Шундан кейин йўлга равона бўлдик.  
Йўлда жуда катта балиқларни томоша қилдик. Соҳилда  
эса қоплондан кўрқиб, асло ёлғиз юра олмадик, семтчи  
ва матчи қабилаларни билан ҳар кун жанг айладик.

<sup>54</sup> «Қуръон», 112-сура.

Бир неча кундан кейин кўп меҳнат-машаққатлар тортиб, Сиёвонга, ундан сўнг Патри ва Дабла йўли билан Бакра қалъасига келиб, султон Маҳмуд ва марҳум мирзонинг вазири мулла Ёрий билан кўришдик. Султонга бирмунча ҳадя тақдим этдик. Мусоҳабамиз натижасида султон Маҳмуд ҳам Ҳумоюн подшоҳ номига хутба ўқитди. Шу билан мир Исо ва султон Маҳмуд орасидаги қарама-қаршилиқ ҳал бўлди. Марҳум шоҳ Ҳасан мирзонинг вафотига доир шу тарихни (хронограммани) айтдим.

#### Муаллифдан:

Шоҳ Ҳасан Синдга шоҳ эрди, вале,  
Чекти ажал жомини, топди фано.  
Ҳотифи ғайб этди тарихини:  
Жаннати фирдавс макони ўло<sup>55</sup>.

Бу тарихдан султон Маҳмуд жуда завқланди. Яна унга атаб шу икки ғазални ёздим. Биринчиси:

Фурқат алами не тур ўлур билмас эдим,  
Асло мен анинг хаёлини қилмас эдим.  
Охир мени учратди сенинг ишқинг анга,  
Ўз ҳолима қолса, сендин айрилмас эдим.  
Дардимни сенга йиғласа, э маҳ, чашмим,  
Бирдам кўзиминг ёшини мен силмас эдим,  
Билсам мени рад этишингни охир сен,  
Ҳаргиз эшигингга, э пари, келмас эдим,  
Ҳажр оташини Котибий аввал танисам,  
Ишқ йўлида мунча замон елмас эдим.

Иккинчи ғазал эса мана шу эди:

Ёрсиз ҳар қайда бўлсам байтул аҳзондир менга,  
Олам ул Юсуф лиқодин айру зиндондир менга.  
Душман айтирмиш менингчун йўлингда ўлмас  
сенинг,  
Дўстим, ул сўз бари валлоҳи бўҳтондир  
менинг.  
Шарбати лаълинг ато қилганда жон берсам не  
тонг.

---

<sup>55</sup> Сўнгги мисраъ *اولا جنت فردوس مکانی* дан, абжад ҳисоби билан мирзо вафот этган 962 (ҳижрий) йил келиб чиқади.

Э табиъбим, сенга мушкил эрса, осондир менга.  
Олгач атрофим маломат санги кўнглим шод

ўлу,

Гам чирикин дафъ учун ул яхши қўрғондир  
менга.

Итларинг-ла Қотибий бандангни қилдинг  
ҳамсафол,

Неъматинг ҳаққи бегим, ул улуғ эҳсондир  
менга.

Юқорида зикр этилган ғазалларни султон (Маҳмуд)-га тақдим этиб, сўнгра кетишга рухсат сўрадим. Султон ғазалларни қабул қилиб, саодатли подшоҳ ҳазратларига (Туркия султонига) дуойи-салом хати ёзиб бизга топширди ва: «Қандаҳор йўлида ўзбек султонларидан Ҳайдар султоннинг ўғли Баҳодир султон неча минг одам билан йўлни тўсиб, ҳеч кимни ўтказмаяпти. Яна боди самум (гармсар) шамоли ҳам қўзғалган вақт; шунинг учун у тарафга кетиш хавфлидир. Бир неча кун бу ерда тўхтаб туринг; сизни бирмунча одам қўшиб Лоҳур йўлидан жўнатай; аммо у ерда ҳам жад тоифаси бордир; улардан ғофил бўлманг» дегач, у ерда яна бир ойдан кўпроқ тўхтаб қолишга тўғри келди. Бир кун кечаси онамни тушимда кўрдим. У киши менга «ҳазрати Фоти-маи Заҳрони тушимда кўрдим; менга сенинг соғ-саломат келишинг тўғрисида башорат бердилар»,— деди. Эртаси кун йўлдошларга бу башоратни айтдим ва султон Маҳмуд ёнига бориб, унга ҳам воқеани баён қилдим. «Энди, албатта, кетамиз»,— деб қаттиқ туриб олганимдан кейин кетишга рухсат берди. Менга битта яхши от, бир қатор туя, бир хийма (чодир), бир соябон ва йўл харажатп учун пул берди. Ундан ташқари тез юрадиган туяларга минган 250 та синдлини бизга қўшди. Ўзининг итоат этгани ҳақида Ҳумоюн подшоҳга хат ҳам ёзиб бизга топширди.

Муборак шаъбоннинг ўрталарида йўлга чиқиб, беш кунда Султонпур орқали Мов қалъасига етдик. Чангаллистон (ўрмонзор) йўлида жад тоифаси борлиги сабабли чўл йўли билан юришни ихтиёр қилдик. Эртаси куни чоҳларга бориб қарасак, сув йўқ экан. Баъзи одамлар гармсар ва сувсизликдан ўлиш ҳолатига етдилар.

Ҳар қайсисига тарёқи форуқ (дориси) берилди, улар эртаси кун зўрға эпақага келдилар. Бу ҳолни кўриб, чўл

йўлидан юришни ташлаб, «ғайиб кўрга ўхшайди»<sup>56</sup> сўзи бўйича яна Мов қалъасига қайтиб келдик. Мазкур чўлда чумчуқдек катта чумолиларни кўриб томоша қилдик. Ҳамроҳ бўлган синдлилар чангалистон йўлидан юришга қўрқдилар. Охир йўлдошларимни овитиб:

Қодир ўлан неча шер афкана,  
Сўнса тадорикла сўнар душмана.  
Раъйи қавий воҳиду алф ўлса ар,  
Раъйи қавий снмтидир аҳли зафар.  
Биз ўлариз воҳиду душман миа,  
Бизга етар ояти «кам мин фиа»<sup>57</sup>.

(Я т и м),—

деб насиҳат қилдим. Ўнта милтиқли соқчини карвоннинг олдига, ўнтасини орқага, яна қолган соқчиларни ўртага қўйдик ва худонинг чексиз иноятига таваккал қилиб, йўлга отланган эдик, синдлилар буни кўриб яна бизга ҳамроҳ бўлдилар. Мазкур қўрқинчли чангалистонга етиб, минг турли азоб-уқубат билан ўн кунда Учига етиб келдик. У ерда шайх Иброҳим билан учрашиб, унинг хайр-дуосини олдик; шайх Жамол ва шайх Жалол ҳазратларининг қабрларини зиёрат қилдик. У ердан муборак рамазон ойининг бошида йўлга чиқиб Обикорага келдик. Пуфланган мешлар устига қўйилган солга ўтириб сувдан ўтгандан кейин синдлиларга қайтиб кетишга рухсат бердик. У ердан Обимочворага келиб, ундан кемалар билан ўтдик. У жойда беш юзтача жад бор экан, лекин милтиқдан қўрқиб бизга зарар етказа олмадилар. У ердан ҳам йўлга равона бўлиб, ўн бешинчи кун рамазон ўрталарида Мўлтон шаҳрига келдик.

### ҲИНДИСТОНДА ЮЗ БЕРГАН САРГУЗАШТЛАР БАЁНИ

Дастлаб Мўлтон шаҳридаги шайх Баҳоуддин Закариё, шайх Рукнуддин ва шайх Садруддин ҳазратларининг қабрларини зиёрат қилдик. Шайх Муҳаммад Рожу

<sup>56</sup> Араб мақолларидан.

<sup>57</sup> Яхши шайланиб бир неча арслонни йиқитишга қодир бўлган киши душманга ҳам тadbирли равишда ҳужум этса, албатта, ғолиб чиқади. Иродаси кучли киши биттаю, душман эса мингта бўлса ҳам, бари бир зафар шу иродаси кучли одам томонида бўлади. Биз битта бўлайлик-да, душман юзта бўлсин, бизга «кам мин фиати» оятни кифоя этади. («Қуръон», «Бақара» сурасидаги «оз сонли халқлар, кўп сонлилар устидан ғалаба қила оладилар» дейилган 250-оятга ишора).

билан мулоқот қилиб, унинг хайр дуосини олдик. Кейин мир мирон<sup>58</sup> ва мирзо Ҳасан султон билан кўришдик. Улардан кетишга рухсат олиб Лоҳурга жўнадик. Сад-карага етиб келгач, шайх Ҳомид билан кўришиб, унинг хайр-дуосини олдик. Кейин у ердан жўнаб шаввол ойининг бошларида Лоҳур шаҳрига етиб бордик.

Биз келмасдан сал илгари Ҳиндистон подшоҳи Шерхоннинг ўғли Салимшоҳ вафот этиб, ўрнига Искандархон подшоҳ бўлган экан. Ҳумоюн подшоҳ буни эшитгач, Қобулдан ҳиндга юриб, дастлаб Лоҳурни қўлга киритган. У ерга одам қўйиб, ўзи Сихринд шаҳри ёнида Искандархон билан учрашиб жанг қилган. Искандархонни енгиб, унинг филбонлари билан тўрт юз филини ва тўрт юз аравасини қўлга туширган. Искандархон Манкут қалъасига қочиб кетган. Ҳумоюн подшоҳ Кашмир мирзоларидан Шоҳ Абдулмаолий бошчилиги остида бирмунча одамни унинг орқасидан юборган, ўзи эса пойтахти Деҳлига бориб, ўз хонларидан Искандархон ўзбекни Аграга жўнатган. Бир қанча хон ва султонларидан баъзисини Ҳисори Ферузшоҳга, баъзисини Санбалга, Биёнага ва Қанаужга жўнатган.

Ҳар вилоятда беклар ва аскарлар бир-бири билан жанг қилаётган бир вақтда биз Лоҳурга етиб келдик. Лоҳур шаҳрининг ҳокими Мирзошоҳ: «Аввал подшоҳ билан учрашингиз, бўлмаса сизга кетишга рухсат этолмаймиз», — деб туриб олди. Охири подшоҳга аҳволимизни арыз этиб, хат юбордик. Ундан: «Олий қўшин қароргоҳига юборинг», — деб буйруқ келди. Шу орада бир ойча вақт ўтиб ҳам кетди. Ниҳоят, ёнимизга одам қўшиб, ҳаммамизни подшоҳ ёнига юбордилар. Султонпур дарёси (Сатлеж) дан кемалар билан ўтиб Ҳисори Ферузшоҳ йўли билан йигирма кунча йўл босдик. Зулқаъда ойининг охирида Ҳинд пойтахти Деҳлига етиб бордик. Ҳумоюн подшоҳ келганимиздан хабардор бўлиб хони хононни ва бошқа хон, султонларни ва тўрт юз фил билан неча минг одамни саодатли подшоҳ ҳазратлари (султон)нинг иззат-ҳурмати учун бизни қарши олгани юборди. Бу бандага бир от, икки қатор сарупо ва ҳаражат учун пул ҳам юборди. Ўша куни у ерда хони хонон бизнинг шарафимизга катта зиёфат берди. Ҳинд диёри-

---

<sup>58</sup> *Мир мирон* — амирлар амри деган сўз бўлиб, мансабдорликнинг бир даражаси (руتبаси).

да девон (подшоҳнинг қабул мажлиси), кўпинча, кечаси бўлгани сабабли кечқурун иззат ва эҳтиром билан бизни подшоҳнинг олий девонига олиб кирдилар. «Ҳадялар ҳадя қилувчининг ҳолига, кучига қараб бўлади»<sup>59</sup>, дегандек подшоҳга бирмунча ҳақийрона тухфа тақдим қилдик. Подшоҳ билан учрашганимизда Ҳиндистон фатҳига доир:

Шоҳ Жам рутбати Ҳумоюн бахт,  
Етди иқлим ҳинд чун оташ.  
Қирди афғонни, Деҳлини олди,  
Бўлди фармонбари бори саркаш,  
Аввали фатҳга этдилар тарих,  
Толеъи давлати Ҳумоюнаш<sup>60</sup>,—

деган тарих билан шу икки газалимни унга тортиқ қилдим. Биринчи газалим:

Агарки ҳолима раҳм этмагай ҳабийб менинг,  
Иложи қайда топор дардима табиб менинг.  
Висоли ёри менга қилмас эрди ҳақ рўзи,  
Азалдин, э дил, агар бўлмаса насийб менинг,  
Шароби лаълинг ичиб маст ўлинди, э соқий,  
Магарки кирмагай илгимга ҳеч рақийб менинг.  
Равомидир демагайсан менинг учун ҳаргиз,  
Нечукдурур ғами ҳажримдин ул ғарийб менинг.  
Юзини Котибий кўргач, ҳазор ишва билан,  
Қул этди кўнглими ул шўҳи дилфирийб менинг.

Иккинчи газалим эса мана шундан иборат эди:

Васл умиди йўқ менинг муштоқи рўйи ёр мен,  
Орзу қилмам биҳишти ошиқи дийдор мен.  
Э табибим, эшигинг дорушшифосидан менга,  
Шарбати лаълингни бер, дардинг билан  
бемормен.  
Ақлу, фикру, сабру ҳушим қилдик, яғмо ишқи ёр.  
Водиний ҳижронда қолдим не қилай ночормен.

---

<sup>59</sup> Араб мақолларидан.

<sup>60</sup> ظالع دولت همايونش — мисрасидаги ҳарфларни абжад ҳисоби билан ҳисоблаганда 962 (ҳижрий) йил чиқади. Демак, Ҳумоюннинг афғонлардан Деҳлини қайтариб олиши 962 (ҳижрий) йил воқе бўлган.

<sup>61</sup> Машҳур ҳинд шонри ва мутасаввуфи амир Хисрав Деҳлавийга ишорат.

Мажлиси хосса рақийби рўсияҳни чарлама,  
Соқие, шакли қабийҳидин онинг безормен.  
Котибий Хисрав<sup>61</sup> бўлибдир назм аро шийрин  
калом,  
Васфи лаъли ёр бирла мен шакар гуфтормен.

Мазкур ғазаллардан подшоҳ анча завқланди. Ундан кетишга рухсат сўраган эдим, розилик бермади. Бу ҳақирга бир клор (крор), яъни юз лак<sup>62</sup> ақча (рупия) билан Харч вилоятининг ҳокимлигини таклиф этди. Йўлдошларимизнинг ҳар бирига бир лак, яъни юз минг ақча тайин этди. Мен бунга рози бўлмай кетишга рухсат беришини қайта-қайта сўрай бошладим. Подшоҳ: «Ҳеч бўлмаса бир йил биз билан бирга бўл»,— деб илтимосимни қабул қилмади. Мен унга шундай жавоб бердим: «Саодатли подшоҳнинг муборақ амрига итоат қилиб, жирканч кофирлар билан денгизда жанг қилдик. Денгиз тўфони сабабли Ҳинд диёрига келиб қолдик. Давлат эшигига, яъни подшоҳ ҳузурига боришимиз зарур. Жирканч кофирларнинг аҳволи подшоҳга маълум бўлгандан кейин Гужарот вилояти кофир қўлидан халос бўлади»,— деб умид этамиз. У (Ҳумоюн): «Подшоҳ ҳазратларига элчи юбориб узрингни билдирамиз»,— деган эди, мен: ҳазрат пайғамбарнинг «туҳмат тушадиган жойлардан қочингиз!»— деган сўзларига мувофиқ, буни қабул эта олмайман, чунки жўрттага бу вилоятга келиб, Румга элчи юборгандек бўламан»,— деб жуда кўп ўтинганимдан кейингина кетишга рухсат берди. Лекин: «Ҳозир барскол, яъни ёғингарчилик вақти, уч ой давом этади. Қиш кунлари бўлгани учун йўллар ёмон; кетиш мумкин эмас: ёғингарчилик ўтгунча сабр қил, шу вақт ичида бизга зич ва тақвим воситаси билан кусуф<sup>63</sup>, хусуф<sup>64</sup> вақтини билиш, устурлоб (астролябия)дан фойдаланиш йўлини кўрсат; доираи муаддил<sup>65</sup> рисоласини ўргат; агар уч ойдан илгари шу ишларимизни бажарсанг, ўша чоқдаёқ сенга рухсат берамиз»,— деб ваъда берди. Бу сўзлар шундай қатъий айтилган эдики, кета олмаганимизга

<sup>62</sup> *Бир лак* — юз минг, бир клор (крор) — юз лак ёки ўн миллион ақча (рупия).

<sup>63</sup> *Кусуф* — қуёш тутилиши.

<sup>64</sup> *Хусуф* — ой тутилиши.

<sup>65</sup> *Доираи муаддилун наҳор*—осмон куррасини шарқдан ғарбга иккига бўлганлиги тасвир этилган ҳаёлий бир доира. Қуёш бу доира устида сайр этганда, ҳар томонда кеча-кундуз баробар бўлади.

жуда маъюс бўлсак ҳам, «умид узиш—икки роҳатнинг бири»<sup>66</sup> дейилган сўзга амал қилиб, ноилож, қолишга мажбур бўлдик. Аммо кечам кечага, кундузим кундузга ўхшамади, роҳат юзини асло кўрмадик. Кеча-кундуз меҳнат қилиб, ниҳоят, зикр этилган рисолаи подшоҳга аввалдан охиригача ўргатдим, унга кусуф, хусуф вақтини билиш, устурлобдан фойдаланиш йўллариини кўрсатдим. Шу орада Агра фатҳи ҳам муяссар бўлди. Подшоҳ унинг фатҳига доир тарих айтишни таклиф этди, мен дарҳол шу тарихни айтдим.

#### Муаллифдан:

Фалак рифъат Ҳумоюн шоҳи ғози,  
Солур партав ливоси миҳру моҳа.  
Етишти Ҳиндга, қилди Деҳлини фатҳ,  
Нузул этди ҳисори дин фаноҳа,  
Юборди неча хонни Агра сори,  
Бериб кўп истимолатлар сипоҳа.  
Давоми давлатида фатҳи онинг,  
Муяссар бўлди, миннат ул илоҳа,  
Мен айтай анга бир эксикли таърих,  
Муборак бўлсин Агра подшоҳ<sup>67</sup>.

Бу тарих подшоҳга мақбул бўлди. Бир кун у билан гаплашиб ўтириб, султон Маҳмуд Бакарининг аҳволини унга арз этдим ва шартнома юборишини ўтиндим. У илтимосимни қабул қилиб, шартнома ёздирди; тўғро (монограмма) ўрнига заъфаронли панжасини босиб, султон Маҳмудга юборди. Султон Маҳмуд шартномани олгандан кейин ўзи ва вазири Мулла Ёрий бу ҳақирга мактуб ёздилар. Султоннинг мактуби шу мазмунда ёзилган эди.

#### СУЛТОН МАҲМУД МАКТУБИНИНГ МАЗМУНИ

«Сиз билан кўришиш, суҳбатлашиш саодатидан маҳрум бўлганимдан кейин кўп изтироб чекдим. «Ҳазрат Сейди Али давлатхоҳлик бобида бўлган сўзларимни ҳаз-

<sup>66</sup> Араб мақолларидан.

<sup>67</sup> مبارك بولسون اكره بادشاه. Бу мисрадаги ҳарфларни аб-жад ҳисоби билан ҳисоблаганда 961 (ҳижрий) йил бўлади. Унга эксик (кам) бўлган яна бир адад қўшилса 962 (ҳижрий) йил (милодий 1554—55) чиқади.



рат подшоҳ саодат паноҳ (Ҳумоюн подшоҳ) даргоҳига етказиб, у олий мажлисда камина ҳақида баён этилган ҳамма сўз ва фикрларни менга қачон ёзиб юборурлар?»— деб кеч-кундуз фикр этар, хатингизни сабрсизлик билан кутар эдим. Шу орада элчи келиб, ҳазрати подшоҳнинг менга махсус юборган тожи, фармони ва шартномаси билан бирга туғ ва тўн келтириб берди. Ҳазрати подшоҳи дин паноҳнинг муборак панжалари изини шу фармоннинг юзида кўриб, уни саодат паноҳнинг ваколоти деб билдим.

Заъфаронлик панжаси кун панжасини қилди паст,  
Бу масал машҳурдирки «даст бар болойи даст».

Ё р и й.

У фармоннинг ҳошияси (чети)га ҳазрати подшоҳи дин паноҳ ўз қўллари билан: «Амир Сейди Али ҳамма сўзларингни менга етказди ва бу сўзлар қабул қилинди», — деб ёзганлар. Бу дунёда орамизда насиб бўлган алоқа, худо хоҳласа, охиратда ҳам бундан юз даража кўпроқ насиб бўлур деб умид этаман.

Султон Маҳмуд ўз мактубида ўзининг Ҳумоюн подшоҳга бўлган барча муҳаббатларини изҳор қилган эди.

Мулла Ёрийнинг бу ҳақирга юборган мактуби эса шундай ёзилган эди.

### МУЛЛА ЁРИЙ МАКТУБИНИНГ МАЗМУНИ

«Дуо ва саломдан кейин маълум бўлсинким, Сизнинг ёнингизда бўлиш давлатидан, суҳбатингиздан фойдаланиш саодатидан маҳрум бўлсам, бир нафас ҳам Сизни ёдимдан чиқарганим йўқ.

Чу ғурбат ичра менга васлингиз насиб эрмас,  
Мен ғарибни гар сўрсангиз ғариб эрмас<sup>68</sup>.

Яна у ҳазратдан (Ҳумоюн подшоҳдан) ҳанузгача шартнома билан муборак мактуб келтирмадилар. Шунинг учун ҳазрат наввоб султон (Маҳмуд) билан мен анчагина ташвишландик. Ҳар вақт султон: «Улардан (Сейди Али Раис ва унинг ҳамроҳларидан) кўп хижолатдамиз; уларга арзийдиган андаккина ҳам хизмат қилмадик;

---

<sup>68</sup> Бу мисраъдаги кейинги ғариб сўзи ажаб эмас маъносида.

биздан кўп камчиликлар содир бўлди»,— деб сўзлаб доимо Сизни эслайдилар.

Э дўст, хилофи дўсторий қилма,  
Гурбатга қўйиб кўп менга хорий қилма!  
Ғафлатни унит мунча менинг ҳолимдин,  
Ёрийни унутма, тарки ёрий қилма!<sup>69</sup>

Сўзни кўп чўзиб Сизга малоллик келтирмай деб, хатимни қисқа ёздим. Сизга бўлган ҳиссиётимни юқорида ёзилган рубойи билан баён этиб, ҳақингизга дуо қилиб қолдим».

Мулла Ёрий ҳам ўз мактубида султон Маҳмуд тўғрисида кўп илтимос қилган эди. Султоннинг мактубини подшоҳга кўрсатган эдим, у (Ҳумоюн) мактубда ёзилган байтдаги «даст бар болойи даст» масалидан жуда ҳам завқланиб ва шунга муносиб жавоб беришни бу ҳақирга таклиф этди. Мен ҳам шу фурсатни ғанимат билиб, унинг таклифини қабул қилдим.

Эртаси куни султон Маҳмуднинг мактубидаги байтга жавобан ғазал ёзиб, подшоҳга тақдим қилдим ва «бир ишга буюрилган киши узрли бўлади, унинг узри эса улуғлар олдида мақбулдир»<sup>70</sup>, дейилган сўзни эслатиб, шеъримнинг камчилиги ҳақида унга узр айтдим.

#### Муаллифдан:

Дасти хун олудинг этди панжаи маржонни паст,  
Бу масалдир эл ароким, «даст бар болойи даст»,  
Ул лаби майгун агар мажлисда бир дам бўлмаса,  
Соқи қон йиғлаб, сурохи жоми май бўлсин шикаст.  
Масти ишқа аҳли тақво таъни қўйсун, айтингиз,  
Доимо ҳушёр аросида бўлур маъзур маст.  
Зоҳирин кўрма кишининг, ботинига қил назар,  
Зоҳидо, маънига боқ, одам эмас суратпараст.  
Бойси кайфиятингни қайда завқ этгай сенинг,  
Ичмаган ваҳдат шаробин Котибий рўзи аласт<sup>71</sup>.

Бу ғазалим подшоҳга кўп маъқул бўлди. У каминани «иккинчи Мир Алишер»,— деб мақтади. Фақир: «Ҳали Мир Алишер (Навоий)га етиш қийин; ҳаттоки, унинг

<sup>69</sup> Бу сўнгги мисрадаги *Ёрий* сўзи шонрнинг таҳаллуси, иккинчи *ёрий* сўзи дўстлик маъносида бўлиб, *тарки ёрий қилма*—дўстлиكنи тарк қилма, демакдир.

<sup>70</sup> Араб мақолларидан.

<sup>71</sup> «Қуръон», «Аъроф» сурасидаги 171-оят.

пайрави бўлиб, резгиларини териб олиш қувватига эга бўла олсам, шунга ҳам розиман»,— деган эдим яна подшоҳ: «Худо ҳақи, бир йил шундай ҳаракат этсанг, чиғатой уруғи орасида Мир Алишерни унуттирасан»,— деб менга анча лутф, навозиш қилди.

Подшоҳнинг яқин мирзоларидан Хушҳолбек исмли бир йигит билан танишдим. У подшоҳнинг ўқ ёйини қўриқлар, саройдаги мушоараларга қатнашиб турар эди. Бир кун суҳбат вақтида бир муносабат билан у менга икки ғазал ёзишимни таклиф этди; қофия ва радифни ҳам тайин қилди. Эртаси кун ғазалларни ёзиб келтириб, подшоҳнинг олий мажлисида ўқидим. Биринчи ғазалим:

#### Муаллифдан:

Рухлари кайфияти майдин қачонким олдир,  
Соқие, тонирмен ул гулчеҳрани хушҳолдир<sup>72</sup>.  
Нақди умрингни матои васлға харж этганинг,  
Дил билан кенгашни қўй, оламға ул даллолдир.  
Мурдалар ихёсида лаъли Масийҳодур<sup>73</sup> вале,  
Зулфи жоду, чашми фаттон, ғамзаси қаттолдир.  
Лаблари ёрнинг чучукдир, дил нечук майл этмагай,  
Ҳар немарсаким чучук бўлғай кўнгил майёлдир.  
Телба бўлиб йиғлама қаллошмен деб Котибий,  
Сийми ашк бирла даруни сийна молломдир.

Иккинчи ғазалим мана бу эди:

#### Муаллифдан:

Чиндурур зулфингга жодулиғ оти, ёлғон эмас,  
Куфр исноди хатингга, э санам, бўҳтон эмас.  
Шарбати лаълингни бер, мен хастага доруни қўй,  
Э табибим, ул менинг дардимга ҳеч дармон эмас.  
Айб эмасми лофи ишқ урмоқ келиб ушшоқ аро,  
Ишқ майдонида, айтинг, ким боши ғалтон эмас?  
Ёрға айтинг, қилмасин ағёр бирла гуфтигўй,  
Ҳамнафас бўлмоқ малак шайтон билан жасбон  
эмас.

Ийди васли бергай эл ул қоши ёйнинг Котибий,  
Қибладин ёнсун юзи ҳар ким анга қурбон эмас.

---

<sup>72</sup> Хушҳолбекка ишора.

<sup>73</sup> *Масийҳо* — Исо пайғамбарнинг лақаби. Диний китобларда бу пайғамбарнинг ўликларни тирилтирганлиги айтилади.

Шу ғазалларим Ҳинд вилоятида шуҳрат топди; ҳам-  
ма ёд олиб ўқий бошлади. Мен мирзолардан подшоҳ-  
нинг офтобачиси Абдуллаҳмон билан танишдим. У ҳам  
подшоҳнинг яқин дўстларидан бўлиб, унинг ишончига  
сазovor бўлганлардан бири эди. Кўпинча, у подшоҳнинг  
хос суҳбатларида ўтирар, адабий баҳсларга қатнашарди.  
У билан ҳам бир неч марта мушоара этдим ва бир му-  
носабат билан икки ғазал ёзиб, унга тақдим қилдим.  
Биринчи ғазалим:

М у а л л и ф д а н:

Ул паричеҳра қачон ноз айлағай,  
Нолага ушшоқ оғоз айлағай.  
Ёриду ул ғунчанинг дил булбули,  
Гулшани кўйида парвоз айлағай.  
Ошиқ улдуз базми ғамда, соқие,  
Ноласин най бирла дамсоз айлағай.  
Итларила ҳамсафол айлаб мени,  
Ўмарам, оламда мумтоз айлағай.  
Дилбар улдир ошиқа, э Котибий,  
Ўтфани кўп, жаврини оз айлағай.

Иккинчиси:

М у а л л и ф д а н:

Ташбиҳ этиб лабингга ўзин бода қилди нафъ,  
Наркас кўзингга ўхшар, этар май хумори дафъ.  
Даъват муяссар ўлса дуо бирла ул пари,  
Ағёри бир дуо билан осон эрурди дафъ.  
Ул ой ҳижоб этар юзига зулфин абриваш,  
Кел, э сабо, етиш, еродин қил ҳижоби рафъ,  
Кўрдукча қоматингни сужуд эттиким буким,  
Дерлар намоз жоиз эмас, бўлмайинча шафъ,  
Ёниб ёқилса дил нўла дардимни Котибий,  
Нори фироқ барча вужудимни қилди сафъ.

Шундай қилиб, улар билан кеча-кундуз тинмай баҳс-  
лашардим. Сира бўш вақтим йўқ эди; подшоҳнинг ёни  
дан бир нафас ҳам кетмас эдим. Бир кун подшоҳ бу  
ҳақирга: «Рум вилояти каттами ёки Ҳиндистонми?»—  
деб савол берди. Мен: «Подшоҳим, Румдан мақсад фа-  
қат Рум номини олган Сивос вилояти бўлса, бу маъно  
билан Ҳиндистон катта. Агар мақсад Рум подшоҳига  
(султонга) тобе мамлакатлар устида бўлса, у чоқда  
Ҳинд Румнинг ўндан бирига ҳам баробар келмайди»,—

деган эдим, подшоҳ Румдан мақсад Рум подшоҳига тобе мамлакатларнинг ҳаммаси эканини айтди. Мен унга: «Подшоҳим, Искандар Румий бутун дунёга ҳукмини юргизиб, етти иқлимга эга бўлган» дейишади. Афтидан бу сўз, унинг Рум подшоҳи сингари улуғ ҳукмдор экани ва ҳар иқлимда унга тобе жой бор бўлгани учун айтилган бўлса керак, чунки Искандарнинг неча йил умр кўргани, ҳукм сурган муддати тарихларда очиқ ёзилган. Шунга қараганда, Искандарнинг етти иқлимни кезиб, ҳаммасига ҳоким бўлгани ақлга сира тўғри келмайди. Рубъи маскун<sup>74</sup>нинг узунлик даражаси бир юз саксон, ҳатти иство (экватор чизиғи)дан кенглиги олтмиш олти даражадир. Унинг сатҳи, ҳайат илми (астрономия) китобларининг кўрсатишича, тўрт миллион олти юз олтмиш саккиз минг олти юз етмиш фарсахдир<sup>75</sup>. Демак, бутун рубъи маскунни сайр этиб, ҳаммасида ўз ҳукмини юргизиши мумкин эмас. Рум подшоҳи каби унга ҳам ҳар иқлимдан бирор жой тобе бўлгани сабабли «Искандар етти иқлимга подшоҳ бўлди» деб айтилган, холос»—деб жавоб бердим. Подшоҳ яна: «Рум подшоҳининг етти иқлимнинг ҳаммасида ҳам ери борми?»—деб сўради. Мен унинг бу саволига шундай жавоб бердим: «Аввало Яман биринчи иқлимдан, Маккаи шариф иккинчи иқлимдан, Миср учинчи иқлимдан, Халаб тўртинчи иқлимдан, пойтахт Қустантиния (Истанбул) бешинчи иқлимдан, Капа олтинчи иқлимдан, Будун ва Бич еттинчи иқлимдан саналади. Буларнинг ҳар бирида Рум подшоҳининг бекларбегилари, қозилари бор. Бегларбегилар ҳукумат, қозилар шариат ишларини ижро этадилар. Яна худо яхшироқ билади, Гужарот вилоятидаги Сурат қалъаси бандарида хожа Бахши ва Қора Ҳасан деган савдогарлардан шуни эшитдим: Чин (Хитой) вилоятида ҳайит куни мусулмон савдогарларнинг ҳар тоифаси ҳайит намозида ўз подшоҳлари номига хутба ўқитишни истаган. Мусулмон Рум савдогарлари хоқони Чинга (Хитой подшоҳига) бориб: «Бизнинг подшоҳимиз Макка, Мадина ва Қибла подшоҳидир»,—деб арз этган эканлар. Хоқони Чин кофир бўлса ҳам инсоф қилиб,

---

<sup>74</sup> *Рубъи маскун* — ўрта аср олимларининг таъбирича, ер юзининг тўртдан бир бўлағи, фақат шу бўлақдагина халқ яшайди; бошқа уч бўлағи бўш бўлиб, унда яшаш мумкин эмас, деб гумон этиларди.

<sup>75</sup> *Фарсах* — 6—7 километр чамасида.

уламоларга: «Макка ва Мадина подшоҳи номига хутба ўқинглар»,— деб буюрган. Шундан кейин ҳалиги Рум савдогарлари хатибга сарпо кийдирганлар-да, филга миндириб шаҳарни кездирганлар. Кейин ҳамма мусулмон савдогарлар ҳайит намозини ўқиганлар. Бундан, ҳатто, Чин вилоятида ҳам Рум подшоҳининг номига хутба ўқилганлиги билинади. Мана бундай иззат, икром қайси подшоҳ ҳақида кўрсатилган экан? Ҳумоюн подшоҳ инсоф юзасидан хон ва султонларига мурожаат қилиб: «Тўғрисини айтганда, ер юзининг подшоҳи деган номни олишга давлатли Худовандкор (Сулаймон Қонуний)нинг ҳақи бор; бошқа подшоҳларнинг эса ҳақи йўқдир»,— деб эътироф қилди. Яна бир кун Ҳумоюн подшоҳ Қрим хони ҳақида сўради: «Унга ҳам салтанатни, саодатли подшоҳ беради»,— дедим. У бу сўзимдан таажжубланиб: «Қрим хони хутба эгаси деб эшитамиз»,— деган эди, мен: «Подшоҳим, бизнинг подшоҳимиз бирор кишига подшоҳлик иноят қилса, унга ўз номига хутба ўқитиш ва пул чиқариш ҳуқуқини ҳам беради. Подшоҳимизнинг бошқа подшоҳлардан энг зўр фарқи ҳам мана шу нуқтададир»,— деб жавоб бердим. Бу сўзим подшоҳга мақбул бўлиб, подшоҳ ҳазратлари (султон) ҳақида дуо қилди.

Бир кун подшоҳ билан бирга отланиб Деҳлининг энг машҳур шоир ва мутасаввуфлари шайх Қутбуддин пийри Деҳли, шайх Низом Вали, шайх Фарид Шакарғанж, мир Хисрав Деҳлавий ва мир Ҳусайн Деҳлавий қабрларини зиёрат этдик. Мир Хисравнинг қабри устида марҳумнинг шеърлари тўғрисида баҳс этилди. Аброрлар дарёси (мир Хисрав)нинг матлаъи ва унга назира этиб ёзилган матлаълар ўқилди. Уша чоқда бадиҳий бир матлаъ бу ҳақирнинг хотирига тушди. Подшоҳга: «Адабсизлик бўлса ҳам шуни арз этайин. Мир Хисравнинг менга берган илҳом билан бир матлаъ хотиримга келди»,— дедим. Подшоҳ: «Ўқи!»— деб қистагач, шу матлаъни ўқидим.

Муаллифдан:

Ҳарки қонёъ шуд ба як нон пора марди

мехтараст,

Қори ў аз жумлаи шоҳони олам беҳтараст<sup>76</sup>.

<sup>76</sup> Бир парча нонга қаноат қилган киши энг улуг мард кишилардан ҳисобланади. Унинг бу нини бутун дунё подшоҳларининг ишидан кўра ҳам яхшироқдир.

Подшоҳ бу матлаъни маъқуллаб чексиз хурсанд бўлиб, «Виллоҳул азийм ин беҳтараст!»<sup>77</sup> — деди. Бу гапларни ёзишимдан мақсад — мен ўзимнинг шеъриятдаги ўрнимни кўрсатмоқчи эмасман, балки Ҳумоюн подшоҳнинг шеъриятга нисбатан бўлган чуқур муносабатини, зийраклигини англатмоқчиман, холос.

Иттифоқо яна бир куни мирзолардан Шоҳинбек номли бир йигитни восита қилиб, кетишга рухсат сўрадим. У йигит подшоҳнинг энг яқин кишиси, сирдоши ва муҳрдори эди. Мен қуруқ бўлмасин деб унга иккита ғазалимни тақдим қилдим.

#### Муаллифдан:

Хар саҳар, э юзи гул, гулшани кўйингга бориб,  
Йиғлар аҳволини дил шабнами ашкимни ториб.  
Кўргач, э ғунча даҳан, гул юзинги гулшанда,  
Гул билан ғунча хижил бўлди ҳаёдин қизориб.  
Э табибим, дили мажруҳ шифо топса не бор,  
Сен шакар лабни қаро бағрига бир лаҳза сориб?  
Юрагим ҳажр алами бирла нечун пурхундир,  
Кўргаз, э дил, они ул хунига бағрингни ёриб.  
Қотибий сен раҳи ишқ ичра саромад бўлдинг,  
Ташла Фарҳод ила Мажнунни, алар қолди ҳориб.

Иккинчи ғазал:

#### Муаллифдан:

Киприки ўқина қоши ёрнинг камон ясар,  
Дили сийнам узра панбаи доғим нишон ясар.  
Мағрур бўлма ҳуснингга, э қошлари камон,  
Рустамларинг камонини охир замон ясар.  
Бетоб бўлса дил таби ҳажрингдин, э пари,  
Оҳим тараҳҳум айлаб анга соябон ясар.  
Қасри висоли ёра кўнгил қилмаға уруж,  
Ошиқ каманди оҳи анга нардбон ясар.  
Дил риштасига чекар дурри ашкимни Қотибий,  
Ўхшарки ёра бормоқ учун армугон ясар.

Юқоридаги ғазаллар туфайли у билан яқинлашдим. Унга кўп ялиниб, подшоҳдан кетишимизга рухсат олиш учун ёрдам беришини ўттиндим. У ҳам ёрдам беришга

---

<sup>77</sup> Улуғ танафига қасам ичиб айтаман: «Бу жуда соз матлаъ экан».

ваъда қилди. Охири, бир кун у севинчли хабар келтириб: «Рухсат фурсати келди; подшоҳга аҳволингни назм билан ёзиб билдир»,— деди. Дарҳол ариза ёзиб: «Барс-кол (ёғингарчилик) вақти тамом бўлди; энди кетиш вақтидир»,— деб аҳволимизни арз этдим. Шу муносабат билан икки ғазал ёзиб аризага қўшиб юбордим. Биринчиси:

Муаллифдан:

Давлат сенинг билан агар, э дил, бўлурса ёр,  
Қилгой вафолар ул санам шўху шевакор.  
Бир-бирга келса хоки раҳинг бирла, э пари,  
Тугроқча бўлмағайди онинг олида ипор.  
Шафтолу сўрсам ул лаби уннобларга гар,  
Ҳар қайси бўлса хашм этиб айтурки нари бор.  
Гиръя қилиб ёшигига юз суртдиким буким,  
Кўз ёшини бўлурса суюрғол<sup>78</sup> қилай нисор.  
Юқори тобугида, шаҳо, қўрқа иймана,  
Дардини Котибий сенга арз айласа не бор?

Иккинчи ғазалим рум шеваси (усмонли туркчаси)да ёзилган эди.

Муаллифдан:

Ғофил ўлма, душдикинг ер мулки Ҳиндистондир,  
Майл этиб онда қолонлар жумла саргардондир.  
Олами гашт айлаянлар дедилар бил иттифоқ,  
Ҳақ будур дунёда жаннат мулкати Усмондир<sup>79</sup>.  
Воруб онда бир назар, кўрмак аҳиббонинг юзин  
Билмиш ўл, э хаста дил, ҳар дарда ҳаб дармондир,  
Душ оёғина Ҳумоюн подшоҳинг, рухсат ол,  
Доимо душмишлара онинг иши ихсондир.  
Майл эдарса қолмаға дил тифли Ҳиндистонда,  
Котибий уйма сан анга ул дахи ўғлондир.

Подшоҳ зикр этилган ариза ва ғазалларни ўқиб кўргач, марҳамат ва шафқат этиб, бизга рухсат иноят қилди. Бу бандага қайтадан от, сарупо ва йўл фармони берди. Энди кетишга ҳозирланиб турган вақтимизда худонинг тақдири билан, қутилмаган бир воқеа юз берди. Бу воқеа қуйидагича эди: ҳар жума кун шом но-

<sup>78</sup> *Суюрғол* — бу ерда инъом маъносида.

<sup>79</sup> Туркия демоқчи.



мози чоғида подшоҳ халққа кўриниш бериб қасрдан тушаётган вақтларида азон айтилар эди. Азон айтган вақтда таъзим қилиб тиз чўкиб ўтириш подшоҳга одат эди. Иттифоқо, яна шу одатлари бўйича, қасрдан тушаётганларида «қанчалик ҳазар қилинса ҳам, тақдирдан»<sup>80</sup> қочиб қутулиб бўлмайди», дейилганидек, нардбондан пастга йиқилиб тушиб, муборак бошлари мажруҳ бўлди, қўллари шикаст еди. Бу воқеадан ҳамма шошиб қолди. Ноилож бир-икки кун тўхтаб қолишга мажбур бўлдик. Лекин «подшоҳнинг саломатлиги яхши», деб атрофга номалар юборилди, фуқарога хайр-худоийлар, аскарларга инъом-эҳсонлар берилди. Подшоҳ учинчи кун, душанба куни бу меҳнат, машаққат уйдан (дунёдан) живори раҳматга (охиратга) кўчдилар. «Инно лиллоҳи ва инно илайҳи рожиун»<sup>81</sup>. Подшоҳнинг ўғли Жалолуддин Акбар мирзо хони хонон билан бирга бу воқеадан олдин шоҳ Абулмаолийни кўриш учун кетган эди. Дарҳол уларга эшик оғоси<sup>82</sup> юборилди. Подшоҳнинг ёнида бўлган хон ва султонлар: «Аҳволимиз қандай бўлар экан?»— деб анча ташвишландилар. Фақир уларга далда бериб: «Марҳум ва мағфур султон Салимхон ҳазратлари вафот этганларидан кейин, ҳозирги саодатли подшоҳ (султон Сулаймон Қонуний) тахтга чиққунларича, марҳум Пийри пошо турли тадбирлар ишлатди, ўгли (Сулаймон Қонуний) подшоҳ бўлгунча, халқни подшоҳнинг вафотидан хабардор қилмади. Сиз ҳам шундай йўл тутинг. Унинг ўгли воқеадан хабардор бўлгунча, подшоҳнинг ўлганидан халқ огоҳ бўлмасин»,— дедим. Бу сўзим уларга маъқул бўлиб, худди шундай қилмоқчи бўлишди. Девон аввалгидай шавкатли қурилди, подшоҳнинг хос хизматчилари амирларнинг ёнига чиқиб одат бўйича уларга турли вазифалар юклатдилар ва: «Бугун подшоҳ чорбоққа кетмоқчи»,— деб от ҳозирладилар. Бир оздан кейин «оби-ҳаво яхши эмас», деган баҳона кўрсатиб, подшоҳнинг чорбоққа кета олмаслигини билдирдилар. Эртаси кун халққа «кўриниш» деб хабар бериб, яна бир оздан сўнг «мунажжимлар бугун ойнинг нахс куни

---


<sup>80</sup> Араб мақолларидан.

<sup>81</sup> Ҳаммамиз худо учунимиз ва ҳаммамиз ҳам унга қайтамиз («Қуръон», «Бақара» сураси, 151-оят).

<sup>82</sup> Эшик оғоси — подшоҳ ҳузурида бўладиган маросимларни бошқарувчи, ташрифотчи (церемониймейстер).

деганлари учун кўриниш қолдирилди», деб баҳона қилдилар.

Бу ҳолдан аскар кўп саросимага тушди. Охир яна бошқа бир ҳийла ишлатдилар; подшоҳнинг суҳбатдошларидан мулла Бекаси исмли бир киши бор эди. Унинг бўйи паст бўлса ҳам, ранг-рўйи подшоҳга бир оз ўх-



Сейди Али Раиснинг саёҳат маршрути

шарди. Сешанба куні шу кишига подшоҳнинг кийимларини кийдириб, унинг юз-кўзини бир оз ўрадилар ва дарё лабига қурилган айвондаги тахтга ўтқаздилар. Унинг орқасида Хушҳолбек, рўпарасида мир мунший турди. Ҳамма султонлар, мирзолар ва халқ келиб дарё лабида подшоҳни кўргач, унинг ҳақиға дуо қилдилар. Шодлик ноғоралари чалинди, табибга сарупо кийдирилди. Шу ҳийлани ҳеч ким сезмай, ҳамма: «Подшоҳ саломат экан»,— деб ишонди.

Мен эртаси кун дарҳол амирлар ёнига бориб, улар билан видолашдим. Подшоҳнинг сиҳат-саломатлиги ха-

барини етказмоқчи бўлиб, рабиул аввал ойининг ўрта-лариди, пайшанба куни, Лоҳурга жўнадик. Аввал Сў-нипат шаҳрига, ундан Панипатга, ундан ҳам ўтиб Қар-налга келдик. Кейин Танесарга, ундан Самана шаҳрига етиб бордик. У ернинг ҳокими Қора Баҳодир шоҳга: «Подшоҳ сешанба куни кўриниш қилди»,— деб хабар бердик. Қаерда подшоҳнинг аҳволи ҳақида сўралса: «Подшоҳнинг саломатлиги жойида»,—деб жавоб берар эдик. Охир Сихринд йўли билан Мочворага, ундан Бож-ворага бориб, Султонпур дарёсидан кемалар билан ўт-дик. Сўзнинг қисқаси, тезлик билан йўл босиб рабиул охир ойининг охирида қайта бошдан Лоҳурга келдик.

Бу вақт Жалолуддин Акбар мирзо подшоҳ бўлиб, аскарни кўрукдан ўтказган, Лоҳурда ва бошқа ерларда ўз номига хутба ўқитган экан. Лоҳур ҳокими Мирзо шоҳ: «Подшоҳдан ҳеч кимга Кобул ва Қандаҳорга ке-тишга рухсат берилмасин, деган буйруқ олдик», — деб кетишимизга йўл бермади. Подшоҳ (Акбар мирзо) ҳузу-рига боришдан бошқа илож қолмади. Кулинорга келдик, ундан Манкут қалъаси рўпарасига бориб, у ерда Жало-луддин Акбар подшоҳ ва хони хонон билан кўришдик. Байрамхоннинг устоди мулла Пирмуҳаммад Акбар мир-зонинг «ҳозир фатрат вақти (бир подшоҳлик билан ик-кинчи подшоҳлик орасидаги давр), бир неча кун бу ерда биз билан бирга туришни мувофиқ кўрса, Ҳинду Синд вилоятларидан ўзи истаган ерга тайин этилсин», деган буйруғини бизга етказди. Мен фақир дарров марҳум подшоҳнинг фармонларини олиб мирзонинг ҳузурига бордим. Фармон билан бирга отасининг вафоти ҳақида тарих ва таъриз йўсинида ёзилган бир ғазалимни ҳам унга тақдим этдим.

#### Муаллифдан:

Ҳинд ичида бир хумой эрди Ҳумоюн подшоҳ,  
Бирдам ичра бўлди шунқор, айлади азми илоҳ.  
Ул мусийбатни эшитгач, қичқириб зори билан  
Айтингиз таърих, фавт бўлди Ҳумоюн подшоҳ<sup>83</sup>.

---

<sup>83</sup> همایون بادشاه فوت بولدی ۹۶۳ (ҳижрий) йил чикади. Шоир Қосим Коҳи ҳам Ҳумоюн вафоти ҳақида шу тарихни сўзлаган. همایون بادشاه ۹۶۳ (ҳижрий) йил.

Муносиб вақт топилгани учун мана шу ғазалимни ҳам бердим.

### Муаллифдан:

Гараз жавру жафо эрмас жаҳоннинг шоҳи  
бўлмоқдин,  
Соқин ушшоқнинг, э маҳ, хаданги оҳи бўлмоқдин.  
Шаҳи Руминг ишигида бориб дойим гадо бўлмоқ,  
Менга беҳроқдурур кўп Ҳинду Синднинг шоҳи  
бўлмоқдин.  
Ҳабибнинг кўйида менга рақиб ўлмоқ тилар ҳамроҳ,  
Худоё, мени сен сақла онинг ҳамроҳи бўлмоқдин.  
Мени ўлтурса ул хуни қўйинг манъи, қилинг тарғиб,  
Маром ўлдур кишининг киши давлатхоҳи бўлмоқдин.  
Вафо қилмоқ муяссар бўлса сенга ул жафо пеша,  
Рақийбинг Қотибий гам тортмағин огоҳи бўлмоқдин.

Мирзо хурсанд бўлиб, отасининг фармонларини кўрган-дан кейин кетишга рухсат берди. Кобулга жўнатаётган тўрт беги билан бирмунча аскарига бизни ҳам қўшиб юборди. Яна Лоҳурга келдик. Шоҳ Абулмаолийни тутиб банд этдилар ва Лоҳур қалъасига келтириб қамадилар. Акбар мирзо Ҳумоюн подшоҳнинг вафоти ҳақида айтган тарихим туфайли, бу ҳақирга йўл харажати учун бир лак пул ҳадя этиб, бу пулни Баҳарадан олишга парвона (рухсат) қогози берди. Беклар билан Лоҳурда тўпланиб, кетиш ҳаракатига тушдик.

Ҳиндда кўп ажойиб-ғаройибларни кўрдик. У ғаройиблардан бири мана шудир: бу ернинг кофирларини Гужарот аҳли «бониён», Ҳиндистон аҳли эса «ҳинду» деб атайдилар. Улар китоби эмаслар<sup>84</sup>, оламнинг қадимлигига ишонадилар<sup>85</sup>. Агар улардан бир киши ўлса, жасадини дарё канорига келтириб, ўтда куйдирадилар. Қариб ишдан қолган хотинни ўлган эри билан бирга куйдирмайдилар. Агар яна бошқа эрга тегиши мумкин бўлган ёш хотиннинг эри ўлган бўлса, ўзи хоҳ истасин, хоҳ истама-син, бари бир, уни ўлган эри билан бирга куйдирадилар. Хотин ўз ихтиёри билан куйишга розилик берса, унинг

<sup>84</sup> Мусулмонлар эътиқодича, худо томонидан юборилган «Таврот», «Инжил», «Қуръон» каби бирор муқаддас китобга эга бўлмаган халқ.

<sup>85</sup> Олам — ҳадис, яъни кейин пайдо бўлган эмас, балки қадим—яъни азалдан бор бўлган деган эътиқод.

қавм-қариндошлари шодлик куйларини куйлаб, хурсандликларини изҳор қиладилар. Мабодо мусулмонлардан бир қанча киши, куйдириш маросими вақтида ҳозир бўлиб, ҳалиги ёниш олдида турган тирик кишини улар қўлидан зўрлик билан тортиб олсалар, у киши қутқазиб олганларнинг мулки ҳисобланади; унинг қавм-қариндошлари қайтиб беришларини мусулмонлардан талаб қилмайдилар. Шу сабабдан ўлик билан бирга куйдириладиган тирик одамни қутқазिश вақтида халқнинг қаршилигига йўл қўймаслик учун ҳукумат маъмурлари ҳам ҳозир бўладилар.

Ҳинд ажойиботларидан яна биттаси мана бу: ёввойи кийикларни овлаш учун махсус ўргатилган кийиклардан фойдаланадилар. Ҳар қайси кийикнинг шохига каманд (сиртмоқли арқон)нинг бир учини боғлаб, қолган қисмини яна унинг шохига бўшроқ қилиб ўрайдилар; кейин ов вақтида уларни ёввойи кийикларнинг ёнига юборадилар. Ёввойи кийиклар ўз жинсларини кўргач, «жинс—жинсга майл этади»<sup>86</sup>, дегандек ўргатилган кийикларнинг ёнига келиб, бошларини уларнинг бошларига суртадилар. Ўргатилган кийиклар дарров каманднинг бўш ўралган қисмини ёввойи кийикларнинг бўйинларига ўтказиб, ўзлари ерга ётиб оладилар. Ёввойи кийик ҳаракат этган сайин унинг бўйинларини каманд қиса бошлайди; у қочишга қодир бўла олмайди. Шу вақтда овчилар дарҳол бориб уни тутиб оладилар. Ҳиндистоннинг ҳамма ерида кийикни мана шу усул билан овлайдилар. Ҳиндистон ажойиботларидан яна бири шуки, чўл-биёбонларда говмишлар<sup>87</sup> жуда кўп бўлади. Овчилар уларни фил билан тутадилар. Масалан, филнинг устига қалъа бино қилиб, ичига одамлар кириб ўтирадилар; фил эса биёбонни кезиб юради. У говмишга етган замониёқ, уни икки тиши орасига олиб маҳкам ушлаб туради. Овчилар ҳалиги қалъадан тушиб говмишни банд этиб оладилар. Чўл-биёбондаги гов қўтосни ҳам шу хилда овлайдилар. Аммо унинг куч-қуввати бошқа ҳайвонларникига ўхшамайди; тили жуда ҳам қувватли бўлиб, отлиқ одамни тили билан уриб йиқита

<sup>86</sup> Араб мақолларидан.

<sup>87</sup> Говмиш — сигир жинсидан бўлиб, семиз, боши катта, жунсиз, мешга ўхшаган ҳайвон. Жуда кўп сут беради, Шу сабабдан бўлса керак, ўзбеклар сутни кўп берадиган сигирни говмиш сигир деб атайдилар.

олади. Марҳум Ҳумоюн подшоҳ: «Бир кун бир гов қў-тос бир кишини қувлаган, охир у киши чарчаб қолиб-юзи билан йиқилиб тушган. Гов қўтос унинг товонидан бошигача ялаб, териларини шилиб ташлаган»,— деб сў-зининг ростлигига қасам ичган эди. Қўтоснинг энг яхши-си Баҳройиҷ вилоятида бўлади. Баҳройиҷ қўтоси деган сўз қисқартирилиб «баҳрий қўтос» дейилади. Лекин бун-дан баҳр (денгиз) қўтоси деган маъно англашилмасин, чунки қўтос сувда эмас, қуруқликда яшайди.

Агар Ҳиндистоннинг ажойиб, ғаройибларини сўзлай-берсак, мақсаддан узоқлашиб кетамиз. Шундай қилиб, рабиул охир ойининг ўрталарида Лоҳурдан Кобулга жўнадик. Лоҳур дарёси (Рави дарёси)дан кемалар би-лан ўтдик. Яна ундан бошқа бир катта дарё бўйига етиб келдик; ундан ўтиш учун кема топа олмай, ноилож, мешлар устига ёғоч ва тахталар қўйиб, сол ҳозирлаб, у сувдан ҳам ўтиб олдик. У ердан Баҳарага бордик.

Баҳара дарёсидан ҳам кемалар билан ўтиб, мирзо Жалолуддин Акбарнинг парвонаси (рухсат қоғози)ни Баҳара бошлиғига кўрсатган эдим. У: «Улуғ тангри но-ми билан қасам ичиб айтаманки, подшоҳ (Ҳумоюн) ва-фот этгандан бери халқдан ҳанузгача солиқ йиғиб олин-мади; одам қўшинг, уч-тўрт кун ичида йиғиб, ҳеч хато қилмасдан сизга топширамиз»,— деди. Ҳамроҳларимдан Мирбобус ва бошқа беклар билан маслаҳат қилдим. Шоҳ Абулмаолийнинг Лоҳур қалъасидан қочиб, қаерга кетгани номаълум эди. Баъзилар Кобул томонга қочган деб гумон қилардилар. У ерда унинг қариндоши Қаҳ-мард шаҳрининг беги бўлгани учун қариндоши билан қўшилиб, тағин бирор фтна-фасод бошлаши мумкин-лигидан қўрқиб, беклар тезроқ Кобулга кетишга шошил-дилар. Улар: «Сиз бир неча кун шу ерда туринг; йўл харажатларингиз учун тайин этилган пулни олиб орқа-миздан етиб келасиз, аммо йўлларда хавф-хатар кўпдир, эҳтиёт бўлинг»,— дедилар. Йўлдошларим билан масла-ҳатлашиб, «қаноат этган тўяди, тамаъ этган киши эса хор бўлади»<sup>88</sup>, деган сўзга амал қилиб: «Харажат учун бериладиган пулдан кечайлик, ҳамроҳлардан ажралиб қолиш муносиб эмас»,— деган эдим, ҳамма йўлдошла-рим бу фикрни маъқуллашди. Шу қарорга келганимиз-дан кейин беклар билан биргалашиб йўлга чиқдик. Хў-

---

<sup>88</sup> Араб мақолларидан.

шоб (Желам) дарёсидан кемалар билан ўтдик. Кейин Нилобга бордик. Ундан ҳам кемалар билан ўтиб, Бохтар заминга қадам босдик.

### БОХТАР ЗАМИН, ЯЪНИ ЗОБУЛИСТОНДА РУИ БЕРГАН САРГУЗАШТЛАР БАЁНИ

Муборак жумодил аввал ойининг бошида Нилобдан Қобул шаҳрига жўнадик. Одамхон номи билан машҳур бўлган афғон қабиласидан анчагина қўрққанимиз учун кечқурун тез ва тўхтамай юриб, тонг отар вақтида кўтал (тоғ йўли) тегига етишдик. Ҳалиги афғон қабиласига сездирмай азонлаб тоққа чиқа бошладик. Тоғ бошига чиққан ҳам эдик, неча минг афғон орқамиздан етиб келди. Уларга милтиқ ўқларини ёғдириб урушдик. Ниҳоят, худонинг инояти билан, улардан қутулиб Паршовар (Пешовар) шаҳрига келдик. Кейин Хайбар кўталидан ошиб, Жушойи шаҳрига етдик. Зикр этилган тоғларда иккита каркидон кўрдик. Ҳар бири филдек бўлиб, пешонасида икки қарич келадиган битта шохи бор эди. Аммо Хабаш (Эфиспия) тоғларида яшовчи каркидонларнинг шохлари бундан ҳам узун эканини сўзлайдилар. Кейин Ламғонга келдик. Минг хил азоб-уқубатлар билан Ҳазора ичидан Бохтар замин, яъни Зобулистон вилоятига қадам қўйиб, унинг пойтахти Қобул шаҳрига дохил бўлдик. Бу ерда Ҳумоюн подшоҳнинг ўғиллари Муҳаммад Ҳаким мирзо ва Фаррухфол мирзони кўрдик; Мунъимхон билан ҳам учрашдик. Улар марҳум Ҳумоюн подшоҳнинг фармонларини кўриб, бизни кўп ҳурматладилар.

Қобул—атрофи тоғлар билан ўралган; кўп чорбоғларга эга бўлган гўзал бир шаҳар экан. Ҳар томонида айшишратлар, базм-суҳбатлар давом этарди; чекка-чеккада раъно ва зебо лўлилар турли завқ, сафо мажлислари қулар; халқ йиғилиб чолғулар чалар, ёқимли куйлар куйлаб, доимо кайф-сафо, ўйин-кулги билан машғул бўлар эканлар.

Му а л л и ф д а н:

Ўлурми ҳаргиз одам ҳўра мойил,  
Ворикан<sup>89</sup> лўлиёни шаҳри Қобул?

---

<sup>89</sup> Бор экан.

Лекин буларнинг ҳаммаси кўзимизга кўринмас, ватанга етиб бориш орзуси бир дам ҳам кўнглимиздан кетмас эди. Кетишга тайёрландик. Мунъимхон: «Йўлларда қор бор; ҳозир Ҳиндиқуш тоғи кўталидан ошиб ўтиш мумкин эмас, бир неча кун шу ерда тўхтаб туринг»,— деса ҳам, фақир: «одамларнинг ғайрати тоғларни толқон қилади<sup>90</sup> деган сўз бор; фақат ғайрат ва ҳиммат керак»,— деб унинг сўзини қабул қилмадим. У фароший ва пашойи қабилаларининг ҳокими мир Назрийни бизга қўшиб, унга отлар ва юкларни кўталдан оширмақ учун ўша қабилалардан уч юз одам беришга буюрди. Муборак жумодил охир ойининг бошларида йўлга тушдик. Энг олдин Қорабоққа, ундан Чорикирон шаҳрига, кейин Парвонга, яъни Марвон шаҳрига, ундан ҳам жўнаб мир Назрийнинг ўлкасига келдик. Мир Назрий юқорида айтилганча, уч юз кишини бизга йиғиб берди. Улар отларни итариб, юкларини эса орқаларига қўйиб бирин-сирин тоққа чиқариб бердилар. Қисқаси, минг хил азоб-уқубатлар билан кўталдан ошдик ва ўша кун тоғ тагидаги бир қишлоқда дам олдик.

#### БАДАХШОН ВА ХАТЛОНДА ЮЗ БЕРГАН АҲВОЛ БАЕНИ

Муборак ражаб ойининг бошида Андароб шаҳрига ундан Бадахшон вилоятидаги Толиқонга келдик. У ерда Сулаймон шоҳ ва унинг ўғли Иброҳим мирзо билан кўришдик. Бизни энг олдин мазкур мирзо қарши олиб, бир чорбоғда қабул этди. У билан кўришиб, бирмунча тўхфа билан бир ғазални унга тақдим этдим.

#### Муаллифдан:

Агар борғайсан ул ой қошига жисминг ҳилол айла,  
Юзин кўрмак тилар бўлсанг, кўзинг ёшини ол айла.  
Рақибо, ул санамнинг куфр зулфин қилма андеша,  
Юри, қайт андин, ўз куфрингда бўл, ўзга хаёл айла.  
Гадойи кўйи бўлғай биз<sup>91</sup> кўнгил ул хожаи ҳуснин;  
Закоти васлидан бизга нечун бермас, савол айла,  
Алифлар<sup>92</sup>.  
Рақибнинг, э алиф қомат, бориб қаддини дол айла<sup>93</sup>.

<sup>90</sup> Араб мақолларидан.

<sup>91</sup> Бизнинг.

<sup>92</sup> Бу мисрани мутлақо ўқиб бўлмади.

<sup>93</sup> Қаддини дол айла — қаддини бук,



Агар акбари ишқа толиб эрсанг восил ўлмоққа.  
Ўзингни Қотибий нори муҳаббат бирла қол айла.

Мирзо анчагина шеършунос бўлгани учун зикр этилган ғазални ўқигач, биз билан мушоара қилди. Эртаси кун подшоҳ (Сулаймоншоҳ) билан кўришиб, ҳақирона армуғонимиз билан бирга шу ғазалимни унга тақдим этдим.

#### М у а л л и ф д а н:

Олами арвоҳда ким мен ошно бўлдим сенга,  
Ҳақ билур то ул замондин мубтало бўлдим сенга.  
Қуҳл эдинурса не бор гардимни арбоби назар.  
Ҳамду лиллоҳ подшоҳим, хокипо бўлдим сенга.  
Э кўнгил, ишқнинг тарийқин сенга тафҳим  
айладим,  
Ғам ема шимдин геруким<sup>94</sup>, раҳнамо бўлдим сенга.  
Қўйи ёра азм этармен тобеъ ўл, э дил менга,  
Хотиринг жамъ ўлсин андин пешиво бўлдим сенга.  
Ганжи ғамда Қотибий ҳолим кўриб дилбар деди:  
Шод ўл, бемори ғам, келдим шифо бўлдим сенга.

Подшоҳ чексиз лутф-навозишлар қилди. У Балх хо-ни Пирмуҳаммадхон билан Бароқхон (Тошкент ҳокими) орасида адоват борлигини айтиб: «У йўллардан юриш қўрқинчли, Пирмуҳаммадхоннинг инилари қозоқ<sup>95</sup> бўлганлари учун, Қундуз, Қуводиён, Термиз йўллари кесилиб қолиш хавфи остида, аммо Бадахшон ва Хатлон йўллари тинч, у томондан кетинг»,— деди. Бу ҳақирга подшоҳ билан мирзо от ва либос эҳсон этдилар. Подшоҳнинг хотини, бегимнинг акаси Жаҳонгир Алихон Хатлон ҳокими экан. Подшоҳ унга топшириш учун хат ёзиб берди. У ердан чиқиб йўлга равона бўлди. Бадахшон пойтахти Кишм шаҳрига келиб, подшоҳнинг чорбоғини, Ҳумоюн подшоҳнинг Даввоба номли богчасини томоша қилди. Кейин Зафар қалъаси йўли билан Рустоқ шаҳрига, ундан Семти бандарига келиб Обиому (Амударё), яъни Жайхун дарёсидан мешлар билан ўтди. Қошғар ёғидан Хатлон вилоятидаги Даллига бориб, ҳазрат мир Сайид Али Ҳамадонийнинг қабрини зиёрат қилди.

<sup>94</sup> Шимдин геруким — бундан кейинким.

<sup>95</sup> Қозоқ — ҳар ерда талон-торој қилиб юрган аскар.

Ундан Кўлоба шаҳрига бордик. У ерда Жаҳонгир Алихон билан кўришиб, унга синглиснинг хатини бердик. У бизнинг ёнимизга ўн беш нафар одам қўшиб берди. Чорсу шаҳрига, ундан Пулисангинга келиб кўприкдан ўтдик ва йўл кўрсатиш учун биз билан ҳамроҳ бўлиб келган кишиларга қайтишга рухсат бердик.

#### **ТУРОН ЗАМИНДА, ЯЪНИ МОВАРОУННАХРДА ЮЗ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ**

Кўприкдан (Пулисангиндан) ўтиб, Турон заминга, яъни Мовароуннахр ўлкасига дохил бўлдик. Ўша кун бир манзилда дам олиб, эртаси яна йўлга тушдик. Бозоринавга, ундан Чахоршанба шаҳарчасига бориб, хожа Яъқуб Чархийнинг қабрини зиёрат этдик. У ердан Чигониёнга, яъни Ҳисори Шодмонга келдик. Ўзбек султонларидан Темур султон номига қўйилган ерга келиб, сўнгра Сангардак тоғидан ошдик. Тоғдан ёмғир ёққандек сув томчилари тўхтовсиз томиб турарди. Тоғнинг этагида шу томчилардан бир катта сой ҳосил бўлган эди. У ерда ҳақ таолонинг қудратини томоша қилдик. Кейин Шаҳрисабзга, яъни Қеш шаҳрига келиб, Ҳошим султонга учрашдик; у ҳам йўл берди. Самарқанд билан Шаҳрисабз ўртасидаги кўтал (тоғ йўли)дан минг машаққатлар билан ошиб, Миср шаҳарчасига келдик. У ерда кўп тўхтамай, яна йўлга равона бўлиб, шаъбон ойининг бошларида Самарқанди биҳишт монандга дохил бўлдик. Бу ерда Наврўз Аҳмадхон, яъни Бароқхон билан кўришиб, «ҳақирларнинг тортиғи ҳам ҳақирона бўлади»<sup>95</sup> дегандек, унга келтирган бирмунча тортиғимизни тақдим этдик. Хон бу ҳақирга битта от, бош-оёқ сарупо марҳамат қилди. Бундан аввал саодатли подшоҳ ҳазратлари (Туркия султони) шайх Абдуллатиф ва Додош элчи орқали Бароқхонга бир қанча милтиқ отувчилар ва бир қанча қалъа тўплари юборган экан. Элчилар келган чоқларида Самарқанд подшоҳи Абдуллатифхон вафот этиб, Бароқхон Самарқандда хонлик тахтига ўтирган, Балхда Пирмуҳаммадхон, Бухорода эса Сайид Бўрҳонхон ўз номларига хутба ўқитганлар. Бароқхон шу икки хонга қарши олдин бирор чора кўришга қодир бўла олмаса ҳам, кейинроқ уларнинг ўзаро жанжалла-

---

<sup>95</sup> Араб мақолларидан.

ридан фойдаланган, аввал Самарқандни олган, кейин Шаҳрисабзга бориб, унда ҳам анчагина жанг қилган. Бу жангда румликлар (турклар)нинг бир нечта бошлиқлари ўлган. Ниҳоят Шаҳрисабз ҳам унинг қўлига ўтган. Яна у ердан Бухорога бориб, шаҳарни бир неча вақт муҳосара этган. Бухоро хони Сайид Бурҳон Қоракўлни Балх хони Пирмуҳаммадхонга бергани учун Пирмуҳаммадхон ўз иниларини юбориб, у шаҳарни қўлга киритган. Сайид Бурҳон (Бароқхонга) чидаш беролмай, ночор унга тобе бўлиб, ораларида сулҳ тузилган. Бароқхон у вилоятни яна Сайид Бурҳонга топшириб, ўзи Қоракўл устига юрган. Пирмуҳаммадхоннинг инилари Бароқхондан омон тилаб, Қоракўлни унга топширганлар. Бароқхон бу шаҳарни ҳам Сайид Бурҳонга қолдириб, Самарқандга қайтиб келган. Шундан кейин румликларнинг бошлиқларидан бири ўз ёнига бир қанча кишиларни олиб, Тошкент ва Туркистон йўли билан Румга жўнаган. Аҳмад номли бир румлик човуш<sup>96</sup> ҳам Бухоро ва Хоразм йўли билан Румга қайтиб кетган. Бир қанча яничери (турк аскарари) Сайид Бурҳон ёнига ва бир қанчаси эса Бароқхоннинг ўғиллари ёнига кетганлар, унинг (Бароқхоннинг) ёнида эса, атиги бир юз элликтача рум аскарари қолган. Бароқхон бу аҳволни менга баён этиб: «Саодатли подшоҳ ҳазратлари (султон) ёнида ёлғончи бўлиб қолдик, бирор иш қила олмадик. Агар бизга қўмак берсангиз, ҳали ҳам бирор иш қилиш мумкин бўлади»,— деди ва бир вилоят ҳокимлигини бу каминага таклиф этди. Ҳақир яна: «Шугина одам билан ҳеч иш қилиш мумкин эмас ва подшоҳнинг буйруғи бўлмасдан ҳеч нарсага аралаша олмаймиз»,— деб унинг таклифини қатъий суратда рад этган эдим, ноилож кетишга рухсат берди ва: «Энди сизга элчи қўшиб, аҳволимизни подшоҳ олампаюғга арз этаман»,— деб ҳазрат хожа Аҳмад Яссавий авлодидан Садри Олам шайхни элчиликка тайин этди. «Бундан кейин подшоҳ ҳазратлари қандай буюрсалар, шунга мувофиқ иш тутамиз» деган мазмунда хат ёзиб элчисининг қўлига топширди.

Самарқандда дониёл пайғамбарнинг қабрини, Хизр пайғамбарнинг қадам жойини, Расул алайҳиссаломнинг хирқа (уст кийим) ва кафшларини ва қуръони каримнинг ҳазрат Али қўли билан ёзилган нусхасини зиёрат

---

<sup>96</sup> Човуш — сержант, унтер-офицер.

қилдик. Уламо ва шайхлардан «Ҳидоя»<sup>97</sup> эгаси Бурҳонуддин Али бинни Абу Бакр Марғилоний, шайх Абу Мансур Мотурийдий, Шоҳи Зинда, хожа Убайдулло Аҳрор, хожа Абдий бирун, хожа Абдий дарун, Чўпон ва Қозизодаи Румий қабрларини зиёрат қилдик. Чорсаду чили чор ҳазор номли қабристонга бориб, Мовароуннаҳрнинг фатво эгалари бўлган уламоларнинг қабрларини ҳам зиёрат қилдик. Бир кун Бароқхон суҳбат вақтида: «Анча шаҳарларни кўрдингиз, шулардан қайси бери сизга ёқди?»— деб савол берди. Мен:

«Дил саркўйинг қўйиб этмаз биҳишти орзу,  
Ҳар кишия генди шаҳри ек»<sup>98</sup> гелур Бағдоддин»,—  
(На жотий)

деб жавоб берган эдим, хон завқланиб, «воқеан чин айтурсан, мундоқ тур», деб сўзимни маъқуллади. Хоннинг элчиси Садри Олам шайх Туркистон йўли билан кетишни таклиф қилди. Лекин у йўллардаги манғит, яъни нўғой тоифасининг халққа жабру зулм қилганлари ҳақида ҳар хил кўрқинчли хабарлар келиб турарди. Уларнинг жуда кўп бўлган қозоқ ва қозоқчилари муслмонларнинг мол-мулкларини талон-торож этиб, уларга сира кун бермаганлари тўғрисида овозалар тарқалган эди. Шунинг учун Туркистон йўлини маъқул кўрмасдан, Бухоро томонига жўнамоқчи бўлдик. Бароқхон бу ҳақирга: «Сайид Бурҳон яна бизга қаршилик кўрсатиб турибди. У билан ўғлим Хоразмшоҳ султон орасида адоват, душманлик бор деб эшитдим. Бу ердан Ғиждивонга бориб, аҳволни яхшилаб текширинг. Тинчлик давом этаётган бўлса, йўлингизда давом эта оласиз. Агар аҳвол бузуқ бўлса, элчи боргунча, у ерда тўхтаб туринг, элчи боргач, одам қўшиб, сизларни Бухородан ўтказиб юборади»,— деди.

Хоннинг берган маслаҳати бўйича ҳаракат қилдик. Муборак рамазоннинг бешинчи куни йўлга тушиб Қалъа номи билан машҳур бўлган бир шаҳарга, ундан Кармана шаҳрига, ундан ҳам жўнаб Даввобага бориб, Самарқанд дарёси (Зарафшон) дан ўтгандан кейин Ғиждивонга дохил бўлдик. У ерда хожа Абдулхолиқ Ғиждивонийнинг қабрини зиёрат қилдик. Мирзо (Хоразмшоҳ султон)

<sup>97</sup> «Ҳидоя» — фикҳ масалаларига оид китоб.

<sup>98</sup> Ек — ёқимли, марғуб.

у ерда йўқ экан; унинг ҳақида тузук бир хабар ололмай яна йўлга равона бўлиб Пулиработга келдик. Хоразмшоҳ султоннинг аскарлари дубулға, совутларини кийиб, жангга тайёр бўлиб турган эканлар. Хон ўз ўғлига оталиқ этиб юборган хон Алибек бизни кўриб, фақирдан: «Қаерга борасиз?»— деб сўради. Бухорога деган эдим, «Ҳозир Бухоро хони Сайид Бурҳон Хоразмшоҳ султон билан жанг этгани келаётир; марҳамат этиб бизга ёрдам беринг»,— деди. Фақир: «Биз бирор кишига кўмак бергани келмадик; бизга хоннинг ёрлиғи, яъни амри бундай эмас, балки уруш эҳтимоли бўлса, Ғиждивонга бориб элчини кутишга буюрганлар»,— деб жавоб бердим. Шу тўполонлар туфайли йўлда давом этишдан тўхтадик. Ноилож яна Ғиждивон томонига қараб йўл олдик. Минорага яқинлашган ҳам эдик, орқа томонимиздан юзтача олачапон чопиб етиб келди. «Эркли киши, яъни мирзо ярлиқ қилдилар, орқага қайтинглар!»— деб бир йўлдошимизни қилич билан уриб ерга йиқитдилар. Биз ҳам қўлимизга яроқ-аслаҳа олиб, урушга ҳозирландик. Шу чоқда бир улуг сайид от чопиб келиб ўзбекларга «сабр этинг!» деб қичқирди. Икки тараф ҳам ҳаракатдан тўхтади. У сайид бизнинг ёнимизга келиб: «Мирзо дуо этди, лутф айласинлар, бормасинлар, қайтиб бир жойда томоша қилсинлар; оларким борғайлар лашкарнинг оти бузилди бўлур»<sup>99</sup>,— дегач, ноилож Ғиждивонга қайтмай, улар билан кетдик. Мен энг олдин ўнтача одам билан бирга мирзо қошига бориб, уни зиёрат қилдим. У ҳам: «Албатта, бизга кўмак этинг»,—деб қистади. Мен унинг бу таклифига кўнмаганимдан кейин: «Бўлмаса, милтиқларингизни топширингиз, ўзларингиз эса бир ерда туриб томоша қилингиз»,—деди-да, ўнтача милтиғимизни олиб, ўзбеклар қўлига берди. У ўз кучига мағрурланиб, Сайид Бурҳонни сира кўзига илмас эди.

Емая киши ёд алиндан топпанча,  
Дамурдан дерснур қўлинда панжа.

Ш а й х и й

Шу чоқда унинг қаршисида Сайид Бурҳон кўрингач, мирзо кўприкдан ўтиб, работ ёнига борди. Мен йўлдош-

<sup>99</sup> Мирзо салом айтди, марҳамат қилинг, яна қайтиб Ғиждивонга борманг, орқага (Пулиработга) қайтинг, агар Ғиждивонга қайтиб борсангиз, халқ аскаримизни мағлуб бўлган деб гумон этиб, саросимага тушади.

ларим томонига келдим. Олти нафар йўлдошим халқ орасидан юриб мирзо билан бирга кўприкдан ўтди. Мен тўрт нафар йўлдошим билан бориб, халқни бир чорбоғ ичига жойлаштирдим.

Сайид Бурҳон мингтача қизил оёқ, яъни Бухоронинг учар йигитларидан ва қирқтача румлик мерганлардан иборат мукамал аскарга эга эди. У ғайрат билан қаттиқ ҳужум қилди ва мирзони бир зумда енгиб, уни ўқ билан ярадор қилди. Мирзо туғ, ногора ва яроғ-аслаҳаларини ташлаб қочишга мажбур бўлди.

Мирзо томонга ўтган олти нафар йўлдошимдан учтаси у билан бирга қочган эди, бирини найза билан уриб шаҳид этдилар, иккитаси тутилди. Қолган учта йўлдошимиз бир қанча ўзбек билан работга кирган ҳам эдики, Сайид Бурҳон работга ҳужум қилди. Мен икки йўлдошим билан пиёда бўлиб, аскарларнинг олдига бордим. «Хон қаерда?»—деган сўроғимга: «Работ ичидагилар билан жанг қилаётир»,—деб жавоб бердилар. «Мени хон ёнига элтинг»,—деган эдим, бир неча киши олдимга тушиб йўл бошлади. Кўприкдан ўтиб работ қаршисига келганимизда «қазо келса, кўзлар кўр бўлади»<sup>100</sup> дегандек, бир золим работдан ўқ узиб, мени ярадор қилди ва ҳар томондан устимга қилич яланғочлаб ёпирилдилар; ўлим қўрқинчи остида қолдим. Работда ўзбеклар билан бирга бўлган румлик аскарлар мени таниб қолдилар. Шундай ҳолга тушганимни кўргач, қилич чекиб: «Бу киши фақат хоннинг ҳузурига келган, сизлар билан урушмоқчи эмас, унга нечун ҳужум этасиз?»—деб ўзбекларга ҳамла қилганларидан кейингина улар ҳужумдан қўл тортдилар.

Хон тенги йўқ, яхши бир йигит экан, келганимиздан хабардор бўлиб, ўзи ёнимизга келди. Мени қучоқлаб: «Жанг устига келиб қолдингиз, ўт тушганда, ҳўл-қуруқ баробар ёнади дегандек, сиз ҳам анча азоб чекдингиз»,—деб чексиз узрлар баён қилди, бизни кўприкдан ўтказиб қўйиш учун иккита қўриқчи тайин этди. Шундай бўлса ҳам кўприкдан ўтаётган чоғимизда яна икки йўлдошимизни қилич билан уриб ярадор этдилар. Аскарлар жуда яхши безатилган битта отимни, идиш-оёқлар юклатилган отимизни, улардан бошқа яна ўнтача отимизни талон-торож қилдилар. Минг азоб-уқубат билан кўп-

---

<sup>100</sup> Араб мақолларидан.

рикдан ўтиб бир ерга жойлашдик. Хон менга хитоб қилиб: «Работ ичидаги румлик аскарларга танбеҳ қилинг, работни берсинлар, бегуноҳ бўлганлари сабабли, уларга ишимиз йўқ»,— дегач, работ ёнига бордим. Ҳар бирини алоҳида чақириб: «Урушдан қўл тортинг, бу ерда мен бор бўлганим учун хон гуноҳингизни кечди»,— дедим. Улар қабул этиб работни таслим этдилар. Йўқолган отларимиздан бир нечтаси топилди, лекин апчагина милтиқларимиз нобуд бўлган эди. Бундан аввал жангда тutilган икки йўлдошимиз ҳам озод бўлди.

Кейин Бухорога жўнаб, шом вақтида шаҳарга кирдик. Сайид Бурҳон фақирга мурожаат қилиб: «Сен менинг дунё ва охиратлик отам бўл. Бу вилоят саодатли подшоҳ (султон)ники, сен Бухоронинг ўзида тур, мен Қоракўлда бўлайин»,— деб бу таклифига рози бўлишимни қағъий суратда талаб қилди. Мен унга шундай жавоб бердим: Мовароуннаҳрнинг ҳаммасини менга берсалар ҳам, бу вилоятларда қолишни истамайман. Лекин хоним, сенга етган меҳнат, машаққатни, тангри хоҳласа, олий даргоҳ (султон даргоҳи)га арз этаман. Подшоҳ ҳазратларининг лутф-иноятлари соясида бу диёрнинг хонлиги, шубҳасиз, сенга муяссар бўлади»,— деб умид қиламан.

Орамизда бўлган ҳангамадан хон хурсанд бўлди; бу ҳақирни зиёфат қилиб, чексиз лутф-эҳсонларга ғарқ этди. Ун беш кун Бухорода қолиб кайф-сафо билан машгул бўлдик. Ҳар кун биз турган чорбоғдаги хон ва унинг ёнидагилари билан суҳбатлашар эдим. Хон бу ҳақирга ўз тилларида (ўзбекча) бир ғазал айтишимни таклиф қилди.

#### Муаллифдан:

Хижил бўлди кўриб рухсори ёри боғдаги гуллар,  
Фигоним кўш этиб гулшандин ўтти барча  
булбуллар.

Юзи гул, қомати ар-ар, кўзи наргис, лаби ғунча,  
Не бўлгай бошига ул доларух санчгой  
қаранфўллар<sup>101</sup>.

Жаҳон бозорида монанди йўқ ул қадди  
шамшодинг,  
Бўлибдир, боғи ҳусни ичра зулфи тоза сунбуллар.

<sup>101</sup> Қаранфўл — чинни гул.

Юзинг кўргач, қаро зулфинг паришон қилди  
ақлимни,  
Кўнгилни солди савдоға, не қилғум, ушбу  
кокиллар.  
Дамий тур, оч кўзингни, ғафлати қўй, жоми май  
нўш эт,  
Уютмас<sup>102</sup> Котибий базм аҳлини овози қулқуллар.

Юқорида зикр этилган газалдан хон жуда завқланди. Бир неча кун шеър ҳақида мубоҳаса этганимиздан кейин, кетишга яна рухсат сўраган эдим, хон: «Майли, темир милтиқларингизни бизга беринг, сизга қанча керак бўлса, мисдан ясалган шунча милтиқлар берамиз»,— дегач, ноилож қўлимизда қолган милтиқларни хонга бериб, ундан қирқта мис милтиқни олдик. Хон нобуд бўлган безоғлиқ отим ўрнига битта човкар от ва иккита аъло китоб ҳадя қилиб, кетишга рухсат берди. Ўша пайтда Бароқхоннинг элчиси келди. Султон Сайид Бурҳондан хоннинг ўғли мирзо Хоразмшоҳнинг гуноҳини авф этишини илтимос қилди, Сайид Бурҳон бу илтимосни қабул қилиб Бароқхоннинг ўғлига ҳам ер берди; Абдол султонни Ғиждивонга тайин этди. Шу билан Сайид Бурҳон билан Бароқхоннинг оралари очти бўлиб, олам тинчланди. Биз ҳам кетишга ҳозирландик. Бухорода хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Қозихон, Чорбакр, хожа Абу Ҳафс Кабир, Садруш шарийа, Тожуш шарийа, Шайхул Олам, хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг пири Сайид Миркуллол, султон Исмоил Сомоний, ҳазрат Айюб Набий алайҳиссалом, Қаъбул ахбор ва Шамсул Аиммаий Сарахсий қабрларини зиёрат қилдик. Кейин Хоразмга жўнаб, аввал Қоракўл шаҳрига, ундан Форобга келдик. У ердан кемаларга тушиб, Обиому, яъни Жайхундан (Амударёдан) ўтиб, муборақ шаввол ойининг бошларида Эрон замин вилоятига, яъни Хуросон диёрига қадам босдик. Энг олдин Чоржўй номли шаҳарга бориб, имом Али Мусонинг биродари Хожани Машҳад қабрини зиёрат қилдик. Сўнгра яна йўлга тушиб чўлдан, яъни Хуросон чўлидан Обиому қирғоғи бўйлаб Хоразмга равона бўлдик. Арслонлар билан кеча-кундуз олишардик; уларнинг дастидан бир киши ёлғиз ўзи бориб сув олишга қодир эмас эди. Минг турли машаққатлар билан ўн кунда Ҳазорусга (Ҳазораспга) келдик. Бундан

<sup>102</sup> Уютмас — ухлатмас, гофил этмас.



ҳам жўнаб беш кун пчида Хива шаҳрига дохил бўлдик. У ерда паҳлавон Маҳмуд Пириёр Валининг қабрини зиёрат қилдик.

### ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА ВА ДАШТИ ҚИПЧОҚДА ЮЗ БЕРГАН АҲВОЛ БАЕНИ

Муборак шаввол ойининг охирида Хива шаҳридан чиқиб, беш кунда Хоразмга келдик. Дўстмуҳаммадхон ва унинг биродари Эш султон билан мулоқат бўлдик, шайх Нажмиддин Кубро, шайх Али Ромитаний, шайх Хилватиён, имом Муҳаммад Борийи, «Қудурий»<sup>103</sup> эгаси, Жоруллоҳ Аллома, яъни «Қашшоф»<sup>104</sup> эгаси мулла Хусайн Хоразмий, Сайид ота ва Ҳаким ота қабрларини зиёрат қилдик.

Вазир шаҳрида шайх Абдуллатифнинг вафот этгани ҳақидаги хабарни эшитгач, сабру тоқатимиз қолмай, бир қанча йўлдошларим билан бирга ўша шаҳарга бордим. Маҳдуми Аъзам ва шайх Абдуллатиф қабрларини зиёрат этдик. Марҳум шайх Абдуллатиф ҳазратларига ғоибона инобат<sup>105</sup> қилган эдим. Шу сабабли у зот тасаввуф йўлида пиримиз саналади. Каломуллоҳ («Қуръон») хатм этиб, бу — ош тортиб, савобини пиримизнинг шариф руҳларига бағишладим. Бу фоний дунёдан боқий дунёга кетганлари ҳақида шу тарих (хронограмма)ни айтдим.

Му а л л и ф д а н :

Шайх Абдуллатиф пийри Хоразм,  
Дори дунёдан айлади рихлат.  
Руҳи қудси этти таърихин,  
Айла ё раб мақомини жаннат<sup>106</sup>.

Оғатойхоннинг ўғиллари ҳожи Муҳаммад султон, Темур султон ва Маҳмуд султондан бизларга ҳар ёқ-

<sup>103</sup> Фикҳга оид китоб. Ҳанафий мазҳабининг машҳур фақиҳларидан Абдулҳасан Аҳмад бинни Муҳаммад Қудурийнинг асари. Бу фақиҳ 428/1036 йилда вафот этган.

<sup>104</sup> *Қашшоф* — «Қуръон» тафсири. Хоразмлик Алломи Жоруллоҳ Абулқосим Муҳаммад бинни Умар Замаҳшарийнинг асари. Замаҳшарий 538/1143 йилда вафот этди.

<sup>105</sup> *Инобат* — пирга қўл бериш

<sup>106</sup> *إله يارب عفا سني جثرة* мисрасидан шайхнинг вафоти тарихи 963 (ҳижрий) йил келиб чиқади.

лама ёрдам кўрсатишларини илтимос этиб, Манғит мир-  
золари номига ёзилган мактубларни олганимиздан ке-  
йин Хоразмга қайтиб келдик. Бароқхоннинг элчиси Сад-  
ри Олам шайх ҳам орқамиздан етиб келди. Сўнгра ке-  
тишга ҳозирландик. Шайх Хусайн Хоразмийнинг ўғли  
ва заифаси (хотини), яъни Маҳдуми Аъзамнинг қизи  
ва яна бир қанча мусулмонлар биз билан ҳамроҳ бўл-  
дилар. Аравалар тайёрланди, биз билан ҳамроҳ бўлган-  
ларнинг ҳар бири қўй терисидан тикилган пўстин кий-  
ди, чунки манғит ўзбекдан ҳам ёмон бир тоифа бўлиб,  
бошқа хил кийим кийган кишиларни кўрсалар, уларни  
рус деб гумон этар эканлар<sup>107</sup>. Шу сабабли ҳамманинг  
пўстин кийиши лозим экан. Биз ҳам ноилож шу қиёфа-  
га киришга мажбур бўлдик.

#### Муаллифдан

Оламинг манғитини, ўзбекини,  
Ҳақ аларнинг йўқ айлағай покини.  
Оши-толқон билан қурут барининг,  
Қиши бир парча топмас этмакини,  
Қимиз ичиб алар ошар от этин,  
Доғи кўрмаймиз ўзга емакини.  
Қозоғию, қозоқчиси кўпдур,  
Тангри йўқ эта кунда бир лакини.  
Қорвоннинг, талаб қилғай ялакож,  
Улусининг тишисини, эркакини,  
Ҳақ будур ул ғазойи акбар этар,  
Чопғой онинг қилич билан бегини.  
Учрашиб тўхтаган танир сўзимнинг  
Котибий ёлғонини, герчегини.

Йўлдошларимнинг кўнглини кўтариб: «Ақлли киши-  
лар, бошқалардан қаршилиқ кўрмасликлари учун улар-  
нинг одатлари, шакл, қиёфаларини қабул этишлари  
керак».

#### Муаллифдан:

Бўйла эмиш бу ерда, чунки тўра<sup>108</sup>,  
Ким (кияр) кўрки<sup>109</sup>ни кўйи<sup>110</sup>ни кўра, —

<sup>107</sup> Шу йиллари, яъни 1554 йили руслар Астраханни босиб олган  
эди, шу сабабли руслардан чўчир эдилар.

<sup>108</sup> *Тўра* — қоида, қонун.

<sup>109</sup> *Кўрк* — пўстин.

<sup>110</sup> *Кўй* — бу ерда аҳвол, вазият маъносида.

деб уларга насиҳат қилдим. Ҳаммалари бунга рози бўлиб ўша қиёфага кирдилар. Муборак зулқаъда ойининг бошида йўлга тушдик. Бир ойдан кўпроқ Дашти Қипчоқда саргардон бўлиб юрдик. Куз вақти бўлгани учун ўша кунларда мазкур чўлдан ҳаргиз қуш учмас, той крмас эди. Чунки у чўлда битта дон ҳам, бир томчи сув ҳам топилмасди, бепоён бир чўлдан иборат эди.

Муаллифдан:

Йўқди анда вахш ва тайра ғида,  
Сув бўламызди қурбақа бужғо.

Ниҳоят кўп меҳнат ва машаққатлар билан кунлардан бир кун Шом деган жойдан ўтиб, Саройжик (Саройчик) шаҳарчасига келдик. Бир неча ҳожилар ва бундан аввал рухсат олиб Самарқанддан кетган румликлардан учтаси қаршимиздан чиқиб бизга: «Қаерга кетаяпсизлар? Ҳаштдархонни<sup>111</sup> рус олди; Аҳмад човуш рус билан қаттиқ жанг қилиб турибди; манғит мирзоларидан Арслон мирзонинг кишилари оғомизни таладилар. У йўл банд бўлди, орқага қайтингиз», — деган эдилар, мен:

Тажридлириз найлаяжакдир биза афлок,  
Тўққиз жуббалу суймая бир ялақожи,—  
(Нажотий)

деб орқага қайтишни мувофиқ кўрмадим. Биз билан ҳамроҳ бўлган йўлдошлар, яъни савдогарлар менинг фикримга рози бўлмай: «Яна бир неча кун Хоразмда тўхтаб турайлик; «ошиқиш шайтондан, сабр этиш раҳмондан»<sup>112</sup> — деган сўз бор. Кўрайлик, ишнинг сўнгги нима билан тугайди, — дедилар. Бароқхоннинг элчиси Садри Олам шайх ва бошқа мусулмонлар орқага қайта бошлаганлари учун, биз ҳам қайтишга мажбур бўлдик.

Муаллифдан:

Эрмак висоли ёра кўнгил бўлди мумтанеъ,  
Ўлдим ғами-ла, бўлмади ҳолимга мутталеъ,  
Воиз ҳадиси лаълинги тафсийр айлади,

---

<sup>111</sup> Ҳаштдархон ёки Ҳожитархон — Астрахань шаҳри.

<sup>112</sup> Араб мақолларидан.

Раҳмат анга ким барча улус бўлди мунтафеъ,  
Қўпдур жаҳонда ғунча лабу лола хад, вале,  
Сен сарв қад каби қани бир қадди муртафеъ?  
Булбултек айла нолау оҳи саҳаргача,  
Шоядки, раҳмат этиб ўла ул ғунча мустамеъ.  
Бори, аламни Котибий дафъ айламак бўлур,  
Ағёр эрур ҳамин алам ғайри мундафеъ.

Қўлимиздан нима ҳам келар эди? Ноилож яна Хоразмга қайтиб келдик. Бароқхоннинг элчиси Самарқандга қайтиб кетди, бошқалар эса у ерда туриб қолдилар. Бу ҳақирдан Хоразм хони Дўстмуҳаммадхон: «Қайси томондан кетишни истайсиз?» — деб сўради. Мен: «Машҳадий Хуросондан Эрон Ироқи (Ироқи ажам) йўли орқали Араб Ироқи (Ироқи араб)га, яъни Бағдодга бориш ниятидамиз», — деб жавоб берган эдим, у: «Ҳозирча шу ерда дам олиб туринг, манғит баҳорда яйловга чиқиб кетади, шу чоқда йўллар тинч ва бўш бўлади; руснинг ҳам бартараф бўлиши мумкин; Бағдод эса бу ердан анча узоқ», — деди. Мен унга:

«Сандан ўлурса ёра агар бўъди машриқайн»<sup>113</sup>,

Саъйи эт, кўнгил ки, ошиқа Бағдод йироқ дегил», —  
(Н а ж о т и й)

деб жавоб бердим. Ниҳоят хон кетишга рухсат бериб, менга бир яхши ёбу, яъни бир аъло от берди. Араваларни ҳамроҳларга бағишлаб дарёйи Қулзум (Каспий денгизи)дан ўтиб, Ширвон йўли билан кетишга қасд этган эдик. Аммо халқ бунга маслаҳат бермади: «Ширвонга Кафа томонидан рум аскарлари келган, Абдуллахон билан қаттиқ жанг этиб турибди, у томондан рум халқига ҳозирча йўл йўқ», — дедилар. Текшириб кўрдик; черкас томонидан Алқос (мирзо) чиққанлиги, ҳозирда черкас исён этиб тургани учун Темурқапу йўли ҳам тинч эмаслиги аниқланди. Халқдан Хуросон ва Ироқ йўли ҳақида сўраган эдик: «Ҳозирда шохнинг (Эрон шохининг) подшоҳ олампаноҳ (султон) билан келишгани ҳақида хабар бор, аммо йўллардаги қизилбош»<sup>114</sup> беклари сизни шохга соғ-саломат етказмасалар керак», — дедилар. Уларнинг бу сўзларига қарши: «Худо

<sup>113</sup> *Машриқайн* — икки шарқ. Бу ерда шарқ ва ғарбга нисбатан айтилади.

<sup>114</sup> *Қизилбош* — суннийлар томонидан шиаларга берилган исм.

кимни ўлимдан сақласа, уни ҳеч ким ўлдира олмас,  
ўлимдан қўрққан киши йўлга тушмас»,— дедим.

Ема ҳижрон ғамин, э дил, ажалдан ўнгдан ўлмиш  
йўқ,  
Етарчик ғуссасин хаттинг ёзилмиш-да йўйилмиш  
йўқ.  
Ҳ и ж р и й

Истихора қилдим. Бошқа томондан эмас, фақат шу  
йўлдан кетиш мумкинлиги аён бўлди. Қисқаси, ҳазрати  
ҳақнинг чексиз иноятига таваккул ва сарвари коинот-  
нинг<sup>115</sup> кўп баракатли мўъжизаларига тавассул этиб  
Хуросон, Ироқ йўли билан кетишга жазм этдик.

М у а л л и ф д а н:

Дахи йўл бўлмадим, ўлиб ночор,  
Ўғрадим биззарури охир кор.

Чунки «Зарурият ман қилинган нарсаларни ҳам ҳа-  
лол этади»<sup>116</sup>, деган гап бор. Шунинг учун дарҳол туя-  
лар кира қилиб, Хоразм подшоҳи — Дўстмуҳаммадхон-  
дан кетишга рухсат сўрадим. У: «Милтиқ билан душ-  
ман ичига кириш муносиб эмас», — дегач, қўлимизда  
бўлган милтиқларнинг ярмисини хонга ва қолган яр-  
мисини унинг иниси Эш султонга топширдим. Кейин  
рухсат олиб, Динмуҳаммаднинг биродари Али султонга  
топшириш учун мактуб олдим. Йўл учун озиқ-овқат,  
сув сақлагани катта мешлар тайёрладик. Тайёргарчи-  
лигимиз тамом бўлгандан сўнг, худога сиғиниб зулҳиж-  
жа ойининг биринчи куни Хуросон диёрига қараб жў-  
надик.

#### ХУРОСОН ВИЛОЯТИДА ЮЗ БЕРГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ

Худонинг лутф-карами билан Обиомудан ўтдик.  
Қирғоқда тўхтаб, биз билан ҳамроҳ бўлган йўлдошлар-  
ни кутдик. Маҳдуми Аъзамнинг каримаси (қизи), яъни

---

<sup>115</sup> Муҳаммад пайғамбарнинг сифати.

<sup>116</sup> Араб мақолларидан.

шайх Хусайн Хоразмийнинг хотини бир одамни юбориб-  
бизга мана шу башорат хабарини берди: «Бу кеча ту-  
шимда отам Маҳдуми Аъзамни кўрдим. Бир мўътабар  
олим билан Вазир шаҳридан келдилар. Халқ отамни  
ҳурмат билан кутиб олди. Келишларининг сабабини  
сўраган эдим, мир Сейди Али Вазир шаҳрига келиб  
қабримиз устида қуръони азимни тиловат этиб, биздан  
мадад сўради. Шу сабабли уни Хуросондан соғ-саломат  
ўтказиш учун кўмак бергани келдик»,— дедилар. Мен  
бу башорат хабарини эшитиб севиндим; шу завқ билан  
эртаси кун эрталаб йўлга тушдик. Бир неча кундан  
сўнг Дурун шаҳрига етдик. Маҳмуд султон ўтишга йўл  
берди. Ундан Боғвой шаҳрига келдик. Пўлат султон  
ҳам кетишимизга халақит бермади. У ердан ҳам жў-  
наб Нисо шаҳрига келдик. Динмуҳаммаднинг Марвда  
илгари хон бўлган биродари Али султон билан кўри-  
шиб, хоннинг ва Эш султоннинг мактубларини унга бер-  
дим. У ҳам вилоятидан ўтишимизга ижозат берди. Қис-  
қаси, бу хонларнинг ҳаммаси саодатли подшоҳга (сул-  
тонга) итоат этганликлари англашилди. Ундан ҳам ра-  
вона бўлиб, Бовард (Абивард) шаҳри орқали Тус шаҳ-  
рига келиб кирдик. У ерда имом Муҳаммад Ханифий  
ҳазратлари ва Фирдавсий Тусий қабрларини зиёрат  
қилдик.

964 йил муҳаррам ойининг биринчи кuni Машҳадий  
Хуросонга етиб келдик. У ерда шоҳи Хуросон, яъни  
имом Али Мусо Ризо ҳазратларининг қабрини зиёрат  
этдик. Денгизда бўлган вақтимизда, сувнинг қаттиқ  
тўлқини чоғида, ҳазрат имом Али Мусо Ризога бир  
туман назр этган эдим. Шу назримни ҳазрат имом рав-  
заси (қабри)нинг мутавааллисига топширдим. Яна рав-  
задаги сайидларга ҳам бир туман маблағ бахш этдим.  
Баҳром мирзонинг ўғли Иброҳим мирзо у ерда шаҳар  
ҳокими экан. Шоҳнинг<sup>117</sup> ўғли Сулаймон мирзо ҳам ўша  
жойда эди. Мен уларга ва Сулаймон мирзо вакили,  
яъни вазири Кўкча халифага ҳам учрашиб, мирзолар-  
дан шоҳнинг ёнига олиб боришлари учун одам сўрадим.  
Мирзолар бу илтимосимни қабул қилиб, биз учун бир  
зиёфат мажлиси тартиб этдилар. Суҳбат вақтида бу

---

<sup>117</sup> Сўз Эрон шоҳи Тахмосп Сафавий I устида бораётир.  
Тахмосп I 983/1575 йили вафот этган.

ҳақирга: «Ҳазрат Али билан Абу Бакр, Умар, Усмон ҳазратларининг халифаликлари ва мартабалари ҳақида сен билан баҳс этишни истаймиз»,—деб баъзи саволлар бериб, шу саволларига жавоб беришимни талаб қилдилар. «Сукут аҳмоқнинг саволига энг яхши жавобдир»<sup>118</sup>, деган сўзга амал қилиб, сукут этишни мувофиқ кўрдим. Кўп қистаганларидан кейин уларга шу ғазалимни ўқидим.

#### Муаллифдан:

Айб эрур, соқи май, этмак лаъли жонон бирла баҳс,  
Ҳеч ачиг сув айлағайми оби ҳайвон бирла баҳс.  
Дард ишқнинг, бу на ҳикматдур, давосин топмағай,  
Айлаганлар илму ҳикмат ичра Луқмон бирла баҳс.  
Дил қазо бирла қадар, дин ақл ила қилса жадал,  
Мен соғинурман қилур анқо Сулаймон бирла баҳс.  
Лутфу қаҳрингдан не бўлса розиман болу бало,  
Ҳадди эрмас банданингким қила султон бирла баҳс.  
Дарси ишқи этма зоҳид бирла, э дил, гуфтигў,  
Жаҳл эрур доно ўланлар қилса нодон бирла баҳс.  
Жону дил бирла нўла<sup>119</sup> лаълинг учун қилсам низо,  
Айб эмас, соқий, шароб устида ёрон бирла баҳс.  
Котибий кўрса Низомий<sup>120</sup> интизоми назминги,  
Дерди: «Лойиқдир сенга қилсанг Сулаймон бирла баҳс».

Ғазалимни ўқиб тамом қилганимдан сўнг уларга: «бир кун масжидда хожа Насриддин афандига: «Қуръон» ўқи!»—деганларида, хожа «жойи эмас», деб жавоб берган. Шунга ўхшаш, биз бу ерга сизлар билан баҳс этиш учун келган эмасмиз. Савол-жавобга қодир ҳам эмасмиз, чунки дунёнинг фозиллари «тўғри сўз аччиқ бўлади»<sup>121</sup>, деганлар. Агар ҳазрат Али ва унинг авлодига муҳаббатимиз бор-йўқлигини билмоқчи бўлсангиз, мана шу икки байтимдан у зотнинг авлодига бўлган муҳаббатимизни очиқ сеза оласиз.

---

<sup>118</sup> Араб мақолларидан.

<sup>119</sup> *Нўла*?— нима бўлади?

<sup>120</sup> Озарбайжоннинг энг машҳур классик шоири шайх Низомий Ганжавийга ишорат. Низомий 591/1194 йилда, бошқа бир ривоятга кўра 597/1200 йилда вафот этган.

<sup>121</sup> Араб мақолларидан.

Остони Муртазога<sup>122</sup> интисобим бор менинг,  
Дойимуддаҳр ул эшикдин фатҳи бобим бор  
менинг.

Қанбари мен шерн яздоннинг<sup>123</sup> севармен оли-  
ни<sup>124</sup>,

Ўзгалар-ла не саволу, не жавобим бор менинг,—

дедим-да, баҳс этишдан воз кечиб, зўрға уларнинг қў-  
лидан қутулдим. Кейин Ғозибек исмли машҳур бир зо-  
лим мирзонинг ёнига бориб: «Шунча одамни шоҳ ол-  
дига юбориш яхши эмас, булар балки ўзларига қўшиб  
берилган одамларимизни йўлда ўлдириб, бошқа бир  
томонга қочиб кетишлари мумкин, чунки Бароқхонга  
юборилган румликларнинг ўзлари бўлишлари гумон  
этилади, қўлларида айрим яширин мактублар бўлиши  
ҳам эҳтимолдан ўзоқ эмас. Шунинг учун ҳам уларни  
текширмасдан қўйиб юбориш ақлли иш бўлмайди,—  
дегач мирзо бу фикрга қўшилди ва «бир киши ҳақида  
бирор ёмон сўз эшитилса, у кишидан ихлос қайтади»<sup>125</sup>,  
дегандек, мирзо эртаси кун эрталаб совут кийган икки  
юзта қўрчини<sup>126</sup> бизга қарши юборди. Булар карвон-  
саройни ўраб олиб, ҳаммамизни қўлга олдилар. Мирзо:  
«Тўғри киши тутилмагунча, эгри топилмайди»,— деб  
ҳар биримизга биттадан соқчи тайин қилди. Бу фақир-  
ни икки хизматкорим билан қўшиб вакили Қўкча ха-  
лифанинг уйига киритиб қўйди. Отларимизни ҳам бир  
кишига топшириб, бошқа нарсаларимизни эса мутавал-  
ли қўлида омонот қолдирди.

Шу воқеа киш фаслида бўлган эди: «Қўрқинч олди-  
да титраб турибмиз; қўлимиздан нима ҳам келарди?»—  
дегандек, асбоб-анжомимиздан айрилиб, жуда ҳам со-  
вуққа қотдик. Мирзо эртаси кун бизда бўлган аҳкоми  
шарифани<sup>127</sup> подшоҳлардан олинган мактубларни бир  
халтачага солиб муҳрлади. Йўлдошларим бу ҳолни қў-  
риб, жонларидан умид уздилар. Мен йўлдошларимга:

<sup>122</sup> Муртазо — (пасандида, мақбул) Муҳаммад пайғамбарнинг  
тўртинчи ёри имом Алининг лақаби.

<sup>123</sup> Шери яздон — (худонинг арслони) бу ҳам Алининг лақаби.

<sup>124</sup> Ол — авлод, очла, бола-чақа. Оли Али — Алининг авлоди.

<sup>125</sup> Араб мақолларидан

<sup>126</sup> Қўрчи — отли аскар, миршаб, соқчи.

<sup>127</sup> Султон томонидан Сейди Али Раисга берилган буйруқ ва  
кўрсатмалар.



«Ҳаммамиз бундай ҳоллар юз беришини била туриб шу йўлга кирдик. «Ўзи йиқилган йиғламас» деган мақол бор. Туғилдикми, ахир бир кун ўламиз; энди бунинг чораси фақат сабр этишдир. Улуғлар «сабр қилсанг, гўрадан ҳалво битар» деганлар. «Сабр кенглик калиди, у билан қийинчилик кўтарилади»<sup>128</sup>.

Сабр ила етди давлати жовийд,  
Сабр ила битди меваи уммийд,  
Боғда сабр ила битар хўша,  
Хўша ҳам сабр ила ўлур тўша.

Ҳ а м д и й

Худога таваккал қилиб, ишнинг нима билан туга-  
шини кутиб турунг:

«Ёра йўл икки қадамдур, бирисини жона бос,  
Чунки бу майдона кирдинг, оёғинг мардона бос»,—  
(Н а ж о т и й)

деб уларга тасалли бердим. Ниҳоят, ҳамма йўлдошлар-  
римни қамоққа олдилар. Бу ҳақирни қамоққа олмаган  
бўлсалар ҳам бешта соқчи назорати остида сақладилар.  
Мирзонинг бу ишига кўнглим анчагина ранжиди.

М у а л л и ф д а н:

«Қадрини ҳаргиз билурми одаминг,  
Гарму сардин чекмаянлар оламинг»,—

деб қайғули кўнглимга тасалли берардим; гоҳо қайғу-  
алам шу даражага етар эдики, ҳалок бўлишга яқин-  
лашардим.

М у а л л и ф д а н:

Майдур, э соқий, иложи киши бўлгой ғамнок,  
Заҳри ғам дафъига ҳеч май тенги бўлмас тарёқ.  
Ганж ҳуснида икки зулфи бўлибдур икки мор,  
Қатл учун гамзаси толиблари тиғи Заҳок.  
Ул қуёш талъати кўрган не қилур ҳурни ёд,  
Сўфи, бир заррагина сенда йўқ эрмиш идрок.  
Ул санам ғайра вафолар қила, лойиқми менинг,  
Тийғи мужғони билан сийнами мундог қила чок.  
Ёр раҳм этди кўриб йиғладим зори билан  
Котибий бўлди эшитгач, они агёр ҳалок.

---

<sup>128</sup> Араб мақолларидан.

Мазкур ғазал тўғрисида фикр қилиб ётиб уйқуга кетдим. Иттифоқо уйқу ва уйғоқлик орасида вазнли бир мисра дилимга келди. Уйқудан уйғонгач, «бу худодан бўлган илҳом», деб ўйладимда, дарҳол мазкур мисрани банд этиб; (9 банддан иборат) бир мураббаъ (тўртлик) айтдим. Уни мутаваллига ва имом Али Мусо Ризога юбордим<sup>129</sup>.

### Муаллифдан:

Оламда келмиш дегилдир сана бензер бир далир.  
Ҳадди йўқдирким санингла панжа ура наъра шер,  
Қил тараҳҳум, водий меҳнатда қолдим бан фақир.  
Ё Али, сандан мадад, душдим банга ўл дастгир!

Чехраи зардим эшикинда воруб хок айладим,  
Зулфиқори<sup>130</sup> миҳринг ила сийнами чок айладим,  
Ло фато илло Али<sup>131</sup> сиррини идрок айладим,  
Ё Али, сандан мадад, душдим банга ўл дастгир!

Олами рўёда шод эдуб башорат айладинг,  
Роҳи амни кўстируб банга ишорат айладинг,  
Қўнглими вайрон экан ёпдинг, иморат айладинг,  
Ё Али, сандан мадад, душдим банга ўл дастгир!

Фол эдуб исминг санинг кирдим йўла, э некином,  
Ҳинду Синди, Мовароуннаҳри гашт этдим тамом.  
Жону дилдан, тангри шоҳиддир, сангадир илтижом,  
Ё Али, сандан мадад, душдим банга ўл дастгир!

Ҳинддан азм айладим шоҳи Хуросон олдина,  
Эшигина юз суриб қул ўлмишам аждоина,  
Бир назар қил бан ғарийбинг нолау фарёдина,  
Ё Али, сандан мадад, душдим банга ўл дастгир!

Айлади кони саний<sup>132</sup> оламда зотинг ўл жалил<sup>133</sup>,  
Иртифон қадринг учун «Ҳал-ато»<sup>134</sup> равшан далил.

---

<sup>129</sup> «Шу мураббаъни мутаваллига юбордим ва шу мураббаъ билан имом Али Мусо Ризо руҳига мурожаат этдим» маъносиди.

<sup>130</sup> *Зулфиқор* — Алининг қиличи.

<sup>131</sup> *Ло фато илло Али* — Али янглиғ мард киши йўқ.

<sup>132</sup> *Кони саний* — улуғлик кони.

<sup>133</sup> *Жалил* — худонинг сифатларидан бири.

<sup>134</sup> *Ҳал-ато* — «Қуръон», 76-суранинг биринчи ояти шу сўз билан бошланади. Шиялар «шу оят имом Али ҳақида айтилган» деб эътиқод этадилар.

Ҳиммат айла ҳолима раҳм эда шоҳи Ардабил,  
Ё Али, сандан мадад, душдим банга ўл дастгир!

Умарам, банга иноят қила ўн икки имом,  
Малжаимдир зоҳиру ботинда онлар, э ҳумом,  
Жумласининг эшигина юз суруб ўлдим ғулом,  
Ё Али, сандан мадад, душдим банга ўл дастгир!

Меҳнату ғурбат баним бағрими пурҳун айлади,  
Дарду фирқат кўзларим ёшини Жайҳун айлади,  
Нори ҳасрат ҳолими ғоят дигар кун айлади,  
Ё Али, сандан мадад, душдим банга ўл дастгир!

Котибий ўла муҳибби хонадони мустафо<sup>135</sup>,  
Нури шавқингла даруни доим ўла пур сафо,  
Санга мансуб экан ул лойиқмидир чекмак жафо,  
Ё Али, сандан мадад, душдим банга ўл дастгир!

Бу тўртли шеърим сайидлар орасида шуҳрат топди. Иттифоқо имом Али Мусо Рнзо мақбарасининг ходимларидан бир киши ёнимга келиб тавозе айлаб: «Тушимда ҳазрати Муртазо Али, эрталаб тонг вақтида туриб мир Сейди Алини зиёрат қил, деб мени сизнинг ёнингизга юбордилар»,— деди. Унинг бу сўзи, ростми, ёлғонми, уни билмайман, лекин бу сўз шаҳарга тарқалгач, халқнинг биз томонга мойил бўлишига анча сабабчи бўлди. Мутавалли ва барча сайидлар мирзонинг ёнига бордилар ва бизга қилган муомаласи учун ўз нозиликларини билдириб: «Имомнинг қабрини зиёрат этгани келиб, назр-ниёзлар берган ва ҳозирда подшоҳи Рум билан дўстона муносабатда бўлган шоҳнинг ёнига боришни ўзига мақсад қилиб қўйган кишига шундай муборақ ашуро<sup>136</sup> кунларида бу хилда жабр-жафо қилиш муносиб эмас, буларнинг бирор макру ҳийласи намоён бўлса эди, албатта, билинмай қолмасди, чунки ҳақ таоло қуръони каримда «гуноҳкорлар ўз афт-башараларидан таниладилар<sup>137</sup>,—деб айтган. «Буларда бирор ёмон ният бор, деб ўйлаш асло ярамайди»,— деган сўзларни айтдилар.

<sup>135</sup> *Мустафо* — Муҳаммад пайғамбарнинг сифати.

<sup>136</sup> *Ашуро* — муҳаррам ойининг ўнинчиси, имом Ҳусайн Қарбалада ўлдирилган кун. Шиалар бу кунни мотам билан ўтказадилар.

<sup>137</sup> «Қуръон», «Арраҳмон» сураси, 41-оят.

Уламо ва сайидларнинг бу сўзлари мирзога қаттиқ таъсир этди. Ҳақир ҳам:

«Гендийи таъриф эдармиш мушки тар,  
Ўксиз ўғлон кўбекин генди кесар»,—  
(На ж о т и й)

деган байтнинг мафҳумига амал этиб, мирзога шу мазмунда хат ёздим: «Ҳар бир хабарнинг рост ёки ёлғон бўлиши мумкин, бунини текширмасдан туриб, бизга жабр жафо қилишингиз тўғри эмас».

Дема ким эдасан қола ёнинга,  
Сана қолирса, қолмас ўғлонинга.

Ш а й х и й

Яна шеър фанида лоф-қоф уриб ўз аҳволимизга муносиб айтган уч ғазалимни ҳам мирзога юбордим. Бу ғазалларимдан мирзо жуда завқланди. Ғазалларимнинг бириси мана шу:

Му а л л и ф д а н:

Сендин, э дил, оғримиш, жаҳд эт, яраш ул ёр ила,  
Очти бўлмоқдин аммо қилғил ҳазар ағёр ила.  
Хотирим жамъ эт лаби жонбахшинг ила, э пари,  
Ақлими қилма паришон зулфи анбарбор ила.  
Жоми ишқи нуш этибмен, қўй мени ўз ҳолима,  
Мастман табъим олишмас, зоҳидо, ҳушёр ила.  
Зулфи соҳир, чашми пур фитна, ўзининг иши ол,  
Не бўлур ҳолим менинг ул ғамзаси маккор ила.  
Боғи даҳринг завқини қилмоқ тиларсанг Қотибий,  
Умринги ўткар, юри, бир сарв хуш рафтор ила.

Иккинчиси:

Ул ёр кишига меҳрибон бўлмас эмиш,  
Ошиқ ўлан анга шодмон бўлмас эмиш.  
Дил булбулига гулшан кўйидин ек,  
Гулзори жаҳонда ошён бўлмас эмиш.  
Ишқимни тўйирди элга аҳамм, улвий,  
Ҳеч шуъласи оташинг ниҳон бўлмас эмиш.  
Мужгонлари сийнамдан ўтиб етди дила,  
Аммо не қилай захми аён бўлмас эмиш.  
Э Қотибий дойим эшитармиз элдин,  
Ўлтурса киши рақийби қон бўлмас эмиш.

Менга жавр этиб жафо қилган сонирлар ёрдир,  
Мен танирмен, э кўнгил, бонс бари ағёрдир.  
Кўзларим ёшига раҳм айлаб яширма ҳуснинги,  
Дерлар, э маҳ, даво қаршу ошиқи дийдордир.<sup>138</sup>  
Руҳларинг боғи жинон, бўлгай лабинг оби ҳаёт,  
Э табибим, не сабабдин кўзларинг бемордир.  
Топса бирдамда ичарди қонини ошиқларинг,  
Ғамзаси ул бевафонинг кўр нечук хунхордир.  
Қотибий бандангни рад этмак ёмондир, дўстим,  
Ул эшигинг итларига яхши хизматкордир.

Ниҳоят, мирзо шоҳдан қўрқиб, қилган ишларига пушаймон бўлди. Ашуро кунда ҳаммамизни озод қилиб, бу ҳақирни қайтадан зиёфат этди. Отларимиз ва асбобларимизни ўзимизга қайтиб берди. Лекин кўп асбобимиз йўқолган эди. Тўртта жуда яхши китобимни олиб қўйди. Аҳкоми шарифа ва подшоҳлардан султон номига ёзилган мактубларни бир тўрвачага солиб муҳрлади. Қибчочи бошиси Алибек исмли ясовул билан ҳаммамизни маҳбуслар сингари мазкур йил муҳаррам ойининг ўрталарида шоҳ олдига юборди. Иттифоқо шоҳнинг имом Али Мусо Ризо қабрини зиёрат этгани келган бир хотини ва Баҳром мирзонинг бир хотини биз билан ҳамроҳ бўлдилар. Йўлда улар билан яхши муносабат боғладик. Шоҳнинг ёнига борганимизда улар бизга лутф мурувват кўрсатиб, шоҳга бизнинг қимлигимизни тушунтирдилар.

Йўлдошларимга: «Йўлда уларнинг кишилари билан муроса-мадора қилинг.

Осойиши ду кети тафсийри ин ду ҳарфаст,  
Бу дўстон талаттуф, бодушманон мадора. —

(Х о ж а Ҳ о ф и з)<sup>139</sup>

деб уларга панд-насиҳат қилар эдим.

Ниҳоят бир кун Нишобурга келиб, имомзода Муҳаммад Махруқ ва шайх Атторминг қабрларини зиёрат қил-

<sup>138</sup> Бу мисрада вазн ва маъно томонидан камчилик бор. Тўғриси «дерлар, э маҳ, ошиқа қарши даво дийдордир» бўлса керак.

<sup>139</sup> Икки оламнинг тинчлиги шу икки сўзнинг тафсийридан, яъни дўстларга илтифот ва душманлар билан мадуро қилишдан иборат.

дик. Хуросон вакили ога Камол билан кўришдик, у ҳам бизга йўл берди. Ундан Сабзаворга келдик. Баъзи ярамас одамлар бизга дахл этиб, тескари ҳаракатда бўлсалар ҳам, «ит ҳураар, карвон ўтар» дегандек, улар билан олишиб ўтирмай, кўп машаққатлар билан қўлларидан халос бўлдик.

## ЭРОН ИРОҚИДА ЮЗ БЕРГАН АҲВОЛ БАЕНИ

Кунлардан бир кун Ироқ вилоятига қадам қўйдик. Қўҳи Дамованд этагидан, яъни Мозандарон томонидан юриб, Бистомга келдик. У ерда имом Муҳаммад Афтах, шайх Боязид Бистомий, шайх Абулҳасан Ҳарқоний қабрларини зиёрат қилдик. Эртаси кун йўлга тушиб, Домгонга келдик. У кеча йўлдошларимиздан Рамазон бўлукбоши<sup>140</sup> исмли бир солиҳ, диндор кишининг тушида ҳазрат Боязид Бистомий қирқ дарвеш билан унинг олдига келиб: «Мир Сейди Али ҳақиға дуо қилайлик; ўз ватанига соғ-саломат этиб борсин»,— деб дуо қилганлар. У киши ҳам дуога иштирок этган. Кейин ҳазрат Боязид Бистомий: «Йўлларда ҳеч ким унга тўсқинлик қилмасин»,— деган мазмунда йўл фармони ёзиб муҳрлаганлар. Рамазон бўлукбоши бу башоратни менга айтгач, ҳақ таоло ҳазратнинг камоли карамига шукрлар қилдим. Бу башорат хабари ўлук дилларга янгидан ҳаёт бағишлади. Домгонда Имомзода Жаъфар қабрини зиёрат этдик. Кейин Симнонга келиб, шайх Алоуддавлаи Симнонийнинг қабрини ҳам зиёрат қилдик. У ерда табарройилар<sup>141</sup> жуда кўп эди. Улар биз билан мазҳаб ҳақида баҳс қилишни истадилар. Мен йўлдошларимга «пулингни, борадиган ерингни, маслак ва мазҳабингни яшир» ҳадисига амал этинг, чунки:

Оқил ўланлар айламаз бир он,

Заҳаби, мазҳаби, заҳоби аён»,—

деб насиҳат қилдим. Улар ҳам насиҳатимга қулоқ солдилар. Эртаси кун эрталаб у ердан чиқиб, яна йўлга тушдик. Йўлда яна ҳар бир йўлдошимга неча турли насиҳат қилиб, кўнгилларини кўтарар эдим.

<sup>140</sup> *Булукбоши* — капитан, рота командири.

<sup>141</sup> *Табарройи* — севмовчи. юз ўғирувчи, ўз этиқодларига қарши бошқа бир этиқодда бўлганлари учун суғнийлар шиаларни, булар эса суғнийларни шу ном билан атайдилар.

Сўфий нашавад софий то дар накашад жомий,  
Бисъёр сафар бояд то пухта шавад хомий<sup>143</sup>, —  
(Муллоий Рум).

мафҳумини англатиб: «Ҳеч ким сиздан кўра кўпроқ сафар этган эмас, шунинг учун ишингизда пухта бўлишингиз керак, тўла ақлга эга бўлган кишининг ҳар бир паст ва ярамас кишиларнинг сўзига ишониши муносиб эмас»,—дер эдим. Улар ҳам сўзимни қабул қилиб, насиҳатимдан чиқмай иш тутар эдилар. Мана шу аҳвол билан бир кун Рай Шаҳриёрга келиб имом Абдулазим ва ҳазрат имом Ҳусайннинг хотини биби Шаҳрбону қабрларини зиёрат қилдик. У ерда шоҳнинг (Ҳиротга кетаётган) ўғли Муҳаммад Худобанда мирзо ва қўрчибоши Севиндук оға билан кўришдик.

Шоҳ бундан аввал ўғли Исмоил мирзони Қазвиндан Хуросонга, яъни Ҳирига юбориб, катта ўғли Муҳаммад Худобанда мирзони у ердан ўз ёнига, Қазвинга чақириб олган экан. Кейин Исмоил мирзонинг Хуросонда қилган баъзи ярамас ишлари туфайли, Қазвинда шоҳнинг амри билан амирлардан бири қатл этилган экан. Муҳаммад Худобанданинг вазири Муҳаммадхон ҳам Ҳиротда, яъни Ҳирида Исмоил мирзонинг ишга яроқли бир неча одамини шоҳнинг амри билан ўлдириб, Муҳаммад Худобандани яна Ҳиротга қайтаришини шоҳдан талаб қилган. Шоҳ бу талабни қабул қилиб, Муҳаммад Худобандани мазкур қўрчибоши билан бирга Муҳаммадхон ҳузурига юборган ва Исмоил мирзони чақириб олган экан.

Мен ҳақир Муҳаммад Худобанда билан учрашган вақтимда, у шоҳнинг саодатли подшоҳ ҳазратларига (султонга) бўлган зўр ихлосини баён этгач, паришон хотиримиз бирмунча жам бўлди. Эртаси кун йўлга тушдик. Ярим ой чамаси йўл юрганимиздан кейин, яъни сафар ойининг охирида Эрон Ироқининг пойтахти Қазвин шаҳрига келдик. Шоҳ (Тахмосп I) га келганимиз ҳақида хабар бердилар. Бирортамизни ҳам шаҳарга қўймай, Сабзагарон деган қишлоққа юбордилар. Бизга шоҳнинг вакили, яъни улуг вазири Маъсумбекнинг девонбегиси Маҳмудбекни қоровул этиб қўйилди; эшик оғаси келиб, неча киши эканимизни, номимизни, қанча

---

<sup>142—143</sup> Сўфи то ваҳдат жомини кўтармагунча, чин Сўфий бўлмайди, ҳали етишмаган, хом кишининг пухта бўлиши учун кўп сафар қилиши керак.

отимиз борлигини ёзиб олди. У кета туриб ўз хизматчиларига биздан яширинча: «Буларнинг ҳаракатларини ҳар кеча кузатиб турунг, кўрайлик, бу иш қандай натижа билан тугайди»,— деб қаттиқ тайинлади.

Шоҳ Машҳадда вакил бўлган Кўкча халифага ва вазири мирмуншийга<sup>144</sup>: «Нега менга олдинроқ хабар бермасдан туриб, буларни Қазвинга юбордингиз?»— деб аччиғланиб, уларни шу қилган ишлари учун мансабларидан четлаштирди. Бу воқеадан кейин биз билан ҳамроҳ бўлиб келган қибчочи Алибек Пир Али деган бир ясовул орқали бу ҳақирга: «Буларнинг феъл-атворлари бузуқ! Қўлларидан яхшилик келадиган кишилар эмас, пул-мулингиз бор бўлса, бизга омонат қўйинг, худонинг инояти билан улардан халос бўлсангиз, яна қайтиб olasиз; агар бирор ҳодиса юз берса, пулингиз душманга қолгандан кўра бизга қолса, яхшироқ бўлар эди»,—деб ўзининг фикр ва мақсадини билдирди. Мен унга: «Шунча вақт гурбатда бўлган кишиларда пул нима ҳам қилсин?! Ўлимдан қўрққан киши бу ерга келмайди. Худойи таоло каломи қадимида ва фуқрони азимида: «Уларнинг ажаллари етса, бир соат ҳам кечикмайдилар ва бир соат олдин ҳам кетмайдилар»<sup>145</sup>,— деб буюрган. «Ажали етмаган кишини, ҳеч ким ўлдира олмас»,—деб жавоб қайтардим.

Бундан сўнг яна худога сиғиниб тура бердик. Иттифоқо, бир кўни шоҳ халтачадаги аҳкоми шарифани ва подшоҳлардан олинган мактубларни кўздан кечириётган чоқда шоҳнинг биз билан ҳамроҳ бўлиб келган хотини билан Баҳром мирзонинг хотини бизни ёқлаб: «Булар жуда кўп жабру жафо кўрган мазлум кишилар эканлар; йўлда уларнинг ҳолларидан яхши хабардор бўлдик»,—деб гувоҳлик берганлар. Мен бунни эшитгач, фурсатни ганимат билиб, шу мураббаъни шоҳга бериб юбордим.

### Муаллифдан:

Шоҳимардон дулдула<sup>146</sup> рўзи набард ўлса сувор<sup>147</sup>,  
Зулфиқора дурмаз эди Рустаму Исфандиёр.

<sup>144</sup> Мирмунший — котиблар бошлиғи.

<sup>145</sup> «Қуръон», «Юнус» сураси. 50-оят.

<sup>146</sup> Дулдул — Миср ҳокими. Муқавқас томондан Муҳаммад пайгамбарга ҳадя этилган чиройли, чопқир от. Пайгамбардан кейин бу от имом Алига қолган эди.

<sup>147</sup> Ўлса сувор — минса.



Нўла анингчун деса лутф айлаюб парвардигор:  
Ло фато илло Али, ло сайфа илло Зулфиқор<sup>148</sup>.

Хар замон аъдоя ул шоҳи валоят солса от,  
Зарби шамширин кўран фарзоналар ўлурди мот.  
Васф эдиб шаънин онинг эдарди фаҳри коинот<sup>149</sup>:  
Ло фато илло Али, ло сайфа илло Зулфиқор.

Шул ғазода кофири қирмоға этмишди ямин,  
Ўйла чолди тиги улдам, қона ғарқ ўлди замин,  
Деди ҳаққинда шаҳодат айлаюб рухул амин:  
Ло фато илло Али, ло сайфа илло Зулфиқор.

Айлади анга шижоат хилъатини ҳақ ато,  
Қиличиндан қон томорса тонгмидир рўзи ғазо?  
Дедилар жумла малойнк айлаюб анга дуо:  
Ло фато илло Али, ло сайфа илло Зулфиқор.

Шери яздондан қочарди хавф эдиб бабри ёбон,  
Қаҳрамонлар тийғи хунрезиндан истарди амон,  
Мард ўлуб ҳар ким қилич қўшонса эдар бегумон:  
Ло фато илло Али, ло сайфа илло Зулфиқор.

Наъра уриб айласа шоҳи Нажаф<sup>150</sup> азми совош,  
Солса сайфи қотиини дурмазди анга тоғу тош,  
Халқ ўлуб фармонбари, дерларди қўюб ера бош:  
Ло фато илло Али, ло сайфа илло Зулфиқор.

Хайбаринг кўпарди қопусин, қўди<sup>151</sup> оламда ном,  
Арша осди тийғини шод ўлди жумла хосу ом,  
Муртазоя Қанбар ўлиб, Котибий эдар мудом:  
Ло фато илло Али, ло сайфа илло Зулфиқор.

Бу тўртлик шеърни шоҳ ўқиб кўриб, улуғ вазирп  
Маъсумбекка: «Эртага сен уни чақириб зиёфат қил;  
ундан кейинги кун биз зиёфат қилиб; сўнгра истаган  
йўли орқали кетишга рухсат берамиз; бу хушхабарни  
унга етказ», — деб буюрган. Шундай қилиб, эртаси кун

---

<sup>148</sup> Аллдек мард киши, зулфиқор сингари қилич йўқ.

<sup>149</sup> Муҳаммад пайғамбарнинг сифати.

<sup>150</sup> *Шоҳи Нажаф* — Алининг лақаби, унинг қабри Нажаф шаҳрида бўлгани учун бу лақаб билан аталади.

<sup>151</sup> *Кўди* — қўйди.

Маъсумбек чақириб, бизни жуда қуюқ зиёфат қилди ва кетишга рухсат хабарини бериб: «Яқинда султон ҳузурига элчи юборамиз. Агар Озарбайжон, яъни Табриз ва Вон йўли орқали кетмоқчи бўлсангиз, тез кунда кета оласиз»,— деди. Фақир: «Ҳозир қиш вақти; шунинг учун у йўл орқали кетишга тоқат қила олмаймиз, бизга Бағдод йўли билан кетишга рухсат берингиз»,— деб ўтиндим. У: «Шоҳга арз этамиз»,— деб жавоб қилди. Бириси кун бизни шоҳ чақирди. У билан учрашиб фақирона армуғонимизни тақдим этдим. Шоҳ бу ҳақир бандани (Сейди Алини) зиёфат қилди; мажлисда анчагина мубоҳаса ва мушоара этдик. У ҳолимиздан бирмунча воқиф бўлгач, бекларига: «Юзларида кўп сажда қилганларининг белгилари бор<sup>152</sup>, яъни булардан ҳеч бир макр-ҳийла асари кўринмайди; ҳожи ва гози кишилар эканликларига асло шубҳа йўқ»,— деди. Иброҳимбекнинг вакили Кўкча халифа билан мирмунший биз туфайли мансабларидан четлатилган эдилар, шоҳ ҳар иккаласини ҳам ўз мансабларига қайтадан кўтарди. Бу ҳақирга битта от, икки қатор сарупо, бир боғлам ипак ва баъзи асбобларни берди. Икки сардорнинг ҳар бирига иккитадан, беш нафар йўлдошимизга ҳам биттадан сарупо инъом қилди. Саодатли подшоҳ олампаҳо ҳазратларига (султонга) ниҳоят даражада ихлос ва муҳаббатини изҳор қилди.

Шоҳ бир кун фаррошхонасида<sup>153</sup> бизни зиёфат қилиш ҳақида буюрди; ўзига яқин бекларни ҳам у мажлисга юборди. «Шоҳимизнинг куч-қувватларини билдириш учун беш юздан минг тумангача сарф этиб қўлга киргизган нарсалари»,—деб бизга неча юзта нақшли, суратли ва зар билан тўқилган бахмал ва ипак гиламларни, жуда кўп аъло даражадаги тег наमतлар, ёдгор бўладиган расмли ва зўр санъат билан ишланган чодирлар, ўтовлар ва чийларни томоша қилдирдилар. Шоҳнинг суҳбатдош амирларидан бири юзбоши Ҳасанбек мазкур нарсаларга ишора қилиб: «Бу бир бутун хазина эмасми?»— деган эди, ҳақир унга: «Подшоҳларнинг хазинаси олтин, кумуш ва уруш асбобларидан иборат бўлади, бундай нарсаларни хазина деб бўлмайди»,—

---

<sup>152</sup> «Қуръон». «Фатҳ» сураси. 28-оят.

<sup>153</sup> *Фаррошхона* — қиммат баҳо гилам, наमत, шолча ва бошқа нарсалар сақланадиган жой.

дедим. У бу сўзимга ҳайрон бўлиб, жавоб қайтара ол-  
мади.

Шоҳнинг элчиси Собит оға Табриз йўли орқали под-  
шоҳ ҳазратлари ҳузурига биздан олдин жўнаб кетди.  
Шоҳ бир ойгача бизга кетишга рухсат бермай, бир неча  
мартаба чақириб жуда кўп суҳбатлашди. Бир кун суҳбат  
вақтида: «Рум диёридан Бароқхонга ёрдам бериш учун  
уч юзта яничери юборилган экан», — деди. Мен: «Улар  
Бароқхонга ёрдам бериш учун эмас, балки шайх Абдул-  
латиф ҳазратларини қўриқлаб Румга олиб кетиш учун  
юборилган эди, чунки Ҳаштдархон (Астрахань) йўлида  
хожа Аҳмад Яссавийнинг авлодидан Бобо шайхни чер-  
кас шаҳид этгани сабабли, бу йўллар ёлғиз юришга  
хавфли ҳисобланиб қолган эди. Агар ёрдам учун юбо-  
рилганда фақат уч юзтагина эмас, балки неча минг  
аскар юборилар эди», — деб жавоб бердим. Шоҳ бу  
жавобимдан қаноатланди.

Бир куни мажлисда шоҳнинг уламо ва қариндошла-  
ридан мир Иброҳим Сафавий бу ҳақирдан: «Рум ула-  
моси нечун бизни кофир ҳисоблайди?» — деб сўради.  
Мен унга шундай жавоб бердим: «Шиалар саҳобаларни  
таҳқир қиладилар деб эшитилади. Фикҳ китобларида  
Шайхайнни таҳқир қилиш куфрдир»<sup>154</sup>, дейилган. Мир  
Иброҳим бу сўзимга қарши: «Имом Аъзам қошида  
шундай, аммо имом Шофий қoшида эса бу кичик гу-  
ноҳлардан саналади», — деди. Фақир яна: «Майли, имом  
Шофий қoшида кичик гуноҳлардан ҳам саналсин,  
бундан бошқа ҳазрат Ойишага фаҳш иснод этар экан-  
сиз. Бу иснодингиз билан ҳазрат Рисолат паноҳ (Му-  
ҳаммад пайғамбар)ни таҳқир этган бўласиз. Мана шун-  
дай ярамас сўзни айтган халқ муртад<sup>155</sup> бўлади. Бун-  
дай халқни ўлдириш ҳалол ва шу муртадлик вақтлари-  
да топган молларини ғазот фойдасига мусодара қилиш-  
га, хотин, бола-чақаларини эса асир этиб олишга ижо-  
зат берилади. Агар шу эътиқодларидан қайтиб тавба

---

<sup>154</sup> Муҳаммад пайғамбарнинг тўрт ёридан Абу Бакр билан  
Умар «Шайхайн» деб аталади. Шиалар Абу Бакр, Умар, Усмоннинг  
халифаликларини танимасдан: «Бўлар халифаликни Алидан зўр-  
лик билан тортиб олганлар», — деб даъво қиладилар. Шунинг учун  
уларни лаънат билан ёд этадилар, хусусан, Шайхайнни, яъни Абу  
Бакр билан Умарни жуда ҳам таҳқирлайдилар. Суннийлар эса  
Шайхайнни таҳқир қилганлари учун шиаларнинг кофирлигига фат-  
во берганлар.

<sup>155</sup> *Муртад* — диндан қайтган.

этмасалар, уларни қамаш лозим бўлади, тавба этсалар, у чоқда, хотинларига бошқатдан никоҳ қилмасдан ҳам яқинлик қилишлари жоиздир»,— деган эдим, у бунинг кор этиб: «Ҳазрат Ойишага фаҳш иснод этган киши бизнинг қошимизда ҳам кофир саналади. Бу сўзи билан ундай киши ҳам пайғамбарни таҳқир этган, ҳам «Қуръон»ни рад қилган бўлади, чунки ҳазрат ҳақ таоло қуръони қадим ва фурқони азимнинг неча ерида ҳазрат Ойишанинг поклиги ва айбсиз эканига гувоҳлик беради. Аммо ҳазрат Алига қарши чиққани учун Ойишани севмаймиз»<sup>156</sup>,— деса ҳам сўнгги сўзлари билан ҳазрат Ойишага адоватлари борлигини эътироф этади. Фақир яна ундан сўрадим: «Пайғамбар менинг уламо умматим Баний Исроил<sup>157</sup> пайғамбарлари даражасида бўлади<sup>158</sup>, деганлар; лекин сизлар имомларга<sup>159</sup> тил тегизар экансиз, бунга нима жавоб берасиз?» У ҳам мендан: «Баний Исроил пайғамбарлари даражасидаги уламо қаторига бизнинг уламомиз ҳам кирмайдими?»— деб сўради. Мен латифа тариқасида: «Умматдан бўлган уламонинг ҳаммаси шунга кирадир»,<sup>160</sup>— дедим-да, яна сўзимда давом этиб, «уламонинг гўштлири заҳарли бўлади; уларнинг гўштларини ҳидлаган киши касал бўлади; еган киши эса ўлади дейилган, уларга тил тегизганлар эса дунё ва охирада бир балога йўлиқишлари турган гап»,— дедим. У менинг бу сўзимга жавоб беришга асло қодир бўлмади. Ниҳоят гапни кесиб: «Буларнинг ҳаммаси қўшимча сўзлардан иборатдир,— деди. Мен ҳам: «Энди иккинчи варақнинг очилиши керак»,— деб суҳбатни бошқа ёққа бурдим.

Бир кун шоҳ бу каминадан:

«Ҳаҳонгашталиқ қилиб, кўп мамлакатни кездинг; кўп шаҳарни кўрдинг, сенга бу шаҳарлардан қайси бири ёқди?»— деб сўради. Фақир ҳам очиқчасига;

<sup>156</sup> Иброҳим Сафавий бу сўнгги сўзи билан 36 (ҳижрий) 15 жумодил охир (656 йил 9 декабрь) да имом Али билан Ойиша орасида бўлган урушга ишора қилади.

<sup>157</sup> Исроил лақабли Яъқуб пайғамбарнинг авлоди (яхудийлар) Баний Исроил деб аталади.

<sup>158</sup> Баъзи мусулмон уламоларнинг фикрича, бу сўз пайғамбарнинг сўзи эмас, тўқима ҳадислардан саналади.

<sup>159</sup> Сейди Али Раис имомлар деб, суннийларнинг имомни (мазҳаб бошлиқлари) имом Абу Ҳанифа, имом Шофий, имом Молик ва имом Аҳмад Жанбалани айтмоқчи бўлади.

<sup>160</sup> Сейди Али Раис сунний бўлгани учун бу латифаси билан «фақат суннийлар пайғамбарнинг уммати», демоқчи.

Кезиб сайр айладим ҳар шаҳрини гарчи бу  
 дунёнинг,  
 Назирин кўрмадим ҳаргиз Станбулу  
 Қалотонинг<sup>161</sup>,—

деган эдим, шоҳ сўзимни маъқуллади. У яна бу ҳақирдан: «Рум вилояти беклар бегиларининг даромадлари қанча туман бўлади?»— деб сўради.

Мен шундай жавоб бердим: «Рум диёрида подшоҳимизнинг беклар бегилари ва амирларининг даромадлари ўзларига кўра ҳар хил бўлади. Ҳар бир аскарнинг подшоҳдан оладиган ойлигидан ташқари ҳам даромади бор. Бошқа подшоҳ амирларининг даромадлари ўз қўл остларида бўлган аскарга қараб бўлади. Агар подшоҳимизнинг беклар бегилари, амирларининг даромадлари ва бу билан қўл остларида бўлган ҳамма аскарларининг даромадлари бирга қўшилса туман эмас, неча минг лак, балки неча юз клор<sup>162</sup> бўларди. Масалан, Рум эли, Онатўли, Миср, Будун, Диёрбакр, Бағдод, Яман ва Жазойир, Мағриб замини беклар бегиларининг ҳар бирига тобе бўлган аскарларнинг даромадлари бошқа подшоҳларнинг ҳамма аскарларининг даромадларидан кўпроқ бўлади. Подшоҳимизнинг бошқа беклар беги ва амирларининг даромадлари ҳам мана шундай; бу эса салтанат ишларига мос келади. Ўзга вилоятларнинг подшоҳлари ўз хон ва султонлари билан мурса-мадора қилишга мажбурдирлар. Чунки бу хон, султонларнинг ҳар бири хусусий хизматчиларга эга бўлиб, бу хизматчилар ўз хожасининг амригагина итоат этади. Рум вилоятида эса аскар фақат саодатли подшоҳимизгагина тобе бўлиб, беклар бегилар ва амирлар ҳам бошқа қуллари қаторида саналади ва муборак буйруқларидан озгина ҳам четга чиқмайдилар».

Шу мажлисда шоҳнинг баъзи амирлари: «Иброҳим мирзо Машҳадда китобларингни олган эди, шу ҳақда шоҳга арз қил, шоҳ уни дарҳол келтириб беради»,— дедилар. Фақир «ухлаб ётган фитнани уйғотганларга худо лаънат қилсин»<sup>163</sup> деганга амал қилиб: «Май-

<sup>161</sup> Тўғриси Ғалата.

<sup>162</sup> Бир клор (кдор)—10 миллион рупия.

<sup>163</sup> «Ҳадис»дан.

ли, у китобларнинг баҳридан ўтдим»,—деб жавоб бердим-да, суҳбатни бошқа томонга бурдим. Ниҳоят кетишга рухсат беришини ўтиниб, шоҳга шу ғазални тақдим этдим.

### Муаллифдан:

Ошиқ эсанг хуни ғам емакдан, э дил, лаззат ол.  
Ориф эсанг жоми май нуш айлаюб бир ҳолат ол,  
Бебақодир, моли дунёя, кўнгил, майл айлама,  
Қиссан Қоруни, вор, кўш айла ондан ибрат ол.  
Олмаға жон нақдини миннатми айларсан бана,  
Қил тақаллум бир нафас, бандан они бе миннат ол.  
Раҳм эдуб бан нотагона кирди ғамзанг захмата,  
Э табибим, бори гел нақди ҳаёти ужрат ол.  
Гезма тоғларда абас Мажнун каби, э кўҳи кан,  
Ишқ водисида шокирд ўл бана, бир санъат ол.  
Ёри кўрсам, ўлмадан, кор этди ҳасрат жонима,  
Жаҳд эдуб, э хаста дил, дасти ажалдан муҳлат ол.

Шубҳа йўқ ҳуббул ватан иймондандир Қотибий  
Ҳолинги арз айлаюб шоҳи қарамдан рухсат ол.

Мазкур ғазалдан шоҳ жуда завқланди; хурсанд бўлиб кетишга рухсат берди. Саодатли подшоҳ ҳазратлари (султон)га бир мактуб ҳам ёзиб бизга топширди. Шоҳ бу мактубида подшоҳ ҳазратларига бўлган ихлос ва муҳаббатини изҳор этган эди. Юзбоши Ҳасанбекнинг биродари Назарбекка бизни кузатиб олиб боришга буюриб, унга бирмунча одам қўшиб берди. Яна қайта бошдан бизга бош-оёқ сарупо инъом этди.

Қазвинда имом Шаҳзода Ҳусайнни<sup>164</sup> зиёрат этдик. Кейин муборак рабиул охир ойининг бошларида Бағдодга жўнадик. Султония яқинидаги Абҳар номли шаҳарнинг ёнидан ўтиб, у ерда пийри Ҳасан бинни Ахи Урон қабрини зиёрат қилдик. Кейин Қарқондан ошиб у ерда хожа Аҳмад Яссавийнинг ўғли шайх Муҳаммад Дамтезнинг қабрини зиёрат қилдик. Ундан Дарказин шаҳрига, кейин Ҳамадон шаҳрига бориб, Айнул қуззот Ҳамадоний ҳазратлари ва Расул алайҳиссаломнинг байроқдори бўлган пийри Абулғулоий муҳожир Маккий

<sup>164</sup> Қазвинда имом Ҳусайнга нисбат этилган бирор қабр, ёки қадам жой бўлса керак. Аслида имом Ҳусайннинг қабри Ироқда, Карбало шаҳридадир.

қабрларини зиёрат қилдик. У ердан Саъдобод шаҳарчасига бориб, чегара бекларидан Ҳасанбек билан учрашдик. У бизни кўп иззат, ҳурмат билан қарши олиб, зиёфат қилди. Кейин Кўҳи Алванд ва Кўҳи Ниҳованд томонидан, яъни Лористон этагидан юриб, Кўҳи Бистунга келдик. Бу ерда имом Қосим қабрини зиёрат қилдик. У ердан Вайсул Қарн қишлоғига бориб, ҳазрат Вайсул Қарннинг қабрини тавоф айладик. Сўнгра қасри Ширин йўли билан Курдистон ичидан юриб, занжир қалъасига келдик. У кун ҳавода тўсатдан бир хумо<sup>165</sup> кўринди. Халқ буни хайрлик белгиси деб, жуда севинди. Баъзи кишилар хумонинг бахт келтирувчи бир қуш экани, баъзилар эса унинг ҳаёти тўғрисида сўзлаб, уни хурсандлик билан томоша қилдилар. Шайх Саъдий раҳматуллоҳ алайҳнинг:

Хумой бар ҳама мургон азон шараф дорад,  
Ки устухон хўраду жонивар наёзорад<sup>166</sup>,—

деб айтганидек, у қушнинг озиғи устухондан иборат бўлиб, фақат шунн еб тирикчилик қилар экан. Баъзи кишиларнинг сўзларига кўра, хумо озиқланиш пайтида суякни баландга олиб чиқиб, ерга ташлайди; натижада суяк парча-парча бўлгач, унинг ҳамма парчаларини тенг бўлакларга бўлиб қўйгандан кейингина ер экан. Ҳатто Ажам (Эрон) дёрида мансабдорлардан бири бир нарса еб ҳазм этолмаса, унинг ҳақида «ҳазм қилишни ўйламай, оғзини тўлдирган; агар хумо каби андаза билан еганда, ҳазм қила олур эди», дер эканлар<sup>167</sup>. У кун Назарбек рухсат олиб жўнаб кетди. Эртаси кун тонг отмасдан илгарироқ Занжир қалъасидан чиқиб жўнадик. Тўққиз ўлим деган каттагина анҳордан ўтиб, Бон шаҳрига келдик. Бу шаҳардан ҳам ўтгач, Бағдодга келдик. Хизир пошо ҳазратлари билан учрашиб, унинг иззат, ҳурматларига ноил бўлдик.

### КЕЙИНГИ САРГУЗАШТЛАРИМИЗ БАЕНИ

Муборак жумодил аввалнинг бошларида кемалар билан Дажла, яъни Бағдод дарёсидан ўтдик. Бундан

<sup>165</sup> Ҳавода бошқа бирор қуш кўринган бўлса керак, чунки хумо аслида ҳаёлий бир қушдир.

<sup>166</sup> Хумо ҳамма қушлардан кўра шарофатли қуш; у фақат устухон ейди ва бошқа жониворларга зарар етказмайди.

<sup>167</sup> Эрон амалдорларининг порахўрликларидан киноя.

илгари знёрат қилган мазори шарифларни яна қайтадан зиёрат қилдик. Сўнг яна йўлга тушиб, Самака қасри ва ҳарбий шаҳарча йўли билан юриб, Текритга келдик. У ердан Мўсулга, кейин Эски Мўсул ва Жазра йўли билан Нусайбинга келдик. Сўнгра Диёрбакрдан Мордин йўли билан Омидга келиб, Искандар пошо билан кўришдик. У бизни кўп хурсандлик билан кутиб олди ва биз билан бир неча марта суҳбатлашди. У бошимиздан кечган воқеаларни эшитгач, ҳайрон бўлиб: «Сизнинг бошигиздан кечган ҳодисаларни Тамим Дорий ҳам ўз бошидан кечирмаган; сиз кўрган ажойиб ва фаройибларни Билқий ва Жаҳоншоҳ тушида ҳам кўрмаган бўлса керак»,—деб, биз кезган вилоятларнинг подшоҳлари ва аскарларининг аҳволи ҳақида сўради. Мен шундай жавоб бердим:

Қуръони каримда: «Араб ерига яқин бўлган Рум<sup>163</sup> ерида форслар (эронликлар) румликлар (византияликлар)ни енгсалар ҳам, лекин 3—9 йил орасида румликлар форсларни, албатта, енгадилар»<sup>169</sup>, — дейилган. Ер юзида Рум мамлакатига ўхшаган на бир мамлакат ва подшоҳ олампаноҳ (султон)га тенг бўладиган на бир подшоҳ бор.

Му а л л и ф д а н:

Подшоҳи рума нисбат шоҳ ўланлар ҳақ будир,  
Бир киши бекли ҳажабда подшоҳ ўлмоқдурир.

Ер юзида рум аскарига қарши тура оладиган бирор аскарнинг бўлишини тасаввур этиш мумкин эмас.

Му а л л и ф д а н:

Маърибу Машриқда руминг лашкари машхур-  
дир,  
Қанда азм айларса онлар дойимо мансурдир.

Худойи таоло Рум вилоятини қиёмат кунигача обод, подшоҳимизнинг умр ва давлатини жуда ҳам зиёда эт-

---

<sup>168</sup> Рум ва румликлар ҳақида шу китобнинг географик ва этнографик номлар қисмига қаранг.

<sup>169</sup> «Қуръон», «Рум» сураси, 1, 2, 3-оят. Эронда ҳукм сурган Сосонийлар сулоласининг 22-ҳукмдори иккинчи Хисрав Первиз (590—628) билан Византия давлати орасида бўлган урушларга ишора.



син, ғолиб аскарларининг ҳар вақт мурод ва мақсадларини бериб, душманларини мағлуб, зору ҳақир ва парча-парча этиб йўқ қилсин, омин.

Подшо ҳазратлари ҳам сўзимни маъқуллаб: «Дунёда бўлиб ўтаётган ҳодисалардан бизнинг ҳам хабаримиз бор; ҳақиқатни олганда, айтганингдан минг марта ортиқ»,— деди. Сўз орасида у: «Подшоҳ сени вафот этди деб эшитгач, ўрнингга (яъни Миср капитанлиги мансабига) Рўдус санжоғининг беги Қурдзодани тайин этди»,— деди. Мен унга: «Подшоҳ ҳазратлари соғ-саломат бўлсинлар, мансаб иши осон иш»,— десам ҳам анчагина хафа бўлдим; ғамгин кўнглимга тасалли бериб:

#### Муаллифдан:

Рағбат эдарми одам ўланлар бархоная,  
Сайд ўлма дома, э кўнгил, алданма доная,  
Саҳми қазо билурсан эришур нишоная,  
Чекмак камони меҳнати оламда ёная.  
Гўрдинг замона уймади, сан уй замоная.

Най каби ингласанг нўла ҳар дам эдуб фиғон.  
Қонун эдинди қаддинги чанг<sup>170</sup> этмаги жаҳон.  
Чунки санинг таронанга рақс айламаз замон.  
Куж айлама усула, гузет доиранг ҳамон,  
Гўрдинг замона уймади, сан уй замоная.

Бош эгма даҳра ҳурмат ичун, ўлма мубтазал,  
Ҳар кишия насиб гелур будурур масал.  
Эл вермаса замона, сақин, айлама жадал,  
Пандим қабул айла баним сўзим эсла, гел,  
Гўрдинг замона уймади, сан уй замоная.

Дунё санинг ўла, туталим<sup>171</sup>, найласанг керак.  
Оқил удирки, йўқ ера харж этмая эмак.  
Сонма, маромнинг узра дўнар дойимо фалак.  
Қўш эт<sup>172</sup> насиҳатим ҳала бандан сана демак,  
Гўрдинг уймади замона, сан уй замоная.

---

<sup>170</sup> Чанг — музика асбобларидан бири.

<sup>171</sup> Туталим — фараз этайлик.

<sup>172</sup> Қўш эт — қулоқ сол, эшит.

Ёзмиш наким муқаддар эса лавҳа<sup>173</sup> чун қалам,  
Албатта боша гелса керак ёзилган рақам.  
Шод ўлма, ҳурмат ила фано келса, чекма ғам,  
Э Котибий, жаҳонда надур чекдукинг алам?  
Гўрдинг замона уймади, сан уй замоная,—

деб ҳазрат ҳақнинг чексиз иноятига таваккал этдим.  
Аммо Лоҳур бандари Гужарот мамлакатини Румга қў-  
шиш орзуси кўнглимдан сира ҳам кетмади. Охир ўз  
ўзимга:

Санинг кетмаз бошингдан бу ҳаволар,  
Думоғинг жумла тупроқ дўлмайинча.  
Бу саргардонлигинг поёни йўқдир,  
Вужудинг сар то сар хок ўлмайинча

(Л о м и и й<sup>174</sup>),—

деб насиҳат қилардим. Кейин саодат остонасига (сул-  
тон эшигига) юз суртмоқ умиди билан Рум вилоятига  
жўнадик. Эрғанида Зилкифл пайғамбар қабрини зиёрат  
этдик. Ундан Харпут йўли билан Малотияга келиб,  
Сайид Ғозий султоннинг қариндош-уруғ ва дўстлари-  
нинг қабрларини зиёрат қилдик. У ердан Рум вилояти-  
га, яъни Сивос шаҳрига келиб, Али пошо ҳазратлари  
билан учрашдик, у бизни чексиз иззат ва ҳурмат билан  
қабул этди. У ерда Абдулваҳҳоб Ғозий қабрини зиёрат  
қилдик, Али бобо билан кўришиб, унинг дуосини олдик.  
Сўнгра Истанбулга жўнадик. Қан деган яланг жойдан  
Қораҳисор Баҳромшоҳга ва Бузовуқ ичидан ҳожи Бек-  
тошга келиб султон ҳожи Бектош ҳазратлари билан  
Болим султон қабрларини зиёрат қилдик. У ердан Қир-  
шаҳрга келиб, Аҳи Урон билан Ошиқ пошо ҳазратлари  
нинг қабрларини тавоф этдик. Ундан Аёш йўли орқа-  
ли Ворсиқ дарёсидан кечдик; Қизил Ирмоқ Чошникир  
кўпригидан ўтиб Анқури (Анқара) шаҳрига келиб кир-  
дик. У ерда ҳожи Байрам султон билан унинг авлоди-  
нинг қабрларини ва Хизр алайҳиссаломнинг қадам

---

<sup>173</sup> Лавҳи маҳфуз — сақланган тахта. Мусулмонларнинг эъти-  
қодича, ҳар бир инсоннинг бошига келадиган воқеа худо томони-  
дан шу тахтага ёзиб қўйилган эмиш. Ҳар киши ўзи ҳақида тах-  
тага нима ёзилган бўлса шунини кўради эмиш. Бизда «пешонага ёзил-  
ганни кўрасан» деган гап бор.

<sup>174</sup> Л о м и и й — машҳур турк шоири, 938/1532 йили вафот  
этган.

жойини зиёрат этдик; Жанобий пошо ҳазратлари билан кўришдик. Пошо ҳазратлари бизни чексиз иззат ва ҳурмат билан қабул қилди. Кейин Бекбозор йўли орқали Бўлига, ундан Мудурнига, у ердан Кўникка келиб, шайх Оқ Шамсуддин ҳазратларининг қабрини тавоф қилдик. Тароқли Еничасидан Кевага келиб, Сақария сувининг кўпригидан ўтдик. Оғоч денгизидан ўтиб, Сабонча йўли билан Изникмид шаҳрига келдик. У ерда Наби хожа ҳазратларининг қабрини тавоф қилдик. Ундан Кекиви-за (Гекбуза) йўли билан Эскудар бўғозидан ўтгач, Доруссалтанага, яъни Истанбулга сиҳат-саломат етиб келдик. Худога ҳамду санолар бўлсин, у бизни ҳалок бўлишдан қутқазиб, мамлакатларнинг хайрлисига қовуштирди. Қисқаси, тўрт йил ўтгандан кейин бутун меҳнат, қайғу алам ва бесаранжомлик тугади. 964 йил ражаб ойининг бошларида (1557-милодий май ойида) оиламиз, қариндош-уруғларимиз, дўст ва биродарларимиз билан кўришиш бизга насиб бўлди. Жаноб ҳақнинг бу марҳаматини ва берган неъматларини мулоҳаза этиб, унга шукр этамиз, шукр этамиз, яна ҳам шукр этамиз. Саодатли подшоҳ ҳазратларининг Эдирнеда эканини эшитиб, иккинчи кун дарров у ерга кетдик. Эдирнеда тахт пояларига юзимизни суртиш тақдир этилган экан, худога шукр, бу ҳам муяссар бўлди.

### Муаллифдан:

Ул санамнинг дарди ишқи сенга, э дил, ёр эмиш,  
Мен сенинг ҳолингга рашк этдим не завқинг бор  
эмиш.

Хоки пойин бошингга тож этдинг ул шоҳнинг яна,  
Ҳамду лиллоҳим сенинг бошингда давлат бор эмиш.  
Ул табибни жон менинг ҳолимни сўрса айтингиз,  
Гунжи ғамда меҳнату дардинг билан бемор эмиш.  
Ақлими яғмо этиб, дил мулкани ғорат қилан,  
Дўстлар, олдим хабар бир ғамзаси тотор эмиш,  
Зулфи ёри васф этиб қилдинг муаттар олами,  
Кўрса айгурди Навоий Қотибий аттор эмиш.

Шундай қилиб, саодатли подшоҳ олампаҳо ҳазратларининг марҳамат ва эҳсонларига эришдик. Улуғ вазирлар, хусусан, олий рутбали ва подшоҳнинг мушири (кенгашчиси) Рустам пошо ҳазратлари шафқат ва марҳаматларини биздан аямадилар. «Инсон, албатта, эҳсон

қули бўлади»<sup>175</sup> дегандек Рустам пошонинг чексиз лутф-эҳсонларидан уялиб, жону дилимиз билан унинг қуллари қаторида бўлишга аҳд қилдик. Бу бандага кундалик саксон ақча маош билан улуғ даргоҳда мутафарриқалик (чакана хизматларни бажариш) вазифасини инъом қилдилар. Шунингдек, сафарда мен билан ҳамроҳ бўлган катхудо (старшина)ларнинг ҳар бирига саккиз ақчадан эҳсон қилиб, Миср мутафаккирлиги хизматига тайинладилар. Бир булукбошига (рота бошлиғига) саккиз ақча ва бошқа йўлдошларга олти ақчадан инъом этдилар. Уларнинг бирига Миср човуши (унтер-офицери) лавозими берилиб, қолганларини эса ҳар хил имтиёзли лавозимларга тайин этдилар. Ҳаммаларига ўтган тўрт йиллик маошлари тўланди. Мисрға борганларидан кейин уларни озиқ-овқатлар ва отларини ем-ҳашақлар билан таъминлаш ҳақида буйруқ берилди.

Муборак ражаб ойининг охирларида саодатли подшоҳ билан Эдирнедан пойтахт Истанбулга қараб жўнадик. Подшоҳ ҳазратлари Чатолчадаги саройларига келган вақтларида бу бандага Диёрбакрнинг теймор дафтардорлигини<sup>176</sup> инъом этдилар. Худога шукр, давлатли подшоҳ ҳазратларининг ҳимоялари, лутф ва қарамлари соясида ҳаммамизнинг мақсудимиз ҳосил бўлди. Олий ва пок бўлган худо, подшоҳимизнинг умру давлатини, иззат ва нусратини кундан-кун зиёда қилиб, душманларини доимо мағлуб, зору ҳақир этсин. Аввал ва охирларнинг саййиди (Муҳаммад пайғамбар)нинг ҳурмати учун дуомизни қабул айла, э нусрат берувчиларнинг хайрлиси!»

#### Муаллифдан:

Ё илоҳий, жумламизни айладинг дунёда шод,  
Охиратда дахи айла раҳматингла бармаром<sup>177</sup>.

Ибрат, тажриба ва фикр эгаларига бу қиссадан ҳисса шуки, ҳар бир киши бўлмагур ҳой-ҳавасларга, узун савдоларга майл этмай «қаноат тугалмас хази-

---

<sup>175</sup> Араб мақолларидан.

<sup>176</sup> *Теймор дафтардорлиги* — феодал ерларидан келадиған даромадни ҳисобга олиб турувчи маъмур.

<sup>177</sup> *Бармаром* — мақсадга эришмоқ.

на»<sup>178</sup> дегандек сабр-қаноат қилиб, ҳар бир иш ва ҳар бир воқеани тинчлик билан кутиб олиши керак. Агар у мабодо, худонинг тақдири, ўзгармайдиган ҳукми билан ғурбат диёрига тушиб, ватандан узоқлашишга, уй-жойларидан жудо бўлишга мажбур ва машаққат денгизида зору ҳайрон, бало гирдобида беҳонумон, меҳнат водийсида саргардон, ғурбат чўлида нолону гирён бўлган чоқда «ватанни севиш — имондан»<sup>179</sup>, дегандек ўз ватанини орзу этиб диёрига азм қилса; подшоҳи исломнинг неъматини қадрини билиб, унинг саодат оstonасига юзини суришга қасд қилса, у, албатта, чўл-биёбонда қолмайди. Олий ва пок бўлган худо унинг муродини ҳосил этади, қисқа муддат ичида жуда кўп мақсадга эришади, дунё ва охиратда юзи оқ бўлади. У киши халқ орасида мақбул, севгили бўлиб, мақсадларининг эшиклари доимо очиқ бўлиши турган гап.

Бошимиздан кечган ҳамма воқеаларни Ғалата шаҳрида 964 ҳижрий йил шаъбон ойининг бошларида (1557 йил июнь ойида) худонинг тавфиқи билан ёздим ва 965 ҳижрий йил сафар ойининг ўрталарида 1557 йил декабрь ойида) таҳрир этиб тамомладим.

---

<sup>178</sup> Араб мақолларидан.

<sup>179</sup> «Ҳадис»дан.

# И Л О В А Л А Р



## ШАХСИЙ НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

- Абдол султон** — Асл номи Абдулмалик, Самарқанд хони Абдуллатифхоннинг ўғли. Абдуллахон билан урушиб мағлуб бўлгач, Ҳисор томонига қочган, лекин 988/1580 йили тутилиб қатл этилган.
- Абдулваҳҳоб Ғозий** — Машҳур турк қаҳрамонларидан Сайид Баттол Ғозийнинг дўсти ва сафдоши.
- Абдуллатифхон** — Бухоро хонларидан Кўчкунчи султоннинг ўғли, Самарқанд хони эди. 959/1551 йилда вафот этган.
- Абдуллахон** — Бир вақтлар Озарбайжонда тузилган Шемаха хонлигининг ҳукмдори.
- Абдурахмон бинни Авф** — Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан, лақаби Абу Муҳаммад. 31/651 йил, 75 ёшида вафот этган.
- Абу Бакр** — Муҳаммад пайғамбарнинг энг яқин саҳобаси; тўрт ёрининг биринчиси. Асл номи Абдулла бинни Абу Қаххофа бўлиб, Абу Бакр Сиддиқ лақаби билан машҳур. 13/634 йилда вафот этган.
- Абулҳасан Ҳарқоний** — Атоқли шайхлардан. Асл номи Али бинни Жаъфар, лақаби Абулҳасан, 425/1033 йилда вафот этган.
- Айнул қузот Ҳамадоний** — Ҳамадонлик энг машҳур олим, шоир ва шайх. Асл номи ва лақаби Абуфазонил Абдуллоҳ. 533/1138 йилда вафот этган.
- Айюб пайғамбар** — Энг қадимги пайғамбарлардан бири.
- Али пошо** — Турк пошоларидан Семиз Али пошо бўлиши керак. 972/1564 йилда вафот этган.
- Али султон** — Аванешхоннинг ўғли ва Динмуҳаммаднинг укаси. 979/1572 йилда вафот этган.
- Алқос (мирзо)** — Сафавийлар сулоласининг асосчиси ва унинг биринчи шоҳи Исмоил Сафавий I нинг ўғли ва шоҳ Таҳмосп I нинг укаси. Акаси шоҳ Таҳмоспдан кўнгли қолпб, Туркия султони Сулаймон Қонуний ёнига борди ва Туркия-Эрон уруши вақтида турк қўшинига яхшигина хизмат кўрсатди. 984/1576 йилда вафот этган.
- Анас бинни Молик** — Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан, лақаби Абу Ҳамза. Тахминан 92/710 йил, 100 ёшида вафот этган.



- Андрея Тория** — Илгариги Венеция республикасининг энг машхур денгиз капитани.
- Ахи Урон** — Машхур турк шайхларидан; VI аср (ҳижрий) да вафот этган.
- Байрамхон** — Туркманлардан, Акбар шоҳнинг мураббийси ва вассиси. 969/1561 йилда ҳажга кетаётиб йўлда, Гужаротда афғонлар томонидан ўлдирилган.
- Бароқхон** — Бу хоннинг асл номи Наврўз Аҳмад бўлиб, Тошкент хони Севинчхожахоннинг ўғли, Абулхайрхоннинг невараси. Отаси ўлгандан кейин унинг ўрнига ўтиради. Самарқанд хони Абдуллатифхон ўлгандан кейин Самарқандни ишғол қилади. 963/1555 йилда вафот этган.
- Баҳлул девона** — Баҳлул доно номи билан маълум, ўзининг ҳикматли сўзлари, ақлли ҳаракатлари билан машхурдир. 190/805 йилда Бағдодда вафот этган.
- Баҳодир султон** — Ўзбек султонларидан Ҳайдар султоннинг ўғли; Жалолуддин Акбар шоҳ томонидан қатл этилган.
- Баҳром мирзо** — Эрон шоҳи Исмоил Сафавий I нинг ўғли. Шоҳ Таҳмосп I нинг биродари, адиб ва шоир бўлган. 936/1529 йилда Хуросон ҳокими бўлади. 975/1515 йилда вафот этган.
- Биби Шаҳрбону** — Имом Хусайннинг хотини.
- Билқиё** — Баний Исроил пайғамбарларидан бири.
- Билқиё ва Жаҳоншоҳ** — «Минг бир кеча»даги бир узун ҳикоянинг бош қаҳрамонлари.
- Бишр Ҳофий** — Марв (Туркманистон)лик машхур шайхлардан. Исми Абу Наср бинни Ҳорис. 227/841 йилда вафот этган.
- Балим султон** — Турк шайхларидан ҳожи Бектошнинг муриди, халифаси.
- Вайсул Қарн** — Машхур шайхлардан ва Увайсия тариқатининг асосчиси. Исми Увайс бинни Омирдир. 37/657 йилда вафот этган.
- Динмуҳаммад (Тинмуҳаммад)** — Хоразм хонларидан Аванешхоннинг ўғли ва Али султоннинг акаси. 960/1552 йилда вафот этган.
- Довуд Наби** — Баний Исроил пайғамбарларидан. Милоддан аввал 1001, баъзи ривоятга кўра, 1016 йилда вафот этган.
- Довуд Қайсари** — Турк олими ва мутасаввуфи. 751 ҳижрий (1751 милодий) йилда вафот этган.
- Додош** — Турк султони Сулаймон Қонуний томонидан Бароқхон (Наврўз Аҳмадхон) ҳузурига юборилган ҳарбий делегация бошлиғи.
- Дониёл** — Баний Исроил пайғамбарларидан. Милоддан олти аср аввал яшагани ривоят этилади.
- Доро** — Қадимги Эрон шоҳларидан. Кайёнийлар сулоласининг тўққизинчи ва охириги ҳукмдори. Милоддан 330 йил илгари вафот этган.
- Дўстмуҳаммад** — Хоразм хонларидан Бўжғохоннинг катта ўғли. Бу хонни 965/1557 йилда Оғотойхоннинг ўғли ҳожим (ҳожи Муҳаммад) султоннинг тарафдорлари ўлдирган.
- Жалолуддин Акбар** — Тўлиқ ном ва лақаби Абулфайз Жалолуддин Муҳаммад Акбардир. Ҳиндистонда ҳукм сурган буюк мўғул империясининг асосчиси Заҳриддин Му-

- ҳаммад Бобирнинг невараси, Ҳумоюн шоҳнинг ўғли. 51 йил ҳукм суриб, 1014/1605 йилда вафот этган.
- Жанобий** пошо — Султон Сулаймон Қонунийнинг пошоларидан. 969/1561 йилда вафот этган.
- Жаҳонгирхон** — Гужарот ҳукмдори султон Аҳмаднинг амирларидан.
- Жаҳонгир Алихон** — Бадахшон ҳукмдори Сулаймон шоҳнинг яқинларидан ва Хатлон (ҳозирги Тожикистоннинг Панж ва Вахш дарёлари орасидаги ерлар)нинг ҳокими.
- Жиржис** — Баний Исроил пайғамбарларидан.
- Жоруллоҳ аллома** — Хоразмнинг машҳур олимларидан. Тўлиқ ном ва лақаби Алломанӣ Жоруллоҳ Абулқосим Муҳаммад бинни Умар Замаҳшарийдир. 538/1143 йилда вафот этган.
- Жунайд Бағдодий** — Машҳур шайхлардан. 298/910 йил, 91 ёшида вафот этган.
- Закариё** — Баний Исроил пайғамбарларидан.
- Заҳок** — Қадимги Эрон тарихининг маълумотига кўра, у Пешдодийлар сулоласининг бешинчи шоҳи ҳисобланади. Ҳаддан ортиқ золимлигидан Кова исмлики бир темирчи томонидан ўлдирилган.
- Зилкифл** — Баний Исроил пайғамбарларидан.
- Зубайр** — Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан; ҳамиша отасининг номи билан бирга қўшиб Зубайр биннул Авом деб аталади. 36/656 йилда вафот этган.
- Иброҳим** — Баний Исроил пайғамбарларидан.
- Иброҳим мирзо** — Эрон шоҳи Таҳмосп I нинг иниси Баҳром мирзонинг ўғли, 984/1577 йили Исмоил Сафавий II томонидан қатл қилинган.
- Иброҳим мирзо** — Бадахшон ҳокими Сулаймон шоҳнинг ўғли. 967/1559 йилда Балх ҳокими Пирмуҳаммадхон билан урушиб, душман қўлига асир тушди. Хоннинг буйруғи билан Курок баҳодир исмли бир шахс томонидан ўлдирилган.
- Ийс бинни Исҳоқ** — Баний Исроил пайғамбарларидан, Исҳоқ пайғамбарнинг ўғли.
- Имом Аъзам** — Тўлиқ ном ва лақаби Абу Ҳанифа Нўъмон бинни Собит. Тўрт сунний мазҳабининг биринчиси ва энг кўп тарқалган Ҳанафий мазҳабининг асосчиси. 150/767 йил, 70 ёшида вафот этган.
- Имом Али Мусо Ризо** — Тўлиқ ном ва лақаби Абулҳасан имом Али Мусо Ризодир. Имом Мусои Қозимнинг ўғли, 12 имомнинг саккинчиси, 206/821 йилда вафот этган.
- Имом Алиюлҳодий** — Ҳикмати имомнинг ўнинчиси, имом Муҳаммад Тақийнинг ўғли. Асл исми Али бўлса ҳам Муҳаммад Накий ва Алиюлҳодий лақаблари билан машҳур эди. 254/868 йилда вафот этган.
- Имом Аҳмад Ҳанбал** — Тўрт сунний мазҳабининг биринчи ҳисобланган Ҳанбалӣ мазҳабининг асосчиси. 241/855 йилда вафот этган.
- Имом Мусои Қозим** — Ҳикмати имомнинг еттинчиси; олтинчи имом Жаъфар Содиқнинг ўғли, 183/799 йилда вафот этган.
- Имом Муҳаммад** — Тўлиқ ном ва лақаби Имом Муҳаммад бинни Ҳасан Абу Абдуллоҳ Шайбонийдир. Имом Аъзамнинг

шогирди, Ҳанафий мазҳабининг энг зўр олим ва фақиҳларидан бири: 189/804 йилда вафот этган.

**Имом Муҳаммад Борий** — Машҳур фақиҳлардан. Тўлиқ ном ва лақаби Муҳаммад бинни Хусайн бинни Муҳаммад Низомиддин Борий, VII (VIII) аср охирида вафот этган.

**Имом Муҳаммад Маҳдий** — Тўлиқ ном ва лақаби Абулқосим Муҳаммад бинни Ҳасан Аскарӣдир. Ун икки имомнинг энг кейингиси: 265/878 йил, беш ёшида вафот этган.

**Имом Муҳаммад Тақий** — Ун икки имомнинг тўққизинчиси, имом Али Мусо Ризонинг ўғли, 220/835 йилда вафот этган.

**Имом Муҳаммад Ғаззолий** — Тўлиқ ном ва лақаби Ҳужжатул Ислом Зайнулдин Абу Ҳомид Муҳаммад бинни Муҳаммаддир. Зўр олим бўлиб, Шофий мазҳабининг атоқли фақиҳларидан ва мутасаввуфларидан ҳисобланади. 505/1111 йил, 55 ёшида вафот этган.

**Имом Муҳаммад Ҳанифий** — Тўлиқ ном ва лақаби Абулқосим Муҳаммад Ҳанифий бинни Алӣдир. Имом Алининг Фотимаи Заҳродан бошқа хотинидан, яъни Ҳавла бинти Жаъфар Ҳанафиядан туғилган ўғли. Онасининг лақабига нисбат этилиб, Муҳаммад Ҳанифий ёки Муҳаммад Ҳанафия деб аталади, 71/690 йилда вафот этган.

**Имом Уқайл** — Тўлиқ ном ва лақаби Абу Язид Уқайлдир. Имом Алининг акаси, биринчи аср (ҳижрий)нинг ўрталарида вафот этган.

**Имом Шофий** — Тўлиқ ном ва лақаби Муҳаммад бинни Идрисдир. Тўрт сунний мазҳабининг бири. Шофий мазҳабининг асосчиси ҳисобланади. 204/819 йилда вафот этган.

**Имом Юсуф** — Тўлиқ ном ва лақаби имом Абу Юсуф Яъқуб бинни Иброҳим Ансорӣдир. Имом Аъзамнинг энг атоқли шогирди, Ҳанафий мазҳабининг имом Аъзамдан сўнгги улуғ имоми, 182/798 йилда вафот этган.

**Имом Қосим** — Имом Ҳусайннинг ўғли Қосим бўлиши керак. Бунинг қабри Эронда, Кўҳи Бистун этагида бўлганлиги тўғри бўлмаса керак.

**Имом Ҳасан Аскарӣ** — Ун икки имомнинг ўн биринчиси ва имом Нақийнинг ўғли. 261/874 йилда вафот этган.

**Имом Ҳусайн** — Имом Алининг Фотимаи Заҳро исмли хотинидан туғилган ўғли; имом Ҳасаннинг укаси ва ўн икки имомнинг учинчиси, 61/680 йилда ўлдирилган.

**Искандар** — Искандар Зулқарнайн. Искандар Румӣй, Искандар Қабир ном-лақабли билан ҳам машҳурдир. Милоддан 323 йил бурун 33 ёшида вафот этган.

**Искандар пошо** — Турк султонларидан Сулаймонхон Қонунийнинг вазирларидан, 978/1570 йилда вафот этган.

**Искандархон** — Шерхон амакисининг ўғли. Отаси Панжоб ҳокими эди. Искандархоннинг асл исми Аҳмадхон Сур бўлиб, Сурийлар сулоласининг энг сўнгги ҳукмдори, у подшоҳ бўлгандан кейин шу ном билан аталган. Иброҳим Сурни енгиб, Деҳли ва Аграни забт этган. Ҳузоюн подшоҳ Ҳиндистонга иккинчи марта келгандан кейин Мачхивара (Шарқий Панжоб) ёнида Искандархон билан жанг қилган ва уни тамоман маглубиятга учратган.

- Искандархон Ҳазрат** — Ҳумоюн подшоҳнинг энг ишончли, энг яқин амирларидан. Искандархон Сур билан бўлган урушда зўр фидокорлик кўрсатгани учун Ҳумоюн унга Агра вилоятининг ҳокимлигини берган.
- Исмоил бинни Аҳмад Сомоний** — Бухорода Сомония сулоласининг асосчиси, 295/907 йилда вафот этган.
- Исмоил мирзо (Шоҳ Исмоил Сафавий II)** — Эрон шоҳи Таҳмосп I нинг ўғли, Сафавий сулоласидан учинчи шоҳ, жуда золим ва қонхўр бўлган учун бир аскар томонидан 985/1577 йилда ўлдирилди. Урнига укаси Муҳаммад Худобанда шоҳ бўлди.
- Исо Тархон** — Тўлиқ исми мирзо Исо Тархон туркман бўлиб, Синд вилоятидаги Татта шаҳрининг ҳокими бўлган. Ун уч йил ҳукм суриб, 975/1557 йилда вафот этган.
- Исфандиёр** — Қадимги Эрон тарихида келтирилган маълумотларга кўра, Қайёнийлар сулоласининг бешинчи шоҳи Қаш-тосбнинг ўғли. Рустам томонидан ўлдирилган.
- Қаъбул ахбор** — Тўлиқ ном ва лақаби Абу Исҳоқ Қаъб бинни Монеъ бўлиб, яҳудийлардан эди. Халифа Умар замонидан мусулмон бўлган. Мусулмонлар орасида энг кўп тўқима ривоятлар, ёлгон хабарлар тарқатар эди. Шунинг учун унга Қаъбул ахбор (Янгиликлар тарқатувчи) лақаби берилган. Унинг қабри Бухорода эмас, унга нисбат этилган қабр ҳам уйдирмадир. 32/652 йилда вафот этган.
- Маъруф Кархий** — Энг машҳур шайхлардан, Лақаби Абумақфуз, отасининг оти Феруз эди. Бағдодга яқин Қарх шаҳарчасида туғилгани учун унга Кархий исми берилган. 200/815 йилда вафот этган.
- Маҳдуми Аъзам** — Кубравия тариқатининг шайхларидан ва шайх Сайфуддиннинг пири Махтуми Аъзам ҳожи Муҳаммад Жанушоний (Муҳаммад Хилватий) бўлса керак. 937/1530 йилда вафот этган.
- Маҳмуд султон** — Хива хонларидан Оғотойхоннинг ўғли ва Ҳожим султоннинг укаси.
- Мир Назрий** — Афғонистоннинг Кўҳистон ва Бадахшон вилоятларида яшовчи фароший ва пашойи қабила-тарининг бошлиғи.
- Мир Сайид Али Ҳамадоний** — Кубравия тариқатига мансуб машҳур шайхлардан; 770/1363 йилда вафот этган.
- Мир Хисрав Деҳлавий** — Энг машҳур шоир ва шайхлардан. Отаси амир Маҳмуд асли шахрисабзлик бўлган ва Чингизхон истилоси вақтида ватанини тарк этиб Ҳиндистонга келган. Амир Хисрав 651/1253 йилда Деҳлида туғилиб, 725/1324 йил, 72 ёшида вафот этди. Қабри Деҳлида.
- Мулла Ҳусайн Хоразмий** — Кубравия тариқатига мансуб шайхлардан. 956/1549 йилда вафот этган.
- Муллоий Рум** — Машҳур турк мутасаввуфи ва машҳур «Маснавий» номли китобнинг атоли Мавлоно Жалолуддин Румийнинг лақаби, 672/1273 йилда вафот этган.
- Мунъимхон** — Ҳумоюн подшоҳнинг ўғли, Муҳаммад Ҳаким мирзонинг васийси ва мураббийси.

- Муродбек** — Машхур турк капитанларидан бўлиб, Пийрибек ва Сейди Али Раис билан бирга хизмат қилган, 963/1555 йилда Рўдусда вафот этган.
- Муртазо Али** — Муҳаммад пайғамбарнинг амакиси Абутолибнинг ўғли; пайғамбарнинг куёви; ўн икки имомнинг биринчиси ва Усмондан кейинги халифа. Имом Али Муртазо, Шохимардон, Шер Яздон каби лақаблари билан машҳурдир. 40/661 йил, 63 ёшида вафот этган, қабри Ироқдаги Нажаф шаҳрида.
- Мустафо** пошо — Султон Сулаймон Қонунийнинг атоқли пошо-ларидан.
- Муҳаммадхон** — Эрон шоҳи Таҳмосп I нинг амирларидан; Хуросон ҳокими ва Муҳаммад Худобанда мирзонинг вазири.
- Муҳаммад Ҳаким мирзо** — Ҳумоюн подшоҳининг ўғли; Акбаршоҳнинг укаси, Ҳумоюн подшоҳ унга Қобул ҳокимлигини бериб, ҳали балоғатга етмагани учун унга Мунъимхон номли бир амирини васий ва мурабий этиб тайин қилган эди.
- Муҳаммад Худобанда мирзо** — Шоҳ Таҳмосп I Сафавийнинг ўғли, акаси шоҳ Исмоил II дан кейин 985/1674 йилда тахтга ўтирган.
- Нух** — Энг қадимги пайғамбарлардан.
- Нуширвон** — Сосонийлар сулоласидан йигирманчи шоҳ, араблар уни Кисро, греклар Хисрав деб атайдилар. 579 (милодий) йили вафот этган.
- Ойиша бинт Абу Бакр** — Муҳаммад пайғамбарнинг хотини. 57/676 йил, 65 ёшида вафот этган.
- Ошиқ пошо** — Мутасаввуф турк шоири; 710/1310 йилда вафот этган. Қабри Туркиядаги Қиршаҳрда.
- Оғотойхон** — Хива хонларидан Омуноқхоннинг ўғли. 956/1549 йилда вафот этган.
- Паҳлавон Маҳмуд Пириёр Вали** — Хоразмлик шайх ва шоир. Паҳлавон ота лақаби билан машҳурдир. Тахаллуси Қаттолий бўлиб, 732/1331 йилда, бошқа бир ривоятга кўра 722/1322 йилда вафот этган.
- Пийрибек** — Машхур турк капитанларидан. 961/1553 йилда султон Сулаймон Қонуний томонидан қатл этилиб, унинг ўрнига шу асар муаллифи Сейди Али Раис тайинланган эди.
- Пийри пошо** — Султон Салим I нинг бош вазир эди. Султон Сулаймон Қонуний замонда ҳам бир неча вақт шу мансабда турди. Ўз ўғли томонидан 940/1533 йилда заҳарлаб ўлдирилган.
- Пирмуҳаммадхон** — Ўзбек султонларидан, Жонибекхоннинг ўғли, Балх ҳукмдори эди.
- Пўлат султон** — Хива хонларидан Оғотойхоннинг ўғли. 974/1566 йилда вафот этган.
- Рустам ибн Зол** — Машхур Эрон шоири Фирдавсий Туснй асарин «Шохнома» поэмасининг бош қаҳрамони, Сеистон ва Зобўлистон вилоятларининг ҳокими Зол ибн Сомнинг ўғли, Кайёнӣй шоҳларидан Кайковус билан Кайхисров замонда яшаган.

- Рустам пошо** — Султон Сулаймон Қонунийнинг бош вазири. 968/1560 йилда вафот этган.
- Садруш Шариятул Асғар** — Ном ва лақаби Убайдулла ибн Масъуддир. Бухоронинг энг машҳур фақиҳларидан. 745/1344 йилда вафот этган.
- Сайид Ансорий** — Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан бири; Саъд Ансорийнинг ўғли.
- Сайид Бурҳонхон** — Шайбонийлардан Муҳаммад Раҳимхоннинг ўғли ва Убайдуллахоннинг невараси. 964/1556 йилда Мирзо ака Бий қушчи деган бир киши томонидан ўлдирилган.
- Сайид Миркулло** — Бухоронинг машҳур шайхларидан хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг пири бўлган ва 772/1371 йилда вафот этган.
- Сайид ота** — Тўлиқ исми ва лақаби Сайид Аҳмад бинни Сайид Абу Бакрдир. Машҳур Занги отанинг иккинчи халифаси.
- Сайид Ғозий султон** — Асл исми Сайид Жаъфар ибн Сайид Ҳусайн бўлса ҳам Сайид Баттол Ғозий лақаби билан шуҳрат қозонган. Асли Малотия шаҳарлик бўлиб, 121/739 йилда Византияга қарши бўлган урушда ўлган. Қабри Туркия ўз номига қўйилган Сайид Ғозий шаҳарчасида.
- Салимхон** — Машҳур Шерхон Сур афгоннинг кичик ўғли. Бунинг исми Жалолхон эди. Тахтга ўлтиргандан сўнг Ислоом шоҳ номини олди, Салим шоҳ лақаби билан шуҳрат топди. Тўққиз йил ҳукм сургандан кейин 961/1554 йилда вафот этган.
- Салмон Форс** — Муҳаммад пайғамбарнинг эронлик саҳобаси, 35/655 йилда Мадойин шаҳрида вафот этган.
- Сарий Сақатий** — Машҳур шайхлардан. Исми Абулҳасан бинни Муғаллас бўлиб, 251/865 йилда, бошқа бир ривоятга кўра 257/870 йилда вафот этган.
- Саъд Ансорий** — Муҳаммад пайғамбарнинг саҳобаларидан.
- Синон пошо** — Туркиянинг машҳур денгизчиларидан. 961/1551 йилда вафот этган.
- Сомири** — Ғарбий Ҳиндистон соҳилидаги Малабор ҳокимларини Сомири дейилади. Сейди Али Раис Малабор соҳилидаги Қаликут шаҳрининг ҳокимини шу ном билан атаб, унинг асл исмини кўрсатмайди.
- Сулаймон мирзо** — Таҳмосп I нинг ўғли, шоҳ Исмоил Сафавий I нинг невараси.
- Сулаймон Раис** — Турк денгизи капитанларидан.
- Сулаймон шоҳ** — Бадахшон ҳокими, Бухоро хони Абдуллахон билан бир неча марта урушиб мағлуб бўлди. Ниҳоят Иброҳим мирзо ўғли Шоҳруҳ мирзо Бадахшонни олгач, Сулаймоншоҳ қочиб Ҳиндистонга Акбар шоҳ ҳузурига кетди. 997/1569 йилда Лоҳурда вафот этган.
- Султон Аҳмад** — Гужарот ҳукмдори Маҳмуд шоҳ III нинг ўғли. 968/1560 йилда вафот этган.
- Султон Баҳодир** — Гужарот подшоҳи Музаффар шоҳнинг ўғли. 943/1536 йилда португалияликларга қарши урушда ҳалок бўлган.
- Султон Маҳмуд Бақарий** — Синд вилоятидаги Бакар шаҳрининг ҳокими, 982/1574 йилда вафот этган.

- Султон Салимхон I** — Туркия султонларидан султон Боязидхон II нинг ўғли; султон Сулаймон Қонунийнинг отаси 926/1519 йилда вафот этган.
- Султон Сулаймонхон I** — Турк султони султон Салимхон I нинг ўғли. Баъзи низоми ва қонунлар чиқаргани учун Қонуний лақаби билан шуҳрат қозонган. 974/1566 йилда вафот этган.
- Султонул уламо** — Балхлик машҳур дин олимларидан; Жалолуддин Румийнинг отаси Мавлоно Бурҳонуддин Валаднинг лақаби. 628/1230 йилда, бошқа ривоятда 631/1233 йилда вафот этган.
- Султон Ғозий Бектош** — Турк шайхларидан; Бектошия тариқатининг асосчиси; кўпроқ ҳожини Бектош Валий номи билан машҳур. VII аср (ҳижрий)да вафот этган.
- Талҳа** — Муҳаммад пайгамбар саҳобаларидан Талҳа бинини Абдуллоҳ 37/657 йилда вафот этган.
- Тамим Дорий** — Муҳаммад пайгамбарнинг саҳобаларидан; Унинг ҳақида тўқилган афсоналарга кўра, халифа Умар вақтида бу кишини жинлар олиб кетган эмиш ва у узоқ мамлакатларда етти йил юриб, чексиз машаққатлар чеккан, ажойиб-ғаройибларни кўргандан кейин яна жинлар ёрдами билан ўз юртига қайтиб келган эмиш.
- Темир султон** — Тўлиқ исми Муҳаммад Темурдир. Шайбонийлар сулоласининг асосчиси ва биринчи ҳукмдори Муҳаммад Шайбонийхоннинг ўғли. Отаси ўлгандан кейин (916/1510 йилда) тахтга ўтириб, бир неча кундан сўнг вафот этган.
- Темир султон** — Хива хонларидан Оғотойхоннинг ўғли; Ҳожим (ҳожини Муҳаммад) ва Маҳмуд султонларининг ўғай укаси, 40 ёшида вафот этган.
- Тожиш Шарийа** — Бухоронинг машҳур фақиҳи; Убайдулло нбн Масъуднинг бобоси Маҳмуд бинини Аҳмаднинг лақаби.
- Узайр** — Баний Исроил пайгамбарларидан.
- Умар** — Муҳаммад пайгамбарнинг тўрт ёридан бири; Абу Бакрдан кейинги халифа. 23/643 йилда вафот этган.
- Усмон** — Муҳаммад пайгамбарнинг тўрт ёридан бири; Умардан кейинги халифа. 35/655 йилда вафот этган.
- Фарийдун** — Эроннинг хурофот билан қоришган қадимги тарихининг баёнига кўра, у Пешдодийлар сулоласининг бешинчи ҳукмдори ва шу сулоланинг учинчи ҳукмдори бўлган Жамшиднинг невараси эди.
- Фаррухфол мирзо** — Ҳумоюн подшоҳнинг ўғли.
- Фатҳ Мўсули** — Машҳур шайхлардан; исми ва лақаби Фатҳ бинини Али Мўсулидир. 220/835 йилда вафот этган.
- Фирдавсий Тусий** — Эроннинг машҳур классик шоир. Тўлиқ исми ва лақаби Ҳаким Абулқосим Ҳасан бинини Исҳоқ бинини Шараф шоҳ Тусий бўлиб, тахаллуси Фирдавсийдир. Бир ривоятга кўра 411/1020 йилда, бошқа бир ривоятга қараганда 416/1025 йилда вафот этган.
- Фотимаи Заҳро** — Муҳаммад пайгамбарнинг қизи ва имом Алининг хотини. 11/632 йилда вафот этган.

**Фузайл бинни Аёз** — Машҳур шайхлардан. 180/796 йилда вафот этган.

**Хайруддин пошо** — Туркиянинг энг машҳур денгизчиларидан бўлиб, Борборус Хайруддин номи билан шуҳрат қозongan эди. 952/1545 йилда вафот этган.

**Хизр** — Баний Исроил пайғамбарларидан.

**Хизр пошо** — Султон Сулаймон Қонунийнинг вазирларидан ва Бағдоднинг волийси (губернатори).

**Хожа Абдий бийрун** — Бу киши Абдий номли араб қабиласидан бўлиб, бобоси араб қўмондонни Қутайба бинни Муслим билан бирга Туркистонга келган эди. Хожа Абдийнинг қабри Самарқанд шаҳри қўрғонининг ташқарисида бўлгани учун хожа Абдий бийрун деб аталган.

**Хожа Абдий дарун** — Бу киши хожа Абдий бийруннинг ўғли; исми Муизуддин, лақаби эса хожаи Ганж равондир. Қабри Самарқанд қўрғонининг ичкарисида бўлгани учун хожа Абдий дарун дейилади.

**Хожа Абдулхолиқ Гиждивоний** — Машҳур шайхлардан; Абу Яъқуб бинни Юсуф Ҳамадоний (вафоти 535/1140 йилда)нинг тўртинчи халифаси эди. 575/1179 йилда вафот этган.

**Хожа Абу Ҳафс Қабир** — Тўлиқ исми ва лақаби хожа Аҳмад Абу Ҳафс Қабирдир. Бухоронинг машҳур фақиҳларидан ва имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (вафоти 189/804 йил)нинг шогирди. 219/834 йилда вафот этган.

**Хожа Аҳмад Яссавий** — Урта Осиёнинг атоқли шайхларидан ва Яссавия сулуқининг асосчиси, мутасаввуф шoirи; унинг «Ҳикмат» номли машҳур асари бор. 562/1166 йилда вафот этган. Қабри ҳозирги Туркистон шаҳри (Қозоғистон)да.

**Хожа Баҳоуддин Нақшбанд** — Бухоронинг энг машҳур шайхларидан ва Нақшбандия тариқатининг асосчиси. 791/1390 йилда вафот этган.

**Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор** — Нақшбандия тариқатининг энг реакцион шайхларидан; Тошкентда туғилган. 895/1489 йилда вафот этган.

**Хожа Яъқуб Чархий** — хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг муриди. 838/1434 йилда вафот этган.

**Худовандхон** — Гужарот подшоҳи султон Аҳмаднинг амирларидан.

**Чор Бакр** — Номлари Бакр сўзи билан бошланган тўрт шайхга ишорат этилади: 1) Абу бакр Муҳаммад бинни Ҳомид; 2) Абу бакр Муҳаммадулфазл. (Бу икки шайх 325/936 йилда вафот этган); 3) Абу бакр Тархон Абдуллоҳ ибн Муҳаммад (333/944 йилда вафот этган); 4) Абу бакр Аҳмад бинни Саъд (360/970 йилда вафот этган).

**Чўпон** — Бу киши хожа Чўпон ота номи билан аталади. Сайид отанинг муриди.

**Шайх Абдулваҳҳоб** — Ҳиндистонлик шайхлардан. X аср (ҳижрий) охирида вафот этганлиги тахмин этилади. Қабри Таттада.

**Шайх Абдулқодир Қайлоний (Жийлоний)** — Энг машҳур шайхлардан; Қодирия тариқатининг асосчиси. Тўлиқ исми ва лақаби: Фавсул Аъзам шайх Муҳиддин Абдулқодир



ибн Аби Салихул Жийлонийдир. 561/1166 йилда Бағ-  
додда вафот этган.

- Шайх Абдуллатиф** — Турк шайхларидан; султон Сулаймон Қонуний томонидан Бароқхонга юборилган ҳарбий делегация составида бўлган. (Қ. Долош) Сейди Али Раиснинг сўзидан бу шайхнинг Туркияга кетолмай Хоразмдаги Вазир шаҳрида вафот этгани англашилади.
- Шайх Абу Мансур Мотуридий** — Тўлиқ исми ва лақаби: Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Абу Мансур Мотуридий бўлиб, Ҳанафий мазҳабидан бўлган сунний мусулмонлар эътиқодда шу кишига эргашадилар. 333/944 йилда вафот этган.
- Шайх Авҳадуддин Кермоний** — Эроннинг машҳур шоир ва мутасаввуфи. 635/1237 йилда вафот этган.
- Шайх Али Ромитаний** — Нақшбандия тариқатининг йирик шайхларидан ҳисобланади. 721/1321 йилда вафот этган.
- Шайх Алоуддавлан Симноий** — Исми Рукнуддин Аҳмад бинни Муҳаммад, лақаби Абулмакорим. Ешлнк вақтида ҳукумат хизматида эди; сўнгра бу хизматни ташлаб, тасаввуф йўлига кирди. Атоқли шайх ва шоир. 736/1335 йилда вафот этган.
- Шайх Аттор** — Тўлиқ исми ва лақаби шайх Фаридуддин Аттор бўлиб, Эроннинг энг улуғ мутасаввуф шоирларидан ва машҳур шайхларидан, 627/1229 йилда вафот этган.
- Шайх Аҳмад Мағрибий** — Ҳиндистонлик шайхлардан. Лақаби Жамолуддин эди. 737/1336 йилда Деҳлида туғилди. Қабри Аҳмадободда.
- Шайх Баҳоуддин Закариё** — Ҳиндистоннинг машҳур шайхларидан. Тўлиқ исми ва лақаби шайх Муҳаммад Баҳоуддин Закариё бинни Қутбуддиндир. 665/1266 йилда вафот этган. Қабри Мўлтон шаҳрида.
- Шайх Баҳоуддинзода** — Атоқли шайхлардан. Қабри Туркиянинг Қайсария шаҳрида.
- Шайх Боязид Бистомий** — Асл номи Тайфур бинни Исо бинни Одамдир. Олим, шоир ва энг машҳур шайхлардан; Тайфурия тариқатининг асосчиси. 261/874 йилда вафот этган.
- Шайх Бурҳонуддин Муҳаққақ** — Асли термизлик шайх бўлиб, Жалолуддин Румий ва унинг отаси Мавлоно Баҳоуддин Валаднинг дўсти ва суҳбатдоши бўлган.
- Шайх Довуд Тойи** — Машҳур олим, фақиҳлардан ва биринчи табақадаги шайхлардан бўлиб, асл исми ва лақаби Абу Сулаймон Довуд бинни Наср Тойидир. 162/778 йилда вафот этган.
- Шайх Жалол** — Ҳиндистонлик шайхлардан, тўлиқ ном ва лақаби Сайид Жалол Бухорийдир. 785/1388 йилда вафот этган.
- Шайх Жамол** — Ҳиндистоннинг машҳур шайхларидан; мутасаввуф шоир. Асли Деҳли шаҳридан, 942/1535 йилда вафот этган.
- Шайх Иброҳим** — Ҳиндистонлик шайхлардан, X аср (ҳижрий) охирида вафот этгани тахмин этилади.
- Шайх Иброҳим Оқсаройи** — Атоқли турк шайхларидан. Қабри Туркиядаги Қайсария шаҳрида.

- Шайх Мирак** — Ҳиндистонлик шайх ва мутасаввуф шоир. Қабри Татта шаҳрида.
- Шайх Муҳаммад Рожу(й)** — Ҳиндистонлик шайхлардан, Сайид Садруддин Рожуй авлодидан бўлса керак. Х аср (ҳижрий)нинг иккинчи ярмида вафот этганлиги тахмин этилади.
- Шайх Муҳаммад Гаробилий** — Атоқли шайхлардан. Қабри Мўсул шаҳрида.
- Шайх Муҳйиддин Арабий** — Тўлиқ исми Муҳйиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад бинни Али. Энг улуғ мутасаввуф олимлардан ва машҳур шайхлардан ҳисобланади. Ибн Арабий, шайх Акбар лақаблари билан машҳур. 638/1240 йилда вафот этган.
- Шайх Наби хожа** — Турк шайхларидан. Қабри Изникмид (Измир)да.
- Шайх Нажмуддин Кубро** — Хоразмлик энг машҳур шайх. Кубравия тариқатининг асосчиси. Асл исми Аҳмад бинни Умарул Хивақий бўлса ҳам Нажмуддин Кубро лақаби билан машҳурдир. 618/1221 йилда Чингизхон аскарлари томонидан ўлдирилган.
- Шайх Низом Вали** — Тўлиқ исми ва лақаби хожа Низомуддин Муҳаммад бинни Аҳмад бинни Дониёлдир. Ҳиндистоннинг атоқли шайхи ва мутасаввуф шоири. 725/1324 йилда вафот этган. Қабри Деҳлида, амир Хисравнинг қабри ёнида.
- Шайх Низом пийри Патан** — Ҳиндистонлик шайхлардан. Қабри Патан шаҳри (Гужарот)да. Бу киши шайх хожа Низомуддиндан бошқа бир шайх бўлса керак. (Қаранг: шайх Низом Вали).
- Шайх Оқ Шамсуддин** — Турк шайхларидан, исми Шамсуддин бинни Муҳаммад Ҳамза, 864/1459 йилда вафот этган.
- Шайх Рукнуддин** — Ҳиндистонлик машҳур шайхлардан, шайх Садруддин Орифнинг ўғли. 735/1334 йилда вафот этган. Қабри Мўлтонда.
- Шайх Саъдий** — Номи Муслиҳуддин бинни Абдуллоҳ, тахаллуси Саъдий. Эроннинг энг буюк классик шоирларидан ва машҳур шайхларидан. 690/1291 йилда вафот этган. Қабри Шерозда.
- Шайх Садруддин Ориф** — Ҳиндистонлик атоқли шайхлардан, шайх Баҳоуддин Закариёнинг ўғли. 709/1309 йилда вафот этган. Қабри Мўлтонда.
- Шайх Садруддин Қўнивий** — Тўлиқ исми ва лақаби Абулмаалий Садруддин Муҳаммад бинни Исҳоқ. 671/1272 йилда вафот этган.
- Шайх Фарид Шакарганж** — Исми Масъуд ибн Иззуддин Маҳмуддир. Ҳиндистоннинг атоқли шайх ва мутасаввуф шоирларидан ҳисобланади. 664/1265 йилда вафот этган.
- Шайх Хилватиён** — Сейди Али Раиснинг Хоразм шайхларидан Муҳаммад Хилватий, Сайфуддин Хилватий (вафоти 783/1381 йилда), Заҳируддин Хилватий (вафоти 800/1397 йилда) ва бошқа «Хилватий» шайхларнинг қабрларини зиёрат этгани англашिलाди.
- Шайх Шаҳобуддин Сухравардий** — Машҳур шайхлардан ва Шофий мазҳабининг атоқли фақиҳларидан ҳисобланади.

- Исми ва лақаби Абу Абдулло Умар бинни Муҳаммад Суҳравардийдир. 632/1234 йилда вафот этган.
- Шайх Шиблий** — Машҳур шайхлардан, исми ва лақаби Абу Бакр Муҳаммад Жаъфар бинни Юнус. 334/945 йилда вафот этган.
- Шайхул Олам** — Машҳур шайхлардан, исми Абу Бакр Муҳаммад Кулободи, 380/990 йилда вафот этган.
- Шайх Қутбуддин пийри Деҳли** — Тўлиқ исми ва лақаби хожа Қутбуддин Бахтиёр бўлиб, Ҳиндистоннинг машҳур шоир ва шайхларидан ҳисобланади. 633/1235 йилда Деҳлида вафот этган.
- Шайх Ҳомид** — Ҳиндистоннинг атоқли шайхларидан, 940/1533 йилда вафот этган шайх Абдулқодир Сонийнинг ўғли. X аср (ҳижрий)нинг охирларида вафот этган бўлиши керак. Қабри Мўлтонда.
- Шамс Табризий** — Тўлиқ исми ва лақаби Шамсуддин Муҳаммад бинни Али бинни Малиқдир. Табриз шаҳрида туғилди. Машҳур турк мутасаввуфи Жалолуддин Румийнинг пири. 645/1247 йилда вафот этган.
- Шамсул Аиммай Сараксий** — Машҳур фақиҳлардан. Тўлиқ исми ва лақаби Шамсул аимма Абу Бакр Муҳаммад бинни Аҳмад бинни Абий Саҳл Сараксийдир. 483/1090 йилда вафот этган.
- Шамъун** — Баний Исронл пайғамбарларидан.
- Шерхон** — Сур номли афғон қабиласидан, исми Фарид, отасининг номи эса Ҳасан сур эди. Илгари Беҳорда ҳукм сурса ҳам Ҳумоюн подшоҳга итоат этарди, лекин 944/1537 йилда унга қарши қўзғолон кўтарди. 946/1539 йилда Ҳумоюнни тамом енгиб, уни Эронга қочишга мажбур этди. (Қаранг: Ҳумоюн подшоҳ) Бобир давлатининг тахтини эгаллаб, мустақил ҳукм сура бошлади ва ўзига Шершоҳ номини берди. Унинг ҳукмронлиги фақат 5 йилгина давом этди; 952/1545 йилда Қаланжар қалъасини муҳосара этган вақтида ўлдирилди.
- Шоҳ Абулмаолий** — Ҳумоюн подшоҳнинг энг яқин амирларидан эди. Акбар шоҳ уни баъзн бузуқ ҳаракатлари учун Лоҳур зиндонига қамаб қўйди, лекин у зиндондан қочиб Қобулга кетади ва Акбар шоҳнинг укаси Муҳаммад Ҳакимхоннинг ёшлигидан фойдаланиб ҳукуматни ўз қўлига олди. Бундан хабар топган Бадахшон ҳокими Сулаймон шоҳ унга қарши қўшин тортади, икки орада бўлган уруш натижасида Абулмаолий мағлубиятга учрайди. Сулаймон шоҳ уни асир қилиб, Акбар шоҳ ҳузурига юборди. Акбар шоҳ уни 971/1563 йилда қатл эттирган.
- Шоҳи Зинда** — Исми Қусам бинни Аббос, Муҳаммад пайғамбарнинг амакиси Аббос ибн Абдулмутталибнинг ўғли, яъни пайғамбарнинг амакиваччасидир. Қусам ибн Аббос араб аскарлари билан бирга Самарқандга келган ва 57/676 йилда урушда ўлган. Хурофий бир ривоятга кўра, абадий тирик эмиш. Шунинг учун у шоҳи Зинда (Тирик шоҳ) лақаби билан машҳурдир.
- Шоҳинбек** — Тўғриси-Шоҳимбекдир. Ҳумоюн подшоҳнинг энг яқин

мирзоларидан ва унинг муҳрдорн эди. Муаббад номли бир мирзо томонидан қатл этилган.

**Шоҳ Ҳасан мирзо** — Синддаги Оргун давлатининг асосчиси Шоҳбек Оргуннинг ўғли Шоҳ Ҳусайн Оргун бўлиши керак. Отаси вафот этгандан кейин 930/1523 йилда тахтга ўтирган ва 32 йил ҳукм суриб 962/1554 йилда вафот этган.

**Эшмуҳаммад** — Бўжғохоннинг ўғли ва Дўстмуҳаммадхоннинг укаси. 965/1557 йилда уни ҳам Оғотойхоннинг ўғли Ҳожим султоннинг тарафдорлари ўлдирдилар.

**Юнус** — Баний Исроил пайғамбарларидан.

**Юшаъ** — Баний Исроил пайғамбарларидан. Ривоятларга кўра миллодийдан 1580 йил олдин вафот этган.

**Қайсар** — (Кайзер) эски Румо (Рим) ва Бизанс (Византия) императорларининг унвони. Қадимги мусулмон китобларида турк султонлари ҳам Қайсари Рум унвони билан аталадилар.

**Қазибулбон Мусулий** — Лақаби Абу Абдуллоҳ бўлиб, Қодирия тариқатининг атоқли шайхларидан, 570/1174 йилда вафот этган.

**Қанбари Али** — Имом Алининг қули.

**Қозизода Румий** — Машҳур турк олимларидан. Математика ва астрономия фанларида жуда ҳам шуҳрат қозонган. Мирзо Улугбек унинг илм ва фазлини тақдирлаб ўзи бино этган мадрасасига мударрис қилиб тайин қилган эди. 830/1427 йилда вафот этган.

**Қозихон** — Тўлиқ исми ва лақаби Қози имом Фаҳруддин Ҳасан бинни Мансур бўлиб, фарғоналик машҳур фақиҳлардан ҳисобланади. Қозихон лақаби билан ҳам машҳур. 592/1195 йилда вафот этган.

**Қора Баҳодир шоҳ** — Ҳиндистондаги Самана шаҳрининг ҳокими. **Қубод пошо** — Султон Сулаймон Қонуний давридаги турк пошоларидан.

**Қорун** — Баний Исроил бойларидан.

**Қурдзода** — Рўдус санжогининг беги. Султон Сулаймон Қонуний Сейди Али Раисни ўлган ҳисоблаб, унинг ўрнига бу кишини Миср капитанлиги хизматига тайин қилган эди.

**Ҳайдар султон** — Эрон шоҳи Таҳмосп I томонидан Ҳумоюн подшоҳга ёрдам учун юборилган ҳарбий қисмлар орасида ўзбек султонларидан мана шу Ҳайдар султон ва унинг ўғиллари Алиқул ва Баҳодир султонлар ҳам бор эди. Ҳумоюн Ҳиндистонга қайтиб келаётганда Ҳайдар султон йўлда вафот этган.

**Ҳаким ота** — Исми ва лақаби Сулаймон Боқирғоний бўлиб, хожа Аҳмад Яссавийнинг халифаси ва Занги отанинг пири.

**Ҳаллож Мансур** — Машҳур шайхлардан. Асли исми ва лақаби Ҳусайн бинни Мансур Ҳаллождир. Бу киши шариатга қарши гапирган баъзи сўзлари учун 309/921 йилда муллалар фатвоси билан дорга осиб ўлдирилган.

**Ҳасан Басрий** — Тўлиқ исми ва лақаби Абу Саид Ҳасан бинни Жаъфар бўлиб, Басра шаҳрида туғилган машҳур

олим, фақиҳ ва шайхлардан. 110/728 йилда, 89 ёшида вафот этган.

**Ҳасан бинни Урон** — Машҳур турк шайхларидан Ахий Уроннинг ўғли.

**Ҳожи Байрам султон** — Машҳур турк мутасаввуфи ва дин олими. 733/1332 йилда вафот этган.

**Ҳожи Муҳаммад султон** — Хива хонларидан Оғотойхоннинг катта ўғли; Ҳожим султон лақаби билан ҳам машҳур. 1011/1602 йилда вафот этган.

**Ҳорун** — Баний Исроил пайғамбарларидан Мусо пайғамбарнинг укаси.

**Ҳотам Тойи** — Тўлиқ исми ва лақаби Абу Аддий бинни Абдуллоҳ бинни Саъд бўлиб, арабларнинг атоқли қабила бошлиқларидан, шоир, ўзининг сахийлиги билан машҳур.

**Ҳошим султон** — Дашти Қипчоқ хонларидан Бурундуқ хоннинг ўғли, Ҳисор ҳокими 982/1574 йилда Бухоро хони Абдуллахон Ҳисорни қўлга тушириб, Ҳошим султонни қатл этди.

**Ҳумоюн подшоҳ** — Тўлиқ исми ва лақаби Насируддин Муҳаммад Ҳумоюндир. Заҳируддин Муҳаммад Бобирнинг ўғли. Бобир вафот этгандан кейин, унинг ўрнига ўтириб, мамлакатини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Аввал ўз биродари мирзо Комрон, сўнгра Шершоҳ билан курашди. Лекин Шершоҳдан енгилиб, ўз мамлакатидан ажралди. Бир оз вақт Ҳиндистоннинг ғарб томонда ва Афғонистонда юргандан сўнг Эронга қочншга мажбур бўлди. Эрон шоҳи Таҳмосп I томонидан яхши қарши олинди. Бу орада 15 йил ўтди; Деҳлида Шерхондан кейин яна тўрт ҳукмдор ўтди. Ҳумоюн бу ҳукмдорларнинг ўзаро курашларидан фойдаланиб, Таҳмосп I нинг ёрдами билан 962/1554 йилда яна Ҳиндистонга қайтди. Афғонларнинг кейинги шоҳи бўлган Искандар шоҳни тамоман мағлуб этиб, Деҳлини забт этди ва Ҳиндистонда Бобир давлатини қайтадан тиклади. 963/1555 йилда вафот этган.

## ГЕОГРАФИК ВА ЭТНОГРАФИК НОМЛАР

- Аббодон (Ободон)** — Форс қўлтиғининг шимолида, Қорун дарёсининг Шаттул араб дарёсига қуйиладиган жойидаги бандар шаҳар.
- Абҳар** — Эронда, Қазвиннинг 70 километр жануби-ғарбидаги шаҳар.
- Агра** — Ҳиндистоннинг машҳур ва тарихий шаҳарларидан. Жамна дарёсининг бўйида.
- Адан** — Арабистон ярим оролининг жанубидаги шаҳар ва вилоят.
- Аёш** — Туркияда, Анқаранинг 45 километр шимоли-ғарбидаги шаҳарча.
- Алкифл** — Ироқда, Кўфанинг шимоли-шарқидаги шаҳарча.
- Аммора** — Ироқда, Басра билан Бағдод ораси (Дажла дарёсининг ўнг соҳили)даги шаҳарча.
- Андароб** — Афғонистоннинг Қатағон вилоятида, Парвон шаҳрианинг шимоли-шарқидаги шаҳарча.
- Анкури ёки Анкурия** — Туркиянинг ҳозирги пойтахти Анқаранинг бурунги номи.
- Аҳмадобод** — Ҳиндистоннинг Гужарот вилоятида Қамбей бандарининг 71 километр шимолидаги шаҳар.
- Бадахшон** — Тожикистоннинг жануби-шарқий ва Афғонистоннинг шимоли-шарқидаги тоғлик вилоят.
- Бакар** — Ғарбий Покистоннинг Синд вилоятидаги шаҳар.
- Балх** — Афғон Туркистонда. Энг қадимги ва машҳур шаҳар бўлиб, кейин хароб бўлган.
- Бандари Аббос** — Эроннинг жанубида Хўрмуз оролининг қаршисидаги порт шаҳар.
- Бандари Шаҳбо** — Покистоннинг жануби-ғарбидаги порт.
- Барваж (Брочь)** — Ҳиндистонда, Қамбей қўлтиғининг шарқ томонида ва Нарбада дарёсининг ёнида жойлашган шаҳар ва банлар.
- Баҳара (Бҳира)** — Покистоннинг Ғарбий Панжоб ўлкасидаги шаҳар.
- Баҳрайн ороли** — Форс қўлтиғининг ғарб томонида жойлашган орол.
- Баҳройиш** — Ҳиндистоннинг Уттар Прадеш штатидаги шаҳар.
- Бекбозори (Бейпозори)** — Туркияда, Анқарадан 80 километр шимоли-ғарбидаги шаҳарча.
- Биёна** — Ҳиндистонда, Агра шаҳрининг жануби-ғарбидаги шаҳар.

**Бийражик** — Туркияда, Раҳо (Урфа) шаҳрининг 80 километр жануби-ғарбидаги шаҳарча.

**Бистом** — Эроннинг Мозандарон вилоятидаги шаҳарча.

**Бобулмандаб** — Қизил денгиз билан Адан қўлтиғи ва Арабистон ярим оролининг жануби билан Африка соҳили орасидаги бўғоз.

**Бовард (Абивард)** — Харобалари ҳозирги Туркменистонда. Қаахка станцияси ёнида.

**Божвара (Бхаквара)** — Ҳиндистоннинг Шарқий Панжоб ўлкасидаги шаҳар.

**Боғи Фатҳ** — Ғарбий Покистоннинг Синд вилоятидаги шаҳарча.

**Будун (Буде)** — Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрининг бир қисми.

**Бузовуқ (Юзгод)** — Туркияда, шу номли вилоят маркази.

**Бўли (Болу)** — Туркияда, Қора денгиз соҳилидан 50 километр узоқликдаги шаҳар.

**Вон** — Туркияда, Вон вилоятининг марказий шаҳри, Вон қўли ёнида.

**Вонка (Ванго)** — Ғарбий Покистоннинг Синд вилоятидаги шаҳарча.

**Восит** — Ироқда, Басранинг 120 километр шимоли-ғарбидаги шаҳар, хароб бўлган.

**Гужарот** — Ҳиндистоннинг ғарб томонидаги катта бир вилоят.

**Даман** — Ҳиндистоннинг ғарбий соҳилида, Камбей қўлтиғидаги шаҳар. Португалия мустамлакаси эди, 1961 йил декабрь ойида ҳинд армияси томонидан озод этилган.

**Дамур Қапу** — Тоғистон АССР нинг Дарбанд (Дербенд) шаҳри.

**Дарказин** — Эронда, Ҳамадоннинг шарқ томонидаги бир шаҳар.

**Дашти Қипчоқ** — Днепрдан ва Қора денгизнинг шимолий соҳилларидан тортиб Балхаш қўлигача чўзилган, жанубда эса Сирдарёнинг қуйи қисмлари билан чегарадош бўлган кенг дашт XI асрдан бошлаб Дашти Қипчоқ деб аталар эди.

**Див (Диу)** — Ҳиндистонда, Катхивар ярим оролининг жануб соҳили қаршисидаги кичик бир орол. Илгарги Португалия мустамлакаси эди. 1961 йил декабрь ойида ҳинд армияси томонидан озод этилди.

**Домғон** — Шимолий Эронда, Машҳад билан Техрон ўртасидаги шаҳар.

**Дуспул (Дизпул)** — Эроннинг Хўзистон вилоятида; Шустар шаҳрининг 60 километр шимоли-ғарбидаги шаҳар.

**Ени шаҳар** — Туркияда, Бурса шаҳрининг 35 километр шимоли-ғарбидаги шаҳар.

**Жад (Жат)** — Белуҗистоннинг Қаҷқондова вилоятида яшовчи қабила.

**Жазра** — Туркияда, Диёрбакр вилоятидаги шаҳарча.

**Жакад (Дварка)** — Ҳиндистоннинг Саураштра ярим оролида, соҳил бўйидаги шаҳар ва бандар.

**Жамҳара** — Ҳиндистонда Бомбей ўлкасининг Аҳмаднагар райони.

**Жидда** — Саудия Арабистонида. Қизил денгиз соҳили бўйидаги шаҳар.

**Жош (Жаск)** — Хўрмуз бўғозига яқин ва Қийс ороли билан Уммон қўлтиғи орасидаги орол.

**Жуллафор** — Уммон вилоятида; денгиз соҳилига яқин шаҳарча.

**Закия** — Ироқда; Восит шаҳрининг жанубидаги шаҳарча.

**Занжир қалъаси** — Ироқда, Бағдоднинг шимоли-шарқидаги Шаҳрибон шаҳрига яқин тоғ тепасидаги қалъа.

**Зафар қалъаси** — Афғонистоннинг Бадахшон вилоятида.

**Зафор** — Арабистон ярим оролининг жанубида жойлашган Шинҳ районидаги шаҳарча.

**Зобўлистон** — Афғонистоннинг жануби; Ғазни атрофлари ва Белужистоннинг шимолий қисми шундай аталади.

**Ижл (Ижла)** — Бағдоднинг ғарбий томонида, Фурот (Евфрат) дарёси соҳилидаги бир жой.

**Изникмид (Измид)** — Туркияда, Измид қўлтиғи соҳилидаги вилоят, марказий шаҳар. У Кўжа эли деб ҳам аталади.

**Канавуж (Канауж)** — Ҳиндистонда, Агрининг жануби-шарқидаги шаҳар.

**Каликут (Кожикод)** — Ҳиндистоннинг жануби-ғарбидаги шаҳар ва бандар.

**Карбало** — Бағдоднинг 90 километр жануби-ғарбидаги шаҳар.

**Катбоя (Қанбайт, Қамбей)** — Ҳиндистонда; Бомбей штати Гужарот вилоятидаги шаҳар ва бандар.

**Кафа (Феодосия)** — Қрим ярим оролининг жануби-шарқий соҳилидаги шаҳар ва бандар.

**Қаҳмард** — Афғонистонда, Сайғон шаҳрининг шимолидаги шаҳар.

**Кева (Гейве)** — Туркияда, Измиднинг 55 километр жануби-шарқидаги шаҳарча.

**Кекивиза (Гекбуза)** — Туркияда, Измид шаҳрининг ғарб томонида, Измид қўлтиғининг соҳилидаги шаҳарча.

**Кермон вилояти** — Эроннинг жануби-шарқидаги вилоят; маркази Кермон шаҳри.

**Кивондар (Гводар) бандари** — Покистон Макронининг жануби-ғарбида; Гводар қўлтиғининг соҳилидаги бандар.

**Кимзор** — Уммон вилоятида; Хўрмуз бўғози соҳилидаги шаҳарча.

**Кишм** — Афғонистоннинг Бадахшон вилоятида, Рустоқ шаҳрининг жануби-шарқидаги шаҳар.

**Кувва (Гоа)** — Ҳиндистоннинг жануби-ғарбий соҳилида. Илгарг Португалиянинг мустамлакаси эди. 1961 йил декабрь ойида ҳинд армияси томонидан озод этилди.

**Кун (Сорғун)** — Туркияда, Юзғод шаҳрининг шимоли-шарқидаги шаҳарча.

**Кўйнуқ (Гейноқ)** — Туркияда, Болу шаҳрининг 80 километр жануби-ғарбидаги шаҳарча.

**Қўлоба** — Тожикистондаги Қўлоб шаҳри.

**Қўфа** — Араб Ироқининг энг машҳур, қадимги ва тарихий шаҳарларидан бири бўлиб, Бағдоддан 150 километр жанубда, Фурот дарёсининг ғарбий соҳилида бўлган, ҳозир харобалари бор.

**Қўҳи Алванд** — Эронда, Ҳамадон шаҳрининг жануби-ғарбидаги бир тоғ.

**Қўҳи Бистун (Беҳиштун)** — Эронда, Ҳамадон билан Ҳалвон шаҳарлари орасидаги жуда тик тоғ.

**Қўҳи Ниҳованд** — Эронда; Алванд тоғи тизмаларидан. Ниҳованд шаҳри шу тоғ тизмаси ёнида бўлгани учун Қўҳи Ниҳованд деб аталган.

**Ламғон (Лағмон)** — Афғонистоннинг Кобул вилоятидаги шаҳар.

**Лима** — Уммон вилоятида, Уммон қўлтиғи соҳилидаги шаҳарча.



- Лор** — Эроннинг жанубида, Форс қўлтиғи соҳилидаги Лористон вилоятининг марказий шаҳри.
- Мадойин** — Бағдоддан 26 километр жануби-шарқда. Дажла дарёсининг икки қирғоғидаги қадимги шаҳар. Ҳозир бу шаҳарнинг харобалари мавжуд.
- Мазраа қалъаси** — Эроннинг Хўзистон вилоятида, Шустарнинг жануби-шарқидаги қалъа.
- Макрон** — Арабистон денгизининг шимолий соҳилидаги катта бир вилоят бўлиб, бунинг ғарбий қисми Эронга, ўрта ва шарқий қисми Покистоннинг Белужистон вилоятига қарайди. Халқининг асосий қисмини белужлар ташкил этади.
- Малотия** — Туркияда, бундан 150 йиллар илгари бино этилган ҳозирги Малотия шаҳри ёнидаги Эски Малотия номли қишлоқ. Илгари катта ва обод шаҳар эди.
- Мангрот** — Ҳиндистоннинг Гужарот вилоятидаги Катхиавар ярим оролининг ғарбий соҳилидаги шаҳар ва бандар.
- Манкот** — Ғарбий Покистоннинг Панжоб вилоятидаги шаҳар.
- Манғит** — Турк қабиладаридан бири.
- Масқат** — Уммон султонлигининг марказий шаҳри ва Уммон қўлтиғидаги бандар.
- Машҳад** — Эроннинг шимоли-шарқида, Хуросон вилоятидаги шаҳар.
- Маҳзари** — Эроннинг Хўзистон вилоятида, Шаттул-арабнинг Форс қўлтиғига қуйиладиган жойининг шарқ томонидаги шаҳар.
- Маҳмудобод** — Ҳиндистоннинг Гужарот вилоятидаги шаҳар.
- Миср шаҳарчаси** — Самарқанд атрофидаги бир шаҳарча. Амир Темур Самарқанд атрофида бир неча шаҳарча бино этиб, буларга Миср, Бағдод, Дамашқ каби машҳур шаҳарларнинг номларини қўйган эди.
- Мов (Мав)** — Ғарбий Покистонда, Мўлтон шаҳрига яқин шаҳар.
- Можвара (Мачҳивара)** — Ҳиндистоннинг Шарқий Панжоб вилоятидаги Лўдхиана шаҳрининг шарқ томонидаги шаҳар.
- Мозандарон** — Эроннинг шимолий вилояти.
- Мордин** — Туркияда, Диёрбакрнинг 90 километр жануби-шарқидаги шаҳар, вилоят маркази.
- Мудурни** — Туркияда, Бўли (Болу)нинг 48 километр жануби-ғарбидаги шаҳар, район маркази.
- Мўлтон** — Покистоннинг Ғарбий Панжоб вилоятида, Лоҳур шаҳрининг жануби ғарбида.
- Мусаййиб шаҳарчаси** — Ироқда; Бағдоднинг 60 километр жануби-шарқида, Фурут дарёсининг ўнг қирғоғидаги шаҳарча.
- Мўсул** — Ироқнинг йпирк шаҳарларидан бири. Бағдоддан 332 километр шимоли-ғарбда.
- Нажаф** — Бағдоддан 150 километр жанубдаги шаҳарча.
- Нилоб** — Синд дарёсининг кечувларидан бири.
- Носирпур** — Ғарбий Покистоннинг Синд вилоятида; Ҳайдарободнинг шимоли-шарқидаги шаҳар.
- Нисо** — Туркменистонда, энг қадимги шаҳарлардан эди, мўғуллар томонидан хароб қилинган. Бу шаҳарнинг харобалари Ашхабод яқинида ҳали ҳам бор.

- Нишобур** — Эроннинг Хуросон вилоятида, Машҳад шаҳридан 90 километр жануби-ғарбдаги шаҳар.
- Нусайбин** — Туркияда, Мордин шаҳридан 60 километр жануби-шарқдаги шаҳарча.
- Обикора (Гарра)** — Сатлеж дарёси.
- Обимочвора** — Чиноб дарёси бўлса керак.
- Одамхон** — Афғонистондаги қабилалардан бири.
- Омид** — Туркияда, Диёрбакр шаҳрининг бурунги номи.
- Орғун** — Турк қабилаларидан бири.
- Ошиқ-Маъшуқ** — Ошиқ, Бағдоднинг шимоли-ғарбдаги Сомирия қишлоғининг қаршисидаги хароб бўлган шаҳарча. Маъшуқ, Ошиқдан юқорироқ жойда.
- Оғоч денгизи** — Туркияда, Измиднинг шимоли-шарқий томонидаги қалин бир ўрмон. Оғочларнинг кўплигидан шу ном билан аталган.
- Панипат** — Ҳиндистоннинг Шарқий Панжоб вилоятида, Деҳлининг шимолидаги шаҳар.
- Парвон** — Афғонистоннинг Қўҳистон вилоятида, Чорикор шаҳрининг шимоли-шарқдаги шаҳар. Жабалуссиरोж номи билан ҳам аталади.
- Паркар (Нагар Паркар)** — Покистоннинг Синд вилоятида, Ҳайдарободнинг жануби-шарқдаги шаҳар.
- Паршовар (Пешовар)** — Ғарбий Панжоб (Покистон)да, Афғонистон чегарасига яқин шаҳар.
- Патан** — Ҳиндистоннинг Гужарот вилоятида, Паланпур шаҳрининг жануби-ғарбдаги шаҳар.
- Пашойи** — Афғонистоннинг Қўҳистон вилоятида яшовчи афғон қабиласи.
- Раданпур (Радханпур)** — Ҳиндистоннинг Гужарот вилоятидаги Паланпур шаҳридан 92 километр жануби-ғарбдаги шаҳар.
- Рўдус (Родос)** — Ўрта денгиздаги ороллардан бири. Кичик Осиё (Онатўли)нинг жануби-ғарбий соҳилига яқин ва Додеканес ороллари тўдасидаги энг катта орол. Ҳозир Грецияга қарайди.
- Рай Шаҳриёр** — Теҳрондан 5 километр жанубдаги қадимги ва машҳур шаҳар. Ҳозир хароб бўлган. Унинг харобалари ёнида Шоҳи Абдулазим номи бир қишлоқ бор.
- Раъсулхад** — Арабистон ярим оролининг жануби-шарқда; Уммон ўлкаси соҳилидаги бурун.
- Ришҳар** — Эроннинг Форс вилоятида: Бандари Буширдан 8 километр жанубда, Форс қўлтиғи соҳилидаги қадимги шаҳар.
- Рошпут (Рожпут)** — Брахман динида бўлган ҳиндилар беш каста (синф)га бўлинадилар. Биринчи синф руҳонийлар синфидан кейин иккинчи синф ҳарбийлар синфидир. Бу синф Рожпут деб аталади.
- Рум — Румо (Рим)** шаҳри ва римликлар номидан олинган сўз бўлиб, Шарқ халқлари томонидан аввал Рим давлати ва халқига берилган эди, кейин Византия Рум мамлакати деб аталди. Турклар Византия давлатини битириб, унинг ерларига эга бўлганларидан кейин бу ном туркларга кўчди. Бизнинг қадимги китобларимиз-

- да Туркия ҳам Рум мамлакати, турклар, румликлар ва султон эса Қайсари Рум номи билан ёд этилади.
- Рум эли** — Туркиянинг Болқон ярим оролидаги ерлар шу ном билан аталар эди.
- Рустоқ** — Афғонистоннинг Қатағон вилоятида, Ҳонобод шаҳридан шимол-шарқдаги шаҳар.
- Руҳо (Урфа)** — Туркияда, Дийрбакр шаҳридан 145 километр жануби-ғарбдаги шаҳар. Араблар уни Руҳо номи билан атайдилар.
- Сабзавор** — Эроннинг Хуросен вилоятида, Нишобурдан 100 километр шимол-ғарбдаги шаҳар.
- Сабзагарон** — Эронда, Қазвин шаҳри ёнидаги бир қишлоқ.
- Сабонча** — Туркиянинг Измид вилоятидаги қўл ва унинг ёнидаги шаҳарча.
- Садкара (Сатгхара)** — Покистоннинг Ғарбий Панжоб вилоятида, Мўлтон билан Лоҳур орасида, Фотиҳпур шаҳрининг жануби-шарқдаги шаҳар.
- Сайид Ғозий** — Туркияда, Эски шаҳардан 35 километр жануби-шарқдаги шаҳарча.
- Садрус Сувайба қалъаси** — Ироқда, Басранинг шимолида, Қарна шаҳрига яқин қалъа.
- Самана** — Ҳиндистоннинг Шарқий Панжоб вилоятида, Патнала шаҳрининг жануби-ғарбдаги шаҳар.
- Санбал (Самбал)** — Деҳлининг жануби-шарқдаги шаҳар.
- Сангардак тоғи** — Шаҳрисабзнинг жануби-шарқий томонидаги Ҳисор тизма тоғи.
- Саройиш (Саройчик)** — Ёйиқ (Урал) дарёсининг қуйисида, ҳозирги Гурьев шаҳрига яқин бир шаҳар.
- Сақария суви** — Туркияда, Онатўлининг энг катта дарёси, Қора денгизга қуйилади.
- Сивос** — Туркияда, Сивос вилоятининг марказий шаҳри. Анқарадан 372 километр шарқда.
- Семти бандари** — Амударё соҳилида.
- Сиёвон (Сехвон)** — Покистоннинг Синд вилоятида; Ҳайдарободнинг шимолида ва Синд дарёсининг соҳилидаги шаҳар.
- Синд шаҳарчаси (Синджхоро)** — Ғарбий Покистоннинг Синд вилоятида, Шаҳанданпурнинг шимоли-шарқда.
- Симнон** — Шимолий Эронда, Техрондан 184 километр жануби-шарқдаги шаҳар.
- Сихринд (Сирхинд)** — Ҳиндистоннинг шарқий Панжоб вилоятидаги шаҳар.
- Сомира** — Бағдоддан 107 километр ғарбда, Дажла дарёсининг чап соҳилидаги хароб бўлган шаҳар.
- Сувайш бандари** — Мисрда, Сувайш каналининг жанубий қисмида.
- Султония** — Шимолий Эронда, Қазвиндан 150 километр шимол-ғарбдаги эски бир шаҳар.
- Султонпур** — Ҳиндистоннинг шарқий Панжоб вилоятида, Лоҳурнинг жануби-шарқда, Жалландарнинг жануби-ғарбдаги шаҳар.
- Сураг** — Ҳиндистоннинг Бомбей штатида; Гужарот вилоятида, Тапти дарёсининг чап соҳилидаги шаҳар.
- Суҳор (Сахар)** — Уммон вилоятида; Уммон қўлтиғи соҳилидаги шаҳар.
- Сўмнот (Сомнат)** — Ҳиндистонда, Катхнавар ярим оролининг со-

- хили бўйидаги Веравал шаҳрига яқин бир шаҳар бўлиб, харобалари ҳозир ҳам мавжуд.
- Сўнипат (Сонепат)** — Ҳиндистоннинг Шарқий Панжоб вилоятида, Деҳли шаҳридан шимоли-ғарбдаги шаҳар.
- Табриз** — Эрон Озарбайжонидаги энг машҳур шаҳар. Урмия кўлидан 40 километр шимоли-шарқда.
- Тайр (Қуш)** қалъаси — Бағдоднинг шимоли-шарқида, Дажла (Тигр) дарёсининг ғарбий соҳилидаги қалъа.
- Танесар** — Ҳиндистоннинг шарқий Панжоб вилоятида, Қарнал шаҳрининг шимоли-ғарбидаги шаҳар.
- Тароқли Еничаси** — Туркиянинг Измир вилоятидаги Гейве шаҳарчасининг шарқ томонида жойлашган Тароқли деб аталган кичкина бир шаҳар бор. Шу шаҳарга тобе бўлган Енича номли бир қишлоқни Тароқли Еничаси дейилади.
- Татта** — Ғарбий Покистоннинг Синд вилоятида, Ҳайдарободдан 80 километр жануби-ғарбдаги шаҳар.
- Текрит** — Ироқда, Дажла дарёсининг ғарбий соҳилида, Бағдоддан 160 километр шимоли-ғарбдаги шаҳарча.
- Толиқон** — Афғонистоннинг Қатағон вилоятида, Хонобод шаҳрининг шимоли-шарқидаги шаҳар.
- Тоқи Касро** — Ҳозир ҳам харобалари мавжуд бўлган Мадойин шаҳридаги жуда гўзал, жуда катта бир бино бўлиб, унинг харобалари ҳозир ҳам бор. Бу бино Эрон шоҳларидан Нўширвоннинг саройи бўлган, Айвони Касро деб ҳам аталади.
- Туркистон** — Қозоғистонда, Чимкент шаҳрининг шимоли-ғарбидаги шаҳар.
- Турон** — Бурунги эронийлар томонидан Туркистон ўлкасига берилган ном, Амударёдан шарқдаги ерлар.
- Тус** — Эрон Хуросонида; Машҳад шаҳридан 20 километр шимоли-ғарбдаги қадимги шаҳар, харобалари ҳозир ҳам бор.
- Уммон вилояти** — Арабистон ярим оролнинг жануби-шарқидаги вилоят бўлиб, Форс, Уммон қўлтиқлари, Арабистон денгизи ва Рубул-Ҳолий чўли билан чегараланади.
- Ускудар** — Туркияда, Босфор бўғозининг Онатўли соҳилида ва Истанбул қаршисидаги шаҳарча.
- Учи (Уч)** — Покистоннинг ғарбий Панжоб вилоятида, Бахавалпур шаҳрининг жануби-ғарбидаги шаҳарча.
- Фарроши (Паррочи)** — Афғон қабилаларидан бири. Булар Афғонистоннинг баъзи бир жойларида, хусусан, Чорикор шаҳрининг шимоли-шарқий томонида яшайди.
- Формиён** — Ҳиндистоннинг ғарб томонидаги Саураштра ярим оролидаги Порт бандар шаҳри ва бандари.
- Фороб** — Жанубий Туркманистонда, Чоржўйнинг шимоли-шарқидаги шаҳарча.
- Фурот (Евфрат)** — Осиё қитъасининг энг буюк дарёларидан бири. Ироқнинг Қарна шаҳри ёнида Дажла дарёси билан бирга қўшилиб, Шаттул араб номини олади ва Форс қўлтиғига қуйилади.
- Хайбар** — Мадинадан 170 километр шимолдаги шаҳар. Ривоятларга қараганда имом Али яҳудийлар билан бўлган урушда гўё шу шаҳарнинг дарвозасини якка ўзи кўтариб, ғиритиб ташлаган эмиш.

- Хайбар кўтали** — Афғонистон ҳам Покистон орасидаги энг муҳим довон.
- Халаб (Алеппо)** — Суриянинг шимолий томонида, Халаб вилояти-нинг марказий шаҳри.
- Харпут** — Туркияда, Дие́рбакрдан 95 километр шимоли-ғарбдаги шаҳар.
- Хатлон (Хутталон)** — Тожикистоннинг Панж ва Вахш дарёлари орасидаги ерни ўрта асрларда Хатлон (Хутталон) вилояти номи билан атар эдилар.
- Хорак** — Форс қўлтиғида, Эроннинг Форс вилоятига яқин бўлган кичик бир орол.
- Хуросон** — Бурунги араб географлари Машҳад, Нишобур, Сабзавор (Эрон), Балх, Ҳирот (Афғонистон), Марв (Туркма-нистон) томонларини шу ном билан атар эдилар. Кейинроқ бу ном Хуросоннинг Эрон қисмигагина хос бўлиб қолди.
- Хурфакон** — Арабистон ярим оролининг Уммон вилоятида, Уммон қўлтиғи соҳилидаги шаҳар.
- Чаҳоршанба шаҳарчаси** — Сейди Али Раиснинг сўзларидан бу шаҳарчанинг Тожикистондаги Ҳисор шаҳари ёнида бўлгани аглашилади.
- Чорикирон (Чорикор)** — Афғонистонда, Кобулдан 64 километр шимолдаги шаҳар.
- Чорсу шаҳарчаси** — Сейди Али Раиснинг сўзларига қараганда, бу шаҳарчанинг Тожикистонда, Сурхоб дарёси бўйида, Пулисангинга яқин жойда бўлгани тахмин этилади.
- Широз** — Эроннинг Форс вилоятидаги энг машҳур, тарихий шаҳар, вилоят маркази ҳисобланади.
- Шивал (Шиал)** — Ҳиндистоннинг ғарбда, Катхиавара ярим о-лининг жануби-шарқидаги кичик бир орол.
- Ширвон** — Озарбайжонда, Каспий денгизининг ғарбий соҳилида, Кура дарёсининг қуйи оқимидаги бир вилоят.
- Шифота** — Ироқда, Қарбалонинг ғарбда, чўл ичидаги шаҳарча.
- Сихр** — Арабистон ярим оролининг жанубида; Ҳазрамовутнинг шарқий чегараси яқинида, Адан қўлтиғи соҳилидаги шаҳарча.
- Шом** — Орол денгизининг ғарбий томонида жойлашган бир мавзи.
- Шустар** — Эроннинг Ҳўзистон вилоятида, Дўспул (Дизпул) шаҳридан 60 километр жануби-шарқдаги шаҳар.
- Эдирне** — Туркиянинг Европа қисмидаги Эдирне вилоятининг марказий шаҳри.
- Эргани** — Туркияда, Дие́рбакр шаҳридан тахминан 50 километр шимоли-ғарбдаги шаҳар.
- Эски Мўсул** — Ироқда, Мўсул шаҳрининг шимоли-ғарбидаги қишлоқ.
- Яман** — Арабистон ярим оролининг жануби-ғарбидаги мамлакат.
- Қазвин** — Эронда, Техрондан 150 километр шимоли-ғарбда, Техрондан Табризга борадиган йўл устида жойлашган қадимги ва тарихий бир шаҳар. Таҳмосп I Сафавий бу шаҳарни ўзига пойтахт қилган эди.
- Қайсария** — Туркияда, Қайсария вилоятининг марказий шаҳри.
- Қалото** — Тўғри Ғалата, Истанбулнинг бир маҳалласи (Истанбулга иккита кўприк билан боғланган). Сейди Али Раис ғалаталикдир.

- Қалҳот** — Уммон қўлтиғи соҳилида; Масқатдан 126 километр жануби-шарқдаги шаҳар.
- Қандаҳор** — Афғонистонда; Қандаҳор вилоятининг марказий шаҳри, Кобулдан 300 километр жануби-ғарбда.
- Қарқон (Харқон)** — Эронда, Ҳамадоннинг шимоли-шарқдаги шаҳар.
- Қарнал** — Ҳиндистоннинг шарқий Панжоб вилоятидаги Панипат шаҳрининг шимолидаги шаҳар.
- Қасри Ширин** — Эронда, Кермон шоҳдан 160 километр шимоли-ғарбда ва Ироқ чегарасига яқин бўлган шаҳарча.
- Қатиф** — Арабистон ярим оролининг шимоли-шарқдаги Алҳасо вилоятида; Форс қўлтиғи соҳилидаги шаҳарча.
- Қизил Ирмоқ Чошингир** — Қизил Ирмоқ дарёси устига солинган кўприк, Анқара кўприги.
- Қийс (Кишм) ороли** — Хўрмуз бўғози ёнида; Эроннинг Лористон вилоятига қарашли катта бир орол.
- Қиршаҳр** — Туркияда, Анқарадан 145 километр жануби-шарқда, Қиршаҳр вилоятининг марказий шаҳри.
- Қорабоғ** — Афғонистонда; Чорикор шаҳрининг жанубида.
- Қораҳисор Баҳромшоҳ** — Туркияда, Юзғод вилоятидаги районлардан бири.
- Қуводиён (Қободиён)** — Тожикистонда, Афғонистон чегарасига яқин бир шаҳарча.
- Қундуз** — Афғонистоннинг Қатағон вилоятида, Хонобод шаҳрининг шимоли-ғарбда, Қундуз дарёси бўйидаги шаҳар.
- Қўстантиния** — Истанбул шаҳрининг бурунги номи Константинополь.
- Қўния** — Туркияда, Қўния вилоятининг марказий шаҳри.
- Ҳабаш вилояти** — Ҳабашистон (Эфиопия).
- Ҳамадон** — Эрон Ироқининг машҳур ва қадимги шаҳри, Алванд тоғининг шимолий этагида.
- Ҳарбий шаҳарча** — Ироқда; Бағдод билан Сомира орасидаги шаҳарча.
- Ҳилла** — Бағдоддан 100 километр жанубда, Фурот дарёсининг икки томонига жойлашган шаҳар.
- Ҳиндукуш кўтали** — Бу ерда Сейди Али Раис Афғонистон шаҳарларидан Парвон билан Андароб орасида бўлган Ҳиндукуш тоғининг кўталини айтмоқчи.
- Ҳисори Ферузшоҳ** — Ҳиндистоннинг Шарқий Панжоб вилоятида; Деҳлидан 166 километр шимоли-ғарбдаги шаҳар.
- Ҳисори Шодмон** — Тожикистонда, Душанбанинги жануби-ғарбдаги Ҳисор шаҳри.
- Ҳожи Бектош** — Туркияда, Қир шаҳридан 60 километр жануби-шарқдаги шаҳарча.
- Ҳувайза қалъаси** — Эроннинг Хўзистон вилоятида; Аҳвознинг шимоли-ғарб томонидаги қалъа.
- Хўрмуз бўғози** — Форс қўлтиғини Уммон қўлтиғига қўшган бўғоз, Унинг шимолий соҳили Эронга, жанубий соҳили эса Уммонга қарашлидир.
- Хусайния қалъаси** — Ҳилла шаҳрининг жануби-шарқдаги қалъа.

Абриваш — булутдек, булут  
каби.  
Аброр — азинлар, фазилат эгалари.  
Авроқ — варақлар.  
Аждод — боболар.  
Амн — ишончли.  
Ангин — денгизнинг соҳилдан  
узоқ нуқтаси.  
Анжум — юлдузлар.  
Армуғон — ҳада.  
Афлок — фалаклар.  
Ах — биродар; ахи — биродарим.  
Аъдо — душманлар.  
Аҳамм — энг муҳим.  
Аҳиббо — дўстлар.

Бабри ёбон — чўл йўлбарси.  
Бадиҳий — эътироз қилиб бўлмайдиган, очиқ-равшан.  
Барр — қуруқлик, қуруқ ер.  
Бархона — бесўнақай иморат, ташландиқ катта уй.  
Баҳр — денгиз.  
Бенземоқ — ўхшамоқ.  
Бодибон — елкаш кема.  
Бужго — (бужек) ҳашарот.  
Буъд — узоқлик.  
Бўлмоқ — топмоқ.

Вуқуф — хабардор, огоҳ бўлмоқ; аҳли вуқуф — бир нарса ҳақида мукаммал маълумотга эга бўлган кишилар.

Генди — ўзи.  
Герчек — тўғрилиқ, ростлик.  
Гунеш — қуёш.  
Гўтурмоқ — олиб кетмоқ, йўқ қилмоқ, чидамоқ.

Далир — ботир, жасур, қўрқмас.  
Дамсоз — уйғун, мувофик. яқин суҳбатдош, ҳам-оҳанг.  
Дегил — эмас.  
Дилфириб — кўнгилни алдовчи, жозибали, шайдо қилувчи.  
Дорушифо — касалхона.  
Доғи — яна.  
Дўгинди — тўлқин тўсар, тўсик, чиқит.

Емак — овқат, таом.  
Енмоқ — қайтмоқ.

Жовийд — абадий, боқий.  
Жубба — тўн.

Заврақ — қайиқ.  
Заҳаб — олтин.  
Заҳоб — кетиш, йўлга тушиш.  
Зич — астрономия жадвали.

Изтироб — ҳаяжон, сиқилиш, ташиш.  
Интисоб — мансуб бўлмоқ, алоқадорлик.  
Иртифо — юксаклик.  
Истимолат — кўнгилни жалб этиш, тасалли бериш.

**Ихё** — тирилтирмоқ.  
**Иик** — ёмон, паст, нохуш.

**Кубро** — каттароқ.  
**Куҳл** — сурма.  
**Кўбек** — киндак.

**Ливо** — байроқ.

**Майгун** — шароб ранглик.  
**Майёл** — жуда майл этувчи.  
**Малак** — фаришта.  
**Малжаъ** — бошпана, пана жой,  
паноҳ.  
**Маллоҳ** — матрос.  
**Маром** — орзу, тилак, ният.  
**Матлаъ** — бир қасида ё бир  
ғазалнинг аввалги  
байти.

**Маъзур** — узрли.  
**Мағфур** — гуноҳи кечирилган.  
**Маҳан** — меҳнатлар.  
**Михр** — қуёш.  
**Моломол** — тўлиб-тошган.  
**Мубтазал** — хор, эътиборсиз.  
**Мулкат** — мамлакат.  
**Мумтанеъ** — тақиқланган, ман  
этилган; «кўнгил бўл-  
ди мумтанеъ» — кўн-  
гил ман этилди.

**Мумтоз** — имтиёзли.

**Мундафеъ** — даф бўлувчи; ғай-  
ри мундафеъ — даф-  
бўлмовчи.

**Мунтафеъ** — фойдаланувчи;  
улус бўлди мунта-  
феъ» — халқ фойда-  
ланди.

**Муртад** — диндан қайтган.  
**Муртафеъ** — баландга чиқув-  
чи; «қадди мурта-  
феъ» — баланд бўй-  
ли.

**Мустамеъ** — эшитувчи.  
**Мутеъ** — итоатли, бўйсунган.  
**Мутталеъ** — хабардор.

**Набард** — уруш, жанг.  
**Наввоб** — ўринбосар, вакил  
(Ҳиндистонда мулк эгалари-  
нинг лақаби).

**Нор** — ўт, олов.  
**Нузул** — тушмоқ.

**Ол** — авлод, оила қизил.  
**Олида** — қошида, олдида.  
**Олой** — тўда, оломон.

**Панба** — очқизил ранг, пахта.  
**Партав** — порлоқлик, нур.

**Рафъ** — четлатмоқ, бекор қил-  
моқ, бартараф қил-  
моқ.

**Рифъат** — буюклик, улуғвор-  
лик.

**Ришта** — ип.  
**Рутба** — даража.  
**Руъё** — туш.

**Сайф** — қилич.  
**Сард** — совуқ.  
**Саркаш** — итоатсиз, қайсар.  
**Саркуй** — маҳалла, кўча.  
**Саромад** — пешқадам, атоқли,  
нодир.  
**Сафийна** — кема.  
**Сафъ** — куйдириш; қилди  
сафъ — куйдирди.

**Саҳм** — ўқ.  
**Сийм** — қумуш.  
**Симт** — тараф, ёқ.  
**Сонмоқ** — ҳисобламоқ, гумон  
этмоқ.

**Сормок** — қучоқламоқ.  
**Соқинмоқ** — сақланмоқ, эҳти-  
ёт бўлмоқ.

**Совош** — жанг.  
**Сужуд** — сажда қилмоқ.  
**Сунмоқ** — бермоқ, узатмоқ.  
**Сурух** — тешик.  
**Сўймоқ** — ешинтирмоқ, тала-  
моқ, шилиб олмоқ.

**Таб** — иситма.  
**Тавассул** — таянмоқ.  
**Тадорук** — тайёргарлик, ҳо-  
зирланиш.

**Тажрид** — дунёдан юз ўгириб  
якка-ёлғиз ўтирмоқ;  
аҳл тажрид — дунё-  
дан юз ўгирувчилар.

**Тайр** — қуш.  
**Такаллум** — сўзламоқ.



Тараххум — ачинмоқ, раҳм қилмоқ.

Тафҳим — англатмоқ.

Ташбиҳ — ўхшатиш.

Таъриз — киноя йўсинида сўзламоқ, бошқа нарсалар орқали фикр англатмоқ.

Тақвим — календарь, жадвал.

Тифл — гўдак, ёш бола.

Тиши (Диши) — ургочи.

Тобуғ — остона.

Тонг қолмоқ — таажжубланмоқ; тонгмидир? — таажжуб этарликим? не тонг — таажжуб этарлик эмас.

Тўйирмоқ — сездирмоқ.

Тўра — қонун, низом.

Тўша — озиқ, риёқ.

Ужрат — ҳақ, тўлов, ижара.

Узмо — энг буюк.

Уймоқ — эргашмоқ.

Улус — миллат, халқ.

Уммоқ — умид этмоқ.

Унноб — жилон жийда.

Уруж — юқори чиқмоқ, кўтаришмоқ.

Ушшоқ — ошиқлар.

Уютмоқ — ухлатмоқ.

Фарзона — ақлли, бамаъни, андишали.

Фаттон — фитна солувчи.

Фулк — кема.

Хад — ёноқ.

Хаданг — ўқ.

Хун — қон; хун олуд — қонга бўялган.

Хуруш — фарёд, фиғон.

Хўша — бошоқ.

Часпон — лойиқ, муносиб.

Чирик — аскар, қўшин.

Чолмоқ — урмоқ.

Шафтолу — ўпиш, бўса маъносида ҳам ишлатилади.

Шафъ — жуфт, иккита, икки ракат (намоз).

Шер афкан — арслонни йиқитарлик кучга эга, довюрак, мард.

Шимди — энди, ҳозир.

Эл — қўл.

Эмек — меҳнат.

Эрмак — етишмоқ.

Эт — гўшт.

Этмак — нон.

Юф — беҳуда, бўш сўз, суф.

Ялакож — яланғоч қилмоқ, шилиб олмоқ.

Ялон — баҳодир, шижоатли.

Ямин — қасам ичмоқ.

Яғмо — талончилик, босқинчилик; яғмо қилди — талади.

Уксиз — етим.

Уғромоқ — учрамоқ, дучор бўлмоқ.

Қабиҳ — ифлос, хунук.

Қавий — кучли.

Қаллош — алдамчи, фирибгар.

Қапу — эшик.

Қаттол — ўлдирувчан.

Қол — эритиш; қол этмоқ — маъдани эритиб тозаламоқ.

Қотез — кесувчи.

Қўшанмоқ — тақмоқ.

Ғамза — кўз қисмоқ, кўз билан имламоқ.

Ғизо — озиқ.

Ҳабиб — дўст.

Ҳажаб (ҳажаба) — эшик, парда.

Ҳамин — мана шу.

Ҳоримоқ — чарчамоқ.

Ҳумом — шон-шавкатли, жасур, қаҳрамон.